

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

Ҳ. С. СУЛАЙМОНОВ НОМИДАГИ  
ҚҮЛЕЗМАЛАР ИНСТИТУТИ



## II КИТОБ

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти  
Тошкент — 1981

Нашрга тайёрловчилар:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор **Ҳамид Сулаймон** ва филология фанлари кандидати **Фозила Сулаймонова**.

Масъул муҳаррирлар:

Филология фанлари доктори, профессор **А. Р. Рустамов**, филология фанлари кандидати **М. Раҳматуллаева**.

X-76.

Хоразмий Ҳасфиз.

Девон. Икки китобда. — Т.: ЎзКП МК нашр., 1981.


Сарл. олдида: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси Ҳ. С. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институти.

К. 2. ([Масъул муҳаррирлар: А. Р. Рустамов ва бошқ.]). 1981. 304 б.

Хорезми Хафиз. Диван. В 2-х книгах. Кн. 2.

Уз I

© Издательство ЦК Компартии Узбекистана, 1981.





Хизр хатинда ўшанинг об-и ҳайвон издагил,  
Жон тилар бўлсанг лаб-и лаълини сўруб жон издагил.

Гар тилар бўлсанг даво-йи дард-и дилини жон била,  
Дардни ҳосил қилиб, пайваста дармон издагил.

Бенавое ишқ бўлуб, ўз муродингдин кечиб,  
Фақр бирла фахр этиб, мулк-и Сулаймон издагил.

Фақр тўнин қадринга лойиқ тилар бўлсанг мудом,  
Офтобу моҳтак ўзунгни урён издагил.

Зарра янглиғ сан ҳаво-йи ишқда рақсон бўлуб,  
Бош-адоқдин билмайин меҳр-и дарахшон издагил.

Танга баста бўлмагил чун жон-и жонсан сан бу дам,  
Толиб-и ҳақ бўлғилу жон бирла жонон издагил.

Хор-и ҳастийдур санга монигъ гулистон завқидини,  
Хордин кеч, булбул-и жон, сан гулистон издагил.

Ошиқ-и содиқ эсанг, жонон учун жон ўйнагил,  
Неча мушқил бўлса жон ўйнамоқ, осон ўйнагил.

Чунким айладинг жигар бирён муҳаббат ўтина,  
Бошни бир ён солғилу жонингни бир ён ўйнагил.

Гар бошингни жавр микрози била кесса нигор,  
Шамътак мажлис аро гирёну хандон ўйнагил.

Ишқ нори бирла ёндурса сани ул юзи гул,  
Ёнмас булбулсифат ҳар лаҳза нолон ўйнагил.

Ишқнинг шатранжини донолар ўйнади, вале  
Утса утсунлар сани, эй гўлу нодон, ўйнагил.

Гар жафо шамширини чакса ўшул султон санга,  
Сийнани қалқон қилиб, эй сийнақалқон, ўйнагил.

Ишқ ўйнамоқ хуш эрмас, Ҳофизо, вайронада,  
Боғу бўстонларни казгил, жўйжўён ўйнагил.

Дурд-и дардин жом-и ишқиндин равон нӯш айлагил,  
Неким, андин ўзга бор, борин фаромуш айлагил.

Журъае дилдорнинг лаълининдин издасанг мудом,  
Завқ бирла ул хум-и саҳбо бикин хуш айлагил.

Лаъл-и шакарборини ёд айлаганда жон била,  
Берса захроб илгинин, шарбат бикин нӯш айлагил.

Бўлмаса ишинг кифоят ақл бирла ҳушдин,  
Бода-йи ишқин ичиб ўзуинги беҳуш айлагил.

Тун кечаким дўст бирла рост эрди соз-и айш,  
Эмди кўргузуб наво ёд-и шабдўш айлагил.

Чанг-и ишратсоз сўзлар айшнинг сўзин мудом,  
Пирнинг қавлини, эй иозук жавон, гўш айлагил.

Ер сўз сўзлаган аро, Ҳофизо, сўз бор экан,  
Жон қулоқини очиб ул дамда хомуш айлагил.

Ширин лаби сўргилу сўзим жондин эшиттил,  
Тўтғий тилагини шакаристондин эшиттил.

Гар мандин эшитмасанг анинг васф-и лабини,  
Борғил тақи ул лаъл-и Бадахшондин эшиттил.

Ушбу жигарим хун бўлуриин лаъл-и лабитак,  
Сўргил тақи ул ғунча-йи хандондин эшиттил.

Авсоф-и жамол-и гул-и бўстонни тиласанг,  
Гулзор ора булбул-и нолондин эшиттил.

Ул булбул-и волон сўзин, эй бод-и баҳорий,  
Мискиналик этиб ҳусни гулистондин эшиттил.

Ҳар тийр-и балоким тикибдур юрагимга,  
Ман айтайим ул ғамза-йи пинҳондин эшиттил.

Зулфу юзининг сўзларини айтган ора,  
Ҳофиз бикин сан куфр ила имондин эшиттил.

Жон хилватина кириб жононни талаб қилғил,  
Қуллик сифатин билиб султонни талаб қилғил.

Бир қатра ўз-ўзунгни маҳв айлаб ўшандин сўнг,  
Бир қатранинг ичинда уммонни талаб қилғил.

Гар сайд-и маоний бас қилмоқ тилаюр бўлсанг,  
Шаҳбозсифат ҳар дам жавлонни талаб қилғил.

Доно кишилар иши мушкил кўрунур ҳоли,  
Ҳол ўгли бўлиб, эй дўст, нодонни талаб қилғил.

Меҳмон-и хаёлинга жонингни қилиб қурбон,  
Қурбонинг учун, эй жон, меҳмонни талаб қилғил.

Бурҳон-и валоятни жон бирла тилар эрсанг,  
Бу завқлу сўзларда бурҳонни талаб қилғил.

Чун куфрсизни топмас имонни киши, Ҳофиз,  
Куфр-и хам-и зулфинда имонни талаб қилғил.

Васлинг била, нигоро, бизга паём қилғил,  
Қадғуни ошиқингга бир дам ҳаром қилғил.

Ушшоқ-и бенавонинг кўнглини издар эрсанг,  
Хандону шод бўлуб, хуррам хиром қилғил.

Кўз қошидин кетарга, эй сарв, қилма оҳанг,  
Об-и равони бордур, анда мақом қилғил.

Қаддингни сарв-и озод кўрдиса бўлди ҳайрон,  
Жонтак равон бўлуб кел, ани гулом қилғил.

Жон қушин овлар эрсанг юз оли бирла ҳардам,  
Ҳолингни дона айлаб, зулфунгни дом қилғил.

Ой юзунг узра зулфунг ҳақи учун, нигоро,  
Ошиқга лутфу эҳсон ҳар субҳу шом қилғил.

Қилман тамаъ саломунг ман бенаво ҳамиша,  
Ҳуснунг закоти, эй жон, гаҳ-гаҳ салом қилғил.

Ҳуснунг шароби учун кўзумни жом этибман,  
Ул жом-и май била сан шурб-и мудом қилғил.

Сантaк жаҳоннинг ичра моҳ-и тамом йўқдур,  
Ҳофизга кўргузуб юз, сўзин тамом қилғил.

555

Замона офатисан, ҳар замон бало қилғил,  
Бало-йи ишқ била жонни мубтало қилғил.

Кўзум ҳақи санинг ул ой юзунгда бeр турур,  
Карам қил эмди ўшул ҳақни сан адо қилғил.

Кўзум ииёзи буким кўрса бир жамолингни,  
Не бўлғай ушбу гадо ҳожатин раво қилғил.

Камол-и ҳуснунга нуқсон агар тиламас эсанг,  
Бирар-бирарда бу ошиқга марҳабо қилғил.

Жаҳонни кўз кўра ул тиг-и ғамзадин кечуриб,  
Қизил қонимга ким айтур кўзунг қаро қилғил.

Айтдинг эрди висолимни топғасан ўлсанг,  
Ўлурман, эмди ўшул ваъдага вафо қилғил.

Даригу дард била ўлмасун тесанг Ҳофиз,  
Кўнгулини сўра келгил, тақи даво қилғил.

556

Шякаста ҳолима кўз учидин назар қилғил,  
Фироқ кечасини васл ила саҳар қилғил.

Бу ақлу ҳушдин асри малул бўлди кўнгул,  
Шароб-и васлнинг ила ҳолини дигар қилғил.

Бу хаста дилни қачонким сўра келур бўлсанг,  
Насим бики сабодин равон хабар қилғил.

Итобу ноз манга қилмагил тесам, эй дўст,  
Итобу ноз ўшул дамда бештар қилғил.

Жафову жавр маним хаста жонима айлаб,  
Ким айтди сангаким мани дарбадар қилғил?

Азиз бўлмоқим издар эсанг жаҳон ичра,  
Изнинг тўзини бу хокийға тож-и сар қилғил.

Берарда тўтғий-и гўё бикин бу Ҳофизга,  
Тиллағин бергилу оғзини пуршакар қилғил.

— 8 —



Кўзингни очғилу оламга бир назар қилғил,  
Жаҳон бўлуб, бу жаҳондин равон гузар қилғил.

Шароб-и дарду муҳаббатдин издасанг ранге,  
Жигарни хуну тақи хунни пас жигар қилғил.

Бу фоний дунё-йи дун-и данийни тарк қилиб,  
Бақойи олам-и маънода сарбадар қилғил.

Ғанимат-и ду жаҳонни тилар эсанг ҳосил,  
Кечиб ўзунгдин ҳар дамда юз сафар қилғил.

Ҳаво-йи олам-и маънода издасанг парвоз,  
Ҳаво-йи ишқдин ўзунга болу пар қилғил.

Савод-и хатт-и сиеҳинда нур издар эсанг,  
Юзини ёд қила шомни саҳар қилғил.

Бошармоқ издар эсанг ушбу йўлни, эй Ҳофиз,  
Тариқ-и ишқда жон бирла тарк-и сар қилғил.

Ғорате ҳар гўшада, эй кўзи жоду, қилмағил,  
Ушбу лутфунг бирла ошиқларни бадхў қилмағил.

Жавр бирла тўкмағил халқ аро кўзум ёшини,  
Обрўйимни манним об-и лаб жў қилмағил.

Ман заифу нотавон бўлдум санинг дардинг била,  
Боре ҳижрон бирла сан ҳам зўр-и бозу қилмағил.

Чун кесибдур тийғ-и ҳижронинг ниҳол-и умрни,  
Ваъда-йи васлинг била ўлганга дору қилмағил.

Холу зулфунгдин димоғ-и жон бўлубдур мушкбўй,  
Холу зулфунг бор эркан мушкни бў қилмағил.

Кўзларинг қошинда савмағил бу мушкни холни,  
Турк дашти бор эркан майл-и Ҳинду қилмағил.

Нозанисан ман ивёз ила бўлубман хок-и роҳ,  
Ким теди Ҳофиз бошин хок-и сар-и кў қилмағил.

Айта билмасман кўзумнинг ёшинаким, оқмағил,  
Ғамза-йи кофир била жон мулкин, эй жон, оқмағил.

Айтган ора санин жоннинг эрурман тею,  
Кўзунг учи бирла ногоҳ ўзгага кўз қақмағил.

Ишқнинг сиррини пинҳон айладим ман халқ аро,  
Ғамза-йи ғаммоз бирла ногоҳон сан чақмағил.

Сан назарбозу бу ошиқ ишқда жонбоз эрур,  
Ушбу жонбозинг бор эркан ўзга ёнға бақмағил.

Марҳам-и васлингни ёқғил сина-йи мажруҳға,  
Дойммо ҳижронинг ўти бирла они ёқмағил.

Зулф-и печочечинг эрур жонға занжир-и бало,  
Ул бор эркан бўйнума занжир ўзга тақмағил.

Жон била савғали сани ўзгаларни савмади,  
Ўзгаси ёлгонни бу Ҳофиз жонига тақмағил.

## 560

Эй шаҳзода, лутф ила гаҳ-гаҳ қулунгни ёд қил,  
Ғам илгидин озод этиб, хаста кўнгулни шод қил.

Банд-и ғам ичра хастаман, зулфунг бикни ишкастаман,  
Ишкастаю ҳам бастаман, бу қулни, кел, озод қил.

Ул ганж-и ҳуснунг ишқида бўлдум хароб, эй нозанин,  
Вайрона кўнглумни бироз лутфунг била обод қил.

Ишқ ичра жон бирла тилар тан хок-и роҳинг бўлғали,  
Шаҳр-и вужудумни йиқиб жон мулкида бунёд қил.

Жабрунг элиндин дод теб, фарёд қилсам ногоҳон,  
Ҳар бир жафоу жавр учун жонимга юз бедод қил.

Эй дола юзлу ол мангиз, сарв-и хиромонтак чиқиб,  
Бурқаб кетариб ҳуснунгга хуршидни минқод қил.

Ҳофиз эрур жоний бу дам ул ғамзаю кўзунг савуб,  
Ул турк-и кофиркешни жони учун жаллод қил.

Мубтало бўлди кўнгул дард била дармон қил,  
Мушкилимни билиб, эй жону жаҳон, осон қил.

Кўнглум ишқинг ўтиндин ёна билмас не тежин,  
Қонина сўрарам ўш ҳоле ани бирён қил.

Завқсиз зоҳид-и афсурда элиндин куйдум,  
Жомни ошиқ-и дилсўхтадин бир ён қил.

Ошкоро мани гар жавр била ўлтурсанг,  
Лутф этиб ноз сўзин ғамза била пинҳон қил.

Олдинг, эй жон, кўнглумни тақи зойиъ қилдинг,  
Зойиъ этган кўнглумни манга, кел, тавон қил.

Ачи сўзин ғамгин лаълингга сан ўтратма,  
Сучи сўз бирла равон нарх-и шакар арзон қил.

Ҳофиз-и хаста бикин барчани савдоға еолиб,  
Ҳар замон зулф-и каманди била саргардон қил.

Ҳар лаҳза маним жонима, эй дўст, жафо қил,  
Бу жавру жафо қилмоқ уза боре вафо қил.

Лутф эткали кўнглинг тиламас бўлса бу қулға,  
Кўнглинг учун айлама ани баҳр-и худо қил.

Айём-и висолинг манга чун умр эди, кечди,  
Кечган бу умрни манга, кел эмди, қазо қил.

Ул ё бики қошинг тақи ғамзангнинг ўқиндин,  
Жонни аямасман ҳадаф-и тийр-и бало қил.

Қошинг ҳавосинда мани ё бики хам айлаб,  
Халқ аро янги ойтак ангуштнамо қил.

Ҳолимға кўз учи била гаҳ-гаҳ назар айлаб,  
Икки қаро кофирни бу холимға гуво қил.

Кўз учи била қаҳр қилиб бир назар этмай,  
Ким тедиким ол қонима кўзунгни қаро қил.

Хуршид-и жамолингни манга кўргузуб, эй жон,  
Бир зарра-йн саргашта бикин бесару во қил.

Юз турлу кудурат арода бор, валекин,  
Юзунгни очиб Ҳофиз ила эмди сафо қил.

563

Навбаҳор эрур чаманда, соқий, айш оғоз қил,  
Чанг бирла уду найни завқ этарга соз қил.

Ошиқона нолау гулбанг этиб чимган аро,  
Булбул-и ошифтани ўзинг била дамсоз қил.

Ростий ушшоқ-и бекаргу навоға лутф этиб,  
Бу мақом ичра мақом-и дилнавоз оғоз қил.

Бўстон-и ҳусн ичра очди эрса гул юзин,  
Булбул-и шайдо бикин ҳар ёнға бир парвоз қил.

Ғунча янглиғ зарфишонлиқ ёнина солма гириҳ,  
Гулнинг авроқи бикин неким бор эмди боз қил.

Қадд-и жонони хиромон бўстон ичра кўруб,  
Ёд-и шамшод айламаю тарк-и сарвнот қил.

Гулястони айш ичра гул бикин хандон бўлуб,  
Лутф бирла Ҳофиз-и майхорани овоз қил.

564

Васл бирла ошиқ-и бечорани шод айлагил,  
Йўлдин озган қулни лутфунг бирла иршод айлагил.

Подшоҳ-и ҳусн эурсан, лутфу эҳсонинг била,  
Банд-и ғамдин бандани бир лаҳза озад айлагил.

Қадр кечаси бикин зулфунгни юздин кетариб,  
Офтобу моҳни ўзунгта минқод айлагил.

Раҳм қилмай ошиқ-и бечораларнинг ҳолина,  
Ким айтдиким санга кўнглингни пўлод айлагил.

Кўп жафоу зулм этар кўзунг, вале сўзунг била  
Раҳм этиб мазлумларға ҳар нафас дод айлагил.

Жон чакаримни билиб ул лаъл-и шаккарбор учун,  
Қисса-йи Ширин била ҳамаҳд-и Фарҳод айлагил.

Қулларингни ёд қилсанг тарбият қилмоқ учун,  
Банда-йи диринадур Ҳофизни ҳам ёд айлагил.

Ўзгалар бирла бориб майл-и шароб айламагил,  
Жигаримни ғам ўти бирла кабоб айламагил.

Нозанисан санга юз турлу ниёзим бор экан,  
Ўзгаларнинг ҳаққина нозу итоб айламагил.

Ғаму дардинг била маъмур эрур жону кўнгул,  
Дарду ғам бермай ўш онларни хароб айламагил.

Гоҳ-гоҳи келибон бўлган аро банданавоз,  
Умртак кетгали ҳар лаҳза шитоб айламагил.

Лаб-и лаълинг ҳаваси бирла кўзумнинг ёшин  
Табак-и зар уза чун дурр-и хушоб айламагил.

Печу тоб издамасанг хаста маним жоним учун,  
Гул уза сунбул-и серобини ноб айламагил.

Тийра бўлмасун агар тесанг Ҳофиз кўнглин,  
Зулф-и шабрангни юзингга ниқоб айламагил.

Ишқинг олида улки жигархун дагул,  
Лайли-йи вақт эруру Мажнун дагул.

Дол сифат зулфи ғаминдин бу дам,  
Кимнинг алиф янгли қади нуи дагул.

Қадина ҳар кишкики майл этмади,  
Табъи баче каждуру мавзун дагул.

Тудоқи ранги бики қил кўз ёшин,  
Хуш эмас ул бодаки, гулгун дагул.

Бермагани лаъл-и лабиндин шифо,  
Ошиқ-и дилхастага қонун дагул.

Ёрни ташғару талаб қилмагил,  
Сандин ўшул ёр чу бирун дагул.

Ҳофиз тупроқи бўла билмағай  
Хокким, ол қон била маъжун дагул.

Сан шоҳ бўлгали қаю шаҳким гадо дагул,  
Маънода ул гадой эрур подшо дагул.

Таҳқиқ бўлди жонғаки тангри балосисан,  
Чун ул қадинг балоси бигин ҳар бало дагул.

Гар жаврнинг насибини жонимдин ўзгага  
Қилсанг боре, бу хастага ҳаргиз вафо дагул.

Зулфунга бўлди халқ-и жаҳон мубтало, вале  
Мантак каманд-и зулфунга бир мубтало дагул.

Махмур янгли ул қаро кўзунг замонида,  
Сўфий-и шаробхора эрур норсо дагул.

Бегона бўлмағунча киши ёру дўстдин,  
Ҳаргиз эшигинг итларина ошно дагул.

Оч ўлган итларингни эшигингда кўрсаман,  
Бу Ҳофиз-и ғариб бикин бенаво дагул.

Тўтғий сучи лабинг бики шакаршикан дагул,  
Бўлса сучи сўзи тақи шакардаҳан дагул.

Лаъл-и лабингни издаю чакдим ҳамиша жон,  
Чун лаъл топмади киши ким кўҳкан дагул.

Давр-и лабингда тўбийни синдурди ошиқинг,  
Чу мўмин эрмас ул кишиким, бутшикан дагул.

Ҳуршиду моҳ юзунга танг-тўш кўрунмади,  
Чун равшан эрур ивиси сиймин зақан дагул.

Сарву гул санинг бики боғу чаманда йўқ,  
Гар бўлса ҳам санинг бики нозукбадан дагул.

Ҳусн ичра қани бир гул-и нозук санинг бики,  
Бир булбул манинг бики ҳам наъразан дагул.

Шеърки ҳусн сўзи била хатм бўлмаса,  
Ҳофиз қошинда ул бори шеър-и ҳасан дагул.

Иззат агар издасанг хоксифат хор бўл,  
Шарбат агар издасанг жон била бемор бўл.

Толиб-и дийдор эсанг боқма бу деворға,  
Уйқулама туну кун ҳозиру бедор бўл.

Иўқдур агёр ҳеч жумла жаҳон ичра дўст,  
Кечгил ўзунгдин тақи барча била ёр бўл.

Жону кўнгул дардина издаюр эрсанг даво,  
Қилма даво ёдини жону дилафгор бўл.

Ишқдин ўзгага йўқ олам ичиндаким вужуд,  
Сирр-и ана-л-ҳақни бил, воқиф-и асрор бўл.

Хор-и жафо ҳар неча тикса юрагингга яра,  
Сан гул-и хандон бикин очилу ҳам гулзор бўл.

Турраси занжиридин шуҳрат агар издар эсанг,  
Ҳофиз-и шабрав бикин шаҳрда таррор бўл.

Ёр агар издар эсанг ҳам бирла доим ёр бўл,  
Дурдий-и дардини ҳар дам нўш этиб ҳушёр бўл.

Бу харобот-и маонийда тиласанг журъае,  
Хок-и раҳтак хор бўлуб, толиб-и хаммор бўл.

Шарбат-и лаъл-и лабиндин издаюр бўлсанг шифо,  
Дард-и дилни ҳосил айлаб жон била бемор бўл.

Гар тиласанг жон бикин асраса ул жовон сани,  
Кечгил ушбу жондину кел маҳрам-и асрор бўл.

Издар эрсанг ишқ йўлинда ризо-йи дўстни,  
Неким авдин ўзга бордур боридин безор бўл.

Юзини тушумда кўргайман тею уйқулама,  
Уйқу ичра кўрмага бўлмас ани, бедор бўл.

Ишқ дининга кириб гар мулк-и боқий издасанг,  
Ушбу фоний дунёдин кеч, толиб-и дийдор бўл.

Неча сан гирд-и жаҳонни казгасан паргортак,  
Қилгил, эй Ҳофиз, қарору нуқта-йи паргор бўл.

Банда-йи хақ бўлу оламнинг уза султон бўл,  
Ийд-и жон издаю ғам матбахида қурбон бўл.

Неча сан девсифат халқ ора юругасан,  
Кунж-и узлатни талаб айлаву хуш инсон бўл.

Ушбу кўзлар қошида тан бики пайдо бўлмай,  
Жон бикин жумла жаҳоннинг кўзидин ниҳон бўл.

Дона-йи васлни гар издар эсанг жон бирла,  
Дом-и занжир-и сар-и зулфида саргардон бўл.

Юзини кўрган аро гар тиласанг завқ-и симоъ,  
Юзининг меҳри била заррасифат рақсон бўл.

Лаззат-и фақру фанони тоға билдинг эрса,  
Шамъ янглиғ ёниб ўрта, орада хандон бўл.

Ушбу Ҳофиз бики сан фақру фано йўлинда  
Дард-и дил ҳосил этиб, восил-и ҳар дармон бўл.

Гар талабгар-и гул эрсанг, ҳамдам-и ҳар хор бўл,  
Хорнинг жаври чакиб гул бирла донм ёр бўл.

Хор-и ҳастийнинг яқосиндин тутуб ўтга ёқиб,  
Бўстон-и ваҳдат ичра чун гулу гулзор бўл.

Борма ҳайвонлар бикин ҳар ёнға, эй сувратпараст,  
Бўй-и хуш издар эсанг кел ҳамдам-и Аттор бўл.

Маст-и ғофилнинг иши эрмас бу йўлни юрумак,  
Маст-и оқил бўлубон бу йўлга кир, ҳушёр бўл.

Жону кўнглунг кўзгусини пок занг-и ғайрдин  
Қилғилу соф ойнатак қобил-и анвор бўл.

Ишқ бозоринда гар сан толиб-и дийдор эсанг,  
Неким андин ўзга бордур боридин безор бўл.

Сўз ўшулдур, Ҳофизо, гар ошиқ эрсанг жон била,  
Шамътак артага тегру сўз ила бедор бўл.



Алдадинг олдинг кўнгилини бор бўл,  
Ошиқ-и бечорага дилдор бўл.

Куйдум, ўртандим фироқнинг илгидин,  
Асра қулни маҳрам-и асрор бўл.

Оҳим ўтиндин жаҳон ўртанмасун,  
Уйқулама, дойимо бедор бўл.

Ошиқ-и бечора ўлса пушмагай,  
Нечаким бўлса жаҳон сан бор бўл.

Қилма ҳар нокас била тенг туш мани,  
Асл дилбарликни бил, айёр бўл.

Ҳар кишининг қадр-и ҳолини билиб,  
Ошиқ овламақ сан даркор бўл.

Ишқ таррори бу дам Ҳофиз эрур,  
Юз ўшанча сан тақн таррор бўл.

Гулистон ичра аё сарв-и хиромон бўлғил,  
Ол ўшул энглар ила рашк-и гулистон бўлғил.

Ойна элга олиб ҳусну жамолинингни кўруб,  
Қудрат-и ҳақни савут шаклига ҳайрон бўлғил.

Нозанинсан кўнгул издар эсанг, эй шоҳ-и жаҳон,  
Ноз кўп қилмағилу бандага меҳмон бўлғил.

Қувват-и жон издаю ёқут лабингдин ҳар дам,  
Шукр қилганим арода шакарафшон бўлғил.

Абр-и найсон бики жаврингдин агар игласам,  
Қаршуда хуш очилиб, гул бики хандон бўлғил.

Тонг эрур кечада хуршид туғари, эй дўст,  
Кеч келиб кечада хуршид-и дурахшон бўлғил.

Шоҳ-и бомаъно ўшулдурким эрур банданавоз,  
Лутф ила жумла-йн олам уза султон бўлғил.

Неча кофирлиқ этиб жавру жафо қилгансан,  
Тарк-и жавр айлагил, эй турку мусулмон бўлғил.

Кўп жафо қилдингу раҳм айламадинг Ҳофизга,  
Кел, жафо қилмоқдин эмди пушаймон бўлғил.

575

Танишмаган кишигак бўлма, ошно бўлғил,  
Бу дард-и жонима бир дам келиб даво бўлғил.

Вафову лутфу карам бирла кўнглум овламай,  
Умр бикин санга ким теги бевафо бўлғил.

Мурод бирла жамолингни бир замон кўрайим,  
Рақибдин нафасе жон бикин жудо бўлғил.

Қулунг бўлубман, бўйнулга қўл ҳамойил этиб,  
Кўнглум издагилу ҳосил-и дуо бўлғил.

Тиласанг икки жаҳоннинг саодатин топтоқ,  
Шикасталар қошида шоҳ эсанг, гадо бўлғил.

Қилур бало бу хиромон юрумагинг ҳар дам,  
Қиёмат эткучи боло била бало бўлғил.

Билиб бу Ҳофиз-и бечора ҳолини, эй дўст,  
Қаму йигитлар аро ёр-и мунтаҳо бўлғил.

576

Бўлма бегона, ошно бўлғил,  
Фақрининг йўлида гадо бўлғил.

Суврат ичра гадо-йи ишқ бўлуб,  
Мулк-и маънода подшо бўлғил.

Маъҳар-и ҳақ чу сан эурсан дўст,  
Қул бўлуб толиб-и худо бўлғил.

Ҳок аро қолмағил қурозасифат,  
Толиб-и вася-и кимё бўлғил.

Эмди кибру риёни тарк қилиб,  
Маҳзан-и сирр-и кибриё бўлғил.

Қайдаким ишқнинг садоси бор,  
Жон била ҳамдам-и садо бўлғил.

Тилар эрсанг азиз-и ишқ ўлмоқ,  
Ҳофизо, хору ҳок-и но бўлғил.

— 18 —

Кўргузуб лутф, жон-и жон бўлғил,  
Ошкорову ҳам ниҳон бўлғил.

Не бало бўлса жонима тегсун,  
Санки жонимдасан омон бўлғил.

Ман бўлубман малул кўнглумдин,  
Кўргузуб юзни дилситон бўлғил.

Гар ниҳон издасам сани дилбар,  
Анда хуршидтак аён бўлғил.

Хор-и ҳастийни ишқ ўтиға ёқиб,  
Юзунг очғилу гулистон бўлғил.

Ушбу боғ-и маоний ичра казиб,  
Банда ҳақинға боғбон бўлғил.

Ҳофизо, издасанг кўнгул тилагин,  
Хор чун хок-и остон бўлғил.

Минг фитна бир ғамза била, эй офат-и жон, қилмағил,  
Машҳур ободон кўнгул шаҳрини вайрон қилмағил.

Завжир-и зулфунг кўргали Мажнунға ҳолим мангзаюр,  
Девона ошиқ ҳолини сан ҳам паришон қилмағил.

Шамъ-и жамолнинг бирла сан парвонатак жонлар ёқиб,  
Ғурбат ўти бирла маним бағримни бирён қилмағил.

Жону жаҳондин кечмаган ишқ ичра бас гадоё эрур,  
Ҳар бир гадоня ўзунгга, эй шоҳ, меҳмон қилмағил.

Ман жон берурман бир нафас лаъл-и лабингни сўргали,  
Сан ҳам муродимни билиб ўзунгни нодон қилмағил.

Ваъда бериб васлинг била солма фироқинг илгина,  
Ул рост қадднинг ҳурмати сан ваъда ялғон қилмағил.

Ҳофиз ҳаводоринг бўлуб булбулсифат гўё эрур,  
Гулзор-и васлингни анга сан хор-и ҳижрон қилмағил.

Гар равонинг бор, ўшул сарв-и равондин кечмагил,  
 Жон эрур жонон тудоқи сучи жондин кечмагил.  
 Завқ этибдур жон анинг тор оғзини кўрмак била,  
 Эй кўнгил, сан ҳам ўшул ишқ-и ниҳондин кечмагил.  
 Нечаким кечтинг жаҳондин сўфий-и борикбин,  
 Лутф-и табъинг бор эса, нозик маннондин кечмагил.  
 Чанг-и ишратсозким гадбир бирла пир эрур,  
 Нолау афғон қилиб айтур жавондин кечмагил.  
 Жон нишон қилдим ўшул ғамза ўқинга ман, вале  
 Айта билмасман ўқингаким нишондин кечмагил.  
 Бўстондур ёр эшини ошиқ-и овораға,  
 Бор агар топсанг сабо ул бўстондин кечмагил.  
 Қилди эрса кўзларим жонон йўлинда қон равон,  
 Ҳофиз айтадур ўшул жононға: «қондин кечмагил».

## 580

Қон ёши иғлатиб, эй сарв-и хиромон, кетмагил,  
 Ким эурсан ушбу тая ичра манга жон, кетмагил.  
 Тўйра бўлмасун десанг ман хастанинг кўзларини,  
 Кўз қошиндин бир йўли, эй моҳи тобон, кетмагил.  
 Сан кетарман темагил кўз ёши Жайхунтак бўлуб,  
 Бўлмасунким бўлғай ул дарё-йи Уммон, кетмагил.  
 Кўзга илмай кўз кўра кўзга солиб ман хастани,  
 Ендуруб хажр ўтина, эй об-и ҳайвон, кетмагил.  
 Мантакин бечораға жонсиз, вале жонсиз солиб,  
 Субҳ ярашмас, валлоҳ, эй дардимга дармон, кетмагил.  
 Тўтитак тил аймаға бўлдинг сабаб, эй нозанин,  
 Бенаво айлаб қулингни, шакаристон, кетмагил.  
 Бир неча жавр этдинг эрди Ҳофиз-и бечораға,  
 Ул жафо узринга айлаб лутфу эҳсон, кетмагил.

## 581

Бу нозу шева биланким олур нигор кўнгул,  
 Ажаб эмасдур агар бўлса беқарор кўнгул.

Жаҳонда ҳар киши бир ёдгорни сақлар,  
Ҳабиб дардини сан сақла ёдгор кўнгул.

Қарор топмаға бўлмас ўшул қаро кўздин,  
Яқин бу сўзни билиб ҳам йироқ қарор кўнгул.

Ёзиб юзи уза зулфини шона қилғонда,  
Каманди зулфина бағланди сад ҳазор кўнгул.

Азоқи тупроқини кўзга сурмакка топман  
Маҳол эрур тамаъ-и бўсау канор кўнгул.

Кўзум йўлидини ўш эмди равон қилур ҳар дам,  
Тудоқи ҳасратидин лаъл-и обдор кўнгул.

Қачонким ўзга юзинга назар қилур Ҳофиз,  
Бўлур юзиндин анинг асри шармсор кўнгул.

## 582

Агарчи рўз-и висолин қарар бўлди кўнгул,  
Каманд-и зулфи бикин беқарор бўлди кўнгул.

Жамол-и меҳр ила маҳ не сифат қилур орада,  
Юзини очди эса шармсор бўлди кўнгул.

Гул жамоли қошинда не сон эрур сангаким,  
Санинг бикин анга ошиқ ҳазор бўлди кўнгул.

Агарчи хор-и жафо ёрдин тикилди баса,  
Ҳаёл-и юзи била лозазор бўлди кўнгул.

Шароб-и лаълидин онинг мудом бўлғали маст,  
Соғинмаким нафаса ҳушёр бўлди кўнгул.

Недин чу душман ўшул нозанин жафо айлар,  
Анга чу жони била дўстдор бўлди кўнгул.

Ғами била ўшанинг ҳай қилғали Ҳофиз,  
Бу сийна ичра манга ёр-и гор бўлди кўнгул.

## 583

Севғали холитак ул зулф-и паришонни кўнгул,  
Топмади бир кеча ул шамъ-и шабистонни кўнгул.

Қани ул дилбар-и руҳоний-и ширин ҳаракот,  
Тею кўзнинг йўлидин оқузадур қонни кўнгул.

Ғаму андуҳ била кулба-йи аҳзон бўлди,  
Орзу қилғали ул Юсуф-и Канъонни кўнгул.

Васлининг орзуси бирла чакарман жонни,  
Вале жон чаккай эди топса бу жонни кўнгул.

Зулф-и савдосина тушкали бош ўйнамоқ учун,  
Жамъ эта билмади бу ҳол-и паришонни кўнгул.

Кўргали кўз очиб ул дилбар-и зебо юзини,  
Гул бикин кўрди бача чок-и гирибонни кўнгул.

Шаккарич оғзина жон бирла ҳаводор бўлуб,  
Айта билмас кишига қисса-йи пинҳонни кўнгул.

Дард-и жонон билаким ўтранишибдур мундоғ,  
Ҳофизо, қайда тилар дардина дармонни кўнгул.

#### 584

Қачонким айтсаман ёр учун ягона ғазал,  
Тушар ўшул ғазалим асри ошиқона ғазал.

Сўзум ҳумойи агар учса ҳиммат ялғиндин,  
Не ерда толғай билмасман ошёна ғазал.

Кўнгул топар ғазал ичра жавоҳир-и маъно,  
Магар кўнгулда эрур баҳр-и бекарова ғазал.

Каманд-и зулфи била холининг хаёлидин,  
Бўлубтурур қаму оламда дому дона ғазал.

Қоши ҳавоси мани ё сифат агар оғмас,  
Бало ўқиға недин бўлди бас шишона ғазал.

Жаҳонни кўз кўра кўзга солиб равон ўртар,  
Бу жон-и сўхтадин топса бир забона ғазал.

Кўнгулнинг ичраки розин баён қилур Ҳофиз,  
Не қилғай эрди агар бўлмаса баҳона ғазал.

#### 585

Эй орази гул, энглари лола, хати сунбул,  
В-ей ҳолу тудоқи шакар-и нобу қаранфул.

Ҳолимини сўрагилки, берурман лабияга жон,  
Ҳолимини билиб қилмагил, эй дўст, тагофул.

Жонимни бериб, бўса савол этган орада,  
Жондин сучидур сандин ўшул дамда тааллул.

Тушкали оёқ илгина бир қатра лабингдин,  
Қул бўлди суроҳию равон этди қулқул.

Оғзингки муаммо эрур, очмоқ тилади жон,  
Лек очмади чун етмас анга фикру тааммул.

Қошингни кўруб нақшни тасвир қилурда,  
Наққош керак нозуку бас ҳусни таҳайюл.

Кўз кўра тегар ғамзанг ўқи жонга хатосиз,  
Ишқинг йўлида қилса кўнгул рост таваккул.

Дом-и сар-и зулфунг кўрунур дол-и саодат,  
Ҳар нечаки қилдим шаб-и ҳижронда тафаъул.

Бас дилкашу мавзун кўрунур аҳл-и назарга,  
Қаддинг сифатин Ҳофиз агар қилса тарассул.

#### 586

Топди жон ойинаси акс-и юзунгдин сайқал,  
Сан тики кўрқу яратмади худо аза ва жалл.

Ҳазар айлагил, аё сиймтан оҳимдинким,  
Ишқинг ўти билан эрур кўксум чун машъал.

Қол будурки мани куйдурадур ишқинг ўти,  
Билмасам манки недур мозию ҳам мустақбал.

Кўра билмас мани қошингда музоаф-и ноқис,  
Чун ўшанинг ўзидур ажвафу кўзи муъгал.

Сандин ўзга кўра билмади кўзум дилдоре,  
Мундайнким сани кўрмаса эрур бас аҳвал.

Шона қилмоқ тиласанг турра-и тарроринг учун,  
Шона шамшоддин айламаву айла сандал.

Оғзинг қошинда сўз сўзламагим мушқил эрур,  
Зарра миқдорича анда чу товулмади маҳал.

Мим янглиғ оғзинг сўзида ожиз бўлдум,  
Сар-и сўзанча йўқ анда сўзума чун мадҳал.

Лаб-и лаълинг сифати бирла бу Ҳофиз сўзини,  
Боқсаман кўрунадур кўзума чун кон-и асал.

То чиқди лаб-и лаълинг уза хат мусалсал,  
Боқуб ўшул хатни кўруб қолди муаттал.

Ором тақи хоб кўнгул бирла кўзумдин  
Итибдур ўшул кўзлари Шаҳло-йи Муқаҳқал.

Ишқингдин ўткин ғайр кўнгулга киря билмас,  
Чун ўзга учундур кўнглум эви муқафғал.

Бир кўргану бир билган ўшани билур анчоқ,  
Қайда кўра билсун ани бир дийда-йи аҳвал.

Мажмуа-йи оёт ҳақойиқ-и юзи эрур,  
Чун лутф-и илоҳийдур анинг шаънини мунзал.

Равшан кўруна келгай эдя жумла маоний,  
Ойна-йи жон бўлса юзи бирла мусайқал.

Кўк узра чиқар оҳим ўти шўъласи ҳар дам,  
Ҳофиз, кўксум бўлғали ишқ ўтига машъал.

Чун гўзаллар орасида йўқ анингтак бир гўзал,  
Ким шакартак лаълидин бўлса равон сувтак асал.

Шаққар ўшарман теса оғзинга яхши бўлмагай,  
Чун бу сўз аҳл-и маоний қошидадур бемаҳал.

Жон лаб-и лаъли тиласа қилгамай ул дам равон,  
Гарчи бўлса беҳато кўнглумда юз ширин хадал.

Кўз ёшиндин кўзларим эви бўлуб турур хароб,  
Орий, борондин тушар бунёд эвларга халал.

Юзи шавқинда кўзум оқса оқариб, не ажаб,  
Дойимо чун қорни оқтурди хуршид-и ҳамал.

Қайда бўлсун меҳридин ошиқ бу оламда жудо,  
Чун қила билмас жудо меҳрин анинг тиф-и ажал.

Кўз қарартур жумла арбоб-и маоний сўзума,  
Ул ғазол учун қачонним айтсам Ҳофиз ғазал.



Қилғали жонни ўшул шаклу шамойил мойил,  
Равшан эрур юзининг меҳридин ойна-йи дил.

Боғ-и фирдавс бикии хурраму хуш бўлғай эди,  
Дўзах ичра агар айласа замоне манзил.

Жонни парвона сифат ишқ ўтина ёқғай эдим,  
Бир кеча бўлса ўшанинг юзи шамъи маҳфил.

Берадурман ўшанинг шавқи била жонни, вале  
Қосид-и пайк-и саботак кўрунур мустаътил.

Ёрнинг васли ҳавосинда баса ҳасрат ила,  
Кечди умрум тақи бўлмади манга ул ҳосил.

Пок эрур ёр тақи тийра эрурман чун хок,  
Хок ўшул покга қайда бўла билгай восил.

Топмадим ҳеч муроди бу кўзум ёшиндин,  
Токи Ҳофизтак эшигинда қилибман сойил.

Кўрунса кўзума бир дам ўшул жамол-и жамил,  
Хижил кўзум ёшидин бўлмас эрди Дажлаву Нил.

Кўзум ёши била саҳро чу бўлди молломол,  
Туташиди оҳ-и жигартоб бирла миломил.

Видоъ-ҳолинда чун жон равон борур элдин,  
Бу қасд-и жоним учун қилма, сарбон, таъжил.

Қадамни илгару босғали жов била тилагил,  
Ўшул замонки хуруш айлар эрса кўс-и раҳил.

Иўлинда жон била кўнглумни ман фидо қилайим,  
Чу олам ичра ҳаминдур манга касиру қалил.

Сафо-йи ишқ ила жону кўнгул бўлур равшан,  
Анинг бикинки бўлур шамъ нуридди қандил.

Забур-и ишқни андоғ адо қилур Ҳофиз  
Ки, ийд-и исавий ичра ҳаворийлар Инжил.

Тушда кўрдум юзин, қилинг таъвил.  
Гарчи равшандур ушбу тушга далил.

Юзидин тейди юз сафо кўнглум,  
Бўлди равшан чу шамъдин қандил.

Кўнглум меча кўрди зулфин анинг,  
Тушда Ҳиндустонни кўрди пил.

Оғзи йўқинда ҳеч сўз йўқдур,  
Бели борияда бор нозук қил.

Бўса берсун биза завот ул дўст,  
Чун кўрунмади аҳл-и ҳусн бахил.

Сарв қадинга ўхшатур ўзин,  
Қосир эрур ҳамиша аҳл-и тавил.

Ҳофизо, дарду сабр ишқинда  
Бордур бандага касиру қалил.

Бўлғали силсила хату лаълинг чу салсабил,  
Ушшоқ қони бўлди йўлингда равон сабил.

Келдим муҳаббат ила висолингни издаю,  
Қаъба йўлига кирмади чун киши бедалю.

Ҳар неча ўлтурур эсанг, эй жон, ман ўлмасам,  
Зияда бўлур чу ишқ ила ҳар ким бўлур қатил.

Ишқинг ўти чу боғу гулистон эрур манга,  
Ориё, чу боғу гулшан эрур оташ-и Халил.

Ҳусну жамолинга, не ажаб, ошиқ ўлсаман,  
Чун йўқ турур жамолинга танг-тўш бу дам жамил.

Сан кетгали кўзум қошидин сарвтак равон,  
Шарманда бўлди чашма-йи кўздин Фироту Нил.

Ҳофиз гадейинг эрур, анга бўса бер закот,  
Чун аҳл-и ҳусн хуш кўрунур бўлмаса бахил.

Қабул-и аҳл-и назар сан тегин қани мақбул,  
Ки бўлса ҳуснииа ҳайрон жамъ-и аҳл-и уқул.

Чакарман оху юзунг дам-бадам бўлур равшан,  
Не турфа ойинадур оҳдин бўлур масқул.

Муҳаббатинг қошида ақл сўзи снғмади,  
Чу ақл сўзидур анда ҳадис-и номаъқул.

Бало-йи қадинг ила мубтало бўлубдурман,  
Бало ҳамиша чу болодин этди қасд-и нузул.

Кўнгулда бўмаса бир лаҳза қадғунг, эй дилбар,  
Кечар жаҳондину бўлур ҳамон замонда малул.

Ҳавола қилсанг ажал илгина ўларимни,  
Бўлурман анда ғаминг тийғи бирла ман мақтул.

Ҳазор турлу гириҳ тушкай ишима шаксиз,  
Элимда бўлмаса сероб сунбулинг марғул.

Каманд-и зулфунг торин тиларман илгимда,  
Чун аҳл-и фақр элинда ярашур ул мафтул.

Иноят-и азалийга бўлур эди восил,  
Қачонки бўлса бу Ҳофизга бир мажол-и вусул.

## 594

Қандадурсан тегин, эй жону жаҳоним, мақбул  
Ким, ани аҳли назар айласа жон бирла қабул.

Жавру бедодинг элиндин чака билман фарёд,  
Қотилиндин чу шикоят қила билмас мақтул.

Қатъ қилдим кўнглумдин тамаъ-и васлингни,  
Чун манга ҳосил эмас қувват-и асбоб-и вусул.

Хаста жонимни аямасман, аё жон, сандин,  
Гар бўла билса бу истохлиқ анда мақбул.

Гар наёмингни манга бод-и сабо келтурса,  
Бўлмағай эрди анингтак манга оламда русул.

То сар-и зулф-и паришонига боғланди кўнгул,  
Донмо эрур анинг ҳоли паришону малул.

Донмо Ҳофиз эрур ишқинг ила саргардон,  
Не бўла бир дам ўшанинг била бўлсанг машғул.

Ниҳол-и қадинг эрур сарв-и бўстон-и жамол,  
Зиҳи латофат-и ҳусну зиҳи жаҳон-и жамол.

Жамол жумла жаҳон орият олуру сандин,  
Магар сани яратибдур худой кон-и жамол.

Чаманинг ичраги гуллар кўруб жамолиниги,  
Айтди барча равонким эрур бу жон-и жамол.

Жамолу ҳусни танинда равонни кўрганлар,  
Билур бу жон бики қадинг эрур равон-и жамол.

Бирор бирорта юзунг узра тоб турфа эмас,  
Ким, ой юзиндаги ул тоб эрур нишон-и жамол.

Камол бирла жамолинг кўриб жаҳон айтур,  
Жаҳон-жаҳон-и камолу замон — замон-и жамол.

Бало-йи ниҳу муҳаббатга бош солиб Ҳофиз,  
Уш эмди бошласа бўлғайму дoston-и жамол.

Кўзум юзига тушуб кўргали камол-и жамол,  
Кўнгулга мунису маҳрам эрур хаёл-и жамол.

Қуёш ҳар нечаким кўрклудур, заволи бор,  
Анинг қуёш юзи узра йўқ завол-и жамол.

Ниёз бирла юзи сари ошиқ эрта-кеча,  
Юрур тилаг-и буким, кўрса бир жамол-и жамол.

Жамоли ҳолини аҳли камол билди тақи,  
Гумонда бўлма кўнгул ичра бор ҳол-и жамол.

Хаёл-и холи била тийра бўлсаман, не ажаб,  
Қилибтурур мани бас тийраҳол хол-и жамол.

Ҳалол қонни қилиб ташна ўлмаган кишига  
Ҳаром эрур, билингиз, шарбат-и зулол-и жамол.

Фироқ дарди била ўлмагай эди Ҳофиз,  
Агар топулса эди бир нафас висол-и жамол.

Биза асри нозу итoб этмагил,  
Кўнгул мулкани ҳам харoб этмагил.

Бу хаста жигарга вафо қилмайни,  
Жафо ўти бирла кабоб этмагил.

Кўзум ёшини қон бикни бормасун  
Тесанг, дўст, майл-и шароб этмагил.

Биҳиштий малаксан малаклар аро,  
Бу жонимга ҳар дам азоб этмагил.

Юзунгни кўруб оҳ агар чаксаман,  
Ушул зулфтак изтироб этмагил.

Юзунг офтобни кўргузмайни,  
Манга манди, эй жон, ҳижоб этмагил.

Бу Ҳофиз йўлингда эрур хок-и роҳ,  
Бу йўлдин бори ижтиноб этмагил.

#### 598

Чаманинг ичра, эй сарв-и равон, келиб хиром этгил,  
Жамолу ҳуснингга гулзор гулларини ғулом этгил.

Отиб бир ғамза ўқини ўшул мастона кўзлардин,  
Маним кўзимга уйқуни ўшандан сўнг ҳаром этгил.

Сўзумнинг йўқтурур завқи лаб-и лаълингни сўрмайни,  
Лаб-и лаълингни сўрдуруб мани ширинкалом этгил.

Юрагимни қилиб пора ичарсан қонини ҳар дам,  
Ким ўғратти шароб учун сангаким қасд-и жом этгил.

Чиқариб жонни бу танди ўшул султон-и ишқингни,  
Равон жонимнинг ўрнинга келиб қойиммақом этгил.

Жаҳоннинг ичра кўс-и ҳуси урған моҳ-и тобондур,  
Ушанинг навбатин, эй жон, юзунг очиб тамом этгил.

Саломатлик тилар бўлсанг фиғону оҳ илгиндин,  
Берарда ушбу қул Ҳофизга, эй султон, салом этгил.

#### 599

Муҳаббат мулкина ким бўлса восил,  
Бўлур ул маъно ичра бир-и комил.

Муҳаббат мулкни нзда олам ичра,  
Уюб қолма бу олам ичра гофил.

Муҳаббатдур жаҳоннинг ҳосили бас,  
Қила кўргил ани оламда ҳосил.

Муҳаббат жомидин гар захр ичсанг,  
Бўлур об-и-қаёт ул захр-и қотил.

Муҳаббатда бўлур бае мушқил осон,  
Бу осон бўлмақ эрур асри мушқил.

Муҳаббатдин ўтин сўз сўзлар эрсанг,  
Эрур ул сўзларинг барчаси ботил.

Муҳаббат бирла кеч, Ҳофиз, жаҳондин,  
Тураси ер дагулдур ушбу манзил.

### 600

Ойтак юзунгни кўрмагим эрди хўжастафол,  
Ким даст берди эмди манга давлат-и висол.

Кўрма ажаб, юзунгни кўруб лол бўлсаман,  
Чун гул бикии юзунгни кўруб бўлди лола лол.

Юзунгнинг узра хол ярашса ажаб эмас,  
Чун хуш кўрунди равза-йн ризвонда ҳам Билол.

Ман тошмадим юзунг бики бўстонда ҳеч гул,  
Илло юзунгни кўрдию тошди гул инфиол.

Ким кечмаса юзунгни кўруб ҳолдин равон,  
Бўлмағай андайни кишида ҳеч дарду ҳол.

Воиз ҳамиша айтур эди қийлу қолдин,  
Қалтак белингни кўргали тарк этди қийлу қол.

Ҳофиз давоми давлатингга дол зулфидур,  
Айни саодат эрур, агар чиқса ҳарф-и дол.

### 601

Назар қилса ўшул маҳбуб-и комил,  
Бўлур эрдим хатосиз ҳақға восил.

Манга ҳосил қил эмди дард теманг,  
Керакмас чун манга таҳсил-и ҳосил.

Недин оҳимға майл айламади дўст,  
Чу сарвиноз эрур ел бирла мойил.

Ёнар жонин манним парвона янглиғ,  
Қачонким бўлса жонин шамъ-и маҳфил.

Юзинда холини кўруб ёнарман,  
Чун ўт устинга солди дўст филфил.

Эшигингдин агар Каъбага борсам,  
Манга дард ўлғай ул дам бор-и маҳмил.

Сафар қилмоқ манга бас мушқил эрур,  
Кўзумнинг ёшидин чун йўл бўлур гил.

Висол издама жондин кечмагинча,  
Керак чун Каъба учун қатъ-и манзил.

Ғарқ-и нишқ бўлғали бу Ҳофиз,  
Топа олмади ул дарёда соҳил.

602

Эй юзи олким, эрур ишинг ҳамиша ол,  
Солма, бу ошиқнинг кўнгулин лутф бирла ол.

Юз турлу ол бирла кўнгулумни олким,  
Сербоб долатак кўрунур юзунг узра ол.

Ғар жони бирла ошиқ эмасдур недин, камар  
Нозик белингни қучмоқ учун боғлади хиёл.

Оғзинг хаёли бирла бу ошиқ кўнгулини,  
Об-и ҳаёт чашмаси айлади зул жалол.

Кун тушда ҳусн даъвоси қилди, юзунг кўруб  
Қолди хижолат ичра тушди анга завол.

Ҳофиз айтди ушбу ғазални равон чу об,  
Тоқим жавоб айтса латифу равон жамол.

Кўрса эди бу шеърни туркий тилин билиб,  
Юз офарин ўқигаёй эди шоҳимиз камол.

603

Бўлди ўш эди дардинг ила жон шикастаҳол,  
Бир зарра раҳм қил манга, эй меҳр-и безавол.

Ҳол-и кўнгулни темага бўлмас санга тамом,  
Юзунгни кўрсаман бўлур ул дам чун ўзга ҳол.

Бермадинг ул шакар бики лабдин манга жавоб,  
Гарчи забон-и ҳол ила қилдим басе савол.

Бош хок-и роҳ бўлганидин сўзламан санга,  
Чун айладинг бу сўзни жафо бирла поймол.

Жон бирла бегараз сани савмак гуноҳ эмас,  
Ултурма бегуноҳ маниким эрур вубол.

Бир зарра йўқ вафо тақи бор юз туман жафо,  
Мундин зиёда жаврни чекмага йўқ мажол.

Нуқсонсизин камол-и муҳаббатни топгаман,  
Кўргузсанг эрди Ҳофиз-и бечорага жамол.

604

Тушди кўнглумга хаёл-и висол,  
Висоли эрур лек хаёл-и муҳол.

Фол тутуб ман ўшанинг зулфини,  
Долни хуш тутди қаму аҳл-и фол.

Кўзлари бодому сачи дом эрур,  
Юзи гул лола тақи, қади тол.

Нозук ўшул қил бики белни кўруб,  
Тарк қилур аҳл-и вараъ қийлу қол.

Ол кўнгулни тесаман ол этар,  
Дам-бадам ул лола бикин юзи ол.

Лутф-и табъиятни билур бехато,  
Олам-и маънодаги нозук жамол.

Қилди эса жонини Ҳофиз фидо,  
Бўлди аннинг йўлида соҳибкамол.

605

Кўнгулда бўлмоқи бас турфадуру хаёл-и висол,  
Висоли дўст манга чун эрур хаёл-и муҳол.

Тудоқини тиласа сўрғали кўнгли, не ажаб,  
Чу ташналаб тилади жонн бирла об-и зулөл.

Фигону нола қачон чаккай эрди булбул-и маст,  
Қизил юзи била қилмаса гул чаманда юз ол.



Юзини кўздин ўшул өй қилмасун ниҳол,  
Чун ойина кўрунур жилвагоҳ-и ҳусну жамол.

Чаманнинг ичра баче сарвинг ниҳоли бор,  
Вале қадинг бики бир йўқ чаманда тоза ниҳол.

Қуёшни юзи қошинда заррача кўрман,  
Камол-и ҳусн чу мунда кўрунур, анда завол.

Камол-и хок-и раҳи жон била бўлур эрсанг,  
Писанд қилгай, Ҳофиз, сўзунгни аҳл-и камол.

606

Эй нарий найкарки, юзунг бадру қовшингдур ҳилел,  
Сан эурсан олам ичра офтоб-и безарел.

Не сабабдин гул кўрунди гулистонда рақс-ранг,  
Ол юзунг рангини топмади эрса нифиол.

Сунбул-и зулфунгиниким солди сабё густоқ этиб,  
Ғоят-и нозиклигиндин бўлди гул юзунгда қол.

Ришта-йи жонтак белинг сиринга етишмадилар,  
Нечаким борик танлар қилдилар бас қилу қол.

Не ажаб бўлгай агар ман қулни издаб топмасанг,  
Нозик ул белинг хаёлидан бўлибман чун хаёл.

Хок-и роҳинг бўлмоқимдин йўқ губор-и ғам манга,  
Лек ғам улким санга ўлтурмаса гард-и малол.

Тушкали қадинг хаёли дийда-йи ғамдидидага,  
Гуйиёким жўйибор ичра эрур тоза ниҳол.

Ҳар киши қайда айтгай шеърни Ҳофиз бикин,  
Чун төубдур васф-и қадинг бирла табъ эътидол.

607

Ой юзунг шавқидин заъф ичраким бўлдум ҳилол,  
Нозук ул белинг хаёли қилди мени чун хаёл.

Холли бўлмади даме холинг хаёлидин кўнгул,  
Чун қилур холинг хаёли дам-бадам дафъ-и малол.

Бас тиладим жон бериб лаъл-и лабингни сўргали,  
Бермадинг ширин жавобе нечаким қилдим савол.

Аршнинг соқинга бошим етгай эрди бехато,  
Остониинг ўшкали топсам эди бир дам мажол.

Йўқ бўлурман қайдаким сан қилсанг, эй султон, зуҳур,  
Бу жиҳатдин васлинг эрур бандага амр-н муҳол.

Жом-и Жам ичра шароб-и ишқ бўлмаса мудом,  
Жом-и Жам билмангиз ониким эрур сангу сафол.

Ҳол аҳли жамъида ҳолий санинг ишқинг била,  
Турк Ҳофиз сўзларинда бор турлу завқу ҳол.

### 608

Юзи бирла зулфини пайваста савдим мөҳу сол,  
Ушбу ҳолимга алифтак қадим эрур ҳоли дол.

Не жиҳатдин тийра бўлмағайман, эй равшанзамир,  
Чун қилур ҳолимни тийра дам-бадам ул зулфу хол.

Нақш бирла доман-и кўнглагин элда нўргали,  
Бори бўлдум ман хаёли бирла бир йўли хаёл.

Болтак лаъл-и лабинга жоним учса, не ажаб,  
Болни қанда магас кўрса очар ул ёнға бол.

Не ажаб бўлғай тудоқни тиласам жөн била,  
Сувсаған киши тилар жон бирла чун об-н зулол.

Кирса бўстонга кўрунғай ул замонда сарвиноз,  
Чиқса эшигини очилғай офтоб-н безавол.

Айтқайлар ушбу тавр ичра камоли бор теб,  
Турк Ҳофиз сўзларини кўрсалар аҳл-н камол.

### 609

Ул лолатак узоринга қулдур ҳамиша гул,  
Лаъл-и лабинга жонни берур жом ичинда мул.

Гумроҳ бўлғай эрди кўнгул зулфунг янгида,  
Бўлмаса эрди нур-н юзунг ҳади-йи субул.

Арбоб-н ҳуси зарралару сансан офтоб,  
Андоғким аъбиёнинг аро хотим-н русул

Маъною сурат ичра эрур подшоҳ-и вақт,  
Верӯю бернӣ санга ким бўлди эрса қул.

Сансан ҳамиша бор тақи сандин ўзга йўқ,  
Эрур гувоҳ ҳақ бу сўзум узра жузву қулл.

Чун оқибат бу дунёйн дундин кечасман,  
Нега керак манга бу жаҳонда работу пул.

Ҳофиз, йўлингда бўлғали, эй жон, фано-йи ишқ,  
Яксон кўрунди кўзина маънода иззу зул.

610

Кўзума кўргузуб, эй жону жоҳон ҳусну жамол,  
Ол юзинг била ол айлаю жон мулкени ол.

Тутти ёзи юзини оҳим ўти мило-мил,  
Кўзларим чашмасидин бўлди тоқи моло-мол.

Ишқингиз ҳоли била ҳоле қиладур ҳолат,  
Қайдаким бор бу дам покназар соҳиб-и ҳол.

Ҳоли бўлмағали кўнглум хатту холиниг сўзидин,  
Мани ошифтау бас тийра тутар ул хатту хол.

Доли давлат манга гар бўлмаса зулфунг, эй дўст,  
Мусҳаф-и юзунг уза наг кўрунур суврат-и дол.

Бол очиб учди лабинг ёнина жоним, лекин  
Магас оч ўларнидиёким эрур фориғбол.

Бодани ёд қилиб лаъл-и лабингни тилади,  
Билғали жон била хаста кўнглум ҳусн-и савол.

Зоҳид-и гўшанишаниниг кўнглин олмоқ учун,  
Кўргузур жоду кўзунг ғамза била сеҳр-и ҳалол.

Кўргали ҳусну жамолингни камолинг бирла,  
Топди Ҳофиз ғазали туркийда бас тавр-и Камол.

611

Эйким кўрунди кўзга жисминг чу жон-и олам,  
Санда аён кўрунур ганж-и ниҳон-и олам.

Олам сенинг била гар бўлмаса эрди қойим,  
Қайда кўрунгай эрди ному нишон-и олам.

Чун бўлди ушбу олам ойина-йи жамолинг,  
Андин биза хуш эрур бу гулистон-и олам.

Хуршид-и безаволе сантак манга кўрунмас,  
Токим кўрунди кўзга бу осмон-и олам.

Ким билгай эрди олам недур тею бу дамда,  
Гар бўлмасанг орада сан таржимон-и олам.

Ман кечдим ўз-ўзумдим, сан айтғил бу сўзни  
Мандин чу яхши келмас шарҳу баён-и олам.

Вобаста бўлма Ҳофиз маркабга ушбу йўлда,  
Тандин кечиб равон бўл бир йўли жон-и олам.

## 612

Жонимни равон қилдиму жонга етишдим,  
Қуллик сифатин билдиму султонга етишдим.

Бедард киши ҳосил эта билмади дармон,  
Ман дард била охири дармонга етишдим.

Борон-и бало бирла кўзум эвини йиқиб,  
Ҳолимни кўрунгким дил-и вайронга етишдим.

Кўрдум жигарин хун лабининг рашки элиндин,  
Тоғ бағридаким лаъл-и Бадахшонга етишдим.

Имонни талаб қилдим авинг зулфи йўлинда,  
То куфр-и хам-и зулфида имонга етишдим.

Заррот-и жаҳон борча кўрунди манга толиб,  
Чун хок бўлуб мамлақат-и жонга етишдим.

Бас хор-и бало хаста кўнглумга тикилди,  
То оқибату-л-амр гулистонга етишдим.

Қадгу била ҳасрат элида гунча бўлубон,  
Гулзор орасинда гул-и хандонга етишдим.

Гулзорда гул юзина булбулни кўруб зор,  
Ҳофиз бикин ул мурғ-и хушалҳонга етишдим.

## 613

Борчадин кечайиму қатъ-и манозил қилайм,  
Ерининг эшигида жон била манзил қилайм.

Кечди бу умр-и азизим бориси ҳосилсиз,  
Толиб-и дард бўлиб, дардни ҳосил қилайим.

Топраман оқибату-л-амр ман жаҳон ичра камол,  
Ҳолияи жон бор экан, хидмат-и комил қилайим.

Ҳар дам дийда саққоу миҷжа жоруб айлаб,  
Ҳамиша чашми эшигида сойил қилайим.

Гул рухсори назарда ўшанинг бўлмаса,  
Эшиги тупроқин игламоқ ила гил қилайим.

Дард ёнинга топулмас манга чун майл-и тамом,  
Куч била дардга кўнглумни мойил қилайим.

Жоним осойишнини издаю, эй толиб-и вақт,  
Ушбу Ҳофиз бики ман хидмат-и ҳар дил қилайим.

#### 614

Айём-и висолия ўшанинг ёд қилайим,  
Ғамгин кўнглумни нафасе шод қилайим.

Устод манга дард эрур ишқ йўлинда,  
Шогирдсифат хидмат-и устод қилайим.

Бунёд-и вужудим ғам-и ишқинда йиқилса,  
Сахро-йи Адамда яна бунъёд қилайим.

Ғар банд қилиб банда қилур бўлса замона,  
Ўзумни ўшул банддин озод қилайим.

Ишқи ўтина анча ўз-ўзимни ёқайингим,  
Кофир тақв бўлса, они минқод қилайим.

Ширин лаби лаълини сўруб орзусинда,  
Жон бирла равон қисса-йи Фарҳод қилайим.

Ҳаддин ошурур бўлса жафо қилмоқини дўст  
Ҳофиз бикин эшикида фарёд қилайим.

#### 615

Жом-и май ишқиндин онинг нўш қилайим,  
Олам ғамин, эй соқий, фаромуш қилайим.

Зоҳид тиласа қатра ўшул жом-и сафодин,  
Бир қатрадин они тақв беҳуш қилайим.

Гар пир-и муғон ҳукм қилур бўлса бу жонга,  
Дур бикин ўшул сўзга садаф гўш қилайим.

Жон коми эрур захр-и ғам-и ҳажр била талх,  
Ширин лаби ёди била пурнўш қилайим.

Гар бод-и висол эсса ўшанди бу кўнгулга,  
Дарё бикин ул ҳол била жўш қилайим.

Хуршид-и жаҳонтоб бикин очса юзини,  
Сўз зулфияи бу маънога рўпуш қилайим.

Ҳофиз ўшанинг гулшан-и васли ҳавасиндин,  
Булбулни бу сўзлар била хомуш қилайим.

### 616

Донмо жон била ман толиб-и жонон бўлайим,  
Кўргузур бўлса юзин ҳуснига ҳайрон бўлайим.

Ийд-и дидорини кўргузса манга ул дилбар,  
Ишқ кешинда анга жон била қурбон бўлайим.

Нечаким ёндурур эрса мани жавр ўти билан,  
Шамътак гиря қилиб завқ ила хандон бўлайим.

Боғ-и ҳажринда анинг боғ-и висолин издаб,  
Зор булбул бики ман ишқ ила иолон бўлайим.

Кўрмасун дийда-йн ағёр мани пайдо теб,  
Ёр фикри била ҳар гўшада пинҳон бўлайим.

Баҳр-и вақт ичра ўзумни тилаб, эй толиб-и вақт,  
Жўйжўён ўшанинг жўйида ғалтон бўлайим.

Вақт султони агар ман бўла билмас эрсам,  
Ўз вақтим била Ҳофиз бики султон бўлайим.

### 617

Лаб-и лаълингини манга бер, саварим жон бўлайим,  
Зулфунгизтак неча ман ҳоли варишон бўлайим.

Васл гулзорини кўргузур манга, эй жону жаҳон,  
Нечага тегру асир-и чаҳу зиндон бўлайим.

Ғунча янглиғ юрагим ҳажр ила бўлди пурхун,  
Эстур ул васл насимини, гул-и хандон бўлайим.

Хусн-и жонпарваринга жонни чу қилдинг ошиқ,  
Бер бу жоннинг тилагин, шокир-и эҳсон бўлайим.

Сунбул-и зулфдин ул гул бики юзни очрил,  
То чу булбул санга ман ҳамду санохон бўлайим.

Банда-йн осийна қилгил карамунг бирла қабул,  
Токи ҳолимни ташуб вақтинма султон бўлайим.

Хусннинг хонини өчдинг эса бу Ҳофизга,  
Лутф қил бир неча кун то санга меҳмон бўлайим.

## 618

Бода нчмаклик учун қасд-и лаб-и жом эталим,  
Бошсиз ишлар борини эмди саранжом эталим.

Шарт қилмоқдин агар муфлиссу ожиз бўлсақ,  
Хирқамизни гаров айлагалиму вом эталим.

Май-и софийни биза келтиринг, эй сўфи-йн соф,  
Ҳосил-и икки жаҳонни сиза инъом эталим.

Хосу ом орасида илм эясни маст айлаб,  
Улум-и ишқ ила оламға биз эълум эталим.

Масжиду савмаада барча қилур даъват-и дин,  
Биз бориб майкадага даъват-и ислом эталим.

Шўхлиқ айласа миябар тонуб ул вонз-и хом,  
Ичуруб усруталим ани тақи ром эталим.

Майнинг авсофи бу давр ичра қачон хатм бўлур,  
Ҳофиз ушбу сўз ила шеърин итмом эталим.

## 619

Эмди шаробу қасд-и лаб-и жом айладим,  
Уш тарк-и куфру мазҳаб-и ислом айладим.

Чун яхши от чиқмади бу яхшилиқ билан,  
Эмди ўзумни ишқ ила бадном айладим.

Ер эшигин сағки вафо бирла сақлади,  
Қайдаки кўрдум ўзини икром айладим.

Тавсавляқ айлади эса бу нафс-и шумпой,  
Жавр ила гўшмош бериб, ром айладим.

Маинанким ўзума илинибдурман, эй азиз,  
Гаҳ дона бўлдум ўзуму гаҳ дом айладим.

Фонийни тарк қилдиму боқийни издаю  
Мажмуъ ишларини саранжом айладим.

Ул ойнинг юзини кўра билгаман тею,  
Ҳофизмисол қасд-и лаби бом айладим.

620

Оҳ-и дуд осо биланким қасд-и афлок айладим,  
Ишқиниғ йўлида бошни завқ ила хок айладим.

Жомани чок айламак ишқ ичра бўлмаса ҳунар,  
Тийғ-и ишқиндин юракни лолатак чок айладим.

Ер султонлар бикин келгай манга ногоҳ теб,  
Ҳужрай-йи кўнглумни ман агёрдин пок айладим.

Бок тутганлар ўшанди тушдилар асри йироқ,  
Бу жиҳатдин ишқда ўзумни бебок айладим.

Кўзга илгай оқибат ман ожиз-и мискинни теб,  
Ўз ўзумни ишқиниғ йўлида хошок айладим.

Сўрди бир мискин гарибеким, недин гамноксан,  
Айтдим дард-и делимни, ани гамнок айладим.

Тарк-и дунё айладим, Ҳофиз, муҳаббат йўлида,  
Заҳрни солдим тақи ман майл-и тарёк айладим.

621

Қаду балосини кўрдум, тақи жонга бало қилдим,  
Жафо ҳар нечаким қилди, жафосинга вафо қилдим.

Кўзумни сурма ёнинга қаро айламадим, ҳаргиз,  
Азоқи тупроқини то кўзумга тўтиё қилдим.



Бори жон дўстлардин бир йўли бегона бўлгали,  
Ўзумни эшикиннинг итларинга ошио қилдим.

Кўнглум оғзио зулфи бикиндур тангу ҳам торик,  
Ўшандин икки равшан кўзда ул жононга жо қилдим.

Висол аёмининг қадрини билмади эса кўнглум,  
Сафар қилдим тақи ҳижрон ўти бирла сазо қилдим.

Неча ким ул пари пайкар манга дашном айлади,  
Юз манга қаршу жон бирла равон юз-минг дуо қилдим.

Сарафроз-и жаҳон бўлдум эшикинда бу Ҳофизтак,  
Ниёзу дард бирла чун бошимли хок-и по қилдим.

622

Ҳабиб юзина ул дамдаким назар қилдим,  
Кечиб бу сувратдин, маънода сафар қилдим.

Кечиб турурман ўзумдин тею ўзум кўрдум,  
Нечаким ойина-йи юзина назар қилдим.

Мақом-и равза-йи ризвону ҳурин топдим,  
Эшиги итлари бирла чу сар-басар қилдим.

Кўнгулу жон била етишдим оғзи сирринга,  
Ҳадис-и икки жаҳонни чу мухтасар қилдим.

Жароҳат-и жигару дил учун даво издай,  
Жароҳат-и жигару дилни тозатар қилдим.

Жагарни хун қилуримга инои мади эрса,  
Равон кўзумдин хуноба-йи жигар қилдим.

Чу тарк-и сар талаб айлади дўст Ҳофиздин,  
Бошимни солдим адоқинга, тарк-и сар қилдим.

623

Оғзи сиррингаким назар қилдим,  
Жумла сўзумни мухтасар қилдим.

Белини ёд айладим ҳар дам,  
Олам-и ғайбдин хабар қилдим.

Тўтиётак азоқи тупроқидин  
Садаф кўзни пургавҳар қилдим.

Упа билгаймуман азоқини теб,  
Бошни йўлинда хок-й дар қилдим.

Кечдим ул ёр оллиндин, илло  
Жондин ул дамда ман гузар қилдим.

Ҳозир ўлдум висол-и базминда,  
Ўз-ўзимдинки ман сафар қилдим.

Ҳофизо, мани билмасунлар теб,  
Ҳар нафас жомани дигар қилдим.

624

Дойимо дарду ғам-и шиқ ила ғамгин бўлдум,  
Маскан айладим анинг зулфини, мискин бўлдум.

Чун сар-и зулфидин анинг кўнглум дам урди,  
Нофа янглиғ юдим ул дам била мушқини бўлдим.

Орзу қилғали бошим эшигин ёстанмоқ  
Ҳасрату дард ила ҳамхоба-йи болии бўлдум.

Юзи рангина гулу долани нисбат айлаб,  
Хижлатиндин гул-и лола бики рангин бўлдум.

Ол ўшул англари савдурғали юз ол била,  
Ушбу олани кўруб барчадин оллив бўлдум.

Кўнглум ойинасида юзини кўрмакликдин,  
Халқнинг орасида ошиқ-и ҳақбин бўлдум.

Шаккар-и лаъл-и лабининг сифатин қилмоқда,  
Бўлмадим Ҳофиз, ман Хусрав-и ширин бўлдум.

625

То дилу жон била ман ошиқ-и жонон бўлдум,  
Ишқ ўтинга тан хоккини ёқиб, жон бўлдум.

Хор-и ҳастий чу муҳаббат ўтина ўртанди,  
Ул замон хорсизин жумла гулистон бўлдум.

Банд-и оламда кўрунғали манга турлу кушод,  
Бандаликдин қутулуб, маҳрам-и султон бўлдум.

Булъажаб боғ эрур, боғ-и вужуд ичраки, ман  
Гоҳ гул бўлдуму гоҳ булбул-и нолон бўлдум.

Об-и ҳайвонни талаб жону кўнгул бирла қилиб,  
Оқибат ман Хизру чашма-йн ҳайвон бўлдум.

Авжа чун чиқмади ишқ йўлида доволик,  
Тарк-и доволик этиб бир йўли нодон бўлдум.

Ҳофиз-и ҳол чу борди эса бу Ҳофиздин,  
Зулф-и дилдор бикин ҳолпарирошон бўлдум.

626

Хаёл-и оғзинг ила ошно-йн жон бўлдум,  
Парийсифат кишилар кўзидин ниҳон бўлдум.

Бўлуб турур эди жон коми талх ҳижрондин,  
Лабингни ёд қилиб ман шаққарзабон бўлдум.

Азоқинг ушбу қулингнинг бошига етқай теб,  
Ниёз йўлида ман хок-и остон бўлдум.

Эшингнинг итлари қилғай манга назар тею,  
Умид бирла заъиф эмди устухон бўлдум.

Балову кўҳ-и ғаминг бирла ман бўлубман қоҳ,  
Агарчи бир неча бединга бас гаран бўлдум.

Муқим бўлғали қилдим мақом эшингнда,  
Малойлик ораснда арш ошиён бўлдум.

Бу дамда Ҳофиз жонингни бер тединг эрса,  
Эрур бу жон тилаги тею ман паррон бўлдум.

627

Бало-йн ишқинг ила токи мубтало бўлдум,  
Кўнгулу жоним ила ҳамдам-и бало бўлдум.

Бало-йн ишқ чу келтурди юзни ман қулға,  
Шаҳ-и замона экан, бир йўла гадо бўлдум.

Навоё ишқ ила уншоқ орасига тушдум,  
Агарчи дунё-йн дун ичра бенаво бўлдум.

Диёру ёрдин асри йироқу бегона  
Бўлуб муҳаббат ила ёру ошно бўлдум.

Давонинг асли чу дардинг кўрунди эрса манга,  
Мудом жон бида ман толиб-и даво бўлдум.

Бошимга етгай азоқинг тею умид била  
Бошимни қўйдум эшигингда, хок-и по бўлдум.

Гадову дарбадаринг бўлдум эрса Ҳофизтак,  
Уш эмди мулк-и маонийда подшо бўлдум.

628

Юзунга боқдимۇ ҳайрон-и камолнинг бўлдум,  
Волаву шифта-йи ҳусну жамолинг бўлдум.

Кўргали кўзум ўшул лаъл-и шакарборингни,  
Ташнаву сўхта-йи об-и зулолнинг бўлдум.

Тўтиларнинг сўзи бемаъно кўрунди кўзума,  
Токи ман шифта-йи ҳусн-и мақолнинг бўлдум.

Ҳажринг ўтина ўртандиму куйдум ҳар дам,  
Жон била токи талабгор-и висолинг бўлдум.

Дом-и зулфунг бор экан кўз кўра ман бечора,  
Назаре қилдимۇ вобаста-йи қолнинг бўлдим.

Қилмади эрса кўнгул бирла қаёлинг ёрий,  
Қочдим ўзумдину ман ёр-и қаёлинг бўлдум.

Уйнадим қол уза Ҳофиз бики жонни филҳол,  
Ишқнинг йўлида то воқиф-и қолнинг бўлдум.

629

Дилдорнинг қошида шарҳ-и ниёз қилдим,  
Кўнглум ҳақиқатиндин рамз-и мажоз қилдим.

Жавру жафо қилурди жонимга асри жонон,  
Лутфиндин айта-айта банданавоз қилдим.

Ҳижрон ўтига ёқилиб васли зулолин издай,  
Бечора бўлуб ани ман чорасоз қилдим.

Кўздин кўнгулга ногаҳ ағёр тушмасун теб,  
Ғайри учун бу эшигни ман фароз қилдим.

Ул нозанин суманбар кўргузмайин юзини,  
Бир ноз қилди эрса юз минг ниёз қилдим.

Қалб-и ҳазорпора ўш эмди жамъ бўлғай,  
Чун ишқ ўти бирла ани гудоз қилдим.

Жон танда неча бўлса ул шоҳу банда Ҳофиз,  
Маҳмуд хидматинда шарт-и Аёз қилдим.

Ушул дилдор-и Исодам билан ким ёр бўлмадим,  
Бу умрум кечдию бир қобил-и дийдор бўлмадим.

Тамом умрни ман хоб-и гафлат бирла кечурдум,  
Вале бу хоб-и гафлатдин даме бедор бўлмадим.

Басе жон ичра асрадим ўшанинг сиррини, илло  
Бу сирни асрамоқдин махрам-и асрор бўлмадим.

Дарахт-и қоматида ҳусн бори бор бас бисёр.  
Вале ул бордин ман боре бархўрдор бўлмадим.

Агарчи ёр бўлмади манга ул нозанин дилбар,  
Биҳамдиллоҳки ман ҳам ўзга бирла ёр бўлмадим.

Бошимни хок-и роҳ қилдим ўшул жонона йўлида,  
Зиҳи ҳуш бўлдиким вобаста-йи дастор бўлмадим.

Ушул хунрез кофир кўзларининг ғамзаси, Ҳофиз,  
Мудом асрук тутар манни, ман ҳушёр бўлмадим.

Кўрилу юзунг бикин гулу гулзор кўрмадим,  
Гулзор-и ҳуснунг ичра тақи хор кўрмадим.

Эмди ниёз йўлида жон хок-и раҳ эрур,  
Чун ноз бирла ишқни ман ёр кўрмадим.

Мардона ишқ сиррини сақла кўнгулдаким,  
Номардларни махрам-и асрор кўрмадим.

Озор қилдилар кўнглумни ҳазор бор,  
Илло кўнгулда заррача озор кўрмадим.

Гар издасанг сафо, тилагил дард-и ёрни,  
Бедардин чу қойил-и анвор кўрмадим.

Дарду бало-йи ишқ била ёр бўлғали,  
Оламнинг ичра ҳеч ман ағёр кўрмадим.

Каздим жаҳонни Ҳофиз-и аворатак, вале  
Андоғ жаҳонда дилбар-и айёр кўрмадим.

Кишининг қадрини билган жаҳонда ёр кўрмадим,  
Кўнгул асрагучи ҳам нозанин дилдор кўрмадим.

Кўнгул мулкини асрарман тею олган баче бўлди,  
Валеки олганидин сўнгра ман асрар кўрмадим.

Боқиб кўз учи бирла кўз кўра кўнглумни олдилар,  
Матоъ-и қалбга мундин ўнгин бозор кўрмадим.

Вафо сўзини кўп сўзлади олам ичра ёронлар,  
Вале қилган вафо сўзинга бир дайёр кўрмадим.

Жаҳоннинг ичра маънодин дам урган кўн эрур, илло  
Бу дамнинг узра побаржой маънодор кўрмадим.

Кимунг жонинда дард-и ишқ бўлса чора ўлмакдур,  
Шифо топган бу дард-и ишқдин бемор кўрмадим.

Ўзингни ишқнинг ўтига ёқил ёр издасанг,  
Чун, эй Ҳофиз, ўзингдин ўзга ман агёр кўрмадим.

То кимга кўзум очдим ҳусн-и нягор кўрдум,  
Наққош-и ҳуснин анинг сувратингор кўрдум.

Акс-и юзиндин анинг ойина-йн кўнгулни,  
Юз турлу нақш бирла чун долазор кўрдум.

То юзининг хаёли саҳн-и кўнгулга тушди,  
Бир қишининг ичра кўргил юз навбахор кўрдум.

Ул шоҳнинг хаёли кўзумга келди эрса,  
Гулгун ашк узра ани савор кўрдум.

Келганда кетса жонин эрмас ғариб ўшул ҳол,  
Чун умрни ҳаминша ман баргузор кўрдум.

Қайда қарор бўлғай ман хастага жаҳонда,  
Чун жонни зулфи ичра ман беқарор кўрдум.

Бу дор-и фонийдинким кечдим бақо юзинга,  
Ҳофиз, ўзумни ул дам Мансурвор кўрдум.

Шукр лиллоҳим, ўшул жону жаҳонни кўрдум,  
Қаршуда маъно била сўврат-и жонни кўрдум.

Кўнглум олдуруб элимдин юрур эрдим ногаҳ,  
Ким ўшул жон тилаги, кўнглум олония кўрдум.

Меҳр юзинда киши заррани кўрмади, вале  
Юзи меҳринда ман ул заррадаҳонни кўрдум.

Ул шикор учун жавлон қилаким, отланди,  
Боғу саҳрода ман ул сарв-и равонни кўрдум.

Ов анча юздурду ён теб айтди ул шоҳ,  
Вале қанчуғадин оқған қаро қонни кўрдум.

Кераги йўқ манга эмди маонию баён,  
Чун муҳаббатда маонию баённи кўрдум.

Ошкоро ўшани кўргали Ҳофиз янглиғ,  
Кунж-и азалиятда бале ганж-и ниҳонни кўрдум.

Ман пок назар бирла ўшул покни савдум,  
Ғамза била жон олғучи чөлөкни савдум.

Ғамнок кўнгулга ўшанинг кўп назари бор,  
Бу маъно била хотир-и ғамнокни савдум.

Ойтак юзина ойна бўлғали кўнглум,  
Ҳошоқим, ўшул кўзгуда хошоқни савдум.

Чимганда ўшул сарв-и равон рашики элидин,  
Ман лола ёқасидағи ул чокни савдум.

Ҳар хокдаким, бўлса нишоне адоқиндин,  
Кўз нури ортуқроқ ўшул хокни савдум.

Лаъл-и лаби тарёку жаҳон қайғусидур захр,  
Ул захрини дафъ эткади тарёкни савдум.

Жонбоз анга ошиқ-и белоқ кўп, илло  
Ул жумлада ман Ҳофиз бебокни савдум.

Ишқ бирланким ошно бўлдум,  
Ақлдин бир йўли жудо бўлдум.

Қочар эркан бало-йи ишқиндин,  
Турушум бирла ман бало бўлдум.

Мубтало бўлмоқ издамас эрдим,  
Вале ишқинда мубтало бўлдум.

Шоҳ-и вақт эрдим ўз алимда, вале  
Ишқ элимда бир гадо бўлдум.

Иzzати топгай ушбу бошим теб,  
Ишқда хору хок-и но бўлдум.

Ишқ гулзорининг ҳавосинда  
Ҳар нафас ҳамроҳ-и сабо бўлдум.

Ҳофизо, ишқ-и боқийни издаб,  
Кечдим ўзумдину фано бўлдум.

Токи сани ҳақ яратди борчага маҳдум,  
Иўқ маннингтак эшикда сойил-у маҳдум.

Олмасанг, эй жон, ниқоб меҳр-и юзунгдин,  
Бўлмас халқ-и жақонга ҳуснунг маълум.

Қилмади бир заррача асар кўнглинга,  
Гарчики хорони қилди оҳим ўти мум.

Зулф-и сиёҳ ой юзунда турфа эрурким,  
Тутди ўшул занги жумла мамлакат-и Рум.

Оғзинга жоним яқини етмади бир дам,  
Токи кўрунди ўшул чу нуқта-йи мавҳум.

Раҳм манга айламади ул қаро кўзунг,  
Золима қилмас асар чу даъват-и мазлум.

Назмина Ҳофизнинг айласанг назар, эй дўст,  
Келтурур эрди назарга гавҳар-и манзум.



Токи жон бирла ўшул меҳлиқони тиладим,  
Юзини кўрдуму юз нуру сафони тиладим.

То гадо бўлдум ўшул шоҳ-и замон эшигида,  
Лашкару мулк тақи тожу ливони тиладим.

Гулистон юзини кўргали ошиқ бўлубон,  
Булбул-и зор бикии баргу навони тиладим.

Бўй-и жон бирла муаттар қилайим тею димоғ,  
Зулфидия кечган ўшул бод-и сабони тиладим.

Жон била шаккар-и ширин бики оргини савуб,  
Ҳар нафас сўзлариди сирр-и кудони тиладим.

Алиф қаддим эгилдию кўрунди чун дол,  
То анинг қади уза зулф-и дутони тиладим.

Топмадим хаста кўнгул дардина Ҳофиз дармон,  
Дард-и дил ҳосил этиб, токи давони тиладим.

Чу бандаман санга ўш эмди подшо тегайим,  
Жафову жавринга ҳам лутф ила вафо тегайим.

Кўзум чу бўлди адоқнинг тўзи била пурнур,  
Кўзум била ўшанга эмди тўтиё тегайим.

Юзумга қаршу агар айласанг туман душном,  
Юзунига қаршу ҳамон дамда юз дуо тегайим.

Юзунг хаёли кўнгулдин чу бошқа тушмади ҳеч,  
Кўнгулни ойнаву маъдан-и сафо тегайим.

Чу сувратингда санинг маъно оғади бор,  
Бу маънодин санга ман суврат-и худо тегайим.

Бу тил била санга чун ҳамд эта билмасман,  
Не тил била билман<sup>1</sup> санга сано тегайим.

Чу дардинг ила даво топти бехато Ҳофиз,  
Не дардим ўшанга асл-и ҳар даво тегайим.

<sup>1</sup> Қўлёзмада: «била била билман».

Эмди боралим, гўша-йи майхона туталим,  
Асрук бўлалим, соғару паймона туталим.

Ушшоқ мақоми чун эрур кўй-и харобот,  
Ўзумиз учун анда бориб хона туталим.

Беҳуш қилиб, ўзина чун бизни қилур хен,  
Бас хеш не маъно била бегона туталим.

Мискинлик ила шоҳ-и замонни талаб айлаб,  
Дарвеш бўлиб, гўша-йи вайрона туталим.

Қар ишқи тутар бўлсақ аянинг ишқи йўлида,  
Ед айлагалим кўзину мастона туталим.

Сонсиз карами бирла қачон айласа сонсиз,  
Ул дам шаҳ-и давронни қачон сона туталим.

Фармоме хатикдн ёза бошламағалим теб,  
Ул зулфин ёзмоқлиқ учун шона туталим.

Куйсақ тақи, ёнсақ тақи, ёнмайин ўш эмди,  
Шамъ-и юзина жонни чу парвона туталим.

Неча ўзумизни туталим оқилу хушёр,  
Қофиз бики бир асруку девона туталим.

## 641

Хумор кўзларидни эмди майпараст ўлалим,  
Мудом ёд-и май-и лаъли бирла маст ўлалим.

Каманд-и зулфини шона қилибки ёзди нигор,  
Ўш эмди баста-йи дому асир-и шаст ўлалим.

Шикасталар ҳақина чун қилур иноятлар,  
Шикаста зулфи бикини лойиқ-и шикаст ўлалим.

Азоқи бошимиз оқибат етишгай теб,  
Ҳамиша хок-и раҳитак йўлида наст ўлалим.

Юзини кўрган аро жон нисор қилмоқ учун,  
Дуоси бирла саҳаргаҳ кушодадаст ўлалим.

Бу фоний дунё-йи дунянинг ичтида бўлуб нест,  
Бақо юзини кўруб, жовидона ҳаст ўлалим.

Нечага тегру санамларни савгамиз, Қофиз,  
Бу дайр-и кўҳанда эмди худопараст ўлалим.

Борадур эшигина аяниг равоним ҳар дам,  
Кўк уза ҳам чиқадур оҳу фиғоним ҳар дам.

Кўзга қайда чаман ичра кўринур сарвиноз,  
Ноз бирла юрус сарв-и равоним ҳар дам.

Қоматниг соғиниб жон қуши парвоз этса,  
Тўбийнинг узра кўрунур таяроним ҳар дам.

Новак-и ғамзаси токим жигаримга тегди,  
Жигари кўздин оқар кўз кўра қоним ҳар дам.

Нечаким манъ-и назар кўзума қилдим юзидин,  
Боқмас бўлмади чашм-и нигороним ҳар дам.

Ул замондаки, лаб-и лаълини ёд айларман,  
Тудоқимга келур ул тандаги жоним ҳар дам.

Ёд эта бошласа Ҳофиз ўшаниг тор оғзин,  
Иўқ бўлур анда маним ному нишоним ҳар дам.

Зулфидин мушкфишон келса равон бод-и насим,  
Юз ниёз ила анга қилгай эдим жон таслим.

Ғаму дарддин тиламан кетса қошимдин нафасе,  
Чун ғаму дард эрур банда била ёр-и қадим.

Тушгали эшигина хоксифат ошиқ-и зор,  
Тушмади бир нафасе кўнглина жаннат-и наъим.

Қилмади майл-и сафар ҳеч тарафга жоним,  
Бўлгали хаста кўнгул ёр эшигинда муқим.

Дур нисор этдим анга кўз садафиндин, лекин  
Қиммату қадр тона билмади бу дурр-и ятим.

Кўз тутарман караму лутф ўшандин донм,  
Чун гадоман тақи ул шоҳ эрур асри қарим.

Лутфу инъомини Ҳофиз тиласа, кўрма ғариб,  
Чунки зотинда аяниг бортурур лутф-и амим.

Етишса эшигини ногаҳон саҳарда насим,  
Қилур эдим ўшанга жонни ман равон таслим.

Равойиҳ-и сар-и зулфин агар кетурса сабо,  
Ҳамон нафасда бўлур зинда жумла азм-и рагим.

Хаёл-и дўст кўнгул гулханинда ёлмади,  
Кўнгулда ишқ ўтидур чу нор-и Иброҳим.

Нигор дурр-и ятим эруру кўзум ёни  
Борур анинг гами бирла равон чу дурр-и ятим.

Шикаста ҳолима қайда қилур назар кўзиким,  
Шароб-и ноз ила эрур мудом масту сақим.

Қаро кўзиким, эрур сийр ичннда бас устод,  
Анга бу фаида недин ҳар замон қилур таълим.

Нияз бирла анинг нозини тилар Ҳофиз,  
Жаҳоннинг ичра анга хуш келур чу нозу наъим.

Ман вафолиғ қулни қилмас ўзини ёр, англадим,  
Қон ёши иглатиб эмди ўлтурур зор, англадим.

Ушбу тун ёрим эшигинда фиғон чақдим, вале  
Зорийлиқимни эшитиб бўлди безор, англадим.

Гар ҳавосинда ўшул жононанинг жон берсаман,  
Этмас бир кун кўнгул учун ҳаводор, англадим.

Бир назар бирла бу қулнинг ҳолини билмак учун,  
Ёрлиқ қилмас ўшул кўзлари айёр, англадим.

Хуш келиб ўтди синон-и ғамзаси жондин, вале  
Ўтканиндин сўнгра жоним ичра озор, англадим.

Ул санамдин тоғ ели густох ошди субҳидам,  
Қасд этарни жонима ман охир-и қор, англадим.

Ўлтурурда бандасин эди рақиб таъназан,  
Ҳофиз-и бечорани ул шаҳ суюрғар, англадим.

Сўзлаш манга дутф айлаб аё сарв-и равоним,  
То чиқмасун ўш тандаги бу жону равоним.

Жон бирла жаҳондин кўнглум топғай мақсуд,  
Иўлингда бўла билса фидо жону жаҳоним.

Кўнглумни санга олдуруб ўш эмди тополман,  
Бор ул шакарни оғзинга бир зарра гумоним.

Сўрмай мани сан сурма ёмонлар сўзи бирла,  
Пўшида эмасдур санга чун яхши-ёмоним.

Ултурма мани ол била дам-бадам, эй жон  
Ким, ҳайф эрур нозук ўшул бўйнуғга қоним.

Ишқингда манга ному нишон ушбу қадр бас  
Ким, қолмади ҳеч турлу маним ному нишоним.

Ҳофиз бики дардинг била гар оҳ чакарсам,  
Уртар қаму оламини маним оху фиғоним.

Енар ишқ ўтина ҳар лаҳза, эй жоним, маним жоним,  
Гувоҳ-и ҳақ эрур ушбу сўзумга чашм-и гирёним.

Санинг сирриятни жоним ичра сақларман, вале ҳар дам  
Қилур пайдо ўзумдин кечган аро оҳ-и сўзоним.

Муҳаббат норина нечаки ёқсанг ул ёқар жонга,  
Халилуллоҳнинг ўти эрур чун нор-и хандоним.

Гулистон қилғали юзунг хаёли хаста кўнглумни,  
Ҳамиша тозаву сарсабз эрур бу гулистоним.

Бу қул ҳолу румузини билиб, ҳолингга раҳм этгил,  
Маоний мулкида, эй шоҳу султон-и сухандоним.

Манга гар илтифот этмасанг, эй султон, ғариб эрмас,  
Санинг юз минг қулунг бору маним йўқ ўзга султоним.

Сулаймон-и замон сансан, назар қилсанг бу Ҳофизга,  
Парийларини мусаххар қилғай эрди хатт-и девоним.

Санга жөн бирла қул бўлубтурурман шоҳу султоним,  
Мунаввар қил жамолингдин кўзумни моҳ-и тобоним.

Сани пайдову пинҳон ман саварман жону тан бирла,  
Юзунг очсанг бўлур зоҳир ўшул пайдову пинҳоним.

Эшигиндин кета билмади жоним булбули бир дам,  
Чун ушбудур жаҳон ичра маним боғу гулистоним.

Маним жоним куюб ўртанганимдин ҳам билур эрдинг,  
Етишса самъинга гаҳ-гоҳ ушбу оҳ-и сўзоним.

Санинг сирингни жон бирла кўпгулниг ичра кизларман,  
Вале пайдо қилур ҳар лаҳза бу чок-и гирибоним.

Манга гар куфру имондин сўрар бўлсанг айтгайман,  
Чун ой юзунг тақи зулфунг бўлубдур куфру имоним.

Бу мунча сўзни Ҳофиздин эшитиб раҳм қилмадинг,  
Румузу ҳолини билмасмусан, шоҳ-и суҳандоним.

Санга жон бирла қул бўлубтурурман, эй шаҳаншоҳим,  
Чу олам ичра саядин ўзга йўқ султон-и огоҳим.

Малул эрурман, эй султон-и олам, ўз-ўзумдиним,  
Бирарда доман-и васлинг етмайин даст-и кўтоҳим.

Маним ҳолимга раҳм айлаб, назар карам айлагай эрдинг,  
Етишса самъинга ҳижрон ўтинда нөлаву оҳим.

Чиқиб жоним қилур парвоз сарвистон-и жаниатда,  
Равон қаддинг хаёли бўлса жон берганда ҳамроҳим.

Магар рўз-и қиёматда эрур васлинг манга рўзий,  
Кечадур зулфу юзунг фурқатиндин солу ҳам моҳим.

Тариқ-и ишқинг ичра хок-и роҳтан хор бўлсаман,  
Жаҳон-и жонни тутгай эрди шаксиз иззату жоҳим.

Бу исму расмга Ҳофиз даме вобаста бўлмади,  
Чу ишқинг йўлида жон бермак эрур расму ҳамроҳим.

Лаби ширининг эрур жон-и жоним,  
Сучи оғзинг тақи сирр-и ниҳоним.

Равон келса лабинг ёқути сўзга,  
Бўлур ҳосил ўшул қут-и равоним.

Дамим ҳаргиз равон бўлмағай, эй дўст,  
Иўлингда гар равон бўлмаса қоним.

Қилур оҳим асар тошга валекин,  
Санга қилмас асар оҳу фиғоним.

Қачон ором топғайман жаҳонда,  
Чу бўлдуни сан маним ором-и жоним.

Нишоне сандин ул дамда топулғай,  
Қачон қолмаса бу ному нишоним.

Ўлумдин ушбу Ҳофиз ғам емас ҳеч,  
Бўлубсан чунки умр-и жовидоним.

## 651

Жон ичра хиромон бўл, эй сарв-и хиромоним,  
То жонни равон кўрсун тан ичраги бу жоним.

Бас ғунча бўлубтурур қадғу элида кўнглум,  
Васлиниг била шод айла ани, гул-и хандоним.

Ҳар хореким илгингдин ўрнаса кўзум ичра,  
Ул хор эмас, эй жон, эрур гулу райҳоним.

Ғамнок бўлуб борман саҳрову гулистонга,  
То кунж-и ғаминг бўлди саҳрову гулистоним.

Гар хор-и фироқингдин бўлмаса кўнглум реш,  
Бўлмағай эди гултак бу чок-и гирибоним.

Куфр-и сар-и зулфунгни пинҳон сева билмасман,  
Чун куфрнинг ичрадур пайдо маним имоним.

Ул зулф-и паришонинг савдойий қилур мани,  
Чун дол ангадур ҳолий ўш ҳол-и шаршоним.

Бош хок-и роҳинг бўлуб етишса азоқингга,  
Ман қулға саодатдур, эй сарвару султоним.

Қулдурман, аё султон, Ҳофиз бики жон бирла,  
Ул тесаиғ ўлайим ман, кўргуз хатт-и фармоним.

Кўргузмаса юзин манга ул шўх нигорим,  
Қон ёш ила бу дийда бўлур нақшнигорим.

Бўлмади ўшул шўх дилором манга ром,  
Ҳеч қолмади ором тақи сабру қарорим.

Зўр айламагай эрди манга жавру жафоси,  
Гар тегса қулоқинга маним нола-йи зорим.

Дарди била афгор бўлубдурману издар,  
Дардини тақи жон била бу жон-я фигорим.

Кўргузгай эдим ишқда жонбозлиқимни,  
Жавлон қила келса манга ул шоҳсуворим.

Ман хок бўлубман тақи қўрқуб ўладурман,  
Тегмасун этагинга тею зарра-и ғуборим.

Тушгали анинг баҳр-и ғам-и ишқина Ҳофиз,  
Кўз чашмасидин дур тўлудур ушбу канорим.

Кел, эй қиш ичра фасл-и навбахорим,  
Ниқоб олғил юзунгдин лолазорим.

Агарчи пок эди, тардоман ўлди  
Ғам-и ҳажрингда чашм-и ашкборим.

Қарар эркан қарор-и васлингизни,  
Қарорим йўқу ҳам сабру қарорим.

Ениб ишқ ўтина топдим сафо, лек  
Етишмади санга бу нуру норим.

Не ғам бордур манга агёрдинким,  
Ғаму дардинг эрур найваста ёрим.

Бошимни қилдим эшигингда ман хок,  
Вале поймол бўлди ёдгорим.

Жаҳон бўлғай эди Ҳофиз билан дўст,  
Тесаиғ эрдиким улдур дўстдорим.



Нечаким чакса бош ул сарвинозим,  
Зиёда бўлгуси жонда инёзим.

Кўрунгай саждаларим сажда-йи саҳв,  
Қоши бўлмаса меҳроб-и намозим.

Маним ҳолимға ҳар дам шамъ иглар,  
Муҳаббатда кўруб сўзу гудозим.

Вафо айлаб вафо-йи умид тутсам,  
Жафо айлар ҳабибу дилнавозим.

Чун ишқи йўлинда хок бўлдум,  
Қачон бўлгай эса пайдо бу розим.

Бўлурман подшоҳ-и вақт доим,  
Теса Ҳофизни Маҳмуд ул Аёзим.

## 655

Қошинг бўлғали меҳроб-и намозим,  
Санинг нозингга бордур юз инёзим.

Ёнармай шамътак ишнингдин, илло  
Асар қилмас сангга сўзу гудозим.

Навозиш сандин ўзгадин тиламан,  
Чу сандурсан ҳабибу дилнавозим.

Ушул лаб бирла сан жон-и азизим,  
Ушул қад бирла сан умр-и дарозим.

Юзунгни кўргали ўзга юзинга  
Назар қилмади чашм-и покбозим.

Тиламадим санубар бирла шамшод,  
Қадинг бўлғали сарв-и сарфарозим.

Мақомим оқибат маҳмуд бўлгай,  
Агар тесангни Ҳофиздур аёзим.

## 656

Лаъл-и лаби бўлди жон-и жоним,  
Жон бирла ушул эрур равоним.

Тил ёди бирла чун ўганибдур,  
Ед айламаса ўзгани забоним.

Қонимни тўқар жафо билан лек,  
Бир кун этагин тутаси қоним.

Тор оғзини савгали ўшанинг,  
Бир заррача қолмади нишоним,

Оғзи кўнглумни мандий олди,  
Бордур анга заррае гумоним.

Қайда бораёйим эшигидия ман,  
Чун эшиги бўлди бўстоним.

Ҳофиз чекадур фиғону нола,  
Булбул бики юзи гулистоним.

657

Улки юзи гулистонимдур маним,  
Қомати сарв-и равонимдур маним.

Юзи меҳридин кўнгул равшан эрур,  
Юзи моҳ-и осмонимдур маним.

Завқ этарман оғзини савмак била,  
Чун ўшул айш-и ниҳонимдур маним.

Шаққарин лаъл-и лабин рангин тилар,  
Кўздин оқган ол қонимдур маним.

Ҳосило жонтак саварман ониким,  
Ҳосил-и ҳар ду жаҳонимдур маним.

Ваъда-йи васлинга қилмади вафо,  
Ваъдаси асри ёлонимдур маним.

Ҳофиз-и бечоратак қулман анга,  
Ушбу сўз вирд-и забонимдур маним.

658

Жон шаробинга лабларидур жом,  
Зулфи бирла кўзи тақи бодом.

Оғзидин йўқтурур нишон, лекин  
Бордур бу жаҳон ичинда ном.

Ком ширин лабиядин издар экан,  
Берди Фарҳод жонини ноком,

Сиймтак сондин тилар кўнглум,  
Пухтадур ул, вале тамаълари хом,

Эшигиндин юзумни қайтарман  
Неча манъ айласа хосу авом.

Ул ёмон душманам дуосиндин,  
Дўстдин яхшироқ эрур душном.

Ул дилором зулфидин, Ҳофиз,  
Топа олмади жону дил ором.

659

Эрур зулф-и дарози андайн дом,  
Ки жон шоҳбозини боғлади модом.

Каманд-и зулфи чулғашди қадинга,  
Анингтакким эрур нечон алифлом.

Дил оромин топа билмагай эрди,  
Агар бўлмаса эрди ул дилором.

Юзинда ул лабу оғзи кўзидур  
Табак устинда шакар, ниста, бодом.

Басе гулюзлулар бордур, валекин  
Анингтак қани бир сарв-и гуландом.

Ҳилол қошини кўргузмак учун  
Эшикдин чиқса йиқилгай дару бом.

Аё Ҳофиз, ўшул жонон қошинда  
Жаҳон кўркулари дур нақш-и ҳимом.

660

Оғзию кўзи бўлгани ниста тақи бодом,  
Ул дона-йи холи кўрунур зулф ила бо дом.

Маст эткали жонларни шароб-и лаб-и лаъли,  
Қонлар ютадур ҳасрат ила дам-бадаме жом.

Ширин лаби Хусравга бўлур рўзи ва лекин  
Ком издаю Фарҳод берур жонини ноком.

Кўргузгани гар чиқса ҳилол қошини дўст,  
Назорагиллардин йиқилур жумла дару бом.

Ман сарв-и сиҳйини қаддина ўшата билман,  
Чун сарв-и сиҳий чиқмади андоғ гуландом.

Ҳамроҳ эрур жонима ёд-и руҳу зулфи,  
Бу ишқ йўлидаки юрурман саҳару шом,

Ишқи йўлида ному нишондин кеча билсанг,  
Ҳофиз, санга бўлғай эди ушшоқ аро ном.

661

Эй ким, юзунг кўрунди манга чун маҳ-и тамом,  
Юз офтоб бўлди санга жон била гулом.

Сарви равон бўлубки борурсан бу дамда рост,  
Жон манзилига айлагил оҳангу қил мақом.

Аврода ишқ-и зулфу юзунгнинг сўзи эрур,  
Чун мундин ўзга йўқ манга оламда субҳу шом.

Бадном бўлмайин киши ишқингни топмади,  
Бу йўлда ном нанг кўрундию нанг ном.

Қайда қазо-йн ишқ уза парвоз айлади,  
Бозеки бўлди баста-йн банду асир-и дом.

Ҳусну жамол жилва қила юзунг очса нагон,  
Ман кўзни кимдин издагаман ул замонда вом.

Ҳофиз вужуди бўлди сенинг юзунга ҳижоб,  
Андоғким офтоб-и жаҳонтобга ғамом.

662

Олди кўнгулни кўз кўра ул сарв-и хушхиром  
Ким, юзи қошинда кўрунур кам маҳ-и тамом.

Қоним ичар эса анга бўлсун бори ҳалол,  
Чун уйқу кўзума эрур онсиз баче ҳаром.

Ошuftа ман текин мутаҳаййир қолибтурур  
Кечгали сарвлар аро ул сарв-и хушхиром.

Дом-и балоға тушти баче шаҳбоз-и қудс,  
То холи бўлди донаву зулф-и снёҳи дом.

Зулф-и снёҳидин, не ажаб, тийра бўлсаман,  
Чунким гариб ҳақина тийра кўрунди шом.

Эрмас ғариб ишқ сўзин сўзласа тилим,  
Чун ғўшсиз эшитдиму тилсиз тедим калом.

Жон лодакон жаҳонина чунким ҳаво қилур,  
Ҳофиз қачон бу манзил ичинда қилур мақом.

663

Хати ичинда ярашур юзи чу моҳ-и тамом,  
Тўлуь-и моҳни хуш кўргузур чу қиллат-и залом.

Ғариб эмас кўнглум тийра бўлса зулфиндин,  
Ғариблар ҳақина тийра кўрунур чун шом.

Ҳамиша жон била жоновани тутармай дўст,  
Недин нас айлади бу қулни дўст душманком.

Саломатимни тиласа эди фироқинда,  
Бирор-бирорда манга тегай эрди дўст салом.

Не ҳожат ул мангаким жавру бас жафо айлар,  
Чу тинмайин манга жавру жафо қилур айём.

Бу хаста ҳолини кўрганда раҳм айламади,  
Қаро қароқчи кўзи даврида чу йўқ ислем.

Қачон бу Ҳофиз этар Каъба ёнина оҳанг,  
Муқим бўлғали чун эшигинда қилди мақом.

664

Зор агар ўлтурса эшигда мани ул қотилим,  
Равза-йи ризвон аро бўлғай мақому манзилим.

Тилни юз тилмак керак ширин тудоқини сўруб,  
Тили янглиғ сўзлар эрса андин ўзгани тилим.

Юз туман тадбир этарман кўргали юзин, вале  
Ишқ тақдири бузар тадбир-и ақл-и комилим.

Санг-и хороға асар қилди бу оҳимнинг ўти,  
Лек асар қилмас ўшанинг кўнглина дард-и дилим.

Кўз ёшин сойил қилибман юзини кўрмак учун,  
Топмағайму ўз муродни эшигинда сойилим.

Мани кўрганда юзин ўртар, вале парвонатак,  
Халқаро жонимни наг ўртар бу шамъи маҳфилим.

Подшоликқа қабул этгай эди мақбуллар,  
Гар теса Ҳофизни қуллар орасида мақбуллар.

Гар бўлабилса ўшул султонга лойиқ хидматим,  
Аршдин аъло кўрунгай остон-и иззатим.

Юзини кўрмай мақом-и ҳайрат ичраман вале,  
Кўргузур бўлса юзин бўлгай зиёда ҳайратим.

Ман бор эркан ўзга ошиқга жафо қилмаса теб,  
Бўлди ғолиб жону кўнглумда зиёда ҳасратим.

Ерин кўргали қилмадим назар ағёрга,  
Ғайр ёнига назар қилмага қўймас ғайратим.

Кон-и васлидин эрур дарду ғам-и ҳижрон насиб,  
Чунки қиссам азалдин ушбу бўлди қисматим.

Гарчи ман хошок янглиғ эшигинда ҳорман,  
Бор арбоб-и назар қошинда қадру қийматим.

Ҳофизо, бўлса бошим жононанинг йўлинда хок,  
Бўлгай эрди юз тариқа иззату ҳам давлатим.

## 666

Эй латофат осмонинда юзи моҳ-и тамом,  
Подшоҳ-и ҳусн сансан Юсуф-и Мисрий ғулом.

Завқ бирла ғунча янглиғ чок қилгай сийнани,  
Гар сабо ошиқга келтурса висолиндин паём.

Кўзларим юзунгдин, эй жон, нур издаса не танг,  
Чун тилабдур офтобу моҳ андин нур вом.

Қайтарубдурлар юзини қибла-йи меҳробдин,  
Юзунгу қошингни кўргали муаззин ҳам имом.

Оразинг бирла хатинг ҳусн ичра қайда танг бўлур,  
Доимо мағлуб эрур чун меҳр қошинда залом.

Хоб-и ғафлат бирла доим маст-и ноз айлаб турур,  
Наргис-и раъно бикин кўзунгни ҳаййи ло яном.

Шаккар-и ширинтак ул лаълинг шаробини кўргали,  
Бўлди пинҳон ҳижлатиндин шишанинг ичра мудом.

Ичди кўз кўра маним қонямни лаълинг ол ила,  
Элга тушса сўруб андин чаккай эрдим янтиқом.

Ол тудоқингни бу Ҳофиз бир сўра билса эди,  
Тошгай эрди кўнгли издаган бикин оламда ном.

Жом-и май янглиг тудеқиндин тилар жоним мудом,  
Нетмади бир дам кўнгулдин боре бу савдо-йн хом.

Роҳ-и руҳафзо анинг лаъл-и лабидин тоимаса,  
Кўрмагай ҳаргиз суроҳий саждасин мажлисда жом.

Гар заиф ўлса тўлун ою кўрунмаса, не ғам,  
Жом ичинда бодадур тобинда чун моҳ-и тамом.

Зоҳид-и афсурдага бода қачон бўлсун ҳалол,  
Чун эмасдур ошиқ-и ошуфтага ул май ҳаром.

Ному наянғини роят қилди зоҳидлар, вале  
Ишқ аҳлига эрур ул ном нангу нанг ном.

Дўстинга не ком дил бирла ичиб мажлис аро,  
Душман-и бадкеш рағминга бўлакўр дўст-и ком.

Жом-и бода ёрнинг лаълингаким қасд айлади,  
Ҳофиз анинг қонини ичдию чакди интиқом.

То кўрунди манга дилдор юзи моҳ-и тамом,  
Лаб-и лаълидин анинг бўлди кўнгул маст-и мудом.

Жом-и ишқиндин анинг май тилар эрсанг дойим,  
Мажлис-и пир-и харобатда бўл дурдошом.

Завқ агар издар эсанг бода-йн софий ичтил,  
Бодасиз завқ бағишламади чун дор-и салом.

Жому бода манга келтуртил аё соқий-и руҳ,  
Чун ҳақиқатда ҳамон бир эрур бодау жом.

Дўстга не, манга ул жом-и жаҳондин қўш тут,  
Дўстман неччага тегру бўлайим душман-и ком.

Хомлар пухта эрурман тедилар ишқда, лек  
Пухта улдурким ичар кўй-и хароботда хом.

Ҳофизо, ринду қаландарвашу қаллош ўлғил,  
Чун бу атворда йўқ мансабсанж ислом.

То мени кўруб қочди ўшул шўх-и дилором,  
Хар лаҳза тена олмади жон бирла дил ором.

Бир йўли фироқ ўтина ўртонмагай эрдим,  
Ки гоҳ агар келса эди бандага пайғом.

Ноком чу Фарҳод қачон жон чакар эрдим,  
Топсам эди ширин лабидин бир нафасе ком.

Тор об-и ҳаёт-и лаб-и лаълини кўрубман,  
Пайваста бу жонимға тушубдур ҳавас-и жом.

Зулфу юзининг сўзлари жон бирла кўнгулга  
Аврод-и муҳаббат кўрунур субҳ тақи шом.

Ўзгалара нисбат қила билман ўшаниким,  
Ул бор экан, ўзга кўрунур суврат-и ҳимом.

Ҳофиз бики қолгай эди олам мутаҳҳаййир,  
Чикса тўндин бир нафас ул сарв-и гуландом.

Кўрунди эрса манга ул нигор-и сиймандом,  
Салом бердиму бермади ул жавоб-и салом.

Чу ком-и жон манга бермади лаълидин дилдор,  
Чакарман эмди жаҳоннинг ичинда жон ноком.

Мудом маст-и май-и нишқ бўлсаман, не ажаб,  
Кўзи чу соқий бўлубдур, лаби шароб ила жом.

Бу хаста жон била кўнглум учун бўлуб турур,  
Фироқ дарди ҳалолу висол завқи ҳаром.

Иноят айласа хушвақт бўлгаман дойим,  
Анинг бикинки гадо топса шохдин инъом.

Мақом-и дунёга гарчким илтифот этман,  
Муқим бўлғай эдим топсам эшигинда мақом.

Юзи била ўшанинг зулфини тилаб доим,  
Кечар бу важҳ уза Ҳофизга субҳ бириа шом.



Ул зулфу ораз бўлгали ошиқларинга субҳу шом,  
Аврод этиб ёд-и лабин бўлди бори ширинкалом.

Заррот-и олам ҳуснина мантак қул ўлса, не ажаб,  
Чун бўлди қул юзини кўруб хуршиду ҳам моҳ-и тамом.

Ҳар бир гадоси шоҳдур, оламда меҳру моҳдур,  
Гар подшоҳ бўлмоқ тилар бўлсанг анга бўлгил гулом.

Гар хон-и васлиндин насиб издар эсанг, жонинг била  
Дардин ҳалол айлаб кўзунга уйқуни қилгил ҳаром.

Тиккил ниҳол-и қаддини бўстон-и жон ичра равон,  
Чун йўқ турур андоғ чаманлар ичра сарв-и хушхиром.

Анвор-и нишқ ёр агар бўлса юзунгда кўрунур  
Орий, шароб-и софдин айтур мусаффо бўлса жом.

Жон бирла Ҳофиз остонинда ўшанинг бош қўюб,  
Топди бу дам икки жаҳоннинг ичра бас олий маҳом<sup>1</sup>.

Эйки юзунг биладур гулхан-и жон чун гулшан  
Об-и ҳайвон кўрунур лаъл-и лабингда равшан.

Ёр гулханда кўрунса бўлур ул боғ биҳишт,  
Ёр агар бўлмаса гулшан кўрунур чун гулхан.

Дард-и дардинг била чун маст-и мудом эрурман,  
Не керакдур манга майхонада ул дурдий-и дан.

Зулфунг айёмида бергил манга сан дона-йи васл,  
Моҳ узра чун ўшул хўша кўрунур хирман.

Юзунга қаршу тилар шамъ замоне ёнмоқ,  
Чунки микроз-и фанога узатибдур гардан.

Кўзум илгинга висолинг этаги қайда тагар,  
Чун эрур саҳро ўтидин дойим ўшул тардоман.

Ёрсиз жон била зинда бўла билман Ҳофиз,  
Ёр эрур жон тақи жон бирла жаҳондур чун тан.

<sup>1</sup> Қўлёзмада «и» ҳарфидан варақ тушган.

Кўз ойинаси юзунг ила қилғил гулшан,  
То кўз кўра кўрсун сени, эй дийда-йи равшан.

Кўрдинг тақи раҳм айламадинг ҳолима, эй шўх,  
Гўё қаттиғ ул кўнглинг эрур санг ила оҳан.

Ман дўстлиқ ичра санга жонин берур эркан,  
Сан дўстлиқ этмадингу бўлдуниг манга душман.

Оҳим ўтидин айлагил, эй дўст, ҳазарким,  
Ҳар дам тутунн бирла қорарди раҳ-и равзан.

Хулқингни ўшул ҳуснунга танг тўш қила кўргил,  
Ҳуснунг кўрунур барчадин, эй дўст, чу аҳсан.

Ул ғамза била кофир-и ҳунрез кўзунгтак  
Оламда кўрунмади манга жоду-йи пурфан.

Ҳофиз бики қани бу замон ишқ йўлинда,  
Мискинким эшигиндин унгин бўлмаса маскан.

Келди эрса бу сарв-и сиймин тан,  
Жонима бўлди дўстлар душман.

Не ажаб, бўлса ёр ёр манга,  
Чун бўлубдур қарин бу жон била тан.

Ул эрур барча ҳол ичра чу жон,  
Ман эрурман анга чу пирохан.

Назар олса биҳишт равзасидин,  
Бўлур ул дамда равза чун гулхан.

Солса гулханга лутф ила назаре,  
Гулхан ўлур ҳамон замон гулшан.

Кўз ёши бирла гарчи тар кўрунур  
Пок эрур, дўстлар, манга доман.

Ишқ пўшида қолмади Ҳофиз,  
Орий балгурди бўй-и мушк-и Хўтан.

Хуққа-йи ёқут ичинда кўргузуб дурр-и Адан,  
Нарх-и шакар синдирур сўз бирла ул ширинсухан.

Мусхафн рухсорасин равшан кўруб мунзил бўлур,  
Шаън-и ҳуснинга анинг оёт-и лутф-и зулминан.

Дом-и зулфнига анинг жон қуши бағланмоқ тилар,  
Чун чакар жоннинг қушини дам бадам ҳуббу-л-ватаи.

Бўстон ичра хиромон юруб ул сарв-и равон,  
Суврат-и жонман теса, ҳақ айтур ул нозукбадан.

Юзи нориндин анинг нор ичра турлу нор бор,  
Қаддини кўрган аро ерлар ўпар сарв-и чаман.

Ул қаро кўз ошно эркан равон югуруб қочар,  
Мундайн ваҳший эмасдур ҳеч оху-йи Хўтан.

Ганж-и ишқин топғали вайрона кўнглум доимо  
Ганж-и жаннат бўлди олам ичра ул байту-л-ҳазан.

Бу ғазални гар эшитса қилғай эрди ҳам қабул  
Ҳофиз-и бечоранинг шоҳи Ҳусайн бинни Ҳасан.

Тилмудур ё қанд ёхуд тўтий-и шақкаршикан,  
Тишмудур ё гавҳар-и сероб ё дурр-и Адан.

Хатмудур ёхуд гулу гулзор ё боғ-и биҳишт,  
Қадмудур ё сарв ё шамшод ёхуд норван.

Кўзмудур ё кофир-и хунрез ё жоду-йи ҳинд.  
Юзмудур ё лола-йи худрўй ё барг-и суман.

Хатмудур ё лола узра сунбул-и печондур,  
Ё абиру анбар-и сорову ё мушк-и Хўтан.

Танмудур нозук тани ёхуд мусаввир-и жонмудур,  
Барги гулмудур ўшул тан узра ёхуд пираҳан.

Нўш-и жонмудур ўшул лаб ё тақи об-и ҳаёт,  
Ниш-и дилмудур ўшул кирпукким, эрур тийғзан.

Дурр-и ғалтонмудур ул ораз қошинда кўрунур,  
Ё тақи Зухрамудурким, моҳ иладур ҳамқаран.

Ғунча оғзи ҳасратинда қон ютариндинмудур,  
Ким гулистон ичра кўргузур бу дам қондин кафан.

Кўп кишилар этдилар шеър таркини, вале  
Ушбу Ҳофизтак айтган бўлмади шеър-и ҳасан.

679

Бўлган ўз-ўзинга ёр, ҳар ёрни не қилсун,  
Чун ёр эрур куллий ағёрни не қилсун.

Билган киши ўзини, ўзгани қачон издар,  
Гулзор-и жинон бўлган ҳар хорни не қилсун.

Бозорий бўлуб ҳар ким топди эса бозоре,  
Куиш ичра чу ганж эрур бозорни не қилсун.

Ким издаса бор андин борин талаф айласун,  
Ул бор эяси эрмас, бас борни не қилсун.

Зулфинга кўзум солман юзини кўруб равшан,  
Имон юзини кўргай зуннорни не қилсун.

Жоду кўзи бағлади сеҳр ила қаро зулфин,  
Мундин ўнгин ул айёр таррорни не қилсун.

Асрук кўзини кўруб, лаъл-и лабини сўрган,  
Хумхонайи оламда хамморни не қилсун.

Маъно тилаган жонлар сувратга қачон боқди,  
Дийдор талаб қилган деворни не қилсун.

Юзи билла жон мулкин кўз кўра ёқар чунон,  
Жон мулкини ёқмас ул норни не қилсун.

Кўргузмаса дийдорин ошиқга ўшул султон,  
Айтунг манга сиз боре дийдорни не қилсун.

Тарк айлади бу Ҳофиз асрору газал сўзини,  
Чун маҳв мақомидур, гуфторни не қилсун.

680

Топган лабининг лаззатини жонни не қилсун,  
Кўрган эшигин равза-йи ризвонни не қилсун.

Кўрган кишилар оғзини сўзлаган орада,  
Бўстондағи ул ғунча-йи хандонни не қилсун.

Лаъл-и лабини сўргану билган киши таҳқиқ,  
Тоғ қўйнидаги лаъл-и Бадахшонни не қилсун.

Юзинда анинг нур-и илоҳини кўранлар  
Авроқ уза ояту бурҳонни не қилсун.

Топган кишилар лаззат-и фақру Фуқарони,  
Зоҳирдаги бу шоҳ ила султонни не қилсун.

Қадду руҳу зулфин тилаган ошиқ-и содиқ,  
Боғ ичраги сарву гулу райҳонни не қилсун.

Не турфа, сани Ҳофиз агар издамаса ёр,  
Ҳасрат ўтина куйгану ёнғонни не қилсун.

681

Кечмай бу жонидин киши жононни сўрмасун,  
Бўлмай чу хок сарв-и хиромонни сўрмасун.

Ўртанмас муҳаббат ўтинга чу андалиб,  
Бод-и сабо бикин гулистонни сўрмасун.

Ким хорнинг жафосини жон бирла чакмаса,  
Бормасун ул чаманга, гулистонни сўрмасун.

Ҳар ким висол-и Каъбани жон бирла издамас,  
Чўл йўлга кирмасуну биёбонни сўрмасун.

Қон оқтурур кўзум йўлидин дам-бадам, вале  
Билмай бу ҳолни киши бу қонни сўрмасун.

Жон ўйнамаға ҳар кишиким қилмаса ҳавас,  
Тор оғзидин бу қисса-йн ниҳонни сўрмасун.

Лаъл-и лабинга жонни равон бермаган киши,  
Ҳофиз бикин бу чашма-йн ҳайвонни сўрмасун.

682

Банди балодин бандасин ул шоҳ озод этмасун,  
Дарду ғаминдин шод эрур, кўнглумни ношод этмасун.

Ман қулни ёд айламас ул султон баҳона бирла ҳам,  
Ким тедиким ошиқларин дилдорлар ёд этмасун.

Ман зорнинг зорийлиқин жонон эшигинда кўруб  
Булбул гулистонлар аро кўн оҳу фарёд этмасун.

Мажнуну ҳам савдойилар девона бўлмасун теса,  
Занжир-и зулфининг насимин ҳамроҳ-и бод этмасун.

Дом била зулфин тақн дона-йи қора холин қилиб,  
Симурғ-и жон сайд эткали кўзини сайёд этмасун.

Торож-и дин қилмоқдаким устод эрур кофир кўзи,  
Ғамза сўзини ўгратиб бир йўли устод этмасун.

Олсун лабиндин чошни қаннодман теган киши,  
Андин сўнги кўп васф ўшул қандини қаннод этмасун.

Бунёд-и сабримни маним айлаб ҳароб ул нозанин,  
Ҳар нокасу номард учун бир шева бунёд этмасун.

Ҳофизга айб айламангиз фарёд қилса дам-бадам,  
Айтунг ўшул султонғаким кўп жавру бедод этмасун.

683

Ишқ дарди хаста жонимдин даме кам бўлмасун,  
Реша жонимға ҳам андин ўзга марҳам бўлмасун.

Дард-и дилким доимо маҳрам бўлубдур жонима,  
Андин ўзга олам ичра ёру маҳрам бўлмасун.

Ҳар ким издар ишқнинг ҳамдамлигини доимо,  
Дарддин ўзга била бир лаҳза ҳамдам бўлмасун.

Олам ичра оламе топмаса ошиқ дард ила,  
Не сафо бўлғай бу олам ичра, олам бўлмасун.

Одам-и хокийда гар бунёд дарди бўлмаса,  
Ушбу олам ичра ҳам бунёд-и одам бўлмасун.

Дарднинг бунёди муҳкам бўлмаса жон мулкида,  
Ушбу бунёди жаҳон ҳам ҳеч муҳкам бўлмасун.

Шодмон бўл дард-и дилдор ила, эй Ҳофиз мудом,  
Ё санга оламнинг ичра бир замон ғам бўлмасун.

684

Ишқдин ўзга манга бир ҳамдам-и жон бўлмасун,  
Хилват-и жонда ҳам андин ўзга жонон бўлмасун.

Неча жонон кешу қурбонинда бўлса ўқу ёй,  
Ишқининг кешинда мандин ўзга қурбон бўлмасун.

Қайда бўлса дарду ғам бўлсун анга дармон, вале  
Ёрнинг дардинга охир ҳеч дармон бўлмасун.

Қолу розимға маним доно экан ул нозанин,  
Қасд ила ғофил бўлуб бир йўли нодон бўлмасун.

Кофир-и хунрез кўзлари мангаким қасд этар,  
Дойимо бўлсун ўшул кофир, мусулмон бўлмасун.

Мая шикоят айламан жавриндин ул жононғаким,  
Қўрқам ногоҳ андин ҳам пушаймон бўлмасун.

Бўстон ичра гул-и садбаргдин тушкан йироқ,  
Булбул-и мажруҳ мантак зору нолон бўлмасун.

Хажр ўтига ўртасун жонимни ул жонон, вале,  
Гултак ўзгага очилиб нор-и хандон бўлмасун.

Ул парийшоннинг паришон зулфи савдоси била,  
Ҳофиз-и девонатак киши паришон бўлмасун.

#### 685

Сўз била ширин тудоқи шакарафшон бўлмасун,  
То анинг давринда шаккар нархи арзон бўлмасун.

Жон-и ширинким олур ширин тудоқи ол ила,  
Андин ўзга ол бирла жоним олғон бўлмасун.

Ол бирла ол тудоқи ошиқниким ўлтурур,  
Шаккарийн лаълиндин ўзга ҳеч товон бўлмасун.

Бор тесам хурдабинлар қошида йўқ оғзини,  
Сўзласун боре бу сўзум бори ёлғон бўлмасун.

Сайд этиб ошиқларин ўлтурса ул сайёд-и шўх,  
Боғламасун банд-и фитракинга то қон бўлмасун.

Жон нисор эттим ўшул жононға қилмади назар,  
Ногаҳон ул нозанининг кўнгли қолгон бўлмасун.

Юзи устиндаги зулфиндин чекар жоним азоб,  
Ганж устинда анингтак мор пинҳон бўлмасун.

Кирмасин ҳар кишининг кўнгли эвинга ул пари,  
То жаҳоннинг халқи бир йўли парийшон бўлмасун.

Нуқта-йи васлин тилаб, Ҳофиз, кезар паргортак,  
Андайин саргашта олам ичра бўлғон бўлмасун.

Кўрмасам меҳр-и жамолин моҳ-и тобон бўлмасун,  
Гул юзин кўргузмаса булбулга бўстон бўлмасун.

Айтунг ул жон пораси жононғаким ҳажр ўтина  
Мени ўртаб, ўзгага шамъи шабистон бўлмасун.

Ҳар нечаким жавр ўтиндин жоним ичра бўлса доғ,  
Розий эрурману лекин доғ-и ҳижрон бўлмасун.

Ошкоро кетса кўздин заррача эрмас жаҳон,  
Лекин онинг офтоб юзи пинҳон бўлмасун.

Нечаким бўлса кўнгуллар олғучи эҳсону ҳусн,  
Ҳусн тахтида ўшандин ўзга султон бўлмасун.

Ол юзи кўргузмайин ол айламасун ул санам,  
То бу ошиқ кўзидин ер юзи ол қон бўлмасун.

Кирмасун кўксин очиб ул нозанин гулзорға,  
Ногаҳ гулларнинг иши чок-и гирибоя бўлмасун.

Зулфининг бир горина минг жон олур эрди, вале  
Фикр этар гўёки нарх-и мушк арзон бўлмасун.

Ёд қилма, Ҳофиз, ул кофир кўзининг ғамзасин,  
То назар сўзинда ҳам торож-и иймон бўлмасун.

## 687

Мантак жаҳонда ҳеч дилафгор бўлмасун,  
Дарду балоси бирла гирифтор бўлмасун.

Махмур ул қаро кўзининг орзусидин  
Ишкаста ошиқ бики бемор бўлмасун.

Улким шароб-и ҳусн била маст-и ноз эрур,  
Бўлсун мудом асруку ҳушёр бўлмасун.

Кўз нуридин кетармас эдим бир замон, вале  
Қўрқарман ул санамки дилозор бўлмасун.

Эй жон, эшигида ўшанинг оҳ чакмагил  
Ким, фитнадур бу оҳ ила бедор бўлмасун.

То нечаким жаҳонда гулистону гул бўлур,  
Гулзор ҳуснида ўшанинг хор бўлмасун.

Ҳофиз маним тилагим ўшулдур оллаҳдин  
Ким, ёр бўлган орада агёр бўлмасун.



Ман тиларман сани жон тахтинда жонон бўлгасан,  
Барча олам қул бўлуб тапуғунгда султон бўлгасан.

Қайтариб юз манди ўш кофирлигингни қўймадинг,  
Бўлмагайму ул замонким, сан мусулмон бўлгасан.

Ман ўлар эркан санинг дардинг била, эй нозанин,  
Не раводур ўзганинг ҳаққина дармон бўлгасан.

Ҳолнэ юлдуз бикин кўзга кўрунурсан, вале  
Оқибат сан ҳусн ичинда моҳ-и тобов бўлгасан.

Абр-и найсонтак санинг ҳажрингда гирён бўлсаман,  
Ул замонда гул бикин қаршумда хандон бўлгасан.

Хор-и ҳажрингни маним бу хаста жонимға тикиб,  
Не сабабдин ўзгага очилиб гулистон бўлгасан.

Ерга тўкма ергасен жаврунг била Ҳофиз қонин  
Ким, бу ноҳақ қондин охир бас пушаймон бўлгасан.

Эй сарвиноз нозанин, ул дамки сан ёр этгасан,  
Бир ноз қилмоқлиқ учун юз ноз оғоз этгасан.

Бурқаъ кетариб, гул бикин юзингни кўргузсанг манга,  
Ҳижрон қишини ҳатто васлинг била ёз этгасан.

Чанг-и балода лутф ила гаҳ-гаҳ навозиш қилмасанг,  
Қонун-и жаврингни бори жоним учун сөз этгасан.

Чангол-и ғамзанга равон жоним қуши бўлғай асир,  
Кўзунгни боз этган аро ким ҳамла-йи боз этгасан.

Ҳажринг ғаминда жон чакиб дармонда бўлган орада,  
Васлинг эшигин раҳм этиб ман бандага бор этгасан.

Ики жаҳоннинг иззатин оламда гар издар эсанг,  
Дарвешни кўрган аро икрому эъзоз этгасан.

Ҳофиз, санинг қадрингни гар Хоразм аҳли билмаса,  
Азм-и Ироқ айлаб равон, оҳанг-и Шероз этгасан.

Ул дамдаким бу ошиқинга ноз қилгасан,  
Юз ноз бирла фитналар оғоз қилгасан.

Кўнглумни уд янгли бало ўтина ёқиб,  
Оҳанг-и жавр жоним учун соз қилгасан

Дарду бало насибини чун жон қабул этар,  
Ўзгани наг бу хастага анбоз қилгасан.

Ҳар пашшаким, ҳаво-йн муҳаббатда бол очар,  
Эй шоҳ, ани назар била шоҳбоз қилгасан.

Мажмӯ-и жон қуши санга сайд ўлғай ул замон  
Ким, бозтак шикорда парвоз қилгасан.

Жоним била ниёз санга кўргузур эсам,  
Юз турлу ноз дилбар-и танноз қилгасан.

Сандин вафову лутф бу Ҳофиз тамаъ тутар,  
Қиш лутф қилмасанг ёзибон ёз қилгасан.

## 691

Неча ниёз қилур бўлсам, анча ноз қилурсан,  
Жафони ҳаддин ошуруб, вафони оз қилурсан.

Ким ой юзунга назар боз қилса ўйнаю, эй жон,  
Қиморхона-йи ишқингда покбоз қилурсан.

Ниёз бирла юзунгни кўрарга ким келур эрса  
Шаҳид-и ишқ қилиб, устина намоз қилурсан.

Кўнгули ичра кимунг бўлса зарра дарддин нишоне,  
Гузин-и халқ қилиб они аҳл-и роз қилурсан.

Жароҳату аламни жоним ичра издаса, тонғай,  
Не жавр кимгаким, эй шоҳ-и дилнавоз, қилурсан.

Қачонки ёзсанг ўшул кокилингги ҳеч ёзмайин,  
Бало камандини жон олғали дароз қилурсан.

Ғубор-и роҳ адоқингда бўлди эрди бу Ҳофиз,  
Сан, эй чиройлу, магар андин иҳтироз қилурсан.

Ҷар лаҳза мани жавр ила озор қилурсан,  
Жон бирла жаҳондин тақи безор қилурсан.

Ман ёрлиқ ичра санга жонни берур эркан,  
Сан ўзгага ўзунгни недин ёр қилурсан.

Озор баче бор экан жоним ичинда,  
Ман бандани бежурм дилозор қилурсан.

Жавринг тиканин жонима ҳар дам тикарингдин,  
Кўз мардумини кўз кўра хунбор қилурсан.

Эй дурр-и гаронмоя, санга толиб эрурман,  
Наг ўзгани ўзунгга харидор қилурсан.

Ҳасрат ўтина жону жаҳонимни ёқарман,  
Номардинким маҳрам-и асрор қилурсан.

Бу Ҳофиз-и дил сўхтага лутфу ситамни  
Недурки баче андаку бисёр қилурсан.

Ўзга бирлан ки даме майл-и шароб айларсан,  
Ҳасрат ўти била бағримни кабоб айларсан.

Ҳажринг ўти била жонимни ёқиб ҳар соат,  
Чашма янглиғ икки кўзимни пуроб айларсан.

Турфа ҳоле эрур, эй жону жаҳон, ҳолимким,  
Роҳат-и жонсану жонимға азоб айларсан.

Ноз қилғил тесаман, ноз қилиб қилмассан,  
Неча бу ошиқингга нозу итоб айларсан.

Йўқтурур ҳеч хато санда, аё турк-и хито,  
Не тиласанг ани қилғилки савоб айларсан.

Келдинг эрса нафасе кетмагил, эй умр-и азиз,  
Умр худ ўзи кетар, сан не шитоб айларсан.

Ҳофиз хаста кўнглини йиқиб ҳам ёқдинг,  
Қилмайин они, иморатни хароб айларсан.

Очсанг кўзунгни ул маҳ-и зебони кўргасан,  
Борсанг чаманга ул гул-и раънони кўргасан.

Чаксанг кўзунга сурма бикни хок-и пойни,  
Шаксиз ўшанда дийда-йи бийнони кўргасан.

Ҳиммат баланд тутсанг анинг йўлида, яқин  
Жонда алифтак ул қадду болони кўргасан.

Гар остон-и дўстни жон бирла сақласанг,  
Ул ҳол ичинда каъба-йи улёни кўргасан.

Нохуш кўрунса манзил кавну макон санга,  
Хуш ломаконда манзилу маъвони кўргасан.

Доро мамоликни қачон кўзга илмасанг,  
Ушшоқ аро мамолики Дорони кўргасан.

Ағёрдин баъд ўзунгни тутар эрсанг,  
Ҳар дамда ийду айшу тамошони кўргасан.

Кўргузмаса ўзини санга ошкор дўст,  
Хилват топа бориб ани пинҳоний кўргасан.

Қатъ-и таълиқ айлаб агар фард бўлса нагон,  
Ҳофиз, бу кунда ҳолат-и фардони кўргасан.

Боғ-и ҳусн ичра ажаб бир гул-и хандондурсан,  
Ол ўшул англр ила рашк-и гулистондурсан.

Тўти-йи жон тиласа қутини сандин, не ажаб,  
Сучи лаълинг била чунким шаккаринстондурсан.

Жон чакиб ман ўладурман, манга бер об-и ҳаёт,  
Чун ўшул оғзинг ила чашма-йи ҳайвондурсан.

Жон тесам айб манга айламагил, эй дилбар,  
Не теганин санга чун ошиқ учун жондурсан.

Сарву шамшод баса бор гулистонда вале,  
Сан ўшанлар аро бир сарв-и хиромондурсан.

Сан қуёшу қаму арбоб-и ҳусн заррамисол,  
Қул эрур барча санга, сан шаҳу султондурсан.

Жумла ҳайрон манга бўлди бу замон, эй Ҳофиз,  
Айтмассан мангаким сан кима ҳайрондурсан.

Биздин, эй жон, нечага тегру жудойий қилгасан,  
Лутф этиб бегоналарга ошнойий қилгасан.

Ушбу қулни кўрган орада кўрунмай жон бикин,  
Қўл тутушуб ўзгаларга раҳнамойий қилгасан.

Ўзга бирла ринду қаллошу қаландарваш бўлиб,  
Бизга келсанг ҳар замон зухду риейий қилгасан.

Ўзгаларнинг илгидин бода ичиб, сархуш бўлуб,  
Давр бизга келган ора порсойий қилгасан.

Оҳким, жон бикин, эй, жон, сани савдук вале,  
Умр янглиғ неча бизга бевафойий қилгасан.

Подшолиғ қилгасан бизим қошимизга келиб,  
Ўзгаларнинг қошина борсанг гадойий қилгасан.

Жон била қулдур тею Ҳофизга гар лутф айласанг,  
Олам-и маънода доим подшойий қилгасан.

Жонни берадурман санга, эй жон, не тиларсан,  
Бечора гадодин тақи султон не тиларсан.

Ман жоме жон чок қилибман тақи эмди,  
Гултак очилиб, эй гул-и хандон, не тиларсан.

Юзуиғ гулини кўрган аро нола чакарда  
Темасмусан, эй булбул-и нолон, не тиларсан.

Изинг тўзини толған аро гиря қилурда  
Сўрмасмусан, эй дийдаси гирён, не тиларсан

Бир ваъда-йн васлинг била олдинг кўнгул, эмди  
Эй ваъдаси ёлгон, кўнгул олгон, не тиларсан.

Эй кофир-и бадкеш, санга жон била қурбон  
Ман бўлур экан, ўзгани қурбон не тиларсан.

Озод экан жон била Ҳофиз бикин эмди,  
Бўлдум санга ман банда-йн фармон, не тиларсан!

Юзини кечадаким офтоб кўргайсан,  
Жамолу ҳуснини ҳам беҳижоб кўргайсан.

Хаёли юзи била уйқулар эсанг дойим,  
Тушунгда моҳ била офтоб кўргайсан.

Мудом маст-и май-и ишқ бўлмоқ издар эсанг,  
Сучи лаби қадаҳинда шароб кўргайсан.

Муқим-и кўй-и хоробот-и ишқ агар бўлсанг,  
Басе менинг бики маст-и хароб кўргайсан.

Висол-и марҳамидин топғасан шифо охир,  
Агарчи ҳажрда ранжу азоб кўргайсан.

Ниез бирла савол айласанг бу шоҳимдин,  
Ушул саволга юз минг жавоб кўргайсан.

Дуони сидқу ниез ила айласанг Ҳофиз,  
Бу шоҳнинг қошида мустажоб кўргайсан.

Гулшан-и ҳуснининг ичра гул-и хандонсан сан,  
Жумла-йи олам тану тавларда равон жонсан сан.

Ҳуснунг эрур манга мақсуд гулистонлардин,  
Чун кўрунди бу замон асл-и гулистонсан сан.

Сандин ўзга кима ошиқ бўла билгай кўнглум,  
Чунки жоним тилаги дилбару жононсан сан.

Ушбу зиндон-и кўнгулда нечаким издарман,  
Воллоҳ, эй жону жаҳон, Юсуф-и Канъонсан сан.

Дард-и ҳижронни насиб айладинг эрса жонга,  
Васлдин айла даво чун анга дармонсан сан.

Не ажаб сандин агар издаса ман нашъу намо,  
Тиёра тупроқ ману чашма-йи ҳайвонсан сан.

Хат-и фармоинингга жон бирла эрурман мунқод,  
Жумла чун банда эрур орада султонсан сан.

Розу холимни кима айтайим, эй султонким,  
Аввалу охиру зоҳир тақи ниҳонсан сан.

Бўлди Ҳофиз кўзи чун абр-и баҳоре, эй шоҳ,  
Чун бало-йи кўнгулу дийда-йи гирёнсан сан.

Қадди раъно билаким сарви хиромонимсан,  
Ол ўшул англар ила рашк-и гулистонимсан.

Боғбон-и кўнглум ўзгага боғланмади ҳеч,  
Чун бу оламда маним боғ ила бўстонимсан.

Сандин ўзгага кўнгул жонни бера билмадиким,  
Жоним олғунчисану, дилбару жононимсан.

Сенсизин тири агар бўлмасам, эй жон, не ажаб,  
Барчага зоҳир эрур ушбуки сан жонимсан.

Нолаву оҳ не ёндин чекадурсан тема,  
Чун бу йўлда сабаб-и оҳ ила афғонимсан.

Дард бирла эшигинда чакадурман жонни,  
Кел манга бир нафасе дардга дармонимсан.

Ҳукм қилғил маним, эй жону жаҳон, жонимаким,  
Бандадур Ҳофизу сан ҳокиму султонимсан.

Эй санам, ой юзлу жоним, кўрклуларнинг жонисан,  
Бениҳоят ноз қилғилким анга арзонийсан.

Жон олиб жон берур ул кофир қароқчи кўзларинг,  
Бу вафову жавр бирла сан кимунг султонисан.

Гамзанг ўқи тўкти қонимни вале ҳар дам сани,  
Кўзларим ол қон оқизиб, издаюрким қонисан.

Кизлау кўзлай туруб қош ёсина кирпук ўқин,  
Отгил ўш эмди маним ёнимға ул ўқ ёни сан.

Тегма бир подон сўзунга кирма, эй жон пораси,  
Жумла-йи олам манга бир ёни, сан бир ёнисан.

Эй кўнгул, солма ўзингни ишқ ўтиндин йироқ,  
Чун муҳаббат ҳукми бирла сан анинг бир ёнисан.

Эмдидин сўнг боре, эй жону жаҳон, тенгри учун  
Дўстунгни ўлтуруб кел, бўлма душман ёнисан.

Шамъ-и рухсоринг учун парвона так Ҳофизни кўр,  
Ёндуруб ҳижрон ўтинга ёнмади теб ёнисан.

Эй сарв-и равон, кел мангаким, роҳат-и жонсан,  
Ол бирла кўнгул алдагучи шўх-и замонсан.

Ул фитна-йи фаттон қаро кўз ғамзаси бирла  
Ман не айтайим сангаким, ошуб-и жаҳонсан.

Пайдо саниким кўргани бори олам ичинда  
Ким, жон ичинда ишқ бикин сирр-и ниҳонсан.

Аҳвол-и кўнгулдин не ишорат қилаймким,  
Билдинг кўнглум ҳолини бешарҳу баён сан.

Ул оҳу кўзунг бирла кўнгул сайд этиб, эй дўст,  
Душман бикин жон олғали асри нигаронсан.

Кўз қошидин, эй сарв-и равон, кечғали билдим  
Ким, ошиқи бечораға умргузаронсан.

Жон чакди висолингни талаб қилғали Хофиз,  
Ҳижрон элидин эмди ўлар, кел, анга жонсан.

Жонимға кўз қарартмағил, эй энги ол сан,  
Уз ошиқинга қилма ўкуш макру ол сан.

Қилдим насихате сўзум олғай тею бирор,  
Кел бақмағил ўзумга, вале сўзум ол сан.

Юз қурла юзунг ою қуёшдин зиёдадур,  
Анлар заволи бор, тақи сан безаволсан.

Тол узра мева бўлмасини элу кави билур,  
Андоғ мевалик, не ажаб, қадди толсан.

Инжу қўлум тею ўз оғиздин бирор сўруб  
Тегил, не турлу тирлик этарсан, не ҳолсан.

Кўнглум олурға чувт эрурсан, тенгинга йўқ,  
Билмашким, асрамоқда не ёидин ўсолсан.

Хофиз дуочи бўлғали сўзи будур санга,  
Ким, кўрк ила қувона юру моҳу сол сан.



Бу ноз ила, эй сарв-и равон, қанда борурсан,  
Жоним тилаги мунис-и жон қанда борурсан.

Олам нигорондур санинг ул ҳуснунга, эй жон,  
Оламни солиб хуш нигарон қанда борурсан.

Кеч келдинг эса кечди умр нуру сафосиз,  
Ўлтур кечага тегру равон қанда борурсан.

Ол қон оқадур эмди фироқингда кўзимдин,  
Айлаб бу кўзум ёшини қон қанда борурсан.

Жон тўтйиси қут издаю ул лаъл-и лабингдин,  
Эй сўзи шакар, қандзабон қанда борурсан.

Бу қомату рафтор ила ҳар лаҳза қиёмат  
Қилмоқ учун, эй шўх-и замон, қанда борурсан.

Фарёд санинг жавру жафонг илгидин, эй дўст,  
Ҳофиз қиладур оҳу фиғон, қанда борурсан.

Эй шўх-и фитна қилгучиким, чашмбозсан,  
Бошдин адоқға тегру қаму ҳусну нозсан.

Жоннинг ниёзи бор санинг нозингга, вале  
Сан сарвинозсан, тақи сан бениёзсан,

Ушбу замона гулшанида кўрклу кўп, вале  
Эй сарв, ўшавлар орасида сарафрозсан.

Ул лаъл-и шаққарин ила жон-и азизсан,  
Ул қадд-и дилфириб ила умр-и дарозсан.

Бағрим эриб кўзум йўлидин бормағай эди,  
Бўлмасанг эрди ғамза била жонгудозсан.

Жонин бало ўқинга нишон қилдим эмди ман,  
Ул ғамза ўқи бирла чу ошиқнавозсан.

Бечора бўлди ҳажрда Ҳофиз бало била,  
Келгил, бу хастани сўра, эй, чорасозсан.

Ниқоб юздин олиб зоҳир офтоб қилурсан,  
Карашма бирла жаҳонни тақи хароб қилурсан.

Чаманининг ичра юзунгдин ниқоб агар олур эрсанг,  
Хижолат ўти била жумла-йи кўлни об қилурсан.

Юзунгни ойинада кўргали лабинг била, эй жон,  
Чаман аросинда майл-и гулу шароб қилурсан.

Шакар бикин тудоқинг бор экан ани сўра турмай,  
Недин бу қон бики бағримни сан кабоб қилурсан.

Каманд-и зулфни ҳар лаҳза шона бирла узатиб,  
Ўзунга ошиқ-и саргаштани бетоб қилурсан.

Санинг жамолинга чун ким жаҳонда йўқ ҳижобе,  
Недин бу ошиқ-и бечорадин ҳижоб қилурсан.

Хатосиз ўлтурур эрсанг бу Ҳофиз-и мискинни,  
Айтгай ул санга жон бирлаким савоб қилурсан.

Эй бўйи сарв-и равон, бошдин адоқга нурсан,  
Жавҳар-и жондин латофатда ори кўнурсан.

Қадду хаддингнинг хаёли бирла сарв-и биҳишт,  
Равзадур жону, ўшул равзада гўё ҳурсан.

Офтоб-и талъатинг бўлмаса кўз тийра бўлур,  
Кетмагил кўз қошидинким, кўзум ичра нурсан.

Нўш-и жон бермай лабингдин кирпукнинг ниши била,  
Қилдинг, эй дилбар, кўнгулни хона-йи занбурсан.

Ман харобу ул лаб-и лаълинг эрур жом-и шароб,  
Сўрмадинг бирдамким, эй мискин, недин махмурсан.

Ошиқу ҳайрон мунингтакким эурсан ҳуснунга,  
Илтифоте қилмасанг ошиқлара маъзурсан.

Кўркуликнинг ҳужжатинда дол бўлди меҳру моҳ,  
То кетурдинг ҳусннинг туғросини машурсан.

Гар назар қилсам юзунга гоҳ-гоҳе, не ажаб,  
Чун манним ҳолимни билган ёру ҳам манзурсан.

Айтмас отингни Ҳофиз шеър ичинда зоҳиро,  
Чун эрур ул зарра, сан хушиддин машҳурсан.

Эй ҳаётим ҳосили кўнглум олган қандасан,  
Жон фироқнинг ўтидин ўртанди, эй жонон, қандасан.

Ҳайф эрур дарди фироқнинг бирла жон чаксам йироқ,  
Эй сўзи ширин, лаби лаъл-и Бадахшон, қандасан.

Ман ҳамон ёр-и вафодоринг эрурман жон била,  
Сан жафочи шўх дилбар, мунис-и жон қандасан.

Дор-и дунё ичра дардинг ёру ҳамдамдур манга,  
Бўлдум ўш Яъқуб янглиғ моҳ-и Канъон қандасан.

Жумла-йи олам кўзума чун хору хоро кўрунур,  
Бўстон-и ҳусн ичинда нор-и хандон қандасан.

Вирд-и жон шому саҳар зулфу юзунг ёди эрур,  
Бўлди розим ошкоро жон-и пинҳон қандасан.

Ендирур оҳ ўтина тўтий-и жон қут издаю,  
Маъдан-и ҳусну малоҳат шакарстон қандасан.

Нор янгоқинг ўти бирла ўртанур жону кўнгул,  
Ушбу нор ичра мани солган гулистон қандасан.

Ёш тол янгли бўюнгни Ҳофиз издаю мудом,  
Кўзидин ёш борур, эй сарв-и хиромон, қандасан.

## 709

Лаб-и лаълингни, эй жон, кўргузурсан,  
Кўнгул дардинга дармон кўргузурсан.

Ушул хунрез кофир кўзларингдин  
Манга торож-и имон кўргузурсан.

Қаро зулфунгни юзунгдин кетариб,  
Кечада меҳр-и рахшон кўргузурсан.

Жамолингни қилибсан ошкоро,  
Неча ўзунгни пинҳон кўргузурсан.

Шаробу васлингга бўлсам талабгор,  
Манга сан доғ-и ҳижрон кўргузурсан.

Висолинг тоимоқимким мушкил эрур,  
Тиласанг асри осон кўргузурсан.

Балонинг ўтина Ҳофизни бирён  
Қилиб ўзунгни бир ён кўргузурсан.

Ноз қилғилки, нозаниндурсан,  
Офат-и сабру ақлу диндурсан.

Мулк-и ҳусн ичра сан Сулаймонтак,  
Соҳиб-и тожу ҳам нигиндурсан.

Тутғил агёрдин йироқ мани,  
Чун манга ёру ҳамнишиндурсан.

Душманни ҳақина қирон бўлди,  
То манга дўстсан, қариндурсан.

Кўнглум нақдин ол амон табойим,  
Ким манга руҳтак амнидурсан.

Гуҳаре топсам остонингда,  
Не ажаб, гуҳар-и остиндурсан.

Савмади сандин ўзгани Ҳофиз,  
Чун жаҳон ичра сан гузиндурсан.

Манга сан жону ҳам жаҳондурсан,  
Офат-и сабру ақлу жондурсан.

Мани кўрганда сан равон кетма  
Ким, манга роҳат-и равондурсан.

Аҳл-и дил сандин ўзгани кўрмас,  
Гарчи халқ аро бенишондурсан.

Шавқ ортдию сабр ўксилди,  
Бори, эй ишқ, сан ҳамондурсан.

Қоматинг бирла, эй қиёмат-и жон,  
Ғайрат-и сарв-и бўстондурсан.

Лаълингиз орзусидин сувсаб  
Қоним ўртанди, қани қондур сан<sup>1</sup>.

Ултуруб ҳеч ўлмади Ҳофиз,  
Чун анга умр-и жовидондурсан.

<sup>1</sup> Қўлёзмада биринчи «н» урнида «й» берилган (қойдурсан).

Ошиқ-и бечора бирла ёр сан,  
 Ер экан ҳам нозанин дилдорсан.

Зорлиғ қилсам манга айб этмаким,  
 Булбул-и ошуфтага гулзорсан.

Алдадинг, олдинг кўнгулниг нақдини,  
 Турфа жонсан бул ажаб таррорсан.

Кўз қошиндин ошғил, эй сарв-и равон,  
 Ким кўрарман асри хушрафторсан.

Ошиқ-и девонадин қочган аро,  
 Гуйёким оху-йи тоторсан.

Ул рақиб муддайдни азрилиб,  
 Бир йўли келсанг, гул-и беҳорсан.

Ёрлиғ қил андин Ҳофизгаким,  
 Барча билеунлар ангаким ёрсан.

Ушул қад бирла сарвиноз сансан,  
 Жаҳон сайдунг тақи шаҳбоз сансан.

Санинг сиррингни сақларман кўнгулда,  
 Вале ғамза била ғаммоз сансан.

Қарору сабрим эрди бас фаровон,  
 Қарору сабрим этган оз сансан.

Ёмонлар таънасиндин ғам еман ҳеч,  
 Манга чун дилбар-и танноз сансан.

Санга йўқдур жаҳон ичра шерике,  
 Жамолу ҳусн ила мумтоз сансан.

Не ғам анжом ила оғоздиндур,  
 Чу анжом ила ҳам оғоз сансан.

Гулистон-и маъоний ичра Ҳофиз  
 Чу булбул эмди хушовоз сансан.

Аё сарв-и равоним жон-и жонсан,  
Мубассир қошида айн-и аёнсан.

Аён сандин вужуд эруру лекин  
Вужуд ичра ажаб ганж-и ниҳонсан.

Нишон бирла тўлу сандин жаҳоне,  
Вале мунча нишонда бенишонсан.

Қаму олам хат-и паргор янглиғ,  
Чу нуқта хат ичинда дармиёнсан.

Мақон ичра киши топмади сани,  
Ажаб шох-и жаҳону ломақонсан.

Қачон топсун қарор ушбу жаҳонким,  
Қароринг йўқу ошуб-и жаҳонсан.

Сани савған киши Ҳофизтак ўлмас,  
Чу ошиқларга умр-и жовидонсан.

Эй кўнгул, дард била шод қачон бўлғайсан,  
Банд-и ғамдин тақи озод қачон бўлғайсан.

Оташ-и дард била мўмсифат нарм бўлуб,  
Билмасам сан манга мунқод қачон бўлғайсан.

Айладинг мулк-и вужудумни йиқиб асри хароб,  
Инқдинг эрса мани, обод қачон бўлғайсан.

Ишқ-и ширин асар этмаса саннинг жонингга,  
Кўҳканлик била Фарҳод қачон бўлғайсан.

Ишқ устодина шогирд бўлуб гар қочсанг,  
Ушбу хизмат била устод қачон бўлғайсан.

Саҳаре бод-и сабо ёр ёнинга борадур,  
Ўлтуруб ҳамнафас бод қачон бўлғайсан.

Ушбу Ҳофиз бики қаллош бўлуб май ичсанг,  
Қочмайин ҳамдам-и зуҳҳод қачон бўлғайсан.

Фироқингда чакарман жону беморингни сўрмассан,  
Эрурман сийна мажруҳу дилафгорингни сўрмассан.

Бу дам бозор-и ишқингда маннингтак зор чаккан йўқ,  
Вале сан ҳуснунга мағруру бозорингни сўрмассан.

Эшигингда туну кун зору афғон чакадурман,  
Не ёндин эшитиб розимни бу зорингни сўрмассан.

Адоқинг тупроқинга нақд-и жон бермак тиларман, лек,  
Тиларсан ўзгаларнию, харидорингни сўрмассан.

Бошимга оқнбат еткай адоқинг тею хок ўлдум,  
Азизимсан бу хок-и раҳтак хорингни сўрмассан.

Мани сан соҳиб-и асрор айладинг дардинг била, илло  
Бу мушқил дард эрурким соҳибасрорингни сўрмассан.

Агарчи ёрлиғда жонни ўйнадим бу Ҳофизтак,  
Вале не қилмаға бўлурки сан ёрингни сўрмассан.

## 717

Бу жом-и жондаки, дойим мудом кўргайсан,  
Шаҳ-и замонни ўзунга ғулом кўргайсан.

Ҳалол бода-йи завқу тарабни нўш қилиб,  
Кўзумга уйқу хаёлини ҳаром кўргайсан.

Муқим-и кўй-и харобот-и ишқ бўлса кўнгул,  
Мақом-и равза-йи доруссалом кўргайсан.

Қачонки тушса харобот-и ишқга жонинг,  
Шароб-и шавқ била тўлу жом кўргайсан.

Муҳаббат ичра аляфтак қачонки бўлсанг рост,  
Ҳасуд қаддини ғамдин чу лом кўргайсан.

Фано йўлинга қачон ишқ ила қадам боссанг,  
Фалакни хоксифат анда ром кўргайсан.

Қоши хаёли била моҳ-и нав бикин бўлсанг,  
Юзини равшану бадр-и тамом кўргайсан.

Шакар-и ҳадис-и лаб-и лаълидин сўз айтур эсанг,  
Ўзунгни тўтию ширинкалом кўргайсан.

Шароб-и лаъли лабин васф қилсанг, эй Ҳофиз,  
Мудом ўзингни чу маст-и мудом кўргайсан.

Ошкоро манга, эй ганж-и ниҳон, бўлмассан,  
Не қилайим сангаким ҳамдам-и жон бўлмассан.

Парда ичра мани пинҳон ёқадурсан ўтга,  
Карагятак вале бир лаҳза аён бўлмассан.

Жонни йўлингда фидо қилгали кўп вақт эрур,  
Вале сан ҳолий чакиб тийғ-и паррон бўлмассан.

Сани ман қайда тилаб топгаман ўш эмдиким,  
Таярон сайрдасан банд-и макон бўлмассан.

Манга дўзах эруру боғ тақи зиндондур  
Ким, ўшул боғда сан сарв-и равон бўлмассан.

Жон била ушбу жаҳондин не таматтуъ бўлғай,  
Эмди зоҳирки манга жону жаҳон бўлмассан.

Нигорондур санга жони била дойим Ҳофиз,  
Вале сан ҳолина бир дам нигорон бўлмассан.

Неча зулфунгтак кўнгул ҳолин паришон қилғасан,  
Бўлмағайму жавр қилмоқдин пушаймон қилғасан.

Раҳм қилғил тесаман бу хаста дилнинг ҳолина,  
Ҳолин билмас бўлуб кўнглингни сандон қилғасан.

Гул бикин юзунгни кўргузмай ман бечораға,  
Булбул-и ошуфта янглиғ неча нолон қилғасан.

Ўтга ўртаб ман фақир-и хастани ҳижрон била  
Ўзгага юзунгни очиб ноз-и хандон қилғасан.

Ман гадони жавр ила ташлаб эшикдин ташқари,  
Не сабабдин ўзгани ўзунга меҳмон қилғасан.

Суврати жонтак хиромон гар бўлур бўлсанг равон,  
Кўп кишиларни ўшул ҳол ичра бежон қилғасан.

Ғамза-йи гаммоз ила олганда Ҳофиз жонини,  
Ханда-йи ширин била зинҳор товон қилғасан.



Дарди дилимга эмди даво айламасмусан,  
Бу ранж-и жонга ҳеч шифо айламасмусан.

Ҳол ушбудурки жон чакадурман бало била,  
Ҳолимига раҳм баҳр-и худо айламасмусан.

Балову қадинг издаю чакдим баче бало,  
Кўргузуб они дафъ-и бало айламасмусан.

Тарк этдим ман санга жавру жафони теб,  
Бу сўзунг ила жавру жафо айламасмусан.

Тединг эди мурод санга бергаман тею,  
Ул ваъдага ўш эмди вафо айламасмусан.

Зулфунг қошинда нофа-йи чинин қилурда ёд,  
Эй турк, чин бу сўзда хато айламасмусан.

Лутфунг билаки Ҳофиза дашном айладинг,  
Дашном анга қилурни дуо айламасмусан.

Гулзор-и жонинг равнақи, эй сарвинозим, қандасан,  
Булбул сифат нолон эрурман шоҳбозим қандасан.

Ёндим баче ҳасрат била ҳижроннинг ўти нчра ман,  
Ёқгон мани сармоя-йи сўзу гудозим қандасан.

Қолдим дебон боз эмди ман ҳасрат мақоминга етиб,  
Лутфу иноятлар қилон, эй чашмбозим, қандасан.

Ман бедилу бедин бўлуб қолдим муҳаббат йўлида,  
Ошиқ-и жигархун айлаган, эй дилнавозим, қандасан.

Айш-у умидимнинг гули пажмурда бўлди бир йўли,  
Фасли хазонларни баҳор эткучи ёзим қандасан.

Жоним бадандин чиққали сансиз тилайдур дам-бадам,  
Ҳолимига раҳм айлагучи умр-и дарозим қандасан.

Маъною суврат нчра чун сансан бу дам маҳмуд-и вақт,  
Тесанг не бўлғай раҳм этиб Ҳофиз аёзим қандасан.

Анингтак баҳрга тушдум, поёнини топмасман,  
Анингтак дардда учрадимки, дармонини топмасман.

Агарчи рост ўқирман нома-йи оламнинг асорини,  
Валекин ушбу номий нома унвонини топмасман.

Ерутган жумла-йи оламни яратган биру бор эрур,  
Не ёндин бу яратганининг яратганини топмасман.

Ушул хуршиддин заррот эрур мажму-йи олам, лек  
Топуб зарротни хуршид-и тобонини топмасман.

Юзи хуршид-и оламтобтак кўзга кўрунганли  
Жамолу ҳусида бир зарра нуқсонини топмасман.

Парийтак жумла-йи арбоб-и ҳусни қилди девона,  
Вале мунча парийларнинг парийхонини топмасман.

Ҳазорон турлу афгонлар чекар булбуллар ўш эмди,  
Ажабдур мунча булбуллар гулистонини топмасман.

Нечаким бу жаҳоннинг домига вобаста бўлсаман,  
Бу жон шаҳбозининг маънода жавлонини топмасман.

Залолат кечаси ичра қаронгуликда қолибман,  
Ҳидоят нурининг шамъ-и шабистонини топмасман.

Анингтак ўқ урди ғамза бирла ишқ жонимга  
Ким, ул ўқни топубман, лек пайгонини топмасман.

Санга не сон эрур Ҳофизки, жон ишқинда бергайсан,  
Бу йўлда жонни берганининг чу ман сонини топмасман.

Бу жонни бердимү жонон ризосини топман,  
Жафосини чакадурман, вафосини топман.

Адоқи осра бошим хок-и роҳ бўлди, тақди  
Бирорда лутф била марҳабосини топман.

Бало ўқин отар эрса кўнгул нишонасина,  
Туманнинг ичра бирор ҳам хатосини топман.

Бўлубтурур юрагим гора-пора дард элидин,  
Бу дард-и дилнинг ўш эмди давосини топман.

Боқа қолибман, анинг юзина бақо издай,  
Чун андин ўзга жаҳонда бақосини топман.

Хаёл бағламасам ойтак юзин ҳар дам,  
Кўнглум ойинасининг сафосини топман.

Бало-йи ишқ бу оламда бўлғали Ҳофиз,  
Санинг бикин тақи бир мубталосини топман.

## 724

Юзунгни кўргали ўзгага ман нигоҳ этман,  
Кўнгулу жон била ҳам майл-и меҳру моҳ этман.

Қарор қилғали жонимда меҳринг, эй маҳрў,  
Жафову жаврунг ўтиндин ёнарман, оҳ этман.

Гуноҳим ушбуки жоним била сани саварам,  
Йўқ эрса мундин ўнгин ишқда гуноҳ этман.

Нечаким жонима бедод бирла жавр этсанг,  
Фигону оҳ ила ўзумни додхоҳ этман.

Гадову дарбадаринг бўлғали бу оламда,  
Кўнгул била талаб-и қурб-и подшоҳ этман.

Паноҳ издаюр эрсам бало-йи ишқингдин,  
Эшигингга сигиниб ўзгани паноҳ этман.

Чу така қилдим эшигингда ушбу Ҳофизтак,  
Бошим кўтарману оламда такагоҳ этман.

## 725

Ишқ ила то ошно ҳамхонаман,  
Ўз ўзимдин бир йўли бегонаман.

Эмдидин сўнг сиз манга оқил теманг,  
Чун шароб-и ишқдин девонаман.

Ул қаро кофир кўзининг сўзларин  
Айтайим ошиқлара мастонаман.

Ул парий юзлуга кор эткай тею,  
Ўқидим афсуи била афсонаман.

Ганж-и ниққини топа билмак учун  
Манзилимни айладим вайронаман.

Елмагайман ҳар неча ёнсам тақи,  
Шамъитак юзунга чун парвонаман.

То гадо-йн ниққ бўлдум жон била,  
Шоҳ-и оламини бу сонга сонаман.

Чун кўнгилда айлади ул бут қарор,  
Ошкор айлаганим бутхонаман.

Ҳофиз-и қаллоштак масжид солиб,  
Тутқаман майхонада паймонаман.

## 726

Халқ-и жаҳон гадой эрур, ҳусну жамола бўйсан,  
Барча ситорадур, тақи ўртада тўлуи ойсан.

Зот-и шарифинга қачон жинс-и башарда ўхшагай,  
Ким шаҳ-и оламии экан ҳамнафас-и гадойсан.

Бандага тушса соя-йн лутфу иноятинг, бўлур  
Шоҳ-и замона чун бу дам давлат ила ҳумойсан.

Ман сани темадим, вале сан тилима равон келиб,  
Маст-и мудом айладинг жон-и тарабфизойсан.

Ҳар неча ҳоюҳуй агар айласаман раво эрур,  
Чун сабаби вужуду ҳам завқ ила ҳуюҳойсан.

Қайдаки боқдим эрсаман сандин ўнгини кўринмади,  
Ҳар сифат ичра кўрунуб бўлдунг худнамойсан.

Ҳофиз биру бордин кўрқуб, ийманиб бу дам  
Тангри темас санга, вале ойина-йн худойсан.

## 727

Ой юзунгга жон била то бандаман,  
Меҳр-и равшандил бикин тобандаман.

Кўргали юзунг гулистонини кўзум,  
Завқ бирла гул бикин пурхандаман.

Гулни ўхшатғали ол эшларингга  
Бу жиҳаттин лолатак шармандаман.

Пой бўсунг даст бергали манга,  
Топтим, эй жон, давлат-и пояндаман.

Жовни бердим бир йўли йўлингда, ден  
Ишқинг ила то қиёмат зиндаман.

Ман санга жон бирла ошиқман, вале  
Сан нигоро, қандасан, ман қандаман.

Сан шаҳоншоҳ-и замонсан ҳуси ила,  
Ҳофвз-и бечоратак ман бандаман.

728

Жонсан темай ул сарви равонга не тегайман,  
Мундин ўнгин ул офат-и жонга не тегайман.

Уқ янгли қадинг рост мави ўртади темай,  
Ул шарти бузуқ, қавли ёлонга не тегайман.

Умрумдур ўшул қадингу умрумни саварман  
Темайини ўшул умр-и жавонга не тегайман.

Яхшилар аро ман ким ани яхши билибман,  
Яхши темайини, яхши ёмонга не тегайман.

Кўргали юзини бўлубон волаву шайдо,  
Билмасман ўшул ҳур-и жинонга не тегайман.

Ул қош ила ғамза қиладур жонима чун қасд,  
Тухмат қилибон тире камонга не тегайман.

Сучи сўз ила тор оғзи жон тилар эрса,  
Ҳофиз бикин ул сирр-и ниҳонга не тегайман.

729

Боқганда равон сувратина жонни кўрарман,  
Куфр-и сар-и зулфинда ҳам имонни кўрарман.

Маъно била кўзум кўрадур суврат-и жонни,  
Сопмаким, ўшул суврат-и бежонни кўрарман.

Озод бўлур хаста кўнгул ҳасрату ғамдин  
Қайдаким ўшул сарв-и хиромонни кўрарман.

Зулфу юзининг сувратини таҳрир қилурда,  
Қоғаз юзида боғу гулистонни кўрарман.

Ғар лаълу жавоҳир манга бўлмаса, не қадғу,  
Ҳар лаҳза чун ул лаъл-и дурафшонни кўрарман.

Ёқут-и хатини талаб этганда муҳаққақ,  
Ёқут-и лабинда хатт-и райҳонни кўрарман.

Тўш бўлсам анинг зулфи паришонина тушда,  
Ҳофиз бики юз ҳол-и паришонни кўрарман.

730

Ул дамким, анинг юзина наззора қилурман,  
Оҳим элиндин сийнани юз пора қилурман,

Равшан ўшанинг ой юзин кўргали кўздин,  
Меҳринда равон кавкаб-и сайёра қилурман.

Кўрганда анинг шамъи жамолини бўлур мум,  
Дармонда кўнгулни нечаким хора қилурман.

Овора мани қилди эса кўз кўра кўнглум,  
Ман ҳам ўшани сийнадин овора қилурман.

Ман маъно-йи жонни кўрарам ой юзинда,  
Сонма, назар ул суврат-и девора қилурман.

Жон бирла жаҳон ҳосилини кўз кўра, эй дўст,  
Ийсор ўшанинг қадина яқбора қилурман.

Шаксиз ўшанинг дарди маним жонима тегди,  
Ҳофиз бу замон дардина чора қилурман.

731

Жон бўйинна чу зулфини занжир қилгаман,  
Девоналиқдин ўзга не тадбир қилгаман.

Зулфини тутгаман лаб-и лаъл-ини сўргали,  
Об-и ҳаёт издаю шабгир қилгаман.

Юзини кундузу хатини лайл тесалар,  
Ҳар субҳу шом сиррини тафсир қилгаман.

Майл этса пир ён-на ул навжавон бирар,  
Кечиб жаволиқимдин ўзум пир қилгаман.

Шоҳимга бандаман нечаким жон танимда бор,  
Сонмаки, ман бу таврни тағйир қилгаман.

Кунж-и лаҳадда ганж-и хаёли топулмаса,  
Ул эвни ман талаб била бир-бир қилгаман.

Ҳофиз азоқи тупроқини олса жон бериб,  
Ул жон муомаласида тавфир қилгаман.

732

Ёрнинг жаврини ман меҳру вафо айтурман,  
Неча душном қилур бўлса, дуо айтурман.

Кўзлари ҳар нечаким зулм қилиб жанг айлар,  
Жангу зулминга анинг айн-и сафо айтурман.

Дардидин чунки то бўлди манга юз турлу даво,  
Дард темасман анга маҳз даво айтурман.

Сувратнида ўшанингким кўрунур маъно-йн жамъ,  
Сувратинга ўшанинг лутф-и худо айтурман.

Улки кўзларга кўрунса юзида нур-и худой,  
Ман башар теман анга жон-и бақо айтурман.

Аввалу охиру зоҳиру тақи ботин ҳақ эрур  
Ким, тўлуман, тақи ман кимга сано айтурман.

Жумла улдур тақи они талаб этсанг Ҳофиз,  
Фаҳм қилғил бу сўзумники санга айтурман.

733

Ушул шоҳ-и замонга то гадоман,  
Гадо кўрма маняким, подшоман.

Баҳона бирла ол қонимни тўкса,  
Тиламасман ўшандин хунҳо ман.

Тиласа жоним ул ой юзлу жонон,  
Бу жонимни ўшандин ман аёман.

Борур кўзум ёши ул ёш элиндин,  
Бу ёшимнинг элинда мубталоман.

Нечаким қилса ул жавру жафони,  
Анга кўргузгаман меҳру вафо ман.

Қачон тушсам йироқ анинг ғаминдин,  
Бўлурман ул замон жондин жудо ман.

Қаро кофир кўзи жонимни ўртар,  
Анингтак кўрмадим айн-и бало ман.

Саннинг ҳажринг элинда мубталоман,  
Топа олман бу дард учун даво ман.

Бўлуб жон бирла бегона, бўлайим  
Эшигинг итларинга ошно ман.

Иноят қилғил, эй шоҳим, мангаким,  
Муҳаббатнинг йўлиндағи гадоман.

Қилурсан рост қулигни муҳолиф,  
Ушул ёндинким асри бенавоман.

Хаёлингдин қачонким холий бўлсам,  
Ўлумга ул замон ичра сазоман.

Саннинг асрук кўзунг давринда бори,  
Кўра олмас жаҳонда порсоман.

Шароб-и ноб Ҳофизға кетурким,  
Кўнгул ҳолди қилайим можаро ман.

Ғар равон қилсам ўшул жононаға жонимни ман,  
Бехато кўргай эдим жон бирла жононимни ман.

Бевафо умрумдин ул лаҳза бўлур ҳосил мурод,  
Бир кўра билсам ўшул кўнглумни олғонимни ман.

Хаста кўнглум дойим ул султон хаёли бирладур,  
Ганжсиз бир дам кўра олман бу вайронимни ман.

Ишқ йўлинда эшигин ёстаниб жон берсаман,  
Арш узра кўргаман ул дамда жавлонимни ман.

Борсам эшигинга, айб этманг манга, беҳтиёр  
Маст эрурман билман ул эшикка борғонимни ман.

Мақсад-и олий манга бўлғали дилдор эшиги,  
Ҳар гадоға берман ул тахт-и Сулаймонимни ман.

Шоҳбоз-и қудсман, ишим маним парвоз эрур,  
Ўзга қилман неча олам бўлса сайронимни ман.

Лолазор этмак учун ул сарв-и озод эшигин,  
Кўз йўлидин дам-бадам қилдим равон қонимни ман.

Жон била савдим ўнгул жононани Ҳофиз бикин,  
Ҳақ билур, билман бу сўзда зарра ёлғонимни ман.



Кўрсам эрди бир дам ул хур-и паришонимни ман,  
Айгай эрдим зулфитак ҳол-и паришонимни ман.

Зулфи янглиғ тийра аҳволу паришон рўзгор  
Бўлмас эрдим, кўрсам ул хуршид-и тобонимни ман.

Дард бирла жону дил мажруҳу дармон ёр эрур,  
Топмадим бу дард учун оламда дармонимни ман.

Ул гул-и сероб шавқинда очилган долатак,  
Оҳ этиб кўргузгаман чок-и гирибонимни ман.

Обру бўлмас манга ҳосил ўшул жононадин,  
Кўрмагунча сойил эшигинда ол қонимни ман.

Оқмагай эрди кўзум ёши равон Жайхун бикин,  
Топсам эрди хаста кўнглум мулкин оқғонимни ман.

Кўзларимдин ер юзунга бормагай ёқут-и ноб,  
Бир сўра билсам ўшул лаъл-и дурафшонимни ман.

Зулфининг занжирина девона кўнглум боғланур,  
Чун кўрарман куфр ичинда нур-и йймонимни ман.

Қайда ул дилбарни кўрса Ҳофиз ўзиндин борур,  
Оҳ рофил кўрмадим ҳеч ушбу нодонимни ман.

## 737

Ернинг фикри била пайвастамаман ҳамхонаман,  
Ўз ўзумга оқилу ўзгалара девонаман.

Ўз ўзумга илиниб парвоз айлай билмадим,  
Оҳким, ман дом-и жон эрурману ҳам донаман.

Ошно-йи дўст шаксиз бўлгай эрдим ушбу дам,  
Бўлсам эрди ўз ўзимдин бир йўли бегона ман.

Жон чака турмоқ фироқи ичра ошиқ издамас,  
Ушбу жон дарди била етишдим эмди жона ман.

Оҳнинг тиғи била кўксумни қилдим шох-шоҳ,  
То бўла билсам паришон зулфи учун шона ман.

Сўфий-и софийни издаб топгаман тею мудом  
Ул харобот ичра тутдум соғару паймона ман.

Гоҳ масжид даврида Ҳофизману меҳробхон,  
Гоҳ майхона ичинда ошиқ-и фарзонаман.

Каманда-и зулфунг илгинда чу саргардон бўлубдурман,  
Паришонҳол ила ошuftаву ҳайрон бўлубдурман.

Басе жонлар чакибдурман висолинг орзусинда,  
Ушул дамдин бериким ҳамдам-и ҳижрон бўлубдурман.

Фироқнинг ўти бирла ҳар кеча парвонатак куюб,  
Замоне шамътак гиря қилиб хандон бўлубдурман.

Хаёлини гулистони юз очиб кўзумга келганда,  
Баҳорий абртак ул ҳол уза гирён бўлубдурман.

Гулистон-и жамолингни кўра билсам тею бир дам,  
Саҳарлар уйғониб булбул бикин нолон бўлубдурман.

Лабингдин тушкали, эй соқий-и жон, жомға аксе,  
Бориб майхонаға ҳамсуҳбат-и риндон бўлубдурман.

Манга жон дўст бўлдунг эрса ишқинг ичра Ҳофизтак,  
Кечибу жон-и фонийдин саросар жон бўлубдурман.

Сафо-йи юзини ҳаргиз гулу гулзордин топман,  
Ушулким бор гул бирла они чун хордин топман.

Юзумни лолатак қилдим кўзум ёши била, лекин  
Муродимни даме ул сарв-и гулрухсордин топман.

Тилаб дийдорини бедор ёндим шамътак, илло  
Кўнгул издаганини бу дийда-йи бедордин топман.

Бу олам ичра топмасам ани, кўрма ғариб, эй жон,  
Жамолу ҳуснини чун ман дару девордин топман.

Ушул бўйеким, анинг зулфи пурчининда бор турур,  
Анингтак бўйе ҳаргиз нофа-йи тотордин топман.

Манга то ёрий бергучи анинг дарду ғами бўлди,  
Анингтак ёрлиқ оламда ман ҳар ёрдин топман.

Тиласанг ёрни Ҳофиз ўзингдин бир йўли кечгил,  
Сафо-йи ёрлиқ оламда чун ағёрдин топман.

Жонимдағи бу дардга дармон қила билман,  
 Естандим эшигинию афғон қила билман.

Кўргали эшигинда ўшул ой юзини,  
 Ман ёд-и гулу равза-йи ризвон қила билман.

Зулфу юзининг ишқу ҳавоси кўнглумга,  
 Тушгали ҳаво-йи гулу райҳон қила билман.

Ол анларидин кўзни кетармагани имкон,  
 Булбул бики ман тарк-и гулистон қила билман.

Бас мушқил эрур лаъл-и лабиндин кеча билмак,  
 Чун жон сучидур, кечмагини осон қила билман.

Хизр хатини кўргали лаъл-и лаби узра,  
 Зикр-и лаби сарчашма-йи ҳайвон қила билман.

Не турлу зиён бўлса қилурман анга товон,  
 Умрум кечадур ҳеч анга товон қила билман.

Савдурдум ўшул чоҳ-и зақанни кўнглумга,  
 Мундин ўнгин ул ўғрига зиндон қила билман.

Ғамза била кофир кўзи жонимга қилур қасд,  
 Ул туркни ман ҳеч мусулмон қила билман.

Равшан кўрунур ишқ сўзи сўзларим ичра,  
 Чун меҳрини ман заррада пинҳон қила билман.

Пинҳон юрагим пора бўлур дард ила, Ҳофиз,  
 Пайдо вале ман чок-и гирибон қила билман.

## 741

Не ҳол эрурки, юзунга назар қила билман,  
 Бу ҳолдин санга, эй жон, хабар қила билман.

Юзунгининг ойнаси занг тутмасин тею,  
 Куюб ғам ўтина оҳ-и саҳар қила билман.

Бало эурсану қилмоқ карак ҳазар сандин,  
 Не қилгаман чу балодин ҳазар қила билман.

Мақом топғали жону кўнгул эшигинда,  
 Муқим бўлдуму азми сафар қила билман.

Муҳаббатинг манга оламда жон эрур, эй дўст,  
Емон сўзи била жондин гузар қила билман.

Адоқингиз тупроқиндин ўзга бошим учун.  
Ҳаво-йн салтанату тож-и сар қила билман.

Ҳаво-йн ишқ ила жон дарбадар эрур, илло  
Узумни ўзга учун дарбадар қила билман.

Эшигинг итлари бўлмади бандадин хушнуд,  
Рақиблар била чун сар-басар қила билман.

Балога солди мани кўз кўра назар, Ҳофиз,  
Вале бу сўз била қатъ-и назар қила билман.

742

Ҳасрат ўти жонимни ёқар возини билман,  
Наг ўлтурур ул ошиқ-и жонбозини билман.

Фарёд ўшул дилбар-и айёр қўлидин,  
Дам берди манга кўи, вале дамсозини билман.

Ҳолингни халойиқга ким айтур тею эди,  
Сонди магар ул ғамза-йн ғаммозини, билман.

Сўзлашмага не тоқат эрурким, кўрар эрсам,  
Сўз сўзласа бехуд бўлиб, овозини билман.

Ман ишқ-и ҳавосинда югуруб юрур эркан,  
Недин қилур ул ёр саг-и тозийи билман.

Жонлиғ қуши бор эркан ўшул шоҳ нединдур  
Жонсизга солур кўз кўра шаҳбозини, билман.

Кунж-и ғам ичинда ўшанинг қайғуси бирла,  
Қиш кечди тақи Ҳофизу ман ёзини билман.

743

Анинг ол юзитақ бўстонда гулбарг-и тарий билман,  
Бўйитақ рост ҳам сарве чаманинг сарвари билман.

Ажаб дурр-и ятим эрур ҳусн баҳринда ул дилбар,  
Бўла билгайму оламда гавҳар андин ори билман.

Хаёлин нахл баглама кўнгулнинг шишаси ичра,  
Чу девона қилур сени анингтак бир парий билман.

Гуҳар нйсор этар ҳар дамда сўз бирла лаб-и лаъли,  
Қаю жон мулкидин келди бу нозук жавҳаре билман.

Равонбахши ул лаб-и лаъли кулуб шакар истар ҳардам,  
Малоҳат қасрининг ичра анингтак шакаре билман.

Қаро кофир кўзи ғамза била торож-и дин айлар,  
Вале сўрсам лабиндин, тер ўшандог кофире билман.

Анинг кирпуки ёзуқсиз<sup>1</sup> тўкар Ҳофиз қонин ерга,  
Не ёндин тез бўлди қонима ул ханжари билман.

#### 744

Ёрдин ўзга била ёр бўла билмасман,  
Гул савуб ҳамдам-и ҳар хор бўла билмасман.

То кўнгул ёр эшигини қилибдур маскан,  
Соате мойил-и гулзор бўла билмасман.

Асрадим сиррини йиллар кўнглум ичра, вале  
Бир нафас маҳрам-и асрор бўла билмасман.

Хоб-и ғафлат ўшанинтак мани маст айладиким,  
Ўҳад этарман тақи бедор бўла билмасман.

Саг-и девона бикин толиб эрурман, лекин  
Ҳамдам-и оҳу-йи тотор бўла билмасман.

Неча өзор қилур бўлса маним жонимни,  
Жон берурман тақи безор бўла билмасман.

Кўзлари даврида Ҳофизким эрур маст мудом,  
Бир дам анинг бики хушёр бўла билмасман.

#### 745

Юзини кўргали ман офтобни тиламан,  
Хатини савгали ҳам мушк-и нобни тиламан.

Ғубор-и хати ўшул сафҳа-йи юзи узра.  
Зухур тоғали мушку гулобни тиламан.

Шакар бикин тудоқи завқ бергали жонга,  
Набот кўнглума кечмас шаробни тиламан.

<sup>1</sup> Қўлёзмада «ёзуқ» ўчирилиб, устига «ерга» ёзилган.

Муҳаббати ўтида пора-пора бағримни  
Кўра турур экан, ўзга китобни тиламан.

Румуз-и ишқ чу бехату бекитоб эрур,  
Бу сўзни билгали хату китобни тиламан.

Хатту китобга гар толиб ўлмасам, не ажаб,  
Чун офтоб юзига ҳижобни тиламан.

Эшиткали ўшанинг лаълидин сўз, эй Ҳофиз,  
Ақиқу лаъл ила дурр-и хушобни тиламан.

746

Лаб-и лаълингга сўруб шаҳд ила шакар тиламан,  
Зулфу холини кўруб мушк ила анбар тиламан.

Эшиги тупроқини топғали ул султоннинг,  
Жону кўнглум била ман жаннату кавсар тиламан.

Ул қаду қоматни кўргали эшигинда,  
Боғу бўстоннинг аро сарву санубар тиламан.

Кўргали юзини жон кўзи била жононнинг,  
Ойни издамасам меҳр-и мунаввар тиламан.

Жом-и лаълиндин анинг бода-йн завқ ичкали  
Ҳеч майхонага борман, май-и ахмар тиламан.

Сори юзум уза кўзум ёши бўлғали равон,  
Мундин ўзгаси боре зар била гуҳар тиламан.

То шикастапар анинг ишқи йўлинда бўлдум,  
Ҳофизо, ўзга ера учғали шаҳпар тиламан.

747

Жоним тилаги дилбар-и жононни саварман,  
Бир банда-йн мискинману султонни саварман.

Ишқинга агар толиб эсам, айб эмаским,  
Дин махзанида жавҳар-и имонни саварман.

Ҳижронга тушуб эшигини орзу қилдим,  
Дўзахдаману равза-йн ризвонни саварман.

Юзундин анинг бор гулистонда нишон теб,  
Жоним била ҳар лаҳза гулистонни саварман.

Юзи била зулфи кўнглумга тушар эрса,  
Бўстонга борурман гулу райҳонни саварман.

Ёд айламангиз боғдаги сарв-и сихийни,  
Чун жон билан ул сарв-и хиромонни саварман.

Пайдо манга сўзлашмаги не ҳожат эрурким,  
Ҳофиз ман, ўшул ғамза-йи пинҳонни саварман.

#### 748

Қилурса ёд ўшул шаҳ даме гадосиндин,  
Гадо муродини топғайди подшосиндин.

Бало-йи ҳажр била мубтало тутуб жонни,  
Раҳм қилиб тақи сўрмади мубталосиндин.

Тариқ-и ишқда ман жон била вафодори,  
Валек жонима етдим анинг жафосиндин.

Маниким, айлади бегона барча оламдин,  
Не бўлғай эрди бирор сўрса ошносиндин.

Нишона қилғали жонимни ғамзаси ўқина,  
Басе бу жонима ўқ тегди қоши ёсиндин.

Мунунг бикинким анинг қадидин бало ёғадур,  
Қачон қутулмаға бўлғай анинг балосиндин.

Чу дард-и ҳажр била хў қилиб турур Ҳофиз,  
Кечиб турур бу замон васлининг давосиндин.

#### 749

Бўлмади холий кўнгул дўст таманносиндин,  
Гарчи бошим ела борди ғам-и савдосиндин.

Бўлмаса дўст хаёли кўнглумга ҳамроҳ,  
Не таматтуъ манга бу дин ила дунёсиндин.

Бўлди ошифта қаро зулфи бикин жон, лекин  
Оҳким, бўлмади осуда тамошосиндин.

Бўлмағай ишқи балосиндин анинг жон озод,  
Чун балолар ёғадур ул қадду болосиндин.

Гарчи парвонасифат ишқ ўтина ўртандим,  
Раҳм қилмоқлиқ учун кечмади парвосиндин.

Лаб-и жонбахши учун жон берадурман, илло  
Сўрмади бир нафасе ошиқ-и шайдосиндин.

Ҳофизо, сўрмаса ҳолингги ғариб эрмас ёр,  
Гул қачон сўргани бор булбул-и гўёсиндин.

750

Бўлгали гул мунфавл ул гулрухсеридин,  
Сарв хижил кўрунур қомату рафтэридин.

Реш-и жигарни қилур тоза гулистон аро,  
Оҳи; булбул чакар дард ила гулзэридин.

Кечди бу умрум, тақи тийра кўзум бўлмади,  
Чашма-йи хуршидтак давлат-и дийдоридин.

Дарди ғам ичра басе жон чакадурман, вале  
Сўрмади бир дам табиб, оҳ, бу беморидин.

Ишқи бозерида зорий қилурман, вале  
Ёд даме қилмас ул ошиқ-и бозоридин.

Сиррини жон ичра ман асрадиму, темадим  
Лек мани қилмади маҳрам-и асроридин.

Ёрлиқ ичра бу дам Ҳофиз басе жон чакар,  
Не бўла ёд айласа ёрий қилиб ёридин.

751

Қилмади подшоҳимиз ёд даме гадосидин,  
Сўрмади бир нафас тақи хаставу мубталосидин.

Юзёна қаршу бсқмаға гарчини йўқ тоқатим,  
Ошса қошимдин ул санам кўргай эдим қафосидин.

Сарв ҳавоға чакди бош қадди ҳавссида, вале  
Бошина бошқа тушисар турлу бало ҳавосидин.

Зарра губер-и хотири ойина-йи кўнгулда йўқ,  
Бўлгали равшан ойина ой юзи сафосидин.

Турду жафову жавр этар жонима ҳар дам ул санам,  
Қўрқмайин жамолу жон берган ўшул худосидин.

Чунки балову фитна ул кўз била қош бўлуб турур,  
Ким қутула билур будам фитнаву ҳам балосидин.

Ҳофиз аниет кўзи қоши қошина борма дам-бадам,  
Чун тегадур бало ўқи жонлара қоши ёсиндин.



Ҳолим мушаввашдур маним ул турра-йн таррориди,  
Жон булбули ҳам зор эрур ол энглари гулзоридин.

Бозор-и ишқинда анинг ман-и зор зорий қилсаман,  
Айтур халойиқ тинмади бу ошиқ-и бозоридин.

Безор бўлсун теб неча озор қилса ошиқин,  
Безор бўлмас ошиқи ул дўстнинг озоридин.

Жон душмани бўлди кўзум жонона юзин кўргали,  
Ҳеч кима тушмиш бўлмағай бу чоқли иш ўз ёридин.

Гар ёр эсанг, эй ошиқи седиқ, ўшул жононаға,  
Жон сиррини пинҳон тутуб бўлғил йироқ агёридин.

Сўрмоқ тудоқиндин агар бўлса муяссар, жон билла  
Савдо қилиб суд эттаман ул лаъл-и шакарборидин.

Маҳрам қилиб ўз сиррина асрар эрди бандасин,  
Не рамз эрур Ҳофизниким солди йироқ асроридин.

Жон тўтийси қут издаюр ул лаъл-и шакарбордин,  
Сарву санавбар жон топар ул қомату рафтордин.

Кўнглум ҳамиша, не ажаб, кўрмак тиласа юзини,  
Ошиқлара тўймоқму бор хосса ўшул дийдордин.

Кўз нуридин бир лаҳза ҳам кетармас эрдим ман, вале  
Тоб-и назарға тоқати йўқ қўрқарам озордин.

Агёри недин жавр эгар, бўлмаса жонондин назар,  
Ул ёр бўлса бандага не қадгу бор агёрдин.

Шукру шикоят қилсаман ҳам ёрдин хушроқ эрур,  
Гул бор экан булбул қачон фарёд қилсун хордин.

Ғамноқ бўлсам гулистон казгил теб айтурлар манга,  
Кўнглум очилмас ёрсиз ҳаргиз гулу гулзордин.

Рух-и мужассамтак ўшул жононани кўрган аро,  
Ҳофизни фарқ айламадим ман суврат-и девордин.

Бўлди маҳрум кўзум кўз кўра дийдориндин,  
Хор-и ҳажр ўртади жонда гул рухсориндин.

Гулу гулзор-и беҳишт ичраким ул дўстгузор,  
Жон насими тилар анинг гулу гулзориндин.

Доим асrorина маҳрам қилиб асрар эрди,  
Эмди ғойиб кўрунур маҳрам-и асrorиндин.

Чунки бозор-и вафо сақладию борди дўст,  
Бизга қилсун хабаре гармий-и бозориндин.

Ишқ бозорида жон чакмас эдим зорий зор,  
Ёд айласа эди ошиқ-и бо зориндин.

Бизни ҳижрон ўтина ўртадию ҳуш борди,  
Шодмон қилмоқ учун ўзгани дийдориндин.

Аҳдна жон била Ҳофиз қиладур эмди вафо,  
Хайр умид тутуб ёр-и вафодориндин.

Ёд айламадинг, эй жон, бу гирифторингдин,  
Сўрмадинг бир нафасе жону дилафгорингдин.

Ғам не турлу кета билгай бу хазин кўнглумдин,  
Чун тилаган бики шод ўлмади дийдорингдин.

Сақладим йиллар жонда санинг асrorингни,  
Вале ёд айламадинг воқиф-и асrorингдин.

Булбул-и сўхтага оҳу фиғондин ўзга  
Йўқдур ҳеч насибе гулу гулзорингдин.

Гул бикин юзунга қаршу чека билман оҳе,  
Вале жонлар чакарам дам-бадам ул хорингдин.

Кетма гул юзлу санам бир йўли безор бўлуб,  
Ҳусн бўстонида бу равнақ-и бозорингдин.

Суду сармоя бори бордию ёд айламадинг,  
Ишқ бозорида бу Ҳофиз-и бозорингдин.

Кечгали бод ул хат-и анбаршамимедин,  
Жоннинг думоғи бўлди муаттар насимидин.

Дийдор издагай эди бу хаста жон била,  
Гар самъина етишса каломе калимедин.

Ўзунгда издагил неким издар эсанг мудом,  
Не ким тилади топди киши ўз гилемедин.

Гар най фиғон қилур эса ҳар дам, ажаб эмас,  
Тушубтурур йироқ чу ёр-и қадимедин.

Дурр-и ятиме бирла кўзум топди бас сафо,  
Чун завқ ила сафони тилади ятимедин.

Ўзгалара вафоу туман жавр ила жафо  
Тегди бу хаста жонима лутфи ғамимедин.

Ҳофиз висол давлатини жон била тилар,  
Топгайму бу муродни хайй-и қадимийдин.

Ед қилур бўлса ёр ошиқ-и диринадин,  
Чиқмағай оҳим ўти ҳар нафасе сийнадин.

Сийнани бекийна тут завқу сафо бирлаким,  
Ойна-йи жону дил занг тутар кийнадин.

Ойна-йи жонни сан соф тут агёрдин,  
Чунки гузире йўқ ул ёрга ойнадин.

Ақлни бир йўли сол, ишқ ила машғул бўл,  
Йўқ чу кушоде санга ажҳар-и поринадин.

Хирқаву сажжодани раҳн-и май-и ноб қил,  
Гар тилар эрсанг сафо хирқа-йи пашминадин.

Келтура кўргил шароб то бўлалим маст муст,  
Бор бошимда хуммор чун май-и душинадин.

Меҳр-и жамолин бу кун кўрдум эса Ҳофизо,  
Хуш кўрунур ушбу кун кечган ўшул динадин.

Мудом шамъи фалак куйди дуд-и оҳимдин,  
Хазар наг айламас ул оҳ-и субҳгоҳимдин.

Фалакнинг узра каракмас манга бу меҳр ила моҳ,  
Нишон беринг манга сиз эмди меҳру моҳимдин.

Эшигидин нафасе қайтман жафо бирла,  
Юзумни қайтара билман чу қиблагоҳимдин.

Вафо йўлинда агар хок-и раҳ бўла билсам,  
Жаҳонни қилгай эдим банда иззу жоҳимдин.

Ҳабиб жавр била ерга тўкди қонимни,  
Даме соғинмади бу хун-и бегуноҳимдин.

Қаро қароқчи кўзи ноз бирлан ўлтурадур,  
Балоға қолдим ўшул хонумонсиёҳимдин.

Чу ишқ бўлди манга расму роҳ, эй Ҳофиз,  
Қачонда қайтгаман ушбу расму роҳимдин.

Мулк узра мулк ўртанди оҳ-и субҳгоҳимдин,  
Недян иймонмади жонон ёлинг янглиғ бу оҳимдин.

Юрагимни қилибман қон анинг дарду ғами бирла,  
Тақи билман не издарман бу мискин-и бегуноҳимдин.

Қаро зулфи ҳавосиндин бошимга тушгалн савдо,  
Паришонҳолман ҳижрон била бахт-и сиёҳимдин.

Маним пушту паноҳим ёрнинг лутфи эрур, илло  
Тиларман дод жавриндин тақи пушту паноҳимдин.

Ғамидур кўху тан чун барг-и коҳ ани чакар дойим,  
Зиҳи қудратниким кўргузди ҳақ бир барг-и коҳимдин.

Анинг ишқинда бўлсам хоку хоким узра туғса ёш,  
Муҳаббат издасангиз бўй қилгайсиз гиёҳимдин.

Тариқ-и ишқда Ҳофиз қачонким хок бўлсаман,  
Чин олгай расм ошиқлар бу йўлда расму роҳимдин.

Ишқ ичра кеча билмаса киши жониндн,  
Уз муродни қачон тошгай жонининдн.

Жавридин ҳеч шикоят қила билмади тилим,  
Банда-йи хос чу шукр айлади султониндн.

Гар манга жонни равон бер теса бергайманким,  
Чиқмага бўлмас анинг ҳукм ила фармониндн.

Ман ўшул кофир-и бадкешга қурбонманким,  
Ултуруб солдию ёд этмади қурбониндн.

Бўлғали ишқи била хаста кўнгул саргардон,  
Аср-и ошуфта эрур зулф-и паришониндн.

Соя-йи лутфума сиғингай эди меҳр ила моҳ,  
Соя гар тошсам эди суффа-йи айвониндн.

Ҳофиз-и хаста бякии жон чакадурман тун-кун,  
Бўла билсам тею бир мург-и саҳархониндн.

Ҳолиминики сўрдум ман ул зулф-и паришондин,  
Айтур лаб-и лаъликим, сўрма хатар-и жовдин.

Ганж-и ғами чиқмади то хаста кўнгул бўлди,  
Билман, не тилар дойим бу манзил-и вайрондин.

Бўстон-и маонийда парвез қилур эрдим,  
Жон булбули гар чиқса завқ ила бу зиндондин.

Эҳсен талаб этгайлар мажму-и жаҳон мандин,  
Гар ёр бу мискинга қилса назар эҳсондин.

Неким гар айтур бўлсам, ман ёрдин айтурман,  
Булбул чу наво айлар пайваста гулистондин.

Селоб-и ғами ичра кўз мардуми селимдур,  
Не теб қутулур билман ҳар лаҳза бу тўфондин.

Юз мингда бирии темас маҳшарга текии теса,  
Бу Ҳофиз-и дилхаста дарду ғам-и ҳижрондин.

Айтурким, айта кўргил сан дард-и бекарондин,  
Улган шикоят этмас топганда жон жондин.

Кетмагай эрди келиб ул жон-и нозаниним,  
Бўлса биза таматтуъ бу умр-и райгондин.

Жон ёрга берурнинг завқини билса эрди,  
Кечгай эди равон Хизр ул умр-и жовидондин.

Гар бўлмаса нигорим ушбу жаҳоннинг ичра,  
Чиқгай эдим равон ман зиндон бикин жаҳондин.

Жонни нишона қилдим ул ғамзанинг ўқинга,  
Лекин бало будурким тегмай кечар нишондин.

Савдо-йи зулфи бирла савдозада бўлубман,  
Бир йўли кечдим эмди суд ила ҳам зиёндин.

Дилдор эшигиндин борман йироқ бир дам,  
Ҳофиз манга хуш эрур чун равза-йи жинондин.

Не тилар дарду ғам-и ишқ маним жонимдин,  
Ким даме чиқмади бу сина-йи бирёнимдин.

Кўзларим бўлғали гирён дурр-и васли издаб,  
Баҳр шарманда эрур дийда-йи гирёнимдин.

Ишқ сиррини неча билмасалар билгайлар,  
Гул-и садбарг бикин чоки гирибонимдин.

Ганж-и фақр ичраки, чун ганж қарор айлабман,  
Ганж-и ишқин талаб айланг дил-и вайронимдин.

Турра-йи пуршиканиндин сўрунгиз ҳолниким,  
Мўйму воқиф эрур ҳол-и паришонимдин.

Ҳусн бўстонида бир шохчадур ёр, вале  
Топмадим барг муроди гул-и бўстонимдин.

Ҳофизо, бўлғай эди сўзларима борча мутӣ,  
Келса бир лаҳза тақн чиқмаса фармонимдин.

Лабинг сучи эрур ошиқга жондин,  
Қадинг хуш кўрунур жону равондин.

Басе тарк айламагим мушқил эрур  
Манга оламнинг ичра тарк-и жондин.

Басе қочдим санинг ишқингдин, илло  
Қутулмадим қазо-йи осмондин.

Саварман тедиму тушдум балога,  
Балолар тушди бошга бу забондин.

Манга савдо-йи зулфунг бўлғали суд  
Кечибман бир йўли суду зиёндин.

Қаро кофир кўзунгнинг ҳақи учун  
Бирор сўрғил бу ҳол-и нотовондин.

Бу Ҳофизтак қани ишқинг муриди,  
Айтғил ушбу дам лиру жавондин.

Шамшод хижолатдадур ул сарв-и равондин,  
Гултак юзи ҳам кўрклу эрур боғ-и жинондин.

Болоси балосини чекар жон била ҳар дам  
Ҳар ким ўшани яхши савар жону равондин.

Қул бўлдум ўшул ҳур-и паризодага ман ҳам,  
Чун қуллари яхши кўрунур шоҳ-и жаҳондин.

Ошиқ била гар яхши борур бўлса нигори,  
Не қадғуси бўлғай ўшанинг яхши ёмондин.

Кўз қошидин ошқан аро ул сарв-и равоним  
Қон ёш равон кўрди эса, кечмади қондин.

Дилдор тудоқи манга жондур, кеча билман,  
Ким кечкани бор умри ичинда сучи жондин.

Тор оғзи ҳикоятини ман сўзламадимким,  
Ҳофиз бўладур воқиф ўшул сирр-и ниҳондин.

Улким сучидур лаъл-и лаби кўнгулма жондин,  
Раъно қадн ҳам хуш кўрунур жону равондин.

Осон кеча билмасман анинг лаъл-и лабиндин,  
Чун мушқил эрур борчага кечмак сучи жондин.

Бошимни адоқинга равоне солур эрдим,  
Озер агар топмаса ул бор-и гарондин.

Озер кўнгул топмас эди қон тақи бўлса,  
Тегмай ўқи кечмаса эди ушбу нишондин.

Ёш тол бўйи ёшини тилар ошиқ-и бедил,  
Чун пир тилар фойдани умр-и жавондин.

Қосир кўрунур нека, жамолиндин айтсам,  
Чун ҳусни фузун кўрунадур шарҳу баёндин.

Ҳофиз ғазали ичра ярашур хати сўзи,  
Тоза кўрунур сабза, бале, об-и равондин.

Киши ким кечмаса ишқ ичра равон жониндин,  
Қайда бар топгай ўшул сарв-и хиромониндин.

Богбон кўргали ул сарв-и хиромонимни,  
Сарвларни кесадур бог ила бўстониндин.

Ошиқ-и сўхтаким, булбул-и ошуфта эрур,  
Кечди оламдину кечмади гулистониндин.

Жонини берсуну филҳол мурод издамасун,  
Ҳар кишиким, тиласа ҳолни жонондин.

Ошиқининг юзи гар ишқда сори бўлса,  
Лола ранг айласун они кўзининг қониндин.

Оҳ, ўшул турк-и жафокешнинг илгиндиким,  
Ултуруб солдию соғинмади қурбониндин.

Ҳофиз андин, не ажабдур, тиласа лутфу вафо,  
Бандалар чун тилади лутфни султониндин.



Жонон хаёли кетмади бу жон-и гамфарсуддин,  
Савдо-йи нишқинда зиён чун яхши кўрнур суддин.

Ҳар кимга кўргуздум вафо, чекдим жафосини оқибат,  
Хушнуд ҳаргиз бўлмадим бу бахт-и нохушнуддин.

Кўрди кўзи ҳолимнию қилмади ҳолимга назар,  
Раҳме қачон бўлғай манга ул турк-и ҳашмолуддин.

Мақсад манга эшигию мақсуд-и жон жонон эрур,  
Ҳасил тилак дийдордур бу мақсаду мақсуддин.

Зулфи била юзин анинг шому саҳар айлаб шафнъ,  
Доим тиларман кўргали дийдорини маъбуддин.

Баским чиқадир дам-бадам оҳим ўти бирла тутун,  
Ул ой юзинда асар бўлғуси найдо дуддин.

Ҳофиз қиладур дард ила афгон муҳаббат йўлида,  
Чун дард ила афгон эрур хуш нағма-йи Довуддин.

## 769

Тийра бўлубтурур йироқ тушкали кўз жамолидин,  
Ҳажр ўти бирла ёнди жон тошмади асар висолидин.

Ойина-йи кўзумга ул дона-йи холи тушкали,  
Холий эмас хаёл-и жон нақш-и хаёл-и холидин.

Қил бики белидин нишон теса кўнгул, ғариб эмас,  
Чунки танним хаёлтак бўлди анинг хаёлидин.

Булбул жон навосини кўргали гул юзи уза  
Тўтий-и табъ қутини тоғди шакар мақолидин.

Об-и ҳаёт халқ аро хижлатдин ниҳон эрур,  
Тотқали ком-и жон била лаъл-и лаби зулолидин.

Лола юзини кўргали қон била юзини ювар,  
Ғарқ-и арақ бўлубтурур гул тақи инфолидин.

Бўлди шикаста, Ҳофизо, гам элида кўнгул, вале  
Бўлмади воқиф ул санам ушбу шикаста ҳолидин.

Ҳамиша ёди эрур мунис-и дил-и маҳзун,  
Агарчи оташ-и ҳижрондин айлади ани хун.

Ақиқтақ лабининг орзуси бирла бўлур,  
Мудом кўз садафиндин равон дурр-и макнун.

Нечаким жавр қилур, жоним ўзгани савмас,  
Чу савмас ўзгани Лайлонинг ўрнина Мажнун.

Қаро қоши манга бўлғали тоқ ила меҳроб,  
Намоз ичинда ўқирман мудом сура-йи нун.

Юзумни ёш ила айлаб нигор, жоним олур,  
Қачон нигорки бошлар чиқиб эшикда ўюн.

Каманд-и зулфини илгимга тушурур эрдим,  
Худой берса манга олам ичра умр-и узун.

Жамолу ҳуснинна Ҳофиз чу йўқ турур ғоят,  
Не турфа, бўлса ўшанинг хадиси рўзафзун.

Қачон кўзумга кўрунса ўшул рух-и гулгун,  
Бўлур ўшанда фараҳнок хотир-и маҳзун.

Нияз тоқ ила меҳроб орасида қилдим,  
Қоши хаёли била бўлғали қадим чун нун.

Агар юзини манга ёр кўргузур бўлса,  
Кўрунгай эрди ҳамон дамда қудрат-и бечун.

Ҳабиб дарди учун ҳар табибни тиламан,  
Чу дард-и ишқ давосини билмас Афлотун.

Бу чашма янгли кўзум ёшини равона кўриб,  
Мудом тар кўрунур об-и Дажлаю Жайҳун.

Садаф бикин кўзум ичра нечаки сақладим,  
Ўзини ташғару ташлади бу дурр-и макнун.

Мурод-и жонни қаро зулфи даврида изда,  
Бу ҳалқадин чу топулмади, Ҳофизо, берун.

Юзининг ҳажри била кўз ёши бўлди гулгун,  
Оташ-и ҳасратидин куйди юрагимдаги хун.

Ер дарди бор экан, дунёни кўзга илман,  
Муфлис-и ишқ тиламади чун ганж-и Қорун.

Дард-и ғам-и ишқинга даво ўлмак эрур,  
Ишқ дардинга даво топмади чун Афлотун.

Қайдаким борсам ўшул ёрни жоним издар,  
Лайлодин ўзгани савмади чу ҳаргиз Мажнун.

Суд бўлғай тею савдо-йи муҳаббат тиладим,  
Вале савдо-йи муҳаббат бўладур бошда жунун.

Борди кўз кўра шикаста кўнглум илгимдин,  
Вале кўнглум элидин чиқмади дарди берун.

Ҳофизо чашма-йи кўз ёшини кўргали равон,  
Тар кўрунур қаму арбоб-и назарга Жайхун.

Бир замон қилмаса кофир қаро кўзи юз хун,  
Бормағай эрди кўзумнинг ёши ҳар дам гулгун.

Гуна-йи юзни кўруб ҳолни мандин сўрма  
Ким, не ёндин бу бало келди санга гуногун.

Қолмади суду зиёнинг ҳаваси кўнглумда,  
Оташ-и ишқ била куйди чу беруну дарун.

Дўстдин ўзгани ман ёд қила билмасман,  
Лайлодин ўзгани ёд этмади, орий, Мажнун

Ким ғам-и дўстни бериб ғам-и дунёни олса,  
Жумла-йи арбоб назар қошидадур ул мағбун.

Зулфи қадинга гирифтор эсам, кўрма ажаб,  
Шер агар бандга тушса бўлур ул дамда забун.

Ҳофизо, ишқ йўлида манга ҳосил ҳолий.  
Суду сармоя бори бордию қолди бу жунун.

Қайда бўлғайман ажал доминда ўш эмди забун,  
Зулфу қаддин савдуруб чун қилди умрумни узун.

Гар манга Мажнуун-и вақт эрур тесангиз, айб эмас,  
Зулфининг савдосидин ҳосил чун айлабман жунун.

Ул ҳилолий қошининг аксикн тушкай кўзума,  
Чашма-йи чашм ичра кўрунгай ҳамон дам шакл-и нуи.

Ўзга фанларга кўз учи бирла ҳам қилмас назар,  
Фанн-и ишқ ичра қаю ошиқки, бўлғой зуфунун.

Кям била билгай ўшул дилдорнинг ашколини,  
Кям чиқар ҳар дамда бир шакл узраю ўйнар ўюн.

Издасаик бечунни кеч чуну чиродин бир йўли,  
Чунки санда зоҳир эрур доимо бечуну чун.

Ҳофиз ўш эмди ана-л-ҳақдин дам ургай бехато,  
Чун тўлудур ёрдин бу дамда беруно дарун.

Қўл берди июнат била эмди манга жонон,  
Гўё ўзина чакди қулин лутф ила султон.

Раҳм айлади ҳолимгаю кўз ёшин оқитди,  
Андоғки тушар гулнинг уза қатра-йи борон.

Андоғ хушоянда кўзум қошидин ошди  
Кам, гулшан-и жонда юруса сарв-и хиромон.

Ул ҳолда олам манга зиндон эди, ялло  
Зиндонни июнати била қилди гулистон.

Кўргузди юзу айлади ҳолимни равон жамъ,  
Гарчи қаро зулфитак эдим ҳоли паришон.

Лойиқ ўшанга пешкашим йўқдуру жон бор,  
Жонимни қабул айласа ўшда чакайим жон.

Ҳофизга наво тегмаса Хоразмда, андин  
Қилгай эди оҳанг-и Ҳижез ила Сипаҳон.

Ийд-и жон топгай эдим кешида бўлсам қурбон,  
Чун онинг дарди эрур хаста кўнгулга дармон.

Бордур юзида анвор-и илоҳий равшан,  
Йўқ турур ҳусну камолинда ўшанинг нуқсон.

Дол эрур ҳусн-и жаҳонгирина ул зулф-и дуто,  
Ким манам бики паришондуру ҳам саргардон.

Алиф қоматини кўргали сарв-и озода,  
Банда-йи жон бирла бўлуб шаклина бўлди ҳайрон.

Лолатак юзини бўстонда кўрар бўлса гул,  
Бош адоқига солиб ҳуснина бўлур нигорон.

Ростий, йўқтур анингтак санаме дилдоре,  
Ким кўрунса ўшанинг сувратида маъни-йи жон,

Ҳол улдулки, мани куйдурадур ҳасрат ўти  
Ким, бу қул бор экан ўзгани наг айлар бирён.

Мир-и хубон-и замон тесам ани, кўрма ажаб,  
Чунким арбоб-и ҳусн лашкарию улдур хон.

Оҳ, анинг оташ-и ҳажри жигарим куйдурадур,  
Жонга лойиқ чун анинг бики йўқ эрди жонон.

Ноз этиб борса бу Ҳофизга ўшул сарвиноз,  
Хуш келур чун бу эрур бандаю улдур султон.

## 777

Эйки, юзунг гулу қадинг кўрунур сарв-и равон,  
Маънода қани бу дам сендин ўнгин суврат-и жон.

Борча олам қошида кўз кўра ўртаб мани,  
Нечага тегру парий янгли бўлурсан пинқон.

Кўзларимнинг йўлидин оқса қора қон, не ажаб,  
Чун жигар порасидур дам-бадам оқган қаро қон

Сан ўшул ол юзунгни манга кўргузсанг эди,  
Тутмагай эрди юзум дард ила ранг-и ярақон.

Дам-бадам абр-и баҳорий бики кўзум ёшини  
Оқтуруб тозаю тар гул бики чиндинг хандон.

Шамъ-и жонсўз юрагим ёнарин кўрди эса,  
Юрагим шаклина ўт ўзидин айлади аён.

Ишқинг ўти мани куйдургали бу Ҳофизтак,  
Бўлдум, эй жону жаҳон, жумла-йи жаҳондин бир ён.

Олди кўз кўра кўнглумни ўшул сарв-и равон,  
Ким кўрунур сувратинда зоҳиран маъни-йн жон.

Суврат-и покингга бу жонимни нисбат айласам,  
Ул кўрунур бас хафифу, бу кўрунур бас гарон.

Донмо оҳу қочар тийру камон кўрса, вале  
Не сабабдур ким ўшул оҳу тилар тийру камон.

Гўшаени ихтиёр айлаб ҳузур издар эдим,  
Ул қароқчи кўзлариндин топсам эрди ман омон.

Армуғон бермаса жонон ҳусн шаҳриндин келиб,  
Келтурайим кўз йўлиндин ман назарга армуғон.

Ман ёмону ўзгалар яхши бу султон қошида,  
Хирман-и умр ичра бўлди барча бугдой, биз сомон.

Талхлиқнинг юзини кўрмагаман Ҳофиз бикин,  
Бўла билсам шакар-и шукри била ширинзабон.

Юзина ошиқ эрур моҳу меҳр-и нурафшон,  
Азоқи тупроқидур лолаю гулу райҳон.

Юзинда нуқта-йн холини кўргали қолди,  
Тахайюр ичра чу паргор ақл саргардон.

Кўнгул тилаганитак топғай эрди ҳуш нйде,  
Эшигида ўшанинг бўлса эрди жон қурбон.

Жамолидин агар ул нур бермаса ҳар дам,  
Қачон кўрар эди жон кўзи чехрасини аён.

Маоний мулкида ман подшоҳ бўлғай эдим,  
Хумойтак манга ул солса соя-йн эҳсон.

Паноҳ-и лутфина ҳар лаҳза сигинурман,  
Анинг инояти эрур чу соя-йн яздон.

Жамоли васфида Ҳофизни кўрсаман, эй дўст,  
Чу булбул эрур, бўлса чаманда хушалҳон.

Оғзинг сўзидин ғунча юраги тўлўдур қон,  
Ишкаст топар кўрса они писта-йи хандон.

Сўзунг била ширин тудоқинг қошида асри  
Нарх-и шакару лаъли ҳамиша эрур арзон.

Ол қонни қаро ерга лабинг ол ила тўқди,  
Сўрсам тудоқингдин бўлур, эй жон, анга товон.

Мушқил кеча билгайман ўшул сучи лабингдин,  
Жондин чу кеча билмак эмас кишига осон.

Тушмиш эди тушумда қаро зулфинг элимга.  
Уйғондим эса, бўлди тушум ҳоли паришон.

Юзунг била зулфунгни тилаб кўз ёши борса,  
Еш ўрнина ёзида туғар лолаю райҳон.

Хуршид юзунгу кечатак зулфдин ўзга  
Ким кўргани бор бори қарин куфр ила имон.

Ё янгли қошу зулф камандики, санга бор,  
Тушса, не ажабдур, санга бас сайд фаровон.

Дур бики сўз айтур лаб-и лаълинг сифатинда,  
Ҳофиз сўзини ғўш қил, эй шоҳ-и сухандон.

## 781

Кел бу дам ичра манга бир нафас, эй сарв-и равон,  
То фидойи қадаминг айлагайим жону равон.

Шавқ-и юзунгдин агар игласаман, кўрма ажаб,  
Гул ичра абр-и баҳорий чун бўлубдур гирён.

Боғ ичинда гул агар бўлмаса ҳамсуҳбат-и хор,  
Булбул-и сўхта қайда бўлур эди нолон.

Бевафо гул бўлубон жавру жафо айламаса,  
Зор булбул чека билмас эди зорию фиғон.

Жони бирла, не ажаб, булбул агар гулни савар,  
Чун кўрар доим ўшул гул юзида суврат-и жон.

Булбул-и шифтадил кўзни кетармас гулдин,  
Жон кўзи бирла чу гул юзина эрур нигарон.

Жавр ила қавма бу Ҳофизни эшикдин, эй дўст,  
Булбул-и ошиқ ила хуш кўрунур чун бўстон.

Қаро кўзунг эрур жоду-йи фаттон.  
 Каманд-и зулфунг эрур анбарафшон.

Хизр бўлмаса хатт-и сабзинг, эй дўст,  
 Недин қошинда борур об-и ҳайвон.

Ҳамиша об-и ҳайвон тар кўрунур,  
 Магар кўргуздинг ул чоҳ-и занаҳдон.

Лабинг узра хати сабзинг ярашур.  
 Чу ёқут илгида ул хатт-и райҳон.

Очар бўлсанг юзунгни бир замоне,  
 Очнлур ул замонда юз гулистон.

Манга сандин қачон бўлғай тараҳҳум.  
 Чу кўнглингдур қатиг пўлод сандон.

Замоне келмади ўзингга Ҳофиз,  
 Жамолингни кўруб бўлғали ҳайрон.

Юзунгтак жаҳонда қани моҳ-и тобон,  
 Ким, андин хижил бўлса хуршид-и рахшон.

Хижил бўлмади эрса, не ёндин эмди  
 Ниҳон бўлди лаълинг кўриб об-и ҳайвон.

Назар айласун ҳар замоне бўюнга  
 Кишиким, тилар кўргали суврат-и жон.

Ажаб кўрма, кофир тесам кўзунггаким,  
 Қиладур кўзунг ғамзадин қасд-и имон.

Тыламакдин эмди дуо бирла сени,  
 Халойиқ оросинда бўлдум парихон.

Кечар мушқил асри фиरोқингда умрум,  
 Висолинг била қил бу мушқилни осон.

Ийқилган шикаста бу Ҳофиз кўнглун  
 Жафо бирла ҳам қилма бир йўли байрон.



Ҷани сантак жаҳонда сарв-и равон  
Ким, юзи бўлса меҳру заррадаҳон.

Гулшан-и ҳусн ичинда кўрмадим,  
Сан бикин возанин-и гул-и хандон.

Ғамзаю ул ҳилол қошингтак,  
Иўқ турур олам ичра тийру камон.

Сўз ыла ул шакартак оғзингдур  
Ишқинг аҳлига яқину гумон.

Ғар равон жон тилар эсанг мандин,  
Чаккаман ул замонда ... (?)равон.

Ғарчи жон бермак асри мушкил эрур,  
Бўлди давр-и лабингда бас осон.

Сақлай олмади ишқни Ҳофиз,  
Меҳрни зарра қилмади пинҳон.

Кўзумга кўрунса чиқиб ул сарв-и хиромон,  
Зоҳир кўрунур суврату маънода равон жон.

Шаҳр ичра ўшул ғамза-йи мастона эливин,  
Бас оқилу ҳушёр эрур бесару сомон.

Ҳижрон ўтини соғиниб ўртанганидиндур  
Ким, бор назарда гулу булбул чекар афғон.

Гиря қилур эрса кўк уза абр-и баҳорий,  
Булбулга тару тоза кўрунур гул-и хандон.

Ғунча бу замон бода-йи завқ ичмади эрса,  
Недин қилур ул маст бикин чоки гирибон.

Зебо гул-и раъно юзига тегмасун офат  
Тею, этагин ёйди булут меҳр уза ларзон.

Ҳофиз ўшанинг юзи хаёли била деим  
Ҳар қайда қадам босса бўлур саҳн-и гулистон.

Бўлғали лаъл-и лабинг бу хаста жонсиз учун жон,  
Топмади бир лаҳза дард-и жонина дармон.

Зоҳиру пинҳон ўзумни ўртадим, илло  
Оҳким, очмади юзни дилбар-и пинҳон.

Лаъл-и лаби ишва бирла жонким олибдур,  
Бир сўра билсам они бўлур эди товон.

Ўйнамоқим жонни эмди мушқил эмасдур,  
Чун манга давр-и лабинда бўлди бас осон.

Жамъ кўнгул қайда даст бергай ангаким,  
Зулфи бикин бўлса ҳоли асри паришон.

Чоҳ-и занахдонина шикаста кўнглум  
Тушди, баса еридур бу ўғрига зиндон.

Лаъл-и лабининг уза хати ажаб эрмас,  
Чунки тошар Хизр-и вақт чашма-йи ҳайвон.

Бўлғали ширин лаби ишва била жонснтон,  
Жонима ғамза ўқин тикди ул эрур камон.

Лаъл-и лаби қошида кўзум оча билмадим,  
Оре, бўлур бодадди маст ҳамиша гарон.

Жонни манингдак киши бермагай эрди, сучи  
Лаъл-и лабини сўра қилсам анга жон равон.

Жом-и лаб-и лаълидин бода ичайим тесам,  
Талх манга сўзлар ул дилбар-и ширинзабон.

Гаҳ кўнглум шод этар, гаҳ тақи ғамгин қилур,  
Бир насақ устинда чун бўлмади кор-и жаҳон.

Нечаки ман бўлғаман хок ниёз устида,  
Ешиму бу остин, бошиму ул остон.

Мужрим-и даргоҳсан сўзламайин, Ҳофизо,  
Келтиракўр хирқани ушбу замон дармиён.

Ул ой юзи қибла-йи мақсуд дагулму?  
Ишқинда зиён бўлса, манга суд дагулму?

Айб айламангиз оҳ-и жигареўзима ҳар дам,  
Чун сийнада ишқ оташу ул дуд дагулму?

Сиррим била бу зоҳир мавҳумки, кўрнур,  
Таҳқиқ билан обиду маъбуд дагулму?

Заррот-и жаҳон чунким эрур толиб-и матлуб,  
Мағлубу жаҳон сожиду масжуд дагулму?

Мавжуд жаҳон ичра ҳамин жуди эрур бас,  
Жудиндин ўшанинг қаму мавжуд дагулму?

Беҳадду ададни талаб этганга бу олам,  
Маҳдуд тақдир бир неча маъдуд дагулму?

Чун моҳ шаб-и жонда толиғ бўлур эрса,  
Ҳофиз санга ул толиғ-и масъуд дагулму?

Ушул айёр-и ширинкор бизга ёр бўлмасму?  
Кўнгулни олди ол бирла, тақдир дилдор бўлмасму?

Не бўлғай ошани бечорани кўрганда раҳм этса,  
Киши дармонда мискинни кўруб ғамхор бўлмасму?

Вафову меҳрдин озору тушар жавр йўлинга,  
Ушул озоридин дилхаставу озор бўлмасму?

Гулистон ичра юзни кўруб гулларга боқсаман,  
Ушул гуллар маним кўзумга бор-и хор бўлмасму?

Жамолининг гулистонин қачонким соғинур ошани,  
Чу булбул зорию афгон элиндин зор бўлмасму?

Маним кўнгулум эрур гулзор ўшул дилбар хаёлиндин,  
Хаёли қайдаким тушса гулу гулзор бўлмасму?

Назар солганда Ҳофизга кўзи айи-и иноятдин,  
Кўрунур асри хуш, илло ажаб бемор бўлмасму?

Хуршид жамолинг била тобанда дагулму?  
Гуллар юзунга ошиқу ҳам банда дагулму?

Ўхшатғали юзунга гулу лола юзини,  
Завқ ила гулу лола иши ханда дагулму?

Гулзорда гул юзина ошиқ бўлоли зор,  
Булбул неки сайрар хушоюнда дагулму?

Сарв-и сихий ўпғали адоқингни чаманда,  
Давлат била иззат анга поянда дагулму?

Ишқинг йўлидин манъ қилиб воиз-и безавқ,  
Не ким айтур, бори пароканда дагулму?

Фикр-и хам зулфунг била ушшоқ-и вафодор  
Нашмина қаро тўнда сарафканда дагулму?

Жон бермағали кўзунга, эй турк-и китойий,  
Ҳофиз бу хатосиндин шарманда дагулму?

Бу хаста жонни сўра эмди ёр келмасму?  
Шикаста булбул учун навбахор келмасму?

Жароҳат айлади жонимни хажринг хори,  
Висол-и марҳам ўшул гулўзор келмасму?

Ироқдин кўргул эвинга норни солган,  
Биҳишт сарви ўшул юзи нор келмасму?

Бале-йи ҳажр била жонни мубтало қилди,  
Бу қилган ишдин ўшул шарисор келмасму?

Қарор-и васлини жоним кўзи қарар мудом,  
Ўшул қарарим учун бу қарор келмасму?

Шароби ишқ била бўлдум эмди маст-и хароб,  
Ўшул кўзи асрук пурхумор келмасму?

Шикор эрур ўшул ғамза ўқина Ҳофиз,  
Шикорин издаю ул шаҳсувор келмасму?

Бу хастани тақи дилдор ёд қилмасму,  
Шикаста кўнглини бир лаҳза шод қилмасму.

Не ихтиёж мани жавр бирла ўлтурмак,  
Фироқина бу қадар эътиқод қилмасму.

Кўзум ҳамиша тилар жон била савод-и хаттин,  
Ушул кўзи қаро дилбар савод қилмасму.

Икки кўзум ёши ўш эмди қонга бўлди бадал,  
Муҳаббатингга ҳануз эътиқод қилмасму.

Жафо қилур манга дилдор ошиқимдур теб,  
Вале жафоси муҳаббат зиёд қилмасму.

Мурод бўлғали дилдор номуродиман,  
Бу немуродлиқ асл-и мурод қилмасму.

Асвр Ҳофиз-и бечора бўлди зулминдин,  
Айтсангиз не бўлур адлу дод қилмасму.

## 793

Жоним қуярин дилбар-и айёр билурму?  
Бағрим бўлурин қон бу жафонор билурму?

Жонимни фидо қилдим анинг йўлида, илло  
Ман бандани ул шоҳ-и вафодор билурму?

Ман нишқ шаробиндин анинг маст эрурман,  
Ул кўзлари асрук, ўзи ҳушёр билурму?

Сийна сипар айладим ўшул ғамза ўқунга,  
Киршуклариким, бағрима санчар, билурму?

Чун бўлди кўнгул зулфи камандинга муқайяд,  
Бу сайдни қайдинга гирифтор билурму?

Жонимга тикилди ўшанинг хор-и балоси,  
Ул рашик-и чамаи англари гулзөр билурму?

Ул ҳуснигаким йўқ сазовор жаҳонда,  
Ҳофиз ўзина сени сазовор билурму?

Шаккарин лаъл-и лабин доим қилур жон орзу,  
Не тариқа тўтий қилса шаккаристон орзу.

Жон чиқибтурур тақи кўнглум лабин сўрмоқ тилар,  
Оре, жон берганлар айлар об-и ҳайвон орзу.

Ишқ йўлида агар ман хок бўлсам не ажаб,  
Хоқ бўлди ушбу йўлда чун фаровон орзу.

Бу масал машҳур эрурким орзуға айб йўқ,  
Доим ул ёндин қилурман васл-и жонон орзу.

Айб қилманг ҳажрда васлин тилар бўлсам мудом,  
Мубтало-йи дард бўлган қилди дармон орзу.

Дард-и ҳижронни чакадурман баса мушкил эрур,  
Қилмангиз, эй дўстлар, сиз дард-и ҳижрон орзу.

Не ажаб Ҳофиз тилар бўлса юзини кўргали,  
Чун қилур жон бирла булбуллар гулистон орзу.

## 795

Булбул-и ошуфта гар айласа гулзор орзу,  
Тўти-йи жон айлар ул лаъл-и шакарбор орзу.

Орзу-йи васли бирла хок бўлсам, не ажаб,  
Чун бўлубдур хок ушбу йўлда бисёр орзу.

Гулситон-и васлина жон бирла ошиқ бўлгали,  
Барча гулни орзу айлару ман хор орзу.

Барча реш дилга марҳам издадилар жон била,  
Ошиқе қилди ва лекин дарду озор орзу.

Ел бикин елиб югурдум барча ёзи юзини,  
Қилгали кўнглум ўшул оҳу-йи тотор орзу.

Жон тудоқимға етишибдур, вале жон бирла ман  
Айладим жонондин охир дамда дийдор орзу.

Йўқ бўлди ишқнинг йўлида бир йўли, вале  
Васли ёниндин бу Ҳофиз жоннда бор орзу.

Моҳ уза кўргузур эрсанг ул хамабру,  
Бош солайим ман адоқинг узра чу гесу.

Хол юзунг узра бас ғариб эрурким,  
Мулк-и Хўтанни тутубдур ул қаро ҳинду.

Хаста қаро кўзларинг бикин бўласиман,  
То бўласидур лабинг бу хастага дору.

Қасд этиб охуға ўқни казлаюр эрсанг,  
Қаршу борур жони бирла ўқинга оху.

Хусн ила сансан зиёда меҳр ила маҳдин,  
Бовар агар қилмасалар ўшда тарозу.

Жуфт қошингинг балосини чека билман,  
Қани икки ё чекарга қувват-и бозу.

Кетма бу Ҳофизнинг эмди кўз қошиндиким,  
Яхши эмас сарвсиз канору лаб-и жү.

Қилғали жононанинг васлини жон жустужў,  
Кўз ёши борди равон обсифат жү-бажў.

Ташна бўлуб топмади васли зилолин кўнгул,  
Ҳар нечаким су бикин борди равон сўбасў.

Бош азоқинга солиб бўлган аро хок-и раҳ,  
Икки кўзумнинг ёши қилди манга обрў.

Икки жаҳон нақшини ойинасинда топар,  
Лавҳ-и кўнгулни қилан бода била шустушў.

Пир-и муғон қошида оху фиғон чакмадим,  
Ҳолни билганга чун ҳожат эмасдур ғулу.

Ёр била банданинг орасида сифмағай,  
Зоҳиди бориктан бўлса тақи тор-и мў.

Қилбики нозук белин ёд қила билмадим,  
Табъи эрур нозуку чун ўзи тундхў.

Бу жигар-и решга кирпуки қилгай даво,  
Сўзин ила чун бўлур решга донм рафу.

Ҳофиз ўшул ёрнинг қаддини жондин савар,  
Қумри чу сарвин савуб топди мақому улув.

Кўзунг турку хатинг ҳинду-йи жоду  
Ким, андин боғлади қон ноф-и оху.

Ажабдур хол ул ораз узаким,  
Хўтаннинг мулкани тутди бу ҳинду.

Юзунг кўруб қизарди гул чаманда,  
Чу бор анинг юзинда қатрайи су.

Қарони саъд бўлғай ошиқ учун  
Юзунг чун моҳу қошингдур тарозу.

Тудоқинг иўши тегмай неш-и кирпук,  
Тегар андоқки бол қошинда ару.

Маним бирла баче хуш бўлғай эрдинг,  
Қачон кетса ародин бу маку ту.

Назарга келтирур жонини Ҳофиз,  
Ишорат айласа ул чашму абру.

Қош ёсина ғамза ўқин ул кўзлари жоду,  
Казлагали жон бирла чагар оҳин оху.

Маҳ юзина ўхшамоқ учун бадр бўлубдур,  
Ўхшагай эди бўлса ҳилоли анга абру.

То холи лаб-и лаълининг устинга тушубдур,  
Кўзумга кўринур намакин ул қаро ҳинду.

Қадди сифатин сарв қошиндаким айтдим,  
Сарв устидаги фохталар айтди ку-ку.

Кўзумда хаёл-и юзию қадд-и ниҳоли  
Андоғки, гулистон биладур сарву лаб-и жў.

Чун сарв-и равонимни лаб-и жўйда кўрдум,  
Су бўлди равон чашма-йи кўзумда баҳар сў.

Жон дардина чун берди кўнгул ошиқ-и жонбоз,  
Издамас ўшул дардина дармон ила дору.

Бу дардки, Ҳофиз жигаринда ғамидин бор,  
Дармон қила билмас, тирилур бўлса Арасту.



Ишқнинг йўлида бўлдум орзудин хок-и роҳ  
 Ним, кечар сарв-и равоним жон бикин қилмай нигоҳ

Йўлга кириб борди эрса мани йўлдин озгуруб,  
 Кўзларимнинг ёши юзум узра эрур роҳ-роҳ.

Ул алифтак қаддина ҳетак кўзумни солголи,  
 Ҳар нафас жондин чакарман дард бирла оҳ-оҳ.

Оҳим ўти бирла юзумни қилибман зар мангиз,  
 Даъвойи ишқинда кечурсам тею икки гувоҳ.

Ғамза тийғини чакиб кетгали ваҳший оҳутак,  
 Кўз қарортибдур қизил қонимга ул чашм-и сиёҳ.

Кўзга не илсун жаҳонни жонидин кечган киши,  
 Боявин ўйнаганга осон кўрунур тарк-и кулоҳ.

Кўрганиндин сўнгра Ҳофиз ул санамнинг юзини,  
 Узга юзинга назар солмоқидур айн-и гуноҳ.

Оҳу кўзи чу қилди гулистонни такагоҳ,  
 Ултурди ноз ила мани ул хонумонсиёҳ.

Кофир қароқчи ул қаро кўзи жафо била,  
 Бу жон-и нотавонимга қасд этди бегуноҳ.

Ул сарвқаде соясини жон тилар равон,  
 Равшан кўрунди чун манга ул соя-йн илоҳ.

Лаъл-и лабиндин ўзгани жоним тиламагай,  
 Ул дамдаким, чиқар эса жон бирла тандин оҳ.

Даъво-йн ишқ қилсам ўш эмди ярарким,  
 Юз ранги бирла оҳ-и жигарсўздур гувоҳ.

Бир кеча келса юзи хаёли равон бўлуб,  
 Кўрунгай эди ул манга юз офтобу моҳ.

Ҳофиз висол-и дўстни қайда топа билур,  
 Чун ул эрур гадоӣ, тади дўсти подшоҳ.

Нечага тегру ишқ ўтидин чаккаман оҳ,  
Бўлди саргосар анинг дуди била нома сиёҳ.

Кўз иноят назарин тутдум ўшандин, илло  
Қилмади айн-и иноят била дилдор нигоҳ.

Бўлғали лола бикин ол юзинга ошиқ,  
Қилди кўзини қаро қонима ул чашм-и сиёҳ.

Хатини кўргали меҳр-и кўнглумдур афзуи,  
Гўйиёким хатти мушкини эрур меҳр-и гиёҳ.

Не ажаб бўлғай, агар лаъл-и лабин жон тесам,  
Чун ўшанинг нафсинда кўринур руҳуллоҳ.

Ақлу хушу дилу дин жою равонни олсун,  
Мулк тутғали карак шоҳға чун хайлу сипоҳ.

Ҳофизо, бўлди қавий пушту паноҳим дойим,  
Бўлғали лутфу инояти манга пушту паноҳ.

Ошиқи бандаву ходим тақи ул султон-и шоҳ,  
Неча боқсам қўрунур ой юзинда нур-и илоҳ.

Юзи меҳриндин анинг хок қачон бўлсаман,  
Сар-и хокимдин ўшул дамда туғар меҳр-и гиёҳ.

Юзини кўрган аро ғайрға боқди эрса,  
Ул сабабдин кўрунур икки кўзум рўйсиёҳ.

Олабийни йиқадул ул қаро кўз жавр билан,  
Кўзлари бўлғали ғамзаларина пушту паноҳ.

Кўз ёши бирла юзум рангини кўргузгайман,  
Даъво-йи дарди учун издасалар икки гувоҳ.

Тил била не тилагайим ўшанинг ҳасратидин,  
Чун эрур ҳолу замиримдин ўшул шоҳ огоҳ.

Ҳофизо, зулфи бикин сўзни баса чакма дароз,  
Оғзининг рамзи бикин қиссани қилғил кўтоҳ.

Оҳки, куйдурди мани ушбу оҳ,  
Енгусидур оҳим ўти бирла моҳ.

Бўлмас эди ҳолим мушкил маним,  
Сўрса эди хастасини гоҳ-гоҳ.

Бўлди юзум сори гаму дарддин,  
Орий, гаму дард эрур умрқоҳ.

Ман чака билмасман анинг дардини,  
Кўҳни чун чакмади бир барг-и қоҳ.

Кўрган аро куйдум ўшул холдин  
Ким, қила билман юзинна бир нигоҳ.

Оҳ ўшул турк-и жафокешдин  
Ким, кўзин ол қонима қилди сиёҳ.

Ёзуқсиз ўлтурадур бандани,  
Тединг Ҳофизга, бу эмасму гуноҳ?

Дўст чун айлади равон азм-и роҳ,  
Оҳ, мани куйдурасидур бу оҳ!

Ёзуқум ушбуки, саварман они,  
Наг мани ўртайдур ул бегуноҳ.

Мардум-и дийда юзини кўрмайин,  
Ҳазрат-и ҳижрон била кийди сиёҳ.

Ул ёр экан, ўзгага қилман назар,  
Гул қошида оре кўрунмас гиёҳ.

Чун ўшанинг куйида бўлдум гадо,  
Бас манга оламда ҳамин иззу жоҳ.

Қайда борайим эшигини солиб,  
Чун бу эрур бандага пушту паноҳ.

Етгай адоқинга бошим оқибат  
Тею, бу Ҳофиз бўладур хок-и роҳ.

Қилмадим дўстдин ўзгага нигоҳ,  
Чун кўрунди манга ул меҳр ила моҳ.

Жон берур ҳолда бечорасина,  
Бўлмағай дардидин ўзга ҳамроҳ.

Тил била ўз тилагимни тиламан,  
Ҳолимиздин чун эрур ёр огоҳ.

Ажзу мискинлик анга келтурсам,  
Ажаб эрмас, чун гадоман, ул шоҳ.

Бир даме кечса ўшансиз ногаҳ,  
Ишқда ул дам эрур айни гуноҳ.

Оҳ-и сўзон билан жон ёнди, вале  
Раҳм айламади дилдорим, оҳ.

Ўртанаву куя бу Ҳофизтак  
Ўлмасам бўлмайисар сўз кўтоҳ.

Хати кўрунди латиф ой юзинда меҳргийёҳ,  
Қачон мунунг бики хат чакди меҳр бирла моҳ.

Ҳамиша жон чакаримдин ҳабиб билсун теб,  
Чакарман эшигида туну кун фиғон била оҳ.

Кўзеким нзи тўзини мушк бирла танг кўрса,  
Анинг бикини кўза бўлсун ҳамиша хок-и сиёҳ.

Гуноҳсиз мани ўлтурди жавр бирла темак,  
Тариқ-и ишқу муҳаббатдадур азим гуноҳ.

Вафо қилурман, дилдор, жуз жафо қилмассан,  
Чн толий аст маро ло илоҳа иллоллоҳ<sup>1</sup>.

Кўнгул тилар ўшанинг ойтак юзини кўрсам,  
Муҳаббат ичра эрурман мудом некухоҳ.

Санга не сондур ўшул ёр эшигинда, Ҳофиз,  
Чу топмас анда малоийик ниёз бирлан роҳ.

<sup>1</sup> Менинг толеим қандай экан, эй тавба (бу ерда тавҳид калимаси истиғфор учун келтирилган).

Ким савса дилоромни жондин кеча билгай,  
Жондин кеча билган бу жаҳондин кеча билгай.

Ким бўлса онинг ишқида савдойию шайдо,  
Сармойву ҳам суду зиёндин кеча билгай,

Ишқи йўлида ному нишон ким тилар эрса,  
Жон бирла қаму ному нишондин кеча билгай.

Қатъ-и назар айласа киши яхши-ёмондин,  
Оламда борн яхши-ёмондин кеча билгай.

Жон ташна-йн дийдор қачонки бўла билса,  
Қўл йўлга кириб, об-и равондин кеча билгай.

Бошким, ўшанинг эшигида бўлса фидойи,  
Ул завқ билан бор-и гарондин кеча билгай.

Ҳофиз бики ким айш-и ниҳон завқини билса,  
Сўз келган аро тиг-и забондин кеча билгай.

## 809

Лабинг ёди била ул дамдаким, бу хаста жон бергай,  
Қилиб ихё дам-и Исо анга лаълинг равон бергай.

Орзинг боридин рамзе баён қилгай ўшул жонким,  
Адамнинг оламиндин бенишон бўлуб нишон бергай.

Манга жон ўйнамоқ осон бўлубдур ишқда, орий,  
Далир ўлгай кўнгул ҳар кишигаким, дилситон  
бергай.

Фиғону оҳ чакмасман эшигингда сахаргоҳе  
Ки, дард-и сар санга ногаҳ бу оҳу фиғон бергай.

Ҳузур издагай эрдим гўшаени ихтиёр айлаб,  
Вале кофир қаро кўзунг қачон бир дам амон бергай.

Кўзунг қошинда қошу ғамза ошиқларни ўлтурди,  
Анингтақ жوليқ асрукка киши тийру камон бергай.

Қиё бақмақ била бергил бақо-йн умр Ҳофизга,  
Натакким, умрни ўлганга ҳайй-и жовидон бергай.

Кўнгулнинг бўстониғаким, ул сарв-и равон келгай,  
Насим-и лутф ҳам эсгай, ҳаёт-и жовидон келгай.

На так мангу суви келса ўлук тупроқ устинга,  
Ушул дилдорнинг келмаги кўнглумга ҳамон келгай.

Бора билмай келурини тамаъ қилдимким, айтулар  
Нечаким жонга тан бормасу лекин танга жон келгай.

Жаҳоннинг неъматини кўпдур, кераги ёр эрур билсанг  
Ким, ул айёри топсанг бориси ройгон келгай.

Агар юз турлу ошиқнинг сўзи бўлса, юзин кўргач,  
Унутқай борча сўзни, қошинда безабон келгай.

Ушул рухсору қоматнинг ҳавоси бирла ошиқдин,  
Қиёматнинг тонги отқунча ҳам оқу фиғон келгай.

Нишони васлин издаю бу Ҳофиз бенишон бўлди,  
Қачон бўлғайким, ул султон висолиндин нишон келгай.

Лутф этиб хилват-и жонимғаки жонон тушкай,  
Ул замон кулба-йи дарवेशга султон тушкай.

Ноз қилгучи гулистонда тушар бўлса гул,  
Булбул-и сўхта дил ошиқ-и нолон тушкай.

Дом-и зулфин ёза бошласа муқайядлар учун,  
Ушбу қайдинга баса сайд-и фаровон тушкай.

Кўзларим ёши юзи узра ярашгай андоқ  
Ким, гул-и лола уза қагра-йи борон тушкай.

Нақд-и жон бериб анинг лаъл-и лабиндин бўса  
Ола билсам, билинг ул жон манга арзон тушкай.

Жоним олса лаб-и ширин-и шағарбори анинг,  
Айтунгиз шаръ иялари кима товон тушкай.

Ҳофиз маънода шакар мазасин хуш билгай,  
Ушбу сўзумғаки, маҳбуб-и суҳандон тушкай.

Ҳар ким танидин кечса равон жонга етишгай,  
Жонин кўза ҳам илмаса жононга етишгай.

Ким сидқу муҳаббат била қуллик қила билса,  
Охирида ўшул ҳазрат-и султонга етишгай.

Мардона талаб йўлида ким босса қадамни,  
Гар мўр-и занф эрса, Сулаймонга етишгай.

Жондин кечибон дардин ҳосил қила билган  
Мақсудни топгай, тақи дармонга етишгай.

Ишкаста кўнглумга баса раҳмлар этгай,  
Ҳар кишики, бу манзил-и вайронга етишгай.

Ким нолаву зорий била доим бўла билса,  
Булбулсифат ул боғу гулистонга етишгай.

Гулзор жамолини тилаб жон била Ҳофиз,  
Зорий қила ул мурғ-и хушалҳонга етишгай.

Ҳар кишиким, ишқ ила жонон учун жон ўйнагай,  
Неча мушқул бўлса жон ўйнамоқ, осон ўйнагай.

Жонини ийсор қилгай бехато парвоналар,  
Кўргузуб ҳусниниким шамъи шабистон ўйнагай.

Кўзларим ёши дур-и ғалтон бикин бўлгай равон,  
Орази узра қачонким дурр-и ғалтон ўйнагай.

Рашкдин ошуфта булбул бағрида қон бағлагай,  
Андаким бод-и сабо бирла гулистон ўйнагай.

Хор ёнини тутуб гул кўргузур бўлса жамол,  
Булбул-и ошуфтадил мажруҳу нолон ўйнагай.

Дам-бадам зулфин тутуб, сиймин зақанга келтуруб,  
Неча билман ул бало бегўю чавгон ўйнагай.

Топгай ул жонон висолиндин ҳаёт-и жовидон,  
Ҳар кишиким, ушбу Ҳофизтак сару жон ўйнагай.

Ошиқеким оғзи бирла ишқ винхон ўйнади,  
Ошкор айламади сиррин тақи жон ўйнади.

Ишқнинг кешинда қурбон бўлмоқ улким издади,  
Ушбу кофиркешнинг йўлинда имон ўйнади.

Ўйнади шатранж-и ишқ ул шаҳ рухин кўруб кўнгул,  
Лек зулфи бирла охирда паришон ўйнади.

Об-и ҳайвонни латофат бирла айлади хижил,  
Орази қошиндаким ул дурр-и ғалтон ўйнади.

Чимган аросинга кириб ўйнади ул нозанин,  
Андайинкем равза-йи жаннатда ризвон ўйнади.

Қумрилар фарёд чакди сарв устиндин равон,  
Қаю бўстондаким ул сарв-и хиромон ўйнади.

Жонни ўйнамоқ баче мушқил эди Ҳофизга, лек  
Сўрди ул ширин лаб-и лаълину осон ўйнади.

Ошиқ чу дилбар қадина ҳар дам томоша айлади,  
Жоннинг ичинда ул алифтак қадина жо айлади.

Кўруб сар-и зулфин анинг ошиқлари суд эттали,  
Сармоя-йи жон бердию сармоя савдо айлади.

Сурмасифат хок-и раҳин ул кўргаким, қилди насиб,  
Маъною суврат оламинда ани бийно айлади.

Еғди балову фитналар шаҳр-и вужудимга баче,  
Туркона ул кофир кўзи ҳар дамки яғмо айлади.

Ман маст-и лояъқил мунингтак эрмас эрдим илгару,  
Мени мунингтак маст ўшул кўзлари шаҳло айлади.

Ул ой юзин бир кеча ошиқлара кўргузгали,  
Ошиқлари ҳар кўчада юз турли ғавго айлади.

Мажмуъ-и оламини ўшанинг ҳуснидур пайдо қилан,  
Андоғқи хуршид-и жаҳон заррот пайдо айлади.

Лаъл-и лаби зинда қилур бўлса мави, эрмас ажаб,  
Муъжиз даминдин мурдани чун зинда Исо айлади.

Тўттий натак гўё бўлур бўлса шакарнинг ишқидин,  
Ширин лаби Ҳофизни андоғ ҳолий гўё айлади.



Сафҳа-йи гул узра хаттин анбарафшон айлади,  
 Ҳуққа-йи ёқутни мушк ила пинҳон айлади.

Лаъл-и нўшин бирла чун гуфтор-и ширин бошлади,  
 Чашма-йи хуршидни пуроб-и ҳайвон айлади.

Тўтғий-и жон қутини топмай берурда жонини  
 Хандае қилди-ю шаккар нархин арзон айлади.

Ваъда-йи бўса баса қилдию охир бермади,  
 Ваъдаси ёлгон эди ёхуд пушаймон айлади.

Кўз қамар ҳар дам қамар янглиғ юзумга бақса теб,  
 Зулф-и шабрангини ёр моҳ-и тобон айлади.

Офтоб юзидин жононаким олди ниқоб,  
 Аксидин юз олам жонни гулистон айлади.

Юзини кўрганда Ҳофиз рақс қилса не ажаб,  
 Заррани раққос чун меҳр-и дурахшон айлади.

Ғамзаси бирланки қасд-и жон ҳар дам айлади,  
 Хаста ҳолимга баса ўлган тараҳҳум айлади.

Жон гул-и хандон бикин топди фараҳ бирла кушод,  
 Ё лаб-и ширин била жовон табассум айлади.

Шаккар-и ширин ҳижолатнинг ўтинда бўлди об,  
 Лаъл-и шакарборниким ҳар дам тақаллум айлади.

Сафҳа-йи юзинда пайдо бўлгали хатт-и губор,  
 Сабзани кўргилким ул гулдин тақаддум айлади.

Моҳитоб юзининг нури била борган аро,  
 Зулфи йўлнига кўнгул тушдию раҳ гум айлади.

Дона-йи холи мави йўлдин чиқарибдур бу дам,  
 Не тариқаким, сафий Одамни гандум айлади.

То лаб-и лаълиндин онинг бода-йи завқ этди нўш,  
 Маст бўлуб ҳар замон Ҳофиз таваллум айлади.

Кирпукян то нишу ширин лаълини нўш айлади,  
Жом-и майдин ошиқини масту беҳуш айлади.

Тушкали хумхонага акс-и лаб-и лаъли мудом  
Завқ ила қоним бикини май дам-бадам жўш айлади.

Заҳр-и ҳижронни висоли шарбати умидина,  
Ёд этиб лаълини ошиқ жон била нўш айлади.

Лаълу дур ҳасрат ўтинда эридию бўлди об,  
Ҳуққа-йи лаълини то жонона дурлўш айлади.

Тутди жонон сўзини жоннинг қулоқинда мудом,  
Ул дурр-и серобга ҳар ким садаф гўш айлади.

Қилди гул аҳд-и вафо булбул била бўстонда, лек  
Сўзина етмади гул аҳдин фаромуш айлади.

Ҳофизо, юзини кўрган арода сўз сўзлагил,  
Қайда булбул гул юзин кўрдию хомуш айлади.

Тийг-и ҳижрон бирлаким жонон шабихун айлади,  
Кўзларим ёши била юзумни гулгун айлади.

Кирди кўнглум шишасинга ёру бир дам чиқмади,  
Ул парий билманки не дам бирлан афсун айлади.

Ул парийпайкар каманд-и зулфини шона қилиб,  
Олам ичра жумла лайлоларни мажнун айлади.

Гулстон ичра юзин очиб табассум қилғали  
Гулни хандон қилдию гунчани дилхун айлади.

Офтоб галъатини кўзума кўргузғали,  
Дам-бадам меҳрини жоним ичра афзун айлади.

Хилват-и жоним анинг хилват саройи бўлғали,  
Ғайрни ғайрат билан сўрдию берун айлади.

То алифтақ қадини кўргузди жон ичра равон,  
Бор дарди бирла Ҳофиз қадини нун айлади.

Не жафоким ўзгага ул кўзи айёр айлади,  
Жонима турлу балову дардни ёр айлади.

Зорий бирла ишқ бозоринда жон берур экан,  
Ўзгалар бирла недин дилдор бозор айлади.

Боғу гулзор висолин ўзгаларга кўргузуб,  
Ушбу мискиннинг насибини недин хор айлади.

Бевафолиқни маним ҳақимга айлаб ихтиёр,  
Ўзгаларнинг ҳақина ўзин вафодор айлади.

Оҳ ўшул ширин лаб-и шаккарфишоннинг илгидин  
Ким, мани бемор этиб ўзгага тиймор айлади.

Сайд-и ваҳшийтак мани кўрганда бир ёнга қочиб,  
Ром ўзин ўзгага ул оҳу-йн тотор айлади.

Ўзгаларга, Ҳофизо, кам қилмади лутфин, вале  
Бори жаврини маним ҳақимга бисёр айлади.

## 821

То кўнгулни гул юзи боғ айлади,  
Жон қушинга зулфини боғ айлади.

Овлағали ошиқининг кўнглини,  
Дона холу зулфини оғ айлади.

Хол-и мушкин гул юзинда кўргузуб,  
Ул биҳиштни маскан-и зоғ айлади.

Яхши юзунга ёмонлар кўз тикиб,  
Хаста жонимга баса доғ айлади.

Кўз йўлиндин кўнглума кирди ҳабиб,  
Гўйилёким азм-и қишлоғ айлади.

Қайда қилсун раҳм ошиқларина,  
Кўнглини дилдор чун тоғ айлади.

Ергасиз ерга тўкуб Ҳофиз қоник,  
Ишва-йн ширин била лоғ айлади.

Ошиқни ул қаро кўзи бемор айлади,  
Ғамза билан анга яна тиймор айлади.

Дилдорлиқ қилиб манга ошиқ карак тею,  
Ўз ошиқини ўзинга дилдор айлади.

Нозу наъим бирла хуш асрар доимо,  
Ҳар кимни дўст маҳрам-и асрор айлади.

Озод бўлғил эмди тею дард-и ишқдин,  
Ўз бандасини шоҳи гирифтор айлади.

Розини зорийлиқ била ҳар ким баён қилур,  
Динию афийдин ани безор айлади.

Жон мулкини фироқ ўтидин ҳар замон ёқиб,  
Васли билан ани яна гулзор айлади.

Бир ишва олғали яна юз жон равон бериб,  
Ҳофизни кўргил эмди не безор айлади.

Бу қулга ул шаҳ-и хўбон иноят айламади,  
Раийятим тею бир дам риоят айламади.

Жиноят ушбуки жоним била саварман они,  
Иўқ эрса бандаси ўнга жиноят айламади.

Кўнгул жавр била йиқмаса не бўлғайким,  
Хароб мулкини шоҳ вилоят айламади.

Тилар эдимким, аниг оғзидин сўз эшитсам,  
Бу зарра чоқли сўзумни кифоят айламади.

Кўнгули қаттиқ эрур тошдин аниг билдим,  
Бу оҳим ўти ангаким, сироят айламади.

Балоға солди мани кўз кўра карашма билан,  
Вале мани бу балодин ҳимоят айламади.

Шикоят айласа Ҳофиз балосидин, не ажаб,  
Қани кишики, балодин шикоят айламади.

Жаврдин ўзга бу хаста жонга дилдер этмади,  
Солди кўзиндин йироқу ўзина ёр этмади.

Тор егзи олди кўнглумнию инкор айлади,  
Нечаким сўрдим ўшандин зарра инкор этмади.

Манму ялгуз бўлдум анинг банд-и зулфинга асир,  
Қони бир жонеким, они ул гирифтор этмади.

Боғу гулзор издамадм юзини кўргаликим,  
Юзи қилган ишни ҳаргиз боғу гулзор этмади.

Савмаа ичраги зоҳид дайр завқин не билур,  
Зулфи занжиридин онинг чунки зуннор этмади.

Жилва-йн ноз айлаганда ўзгаларнинг ҳаққина,  
Не жафоларким маням ҳаққимга дилдор этмади.

Гарчи қилди ўзгаларни ихтиёр ул нозанин,  
Ихтиёр ўзгани бу Ҳофиз-и вафодор этмади.

## 825

Ким эрурким, ани жонон ишқ ила зор этмади,  
Ким эрурким хуснина жон бирла инкор этмади.

Бўлмади маъмуру ҳаргиз топмади бў-йн даво,  
Дард-и ишқи бирла кимниким дилафкор этмади.

Кимгаким, берди шароб-и ишқдин бир қатраёе,  
Маст-и лояъқил ани қилдию хушёр этмади.

Айб қилманг эшигинда оҳу фарёд айласам,  
Қаю булбул гулистонда нола-йн зор этмади.

Эй рақиб-и муддаий қилма мени озорким,  
Хок-и раҳтак хорларни киши озор этмади.

Ердин файзе тилар эрсанг чу хокроҳ бўл,  
Ер чун соядин ўзга ўзина ёр этмади.

Хоб-и гафлат ичра доим давлатим бекор эрур,  
Ер бир келмадию бахтимни бедор этмади.

Ман елиб югурурману майл этмас ул жонон манга,  
Чун саг-и тозийға майл оҳу-йн тотор этмади.

Қилди толиб хусну эҳсонинга ушшоқин, вале  
Ушбу Ҳофизтак ўшанларни талабгор этмади.

Ишқнинг сиррини зоҳир тили тақрир этмади,  
Зарра чун хуршиднинг ҳолини таъбир этмади.

Ишқнинг таъсиридин ҳар жонда бордур ҳолате,  
Қани бир жонким, анга бу ишқ таъсир этмади.

Ишқ йўлига кишиким босди сидқ ила қадам,  
Жон ила бош ўйнадию макру тазвир этмади.

Ишқдин келди маним жонимга юз турлу бало,  
Ишқ ошиқларга бу таврини тағйир этмади.

Ишқ эрурким жумла жонлар бўйнуна занжир эрур,  
Ишқтак олам яратқан ҳеч занжир этмади.

Ишқ оламнинг ичинда ҳоким-и мутлақ эрур,  
Ишқ қилган ишни чун ўзгася тақдир этмади.

Ишқ бирла бўлди эрса пир Ҳофиз не ажаб,  
Қани оламда жавонким, ишқ ани пир этмади.

Жонинга етти ошиқу жонига етмади,  
Бас, дард чакди хастаю дармонга етмади.

Етишмасам, ғариб эмас, остонина,  
Ҳар бир гадо чу ҳазрат-и султонга етмади.

Лашкар адоқи остида қолган бу мўр-и лаиғ,  
Додин тилаю тахт-и Сулаймонга етмади.

Юз хор-и ғам бу булбул-и дилхаста жонина  
Тегдию бир нафас гул-и бўстонга етмади.

Бўлгали бенаво гулу гулзор васл учун  
Бир дам наво бу булбул-и нолонга етмади.

Сартез хор гулга мангиз бўлгаман тею,  
Ёнди ўт ичраю гул-и хандонга етмади.

Ҳофиз кечурди умрини Яъқубтак, вале  
Бир кеча васл-и Юсуф-и Канъонга етмади.

Жон бермагунча суҳбат-и жонон топулмади,  
Чакмай балову дардни дармон топулмади.

То Хизр чакмади талаб ичра бало-йи ишқ,  
Зулмат ичинда чашма-йи ҳайвон топулмади.

Ҳижрон ўтинга ўртаб агар васл издасанг,  
Чун хорсиз жаҳонда гулистон топулмади.

Эй вой, ул нигорнинг илигиндин эмди ким,  
Пайдо кўрунмади тақри пинҳон топулмади.

Эрмас ғариб, чаксам эшигинда нола-йи зор,  
Булбулсизни чу боғу гулистон топулмади.

Сонсиз қулинга банда бўлуб жону дил била,  
Тун-кун талабда қазиму султон топулмади.

Ҳофиз, бу йўлда мушқил ўзунтсан билур эсанг,  
Кечмай бу мушкилиндин ул осон топулмади.

Қадина ўхшаш кўнгул бир сарв-и раъно топмади,  
Юзитақ гул ҳам гулистон ичра зебо топмади.

Ойтак юзинга қаршу оҳ-и сўзон чикмайни,  
Ойинатақ ўзини кўнглум мусаффо топмади.

Издади кўнглум нишоне сирр-и оғзиндин, вале  
Бир дам ул жон-и ниҳонни ошкоро топмади.

Бол очиб учди мағастак сўфийлар жони, вале  
Бол тудоқи янгли ҳаргиз сучи жилва топмади.

Соясидур ҳамроҳ ўшул жононаға,  
Соясиндин ўзга ўзинга чу ҳамто топмади.

Суднинг юзини ҳаргиз кўрмагай ул кишиким,  
Зулфи бирла ишқ бозоринда савдо топмади.

Не ажаб девона Ҳофиз топмаса ул ёрни,  
Чун ўшани издадию жон-и доно топмади.

Лаб-и лаълингги кўнгул сўрди, равон жон топти,  
Хизр-и вақт эрди ўшул чашма-йи ҳайвон топди.

Борчани кўрди маннингтак ўз-ўзгина ҳайрон,  
Ҳар кишиким ўзни ҳуснунга ҳайрон топди.

Ой юзунг била даъво-йи жамол айлади, лек  
Кўрди ҳуснунгни тақя ўзида нуқсон топди.

Айлагил айн-я инобат била ман қулга назар,  
Ким гадо бўлди эса шоҳидин эҳсон топди.

Жон-и маҳзунни сўра келди хаёл-и юзунг,  
Шамътак жонни ўшул ҳолда сўрон топди.

Чунки бағланди санинг зулф-и сиёҳингга кўнгул,  
Нофатак дард ила тўлу юрагин қон топди.

Очди эрса лаб-и лаълинг манга дўкон-и шакар,  
Тўтийтак Ҳофиз ўшандин шакар арзон топди.

Қани бир танки, ҳижрон тийғидин бежон кўрунмади,  
Қани бир жонки, ишқ илгинда саргардон кўрунмади.

Жаҳон ғарқ эрур ул баҳр ичраю ул баҳр нолайдо,  
Мунигтак олам ичра баҳр-и бепоён кўрунмади.

Агар кўрунмаса жонон жаҳон ичра, ғариб эрмас,  
Чу зоҳир кўзгина оламнинг ичра жон кўрунмади.

Агар ҳайвон эрурсанг доғу дард-и ишқ издама,  
Чу доғ-и ишқсиз оламда бир инсон кўрунмади.

Бу оламнинг ичинда бордур бас бесарусомон,  
Вале ҳаргиз маннингтак бесарусомон кўрунмади.

Басе султон сифатларни эшитиб кўрсамай тею,  
Нечаким издадим ман ишқтак султон кўрунмади.

Басе мушқил эрур Ҳофиз аниг дийдорини кўрмак,  
Чака кўргил бу мушқилникам, ул осон кўрунмади.



Юзунга ўхшаган маҳ-и равшан кўрунмади,  
Танг тўш эшигинга тақи гулшан кўрунмади.

Юзунгни кўрдиса тилана борди ошиқинг,  
Оламда чун гадосиз хирман кўрунмади.

Эй нур-и дийда, кетма кўзум қошидин равон  
Ким, сансизин кўзум манга равшан кўрунмади.

Ҳайф эрур ул хаёлингаким сийнада турур,  
Ризвону ҳур лойиқ-и гулхан кўрунмади.

Чиқдинг эса тўнингдинг аё сарв-и гулбўзор,  
Кўрунди жон кўзумга, вале тан кўрунмади.

Оғзингни жону дил нечаким қилди жустужўй,  
Ҳеч ул нишона-йи сар-и сўзан кўрунмади.

Ед айлаганда зулфи сиёҳингни дам-бадам,  
Оҳим тутунидин раҳ-и равзан кўрунмади.

Жон қуши ошён тилаю тутғали ҳаво,  
Ул остондин ўзга нишиман кўрунмади.

Ҳофизни қувмағил эшигингдин, жафо била,  
Мискинга андин ўзга чу маскан кўрунмади.

Ширин лабниг бикин мангаким жон кўрунмади,  
Оғзингдин ўзга ниста-йи хандон кўрунмади.

Равшан кўрунди зулфунг ила кўзума юзунг,  
Бўлмайд кеча чу бадр-и дарахшон кўрунмади.

То юзунг узра бўлмади ул зулф ошкор,  
Ҳаргиз зулом-и куфрда имон кўрунмади.

Еқут узра хизр хатинг токи чиқмади,  
Зулмат ичинда чашма-йи ҳайвон кўрунмади.

Сургил рақиб-и зиштни қошингдин, эй санам,  
Ҳамроҳ чу нур-и ҳақ била шайтон кўрунмади.

Ҳар ким қабул қилмади дардингни жон била,  
Дардинга ҳеч доруву дармон кўрунмади.

Гар нола чаксаман эшигингда ғариб эмас,  
Булбулсизни чу ҳеч гулистон кўрунмади.

Поён кўрунди жумла-йи оламнинг ишшина,  
Илло бу ишқ сўзина поён кўрунмади.

Ушшоқ ишқинг ўтина ўртадилар, вале  
Ҳофиз бикин бу ўт ила бирён кўрунмади.

### 834

Лаб-и лаълинг кўнгул тушди равон жон топди,  
Булбул жон юзина боқди, гулистон топди.

Не ажаб, бўлғай агар чакса чаманда фарёд,  
Хордин захм чун ул булбул-и нолон топди.

Дардсиз жонидадур дардқи дармон топмас,  
Ҳарқи дардини талаб айлади, дармон топди.

Ким ниҳон издади эрса ўшани топди аён,  
Ким аён издади, эрса ани ниҳон топди,

Онсизин мулк-и вужудум кўрунур эрди хароб,  
Мулк маъмур бўлур эмдики, султон топди.

Жаниат ичра эшигининг сифатинким тедим,  
Инфиол эшигининг равза-йи ризвон топди.

Топди майдон-и саодатда баса кўй-и мурод,  
Ким бошин эшигида хок ила яксон топди.

Варақ-и гул уза хатини сифат айлагали,  
Турлу ашкол-и ажаб дафтару девон топди.

Зулфи келди кўнглум сўрмоқ учун, эй Ҳофиз,  
Ўзитарак мани тақи ҳолпаришон топди.

### 835

Оламнинг ичра ҳолима маҳрам кўрунмади,  
Бир жон тақи бу хастага ҳамдам кўрунмади,

Мушкилки шодмон бўла билсам бу дунёда,  
Халқ-и замон чу хурраму беғам кўрунмади.

Бўлди шикаста хаста кўнгул пора-пора, лек  
Бу реш-и дилга дорую марҳам кўрунмади.

Ким савди ул жафочи, балоли нигорни,  
Ким зулфитаж шикастаю дарҳам кўрунмади.

Ул шаҳ фироқ сўзиникил сўзлади манга,  
Ул ҳол ичинда кўзума олам кўрунмади.

Бўлмай фано-йи ишқ бу йўл ичра жон била,  
Мулк-и бақо кишига мусаллам кўрунмади.

Олди кўнгулни Ҳофиз-и бечорадин вале,  
Ул жон-и парийсифат анга бир дам кўрунмади.

### 836

То ой юзида хатт-и шаб-и дайжур кўрунди,  
Кўзум қароси равшану пурпур кўрунди.

То нозир анинг меҳру жамолинга бўлубман,  
Заррот-и жаҳон бориси манзур кўрунди.

Эрмас ажабе, дўст кўрунса манга зоҳир,  
Хуршид қачон кўзлара мастур кўрунди.

Вайрона кўнглумга қадам босгали дилдор,  
Ул хона манга жаннат-и маъмур кўрунди.

Езгали қаро зулфини суман тани узра,  
Ҳижлатзада бас анбару кесфур кўрунди.

Бас турфа шаробедур анинг ишқи шароби,  
Ичган сайи ошиқлари маҳрур кўрунди.

Хумхона-йи ишқиндин аҳил ичди шаробе,  
Ҳофиз бики ҳар кишики махмур кўрунди.

### 837

Ваъда-йи висолин бериб ваъдага жонён етмади,  
Лутф этиб хаста гадосин сўра султон етмади.

Қурусун икки кўзумнинг ёши гар бўлмаса ёш,  
Кишт-и умидимга чунким ушбу борон етмади.

Ерга етди сунбул-и пуртеби қилганда хиром,  
Оқким, илгимга ул зулф-и паришон етмади.

Лоф қилди ҳуснидин хуршид-и тобон кўп, вале  
Ҳуснина бир заррача хуршид-и тобон етмади.

Гулистон булбул била боғлади бас аҳду вафо,  
Етди булбул аҳдина лекин гулистон етмади.

Орзу-йи лаълидин жон етди оғзимга, вале  
Орзу бирла чиқиб лаълига бир жон етмади.

Сайради андоғ бу Ҳофиз юзини кўрган аро,  
Ким гулистонда анга мурғ-и хушалхон етмади.

### 838

Шакартак сучи сўзунгдин кўнгул то нақд-и жон топди,  
Хизиртак об-и ҳайвондин ҳаёт-и жовидон топди.

Кишиким, издади ному нишон жон бирла оғзидин,  
Адамнинг йўлида ўзники беному нишон топди.

Белингдин хўрдабинлар қилча бермади нишон, илло  
Магар бу маъни-йи нозукни нозук дармиён топди.

Қамарни юзунга танг тўш қачон соҳиб назар кўрсун,  
Юзунгдин юз хижолат, чунки меҳри осмон топди.

Қачон кетсун эшигингдин шикаста кўнглум, эй дилбар,  
Чу булбул ўртаниб ҳижрон ўтинга гулистон топди.

Ҳаёлинг келди эрса хаста кўнглум хужраси ичра,  
Юрагимни ғаму андуҳ бирла тўлу қон топди.

Санинг савдонга бош бердию оиди жон била Ҳофиз,  
Вале бу давлатни кўргилким, ўшани бас ройгон топди.

### 839

Қаю ёнгаки гашт айлай ўшул сарв-и равон борди,  
Ўшани издаю тандин чекяб, жону равон борди.

Ушанинг борғонин ҳар бир қяши қайда кўра билсун,  
Чун ул рашик-и парий мажмуъ кўзлардин ниҳон борди.

Фигон қилсам анинг борғанидин, эрмас ажаб, жонлар,  
Чун ишкаста тан-и мажруҳдин кўз кўра жон борди.

Ғариб эрмас анинг ёнинга ҳар дам жон била борсам  
Ким они издаю ҳар лаҳза юз пиру жавон борди.

Кўнглумни не издарсиз бу кўнглум манда йўқ турур,  
Чу кўз йўлидин олди кўнглуму ул дилситон борди.

Элимга тушмиш эркан ёрнинг қадрини билмадим,  
Уш эмди зор йағларман чу умрум ройгон борди.

Бу Ҳофиз қадрини билиб сўрунгиз ҳолидин ҳоле,  
Не ҳосил, тесангиз ул дамки, мискин нотавон борди.

#### 840

Қаю бўстонга гашт айлайким ул сарв-и равон борди,  
Ани издаю танлардин басе жону равон борди.

Келиб кетди қошимдин, ёру бир сўзлаша олмадим,  
Зиҳи ҳайф ушбу умрумдинким, элдин ройгон борди.

Бу хастани сўра келса кўнгулин авламоқ учун,  
Ажаб эрмас шикор этгали чун шоҳ-и жаҳон борди.

Жигархун ўзгани қилмоқ тилади эрса рашикиндин,  
Жигар хун бўлдию кўз йўлидин ул дамда қон борди.

Улубман мани кўрганда гар борди ўзга ёнинга,  
Тирилмак бас маҳол эрур ўшул тандинки, жон борди.

Ушул нозук қадду болосина танг сарвни кўрман,  
Чун анинг бики сарвиноз бўстонда қачон борди.

Нишонсиз оғзидин Ҳофиз нишон ҳеч айта билмади,  
Парий янглиғ кишиларким, бу кўзлардин ниҳон борди.

#### 841

Ул ҳолнинг ичра мангаким ёр кўрунди,  
Ҳар ёнгаки боқдим, гул-и бехор кўрунди.

Не турлу наво қилмағайим завқ ила ҳар дам,  
Чун булбул-и ошифтага гулзор кўрунди.

Кўзумга кўрунмади наботу шакару қанд,  
Ул дамдаким, ул лаъл-и шакарбор кўрунди.

Ман йўқ тедим оғзини дилдорнинг, илло  
Сўз сўзлаган аро манга ул бор кўрунди.

Асрор-и иноят била ман қулни ўш эмди,  
Шоҳим манга чун маҳрам-и асрор кўрунди.

Кўргузди эса ҳусну жамолни кўзумга,  
Арбоб-и ҳусн суврати девор кўрунди.

Ҳар ҳуснки бу олам-и фонийда кўрунди,  
Боқсам анга ман партав-и дилдор кўрунди.

Равшан кўнглум бўлса юзиндин, ажаб эрмас,  
Ҳар байтда чун меҳрдин анвор кўрунди.

Ҳофиз, тиласанг кўрмак они уйқуламаким,  
Дийдор тиллаган киши бедор кўрунди.

## 842

Ғост айтайим ўшул сарв-и хиромон келди,  
Булбул-и шифтага боғу гулистон келди.

Оғзи писта, бўйи шамшод, юзи лола менгиз,  
Зулфи сунбул, кўзи наргис гул-и хандон келди.

Тўтний-и табъим агар топса наво, кўрма ажаб,  
Чун ўшул қон-и малохат шаққаристон келди.

Кўнглум бўлди қаму қадғу элиндин озор,  
Бандасин изда, буқим ул шаҳ-и хубон келди.

Эрди Яъқубсифат ошиқ бечора, вале  
Шукр тағриғаким, ул Юсуф-и Канъон келди.

Ёрсиз дард элиндин қилур эрдим нола,  
Ёр келди, тақи бу дардимға дармон келди.

Ҳофиз-и сўхтанинг ҳолини билмаслар эди,  
Ҳол билгучи ўшул дилбару жонон келди.

Эмдиким ўшул нигор келди,  
Давлат била бахт ёр келди.

Не қадғу хазондин эмди бори  
Булбулга чу навбаҳор келди.

Зулфи бикин ой юзунга оянинг  
Жон-и ошиқ беқарор келди.

Ғамза ўқи бирла ул нигорим,  
Отсун тею жон шикор келди.

Тедимса тудоқини сўрайим,  
Жоним анга шармсор келди.

Ширин оғзин сифат қилурда  
Ўш қофия, кўр, не тор келди.

Лоф этмағил эмди асри Ҳофиз,  
Сантак анга сад ҳазор келди.

Мушкафшонму сабо Чини Ҳитодин келди,  
Ё насиме манга ул зулф-и дутодин келди.

Келди кўздин кўнгул издаю хаёл-и жонон,  
Ёр келдию манга айн-и сафодин келди.

Ишқнинг йўлинаким босди қадам кўнглум рост,  
Жон қулоқина садо бонг-и дародин келди.

Чунки келтурдим анинг юзина юз оламдин  
Издаю мани, баче шоҳу гадодин келди.

Барг-и гул бўлғали хандон чаману бўстонда  
Баче наво булбул бечаргу наводин келди.

Қошу ғамзасини жон бирла кўнгулким тилади,  
Захмлар хастасина ўқ ила ёдин келди.

Бошға тушғали ҳаво-йи қаду рухсорни анинг,  
Бошимча бошға баче ишқу ҳаводин келди.

Не баче бошға келур бўлса ўшандин кўрман,  
Чун ўшандин эмас, ул жумла худодин келди.

Ҳофизо қилди кўнгул кўзгусини равшану соф,  
Ҳар жафоким манга ул моҳлиқодин келди.

Ушул дамким кўзум қошиндин ул сарв-и равон кечди,  
Тан-и бечорани солдию жон бирла равон кечди.

Ман анинг меҳри йўлинда чу хок-и роҳ бўлдум хор,  
Вале раҳм этмас ҳолимға ул номехрибон кечди.

Бало-йи қаду болосини кўрсам тею йўл тутдум,  
Вале дам бердию йўлсиз бало-йи ногаҳон кечди.

Ушул жонона кўруб кечгали мандин ўлубдурман,  
Тириклик қайда бўлсун, чунки умр-и жовидон кечди.

Ўлубдурман ғами бирлаю лекин шод эрур кўнглум,  
Ким ул дилдорму ўлмаклингимдим шодмон кечди.

Манга дарду жароҳатдин ўнгин роҳат қачон бўлсун,  
Чу мандин оҳу-йи ваҳшитак ул роҳатрасон кечди,

Ажабдурким, фиғону оҳим ул моҳим эшитмади.  
Чу авж-и осмондин, Ҳофизо, оҳу фиғон кечди.

Хорни токим ўзинга гул-и хандон чакди,  
Булбул-и сўхтадил оҳ ила афғон чакди.

Ошиқеким, ўшанинг дардина толиб бўлди,  
Қайда дору тилади, миннат-и дармон чакди.

Не ажаб бўлгай агар чакса мани жонона,  
Бавдани лутф ила ўзинга чу султон чакди.

Енғали бормас эди шамъга парвона, вале  
Кўргузуб ҳусн ўзина шамъ-и шабистон чакди.

Нисбати йўқ юзининг Зухра-йи Заҳро бирла  
Юз хижолат юзидин чун маҳ-и тобон чакди.

Чиқғали шаккар лаъл-и лабиниинг узра набот,  
Дурж-и ёқут уза гўё хатт-и райҳон чакди.

Мардум-и дийда лаб-и лаълини сўргали ҳаёл,  
Кўздин ол қонни равон қилдию, товон чакди.

Бормас эрди эшигинга ўшанинг ошиқ-и зор,  
Вале ўлтурғали зор анда ани қон чакди.



Ғўрди эрса эшигиндан маия зор ошғанда,  
Сағ-и кўйи этагим тутдию меҳмон чакди.

Пешкаш ёр учун мушкил эрур жон чакмак,  
Жонфишон ошиқи жон чакдию осон чакди.

Еткура билмади бир дам лаб-и лаълингга лабин,  
Ҳофиз-и сўхтадил гарчи баса жон чакди.

847

Бог-и фирдавса бу хаста кўнгул жо тилади,  
Яъни ёр эшигида маскану маъво тилади.

Лайлога бермади Мажнун ўзи кўнглини, вале  
Хаста Мажнун кўнглини ҳуси ила Лайло тилади.

Ҳар ким ул зулф-и сиёҳинга муқайяд бўлди,  
Суд-и жон бердию сармоя-йи савдо тилади.

Ман анинг қаддини ҳаргиз тилаю билмас эдим,  
Лекин анинг қаддини ҳиммат-и воло тилади.

Гул-и раъно чаману богда бас дилкаш эрур,  
Ҳуснидин вом магарким гул-и раъно тилади.

Юзининг даврида оғзини кўра билмади жон,  
Меҳр қошинда чун ул заррани пайдо тилади.

Ўлуни кўз кўра Ҳофиз бики тиргузди равон,  
Лабидин ҳар кишиким, мўъжиз-и Исо тилади.

848

Шаккар сучилик тудоқидин вом тилади,  
Ноком эди жон билан ул ком тилади.

Бир бўса тиласам лабидин айб эмасдур,  
Чун банда шаҳаншоҳдин инъом тилади.

Ранге тилаганлар лаби лаълиндин ўшанинг,  
Майхонаға бордию маю жом тилади.

Булбул бики кўнглум била жонни берур эркан,  
Лутф этдию ул сарв-и гуландом тилади.

Ором топа билмади жоним бу жаҳонда,  
Андин бераким зулфида ором тилади.

Беному нишон бўлмоқ учун босди қадамни  
Ишқи йўлида ҳар кишиким, ном тилади.

Бу даврда Ҳофиз чу май-и ишқни ичди,  
Жом издаю Жам бўлди, саранжом тилади.

849

Боғ ичида қадинг бикин сарв-и равон топулмади,  
Хусн танинда сантекин жону равон топулмади.

Танг-и шакар баса казиб олам ичинда юруди,  
Ҳеч анга санинг бикин танг даҳон топулмади.

Нечаким издади миёнингни хаёл жаҳд этиб,  
Банд-и камар топилдию ҳеч миён топулмади.

Сон не ажаб турур манга бўлма деса қошингдаким,  
Меҳр-и мунир қошида заррага сон топулмади.

Ғамзанг ўқики фитнадур жонима сан қадабсан,  
Олам ичинда сантекин фитна нишон топулмади.

Айтсаман юзунга теб роз кўнгулда бор эди,  
Кўрди эса юзунгни кўз, ҳолу забон топулмади.

Кофир ўшул қаро кўзунг давридаким қароқчидур,  
Ҳофиз-и дилшикастага ҳеч амон топулмади.

850

Дард-и дилимга издадим ҳеч даво топулмади,  
Ранж зиёда бўлдию ганж-и шифо топулмади.

Ман талаб айладим жаҳон ичраю ёр топмадим,  
Иўқму жаҳонда ёр, ё ушбу манга топулмади.

Бўлди бошим чу хок-и раҳ-и ишқу ҳавои ёр ила,  
Бош дагул улким, анда бу ишқу ҳаво топулмади.

Фақрда кечмай ўзидин муддаъий хонақаҳ қилиб,  
Сўфий-и софман теди лек сафо топулмади.

Тегай эдим бу дардин бод-и сабога ман, вале  
Ёр қошинга борғучи бод-и сабо топулмади.

Оғзини сўзини эшитиб топмади оғзини кўнгул,  
Ҳар кишига жаҳонда чун сирр-и худо топулмади.

Жавр қилурга шоҳимиз издади бас гадо, вале  
Ҳофиз-и хастадил бикин ҳеч гадо топулмади.

851

Жаҳонни ёр учун каздим, вале ёре топулмади,  
Кўнгул ҳолини ҳам билгучи дилдоре топулмади.

Чакарман ёр жаврини нечаким бор танда жон,  
Жаҳоннинг ичра чун бехор гулзоре топулмади.

Қачон ғам илгидин озод бўлсун хаста кўнглумким,  
Бало-йи ғам била ўлдуму ғамхоре топулмади.

Басе бордур гирифтор ул каманд-и зулфи илгинда,  
Вале мантак паришон бир гирифторе топулмади.

Нечаким жавр тийғи бирла озор айлади жонни,  
Вале жонимда ул жонондин озоре топулмади.

Нечаким издадилар хаставу ишкасталар кўнглин,  
Манингдак хаста ишкаста дилафкоре топулмади.

Агарчи топдилар оламнинг ичра ўзгалар ёре,  
Нечаким издадим, Ҳофиз, манга боре топулмади

852

Жонга лойиқ-и кўнглум андин ўзга жонон топмади,  
Булбул-и жон ҳам юзи янглиғ гулистон топмади.

Жавр хорин тикмасин ҳар дам маним жонимга дўст,  
Ким ниҳол-и жавр тикдиким, пашиймон топмади.

Ҳажр-и ғам ичра нечаким казди кўзнинг мардуми,  
Ашк чун об-и равонтан дурр-и ғалтон топмади.

Нечаким шаккаристон издаю парвоз айлади,  
Тўтйи жон лаълитак бир шаккаристон топмади.

Лаълу дур издаю сарроф жаҳон казди, вале  
Лаблариндин ўзга бир лаъл-и дурафшон топмади.

**Кўзю лаъл-и лаби давринда асрук бўлмаган.  
Кофиру тарсо аросинда мусулмон топмади.**

**Ҳофизо, мўминлар аросинда ҳаргиз бўлмағай  
Куфр зулфунда ўшулким нур-и иймон топмади.**

853

**То элдин ўшул нигор борди,  
Жон илгидин ихтиёр борди.**

**Зулфин тилаю шикаста кўнглум,  
Ошуфтаву беқарор борди.**

**Ғамнинг элида асир бўлдум,  
Чун мунису ғамгузор борди.**

**Издаб тапа билгаман ани теб,  
Жон била дилфигор борди.**

**Ман ёрлиғ издаман кишидин,  
Чун солди манию ёр борди.**

**Булбул чакадур ҳазор нола  
Гул ёнина чунки хор борди.**

**Ўзига жаҳонни қилди банда,  
Қайдаки бу шаҳсувор борди.**

**Майхона-йи лаълина ўшанинг,  
Ким оқилу ҳушёр борди.**

**Ҳофизга чу йўқдур ихтиёре,  
Ҳар қайдаки теди бор, борди.**

854

**Чин-и зулфина бағланди эса халқ кушоди,  
Хуш келди, муборак қиламан бандага шодий.**

**Чун ёди била жону кўнгул ўгранишибдур,  
Бехост тушар ҳар нафасе кўнглума ёди.**

**Қаддинга равон жонни равон қилмоқим, эй дўст,  
Арбоб-и назар қошидадур умр зиёди.**

Хол-и лабини нуқта-йи жон теган арода,  
Кўргузди нашон ул сўзима хатт-и саводе.

Наққош савод-и хаттини ҳам ёза билгай,  
Оҳим тутуни бирла бўла билса мидоде.

Эй вой, ўшул турк-и жафокеш элидин  
Ким бор баче жаврию йўқ меҳру видоди.

Жон бердию босди қадамин ишқ йўлинда,  
Чун Ҳофиз-и бечоранинг ул эрди муроди.

### 855

Фараҳу нишот берур лаб-и шаккарини ёди,  
Чун эрур мудом ёди манга умрнинг зиёди.

Ман анинг вафо-йи аҳдинга кўнгулни боғлар эрдим,  
Бўла билса эрди умрумга бу жоннинг эътимоди.

Тутар эрса банд-и зулфин гириҳе тушар ишамга,  
Очар эрса меҳр-и юзини бўлур анда жон кушоди.

Не саодат ўлгай улким мани теса муқобилим теб,  
Не муборак ўлгай ул ким, анга бўлсам эрди шод.

Ким анинг савод-и зулфу юзина назар қилурса,  
Руҳу зулфи сўзи бирла кеча шому бомдоди.

Асаре муҳаббатининг йўлидин топулмас эрди,  
Ғам-и ишқи бўлмаса эрди бу йўлда жонга ҳодий.

Не мурод издагайман ўшанинг муҳаббатиндин,  
Бу мурод бас бу Ҳофизғаки бўлди номуродий.

### 856

Юзунг узраким ўшул зулфи муанбар тушди,  
Печу тоби гулу сунбулга неку тар тушди.

Не ажаб, рэвза-йи ризвон бўлур эрса кўнглум,  
Кўнглума чунким ўшул сарв-и суманбар тушди.

Қул бўлуб хок-и раҳи бўлғали сарв-и озод,  
Боғу бўстоннинг аро борчага сарвар тушди.

Адоқи тупроқина бош қўюбон ўлмак учун,  
Ҳар сабоҳ эшигина меҳр-и мунаввар тушди.

Заҳмат-и дақ била сарғардию бўлди чу ҳилол,  
Моҳ-и тобон чу юзи бирла баробар тушди.

Сўзламак бошлади эрса лаб-и ширининдин,  
Кўз кўра иззат-и қанд ила шаккар тушди.

Об-и ҳайвонниким онинг лаб-и лаъли сўрди,  
Об-и ҳайвон сўзин эшитди равонтар тушди.

Лаб-и жонбахши берур мурдалар об-и ҳаёт.  
Гўйиё кўкдаги Исо-йи паямбар тушди.

Тушти кўп бандаву чокар ўшанга, эй Ҳофиз,  
Ман бикин қайда анга бандаву чокар тушди.

#### 857

Чун офтоб-и юзунгининг уза назар тушди,  
Кўнгул ҳавонг ила чун зарра дарбадар тушди.

Юзунгни равзанадин кўргузуб равон келдинг,  
Анинг бикинки гадо эвино қамар тушди.

Не турфа, розинг агар пардадин тушар берун,  
Чун оҳ бирла кўзум ёши пардадар тушди.

Кўзум чу баҳру юзум зарру дам-бадам тинмай,  
Бу баҳрдин зар уза лаълу ҳам гуҳар тушди.

Лабингни кўрдиму бордим равон ўз ўзумдин,  
Шаробхонага ким тушди беҳабар тушди.

Узору сунбул-и хатинг сўзинки ёзди қалам,  
Сафҳа-йи гул уза уду мушк-и тар тушди.

Юзунг сафоси била дам кечурди бу Ҳофиз,  
Шикаста кўнглина чун ушбу сўз-и саҳар тушди.

#### 858

Назардин кўз кўра бир йўли ул жонон жудо тушди  
Ким андег хаставу мажруҳ тандин жон жудо тушди.

Паришонхол бўлсам не ажаб бўлғай фироқинда,  
Чу банда эрдиму бандадин ул султон жудо тушди.

Басе мушкил келибдур эрди васли домани қўлга,  
Бу мушкил доғ бўлдиким, ўшул осон жудо тушди.

Уш эмди кулба-йи аҳзонда Яъқуб-и ҳазин янглиғ,  
Қилурман зоре чунким Юсуф-и Канъон жудо тушди.

Агар ман зор-зор игласаман ҳар дам, ғариб эрмас,  
Гулистон-и назардин чун гул-и хандон жудо тушди.

Била билман жароҳат-и кўнгулга не даво бўлғай  
Ки, мундоғ дард бирла солдию дармон жудо тушди.

Садаф ичраги гавҳартак кўзумда ер қилиб эркан,  
Не ёндин билмасамким ул дурр-и ғалтон жудо тушди.

Анинг гулзор-и юзини кўруб сайрар эди Ҳофиз,  
Кўрунгим, гулистондин булбул-и нелон жудо тушди.

859

Манга жонон лабиндин жон етишди,  
Дил-и пурдард учун дармон етишди.

Шикаста баста кўнглум хаста эрди,  
Иложин қилғали Луқмон етишди.

Чу Яъқуб ҳазин бўлган арода,  
Малактак Юсуф-и Канъон етишди.

Қолибдур эрди кўнглум тийраликда  
Ки, ногаҳон моҳ-и тобон етишди.

Кўнгулда хор-и ғам ўрнабдур эрди  
Ки, лутф айлаб гул-и хандон етишди.

Рақиб-и муддаий қошинда зоҳир  
Етишмади вале пинҳон етишди.

Камар қуллик қилурға боғла Ҳофиз,  
Чу ҳолингни сўра султон етишди.

Ол бирла маниким ул юзи ол алдади,  
Хаста кўнглум била жонни хату хол алдади.

Ман анинг ҳуснина кўнглумни нетиб бермагайим,  
Жумла-йи ошиқни чун ул ҳусну жамол алдади.

Кўргузуб лаъл-и лабини кўнглумни олди,  
Андайин ташнаниким об-и зулол алдади.

Не ажаб, учса лаби ёнина жоним ҳар дам,  
Сучилик бирла магасларни чу бол алдади.

Бир хаёли била жонон белидин қонгъман,  
Кўргил эмди мани нозук бу хаёл алдади.

Сарв-и қаддинга анинг жон била мойил бўлди,  
Сарв-и зебони магар ул қадд-и тол алдади.

Ҳофизо, ушбу ғазални кўруб алданди дўст,  
Орий, сўз билгучини сеҳр-и ҳалол алдади<sup>1</sup>.

## 861

Ғамза била кўнглумни ул кўзлари фаттон алдади,  
Жоду-йи пурфандур ўшул мўъминдин иймон алдади.

Зулфунга кўнгул олдирганим турфа эмасдур, чунким ул  
Ошифта зулфи ман тақинларни фаровон алдади.

Нетиб анинг лаъли лабина жонни бермай турайим,  
Юз олу шева бирла чун лаъл-и лаби жон алдади.

Алданмағай жоним маним дунё матойини кўриб,  
Чун лутф бирла ҳар нафас жонимни жонон алдади.

Гиря қила борсам ажаб эрмас юзини кўргали,  
Парвона-йи жоксўзни чун шамъ-и хандон алдади.

Олдурмас эрди кўнглини булбул гулистонга, вале  
Булбул кўнгулин ол ила ҳусн-и гулистон алдади.

Девон-и шеъримни кўриб жонон кўнгул берди манга,  
Ҳофиз, ажабдурким парийни ушбу девон алдади.

<sup>1</sup> Қўлёзмада: «эрди».



Ғамза-йи шўх била жонни бу жонон олди,  
Бир гадо рахтини торож ила султон олди.

Кўзлари олди кўнгулумни баса ноз билан,  
Маст-и лояъқил эди сўхта бирён олди.

Кўзи фассод агар бўлмаса, недин ҳар дам  
Жон тамариндин нашта-и мижаси қон олди.

Боғда сарв ила шамшод кўнгул олди, вале  
Барчасиндин кўнгул ул сарв-и хиромон олди.

Жон бериб лаъл-и лабиндин ўшанинг бир бўса,  
Илло билган киши шаккарни бас арзон олди.

То анинг юзи уза зулф-и муанбар чиқди,  
Лашкар-и мўрчалар мулк-и Сулаймон олди.

Зарра-йи дарду ғаминдинки қилибман зойиғ,  
Юз бири ўрнича Ҳофиздин товон олди.

Дариго, дард-и ёр ичра манга ёре карак эрди,  
Ғам ичра мубтало бўлганга ғамхора карак эрди.

Бу мунчаким мани озор айлар жавр ила жонон,  
Анинг жонинда ҳам бир зарра озоре карак эрди.

Кечаю кундузин зорий чу булбул-и зор айларман,  
Бу зориликга кўра қаршу гулзоре карак эрди.

Анинг сиррини асрадим, валекин билмади ҳаргиз,  
Бу сирримни билурга соҳибасоре карак эрди.

Тамом-и умрниким ниқ савдосинда кечурдим,  
Бу нақд-и умр учун боре харидоре карак эрди.

Ҳаво-йи зулфи бирлаким паршон бўлдиму Мажнун,  
Анинг бир торидин белимда зунноре карак эрди.

Қулиман тею бор издайким эшигинда ман Ҳофиз,  
Манга боре бу султон қошида боре карак эрди.

Ул шоҳ-и замон бандагаким ҳамнафас эрди,  
Мажмуъ-и жаҳондин манга ул айш бас эрди.

Ҳеч турлу шикоят йўқ эди жавр-и замондин,  
Чун дўст манга лутф ила фарёдрас эрди.

Ул дамким, анинг бирла манга бор эди васл,  
Шаҳна била иш йўқу не хавф-и асас эрди.

Умреким анинг васли замонинда кечибдур,  
Умр ул эдию боқий, ҳавову ҳавас эрди.

Жонким кўрар эрди ўшанинг гул бики юзини,  
Арбоб-и ҳусн кўзума чун хору хас эрди.

Тушканда кўнгул домина ул мурғ-и ҳумоюн,  
Шаҳбоз-и жаҳон кўз қошида чун мағас эрди.

Ҳофиз танидин жонки равон эмди чиқибдур,  
Жононасиз ул мурғ асир-и қафас эрди.

Қани ўшулки, кўнгул ишқ бирла хуррам эди,  
Сафову завқ била дўст бизга маҳрам эди.

Қани ўшулки, муҳаббат днёрида донм  
Бино-йи аҳду вафо устивору муҳкам эди.

Қани ўшулки, насим-и висол гулшанидин.  
Ҳаво-йи айш чу фасл-и баҳор хуррам эди.

Қани ўшулки, ҳасуд ушбу жамъ ҳолимдин.  
Чу зулф-и ёр паришонлиқ ичра дарҳам эди.

Қани ўшулки, манга завқу шодмонлиқдин.  
Бу хаста жону кўнгул бедариғу беғам эди.

Қани ўшулки, дам-и васлда мудом манга  
Шароб-и айшу сафо жом ила дамодам эди.

Қани ўшулки, бу Ҳофизга завқ эди бисёр,  
Тақи жафову алам бирла дарду ғам кам эди.

Кўрарса, раҳм ўшул юзи моҳ қилғай эди,  
Иноят бирла бу қулга нигоҳ қилғай эди.

Маҳ-и тамомға кўргызса юзини ногаҳ,  
Қулоқ тутуб ўшанга пойгоҳ қилғай эди.

Карам қилиб юзума қаршу юз тамом очса,  
Рақиблар юзин ул дам сиёҳ қилғай эди.

Айтсам эрди бу дард-и дилимни тоғ узра,  
Таҳаммул этмай тоғ анда оҳ қилғай эди.

Мақом-и журмда гар афве лаззатин билса,  
Малойика тақи дойим гуноҳ қилғай эди.

Фақирлиқ тақи мискилтигимни қилса қабул,  
Бирарда ёд, бу бандани шоҳ қилғай эди.

Нишон-и роҳ қачон берса ушбу Ҳофизга,  
Ўлуб адоқи тўзин азм-и роҳ қилғай эди.

Вақтеки ул нигор била васл бор эди,  
Гулзор-и ишқ тозаву фасл-и баҳор эди.

Гултак юзини кўргали булбул сифат бўлуб,  
Ҳар бир ҳадис ёр юзиндин ҳазор эди.

Кўз ҳаққи бор тею юзин кўрган орада,  
Ул ҳақгузор-и жон манга бас ҳақ гузор эди.

Жон шавқ ўтина они кўрганда ўртаниб,  
Об-и ҳаёт лаъл-и лабиндин тотар эди.

Жон қарори бор эдиким замон-замон,  
Кўнглум кўзи қарорини жонон қарар эди.

Ағёр кўзга ҳеч кўрунмас эди тақн,  
Ўз ошиқинга ёр-и вафодор ёр эди.

Ҳофизгаким канор тегар эрди дўстдин,  
Ул ҳам жаҳон тариқасидин барканор эди.

Бу йўлда ишқнинг ўтинга жон бир йўли ўртанди,  
Жигар бўлди кабобу кўз равон ўз қонина қонди.

Агар тўттий-и жон мастона сўзласа ғариб эрмас,  
Шароб-и лаъл-и шаккарборида чун бордур қанди.

Тоғиб дилдорнинг юзинда анвор-и илоҳийни,  
Неким, дилдордин ўзга эрур, жон боридин тонди.

Ман анча ёнмайин ёндим муҳаббатнинг ўтингаким,  
Манним шамъимни ким кўрди, равон парвонатак ёнди.

Агар ол энглари рашкидин ол қон ютмади эрса,  
Қизил гул гулистон ичра не ёндин қонга бўянди.

Қизил гул не сабабдин ранг боғлади гулистонда,  
Магар дилдорнинг ол энглари кўрдию уфтанди.

Басе тедям кўнгилгаким, онинг олинга алданма,  
Кўнгил бир сўз эшитмадию юз олинга алданди.

Ушул сарв-и равон қадин хиромон бўстон ичра,  
Кўруб ҳасратнинг ўтинга куюбон тол тўлғанди.

Равон жон ўйна, эй Ҳофиз, тақи ийманма оламдин,  
Муҳаббат йўлида жон ўйнаганлар қайда ийманди.

Ушул жононанинг ишқи ўтиндин мулк-и жон куйди,  
Не мулк-и жоғки, олам ичра пайдову ниҳон куйди.

Гулистон эрди юзининг хаёлиндан кўнгул, илло  
Юзининг воридин юре тушуб ул гулистон куйди.

Юзин юганда суға тушди эрса нури дийдори,  
Ушул хуршидининг шуъласидин об-и равон куйди.

Юзиндин осмон ёнинга тушди эрса бир партав,  
Юзининг меҳридин ул дамда меҳр-и осмон куйди.

Ушул сарв-и равоним кирди эрса боғу бўстонга,  
Тикилган сарвларнинг ҳасратиндин боғбон куйди.

Маним ёлгузму куйди ишқининг ўти била жоним,  
Ушанинг ишқи ўти бирла мажмуъ-и жаҳон куйди.

Басе куйган бу йўлда тўлди анинг ишқи ўтинини,  
Вале Ҳофизбикни ул жони куйганлар қачон куйди.

870

Кўз кўра ман бандани ул шоҳ бериҳ ўртади,  
Ёқгани ёқди, вале бир йўли ногоҳ ўртади.

Оҳ, ўшул турк-и жафокеш илгиниким, юз турли оҳ  
Ким, қилиб гофил ўзин жонимни огоҳ ўртади.

Оҳ қилмасан ўшул жонона жавринга, вале  
Оҳ илгинини ёнарманкам, мани оҳ ўртади.

Зулфи бирла юзининг ҳасрати жонни мубтало  
Дарду ғам бирла қилиб, шому саҳаргоҳ ўртади.

Қилди жонон жонима ҳамроҳ ишқини, вале  
Дам-бадам дарду балодни жонни ҳамроҳ ўртади.

Дуд-и оҳим чиққали ой юзинда бўлди нишон,  
Оҳ-и ошиқни кўрунқим, журм-и моҳ ўртади.

Бир боқиб кўз учи бирла кўз кўра кўзга солиб,  
Ҳофиз-и бечорани кўргилқим ул шоҳ ўртади.

871

Ердин пайк-и сабо мужда-йн жон келтурди,  
Мужда-йн жон манга ул руҳ-и равон келтурди.

Бенишон бўлуб эдим хор-и фироқиндинқим,  
Гулшан-и васлдин ул дамда нишон келтурди.

Дев-и зиндоний била бўлган аро саргардон,  
Келдию лутф била ҳур-и жинон келтурди.

Хуссини кўргуза бўстон гули келди эрса,  
Булбул-и шифта ишқ ила фиғон келтурди.

Юзи хуршинини кўргуздиса ул заррадаҳон,  
Юс балокя манга ул заррадаҳон келтурди.

Хол-и мушкинни лаб-и лаъли уза кўргузуб,  
Жонни ўртадию кўздин қаро қон келтурди.

Ҳофиз бизга келмагай эди турлу бало,  
Вале бошинга бало ишқ-и жавон келтурди.

872

То насим-и сар-и зулфини сабо келтурди,  
Мулк-и Чиндин манга ул мушк-и Хито келтурди.

Хок-и роҳиндин анинг эсанг ўшул бод-и сабо,  
Тийра кўзумга баса нуру сафо келтурди.

Ҳар насимеким, анинг лаъл-и лабиндин эсди,  
Жон-и ранжурга умид-и шифо келтурди.

Айлади эрса паршон ўшанинг зулфини бод,  
Бехато бошима ул бошга бало келтурди.

Не ажаб, юзни кўрган аро зорий қилсам,  
Гул юзи кўрдию булбул чу наво келтурди.

Дард-и дил келтирур эрсам эшигинга, не ажаб,  
Дард-и дил шоҳ эшигинга чу гадо келтурди.

Келди Ҳофиз анинг эшигина юз дард била,  
Чун гадоким ани умид-и ато келтурди.

873

То кўзум ойна-йи талъат-и жонон кўрди,  
Суврату маъносина боқди равон жон кўрди.

Гул юзи узра кўзум сунбул зулфини тилаб,  
Қайдаким боқди кўзум лолаву райҳон кўрди.

Кетмади бир нафас анинг эшигиндин кўнглум,  
Чун ўшанинг эшигин равза-йи ризвон кўрди.

Келмаса кўнглума гаҳ-тоҳ хаёли, не ажаб,  
Хаста кўнглумни чун ул манзил-и вайрон кўрди.

Кўнглум ҳоли бу дам асри паршон кўринур,  
Гўйинё зулфитак ул хоб-и паршон кўрди.

Нуҳ умринда гар кўрди эса бир тўфон,  
Дам-бадам ҳажрида кўз мардуми тўфон кўрди.

Ёр васли манга душвор эрур, эй Ҳофиз,  
Ақли бўлмағай анингким, муни осон кўрди.

874

То кўзум ой юзини меҳр-и дилоро кўрди,  
Зулф-и шабрангини сармоя-йи савдо кўрди.

Акс-и хуршиди жамолиндин анинг топди сафо,  
Ҳар ким ойна-йи кўнглини мусаффо кўрди.

Кўзини ҳар кишиким очди муҳаббат бирлан,  
Ушбу ойна-йи оламда тамошо кўрди.

Зот-и хуршид жаҳон ичра аёндур, илло  
Кўрмади дийдаси йўқлар, ани бийно кўрди.

Маҳв-и мутлақ кишиким бўлди муҳаббат бирлан,  
Зишт кўрмади, ўшул барчани зебо кўрди.

Магас-и оч бикин бол очиб фориғбол,  
Борди сўфию шакар лаълида ҳалво кўрди.

Ҳарки Ҳофиз бики фард ўлди жаҳоннинг ичра,  
Ушбу кун зоҳир ўшул ҳолат-и фардо кўрди.

875

То анинг хизр хати чашма-йи ҳайвон топди,  
Ошиқи лаъл-и лабнинг сўзидин жэн топди.

Не ажаб бўлғай ўшанинг эшигини топсам,  
Булбул-и шифта чун боғу гулистон топди.

Бўстон ичра анинг зулфу юзин кўргали,  
Ўзини хок ила яксон гулу райҳон топди.

То лаб-и лаъли ўшанинг шакарафшон бўлди,  
Бас шикаст ул сўзидин лаъл-и Бадахшон топди.

Тўғий-и руҳ лабиндин, не ажаб, сўзлар эса,  
Чун ўшанинг лаб-и лаълин шакаристон топди.

Моҳ-и тобон юзина қул бўлур эрса, не ажаб,  
Нур чун меҳр юзиндин маҳ-и тобон топди.

Фитна бўлса, не ажаб, Ҳофиз ўшанинг юзина,  
Чун ўшул ой юзин фитна-йи даврон топди.

876

Шакартак сучи сўзунгдин кўнгул то нақд-и жон топди,  
Хизртак об-и ҳайвондин ҳаёт-и жовидон топди.

Киши ким издади ному нишон жон бирла оғзингдин,  
Адамнинг йўлида ўзини беному нишон топди.

Белингдин хўрдабинлар қилча бермади нишон, илло  
Камар бу маъни-йи нозукни нозук дармиён топди.

Қамарни юзунга танг тўш қачон соҳибназар кўрсун,  
Юзунгдин юз хижолат чунки меҳр-и осмон топди.

Қачон борсун эшигингдин шикаста кўнглум, эй дилбар,  
Чу булбул ўртаниб ҳижрон ўтинга гулистон топди.

Ҳаёлияг келди эрса хаста кўнглум чехраси ичра,  
Юрагимни ғаму андуҳ бирла тўлу қон топди.

Санинг савдонгга бош бердию олди жон била Ҳофиз  
Тасаввур қилмагайсанким, ўшани ройгон топди.

877

Қароқчи ул қаро кўзунгки, ноз ўгранди,  
Ҳамиша ошиқинг андин ниёз ўгранди.

Анинг бикин кўнглум ёнди ишқинг ўтинга  
Ки, шамъ ўшандин сўзу гудоз ўгранди.

Муҳаббат ўтина жон уд янгли ёнди, вале  
Мақом-и сабрда бас сўзу саз ўгранди.

Ироқ ёнива қилғали бас нигор оҳанг,  
Муҳибларинг бори роҳ-и Ҳижоз ўгранди.

Қад-и баландинг этар ҳар замон бало жонга,  
Қачон бу ишни бу умр-и дароз ўгранди.



Висол ҳолида сўзласаман ғариб эрмас,  
Чу сўзни булбул-и ошуфта ёз ўгранди.

Назарда Ҳофиз меҳроб қошларингни кўруб,  
Ҳузур топдию руки-и намоз ўгранди.

878

Насим-и завқ чу фасли баҳор кўргузди,  
Ёзи юзини тўлу лолазор кўргузди.

Чу гул жамолни кўргузди эрса жилва қила,  
Ҳазор турлу навони ҳазар кўргузди.

Чакар ўш эмди кўнгул бирла мурғ зорийлар  
Жамолу ҳуснини чун мурғзор кўргузди.

Жамолидин гул-и бўстон эмас эди воқиф,  
Валек ойнатак жўйбор кўргузди.

Басе, жавоҳиру ёқут-и сўрхни эмди  
Сафо била камар-и кўҳсор кўргузди.

Нигор юзини кўргали боғу ҳам бўстон,  
Чаман аросида нақшу нигор кўргузди.

Оғзи гунчасини васфини бу дам Ҳофиз,  
Этдию гуҳар-и обдор кўргузди.

879

Ҳар ким назар ул қомату рафторға солди,  
Болоси балосин дил-и афгорға солди.

Гулзорда гул-и зор анинг юзина ошиқ  
Бўлди, чу юзи аксини гулзорға солди.

Гулнинг ҳавасию ишқини бир йўли унутди,  
Булбул чу назар ул гулрухсорға солди.

Нор айламади тоқату қилди кўксин чок,  
Нор юзининг нориниким норға солди.

Гўёки кўзум қон-и ақиқимнидур,  
То акс-и лабин дийдаин хунборға солди.

Кўнглум не ажаб борса қаро кўзи ёнинга,  
Қушни киши чун оҳу-йи тоторға солди.

Безор эди Ҳофиз бозор-и жаҳондин,  
Савдойий ани қилдию бозорға солди.

880

Жигарпора қиладур ёр дарди,  
Ушул ағёр-и ширинкор дарди.

Кўзун кўргали дардимдур зиёда,  
Мани хаста қилур бемор дарди.

Кўзумга оз кўринмаклигиндин  
Кўнгулда бордур бисёр дарди.

Шикоят гулдин айламади булбул,  
Вале куйдурди жонин хор дарди.

Мани асрар доим дарди ондин,  
Бўлубдур воқиф-и асрор дарди.

Нечаким хок бўлиб йўқ бўлсам,  
Ушул хокимнинг ичра бор дарди.

Дарахт-и қоматин кўргали Ҳофиз,  
Қилибдур мани бархурдор дарди.

881

Юзини очмаса лутф айлаб ул зебо нигор эмди,  
Қилур қон ёш ила ошиқ кўзи юзин нигор эмди.

Агарчи хор янглиғ хушк ғам бирла қөлибдурман,  
Қилурман кўз ёшиндин ер юзини лолазор эмди.

Гул умидию умрум чунки бўлди асри пажмурда,  
Каракса олам ичра бўлмасун фасл-и баҳор эмди.

Кўнглумда агарчи йўқ қарору сабру завқу айш,  
Ғаму андуҳу ҳасрат бирла дард-и ёр бор эмди.

Сафо-йи юзидин қайда манга жамийяте бўлғай,  
Чу зулфитак бўлибдурман парижонрўзгор эмди.

Қароре издама девона-йи ишқингдин, эй оқил,  
Бўладур дам-бадам зулфи бикин чун беқарор эмди.

Мани ёру диёр асли чунким чакди ўзинга,  
Қачон Ҳофизни вобаста қилур ёру диёр эмди.

882

Тутди кўнглум мулкини султон бўлур эмди,  
Олиндин анинг кўз ёши ол қон бўлур эмди.

Ул шакар-и ширин тудоқи сўзламагиндин,  
Олам тўлу қанду шакаристон бўлур эмди.

Кўп эсмагил, эй бод-и сабо, ой юзидинким,  
Мантак ўшанинг зулфи паришон бўлур эмди.

Ул рашк-и малак, ҳуру парий келмагининдин,  
Кўргил кишилар борча парихон бўлур эмди.

Чун қотъ-и назар қилдим эса жон била тандин,  
Ҳар заррага бақсам манга жонон бўлур эмди.

Ул дилбар-и айёр жафосинда, кўрунгим,  
Ўлмак кўнглумга хушу осон бўлур эмди.

Жононани кўр жавр китобин қиладур хатм,  
Андиким ўшул Ҳофиз-и Қуръон бўлур эмди.

883

Қаду болосини кўргали ошиқ бас бало чакди,  
Тариқ-и ишқда неларин жон-и мубтало чакди.

Муҳаббатнинг тариқинда бу дам расво-йи оламдур,  
Агарчи парда-йи солус эшикда порсо чакди.

Кўзин ҳаргиз қаро қилмади сурма ённа бир дам,  
Адоқи тупрогиндин ҳар кишиким тўтнё чакди.

Қошиндин кечган орада ўшул ғамзаю қошиндин,  
Бу мискин жонина қасд этмак учун ўқу ё чакди.

Чакарман жонни ман жонон эшигида кўнгул бирла,  
Муҳаққар пешкаш шоҳ-и жаҳонга чун гадо чакди.

Кишилар чакдилар мушк-и Хитодин дард-и сар, илло  
Басе дард-и сар анинг зулфиди мушк-и Хито чакди.

Руху зулфи балосин чакмади ёлғуз бу кун Ҳофиз,  
Бир ой эрмаским онларнинг балосин солҳо чакди.

884

Қади сарви уза зулфи каманде,  
Чу солди, бўлди жонга пойбанде.

Етишмас хок-и посига анинг сарв,  
Агарчи чакди бас қадд-и баланде.

Юзи устиндаги ул дона-йи хол,  
Енар ўт узра эрур чун сицанде.

Шакар гуфторлар бордур ва лекин,  
Анингтак йўқтурур бир нўшханде.

Сўзию кўзию ширин тудоқи,  
Эрур шакар тақи бодому қанде.

Ғариб эрмас писанд этмаса мени,  
Чун андоғ йўқ жаҳонда худписанде.

Эшигинда бу Ҳофизтак кўринмас,  
Ғарибе хаста мискин дардманде.

885

Май нўшким, ўш хона-йи хаммор очилди,  
Булбул бики сайра гулу гулзор очилди.

Акс-и рух-и жононни талаб қил кўнглингда,  
Ул ойинадин эмди ҳурнигор очилди.

Тупроқ сифат тийра ўзунгни не тутарсан,  
Чун лутф қилиб чашма-йи анвор очилди.

Ағёр кўзин ғайрат ила боғлагил, эй ёр,  
Чун ким бу замон махзан-и асрор очилди.

Қалбу сара сарроф қошинга борасидур,  
Хуршид туғиб эмдики бозор очилди.

Офоқ ўшул зулф насими бида тўлди,  
Ехуд бу замон табла-и аттор очилди.

Ишкаста бу Ҳофиз кўнглин банд қилурга,  
Кўргилким, ўшул турра-йи таррор очилди.

886

Ман хастанинг ҳолини ўшул Исо-йи даврон сўрмади,  
Бўлди зиёда дард-и дил лутф ила дармон сўрмади.

Парвонатак ҳажр ўтига ёндиму ҳаргиз ёнмадим,  
Ёнмай ёнарамдин вале шамъ-и шабистон сўрмади.

Жавру жафо анча маним жонимга қилдиким бу дам,  
Йўлинда жон бердим тақи раҳм айлаб ул жон сўрмади.

Ўлдум тақи тупроқтак ястандим эшикни, вале  
Раҳме қилиб бу жоисизин ул об-й ҳайвон сўрмади.

Бу чок бўлган сийнани сўрмаса жонон, не ажаб,  
Чунким катон пора бўлурдин моҳ-и тебон сўрмади.

Айб этмага бўлмас ўшул жонона мани сўрмаса,  
Ҳар бир гадо-йи хорни чун шоҳ-и султон сўрмади.

Ҳофиз бикин фарёд этиб дод издаю бордим, вале  
Бермади додимни тақи ул меҳр-и хўбон сўрмади.

887

Чун ораз-и зебо уза зулфини пурчин боғлади,  
Чину Хўтан мулкинда бас куффор-и бедин боғлади.

Кўргузмади эрса манга ул ой бикин юзини,  
Юзумнинг узра кўзларим бас иқд-и парвин боғлади.

Ул ойнинг юзи бикин равшан бўла билсам тею,  
Хуршиду маҳ кўк устида юлдуздин ойнин боғлади.

Меҳринда жон ўйнар экан кўз қилди қонимга қаро,  
Қонимни тўкмага ўшул кофир недин кин боғлади.

Бўлдум гадо турлу ниёз ила йўлинда хок-и раҳ,  
Ҳар дам жафонинг отина ул шоҳким зин боғлади.

Холу лабининг ёднини кўнглум хаёлинда тутуб,  
Не сўзки боғлади эса мушкину ширин боғлади.

Сўзларким, ул гул юзлуниг авсофида кўргузди юз,  
Ҳофиз ўшул сўзларининг борини рангин боғлади.

888

Жоннинг ниёзу розини жонон эшитмади,  
Андоғ гадо сўзиники султон эшитмади.

Хатти теди кўзингаким, эй кофир-и бало,  
Кўп қилма жавр, ул хату фармон эшитмади.

Эрмас ғариб оҳим ўшул ёр эшитмаса,  
Фарёду оҳ чун моҳ-и тобон эшитмади.

Фарёду оҳдин нечаким манъ қилдилар,  
Гулни кўрарда булбул-и нолон эшитмади.

Жонимға айтдимким, ани савмагил тею,  
Тутмади бир қулоқ, сўзум жон эшитмади.

Булбул вафо сўзини баса сўзлади, вале  
Ҳаргиз вафо сўзини гулистон эшитмади.

Ҳофиз, чаманда қилди наво андалиб-и зор,  
Гўё бу сўзни мурғ-и хушалҳон эшитмади.

889

Ондин ўзга олам ичра жонки жонон билмади,  
Хаста кўнглум дардидин ўзгаси дармон билмади.

Ҳолимиздин бўлмаса огоҳ жонон, не ажаб,  
Чун гадолар ўлганиндин шоҳу султон билмади.

Гулистон учун баса афғон чакар булбул, вале  
Булбул-и ошифта ҳолиндин гулистон билмади.

Юзи нориндин ўшанинги жоним ичра тушди нор,  
Лекин ушбу норни ул ноз-и хандон билмади.

Кўзлари кўрди маним ҳолимнию раҳм этмади,  
Ҳеч мўмин ҳолидин ул номусулмон билмади.

Бўлмади ҳаргиз мусулмон ул киши ушшоқ аро,  
Ишқнинг куфриниким бу йўлда имон билмади.

Лаззат-и ийд-и жамолин, Ҳофизо, қайда билур  
Ишқ гаштинда кишиким, жонни қурбон билмади.

Жигарим баглади қон ёр учун, ёр қани?!  
Сирр-и ҳолимини билур маҳрам-и асрор қани?!

Журъа-йи жом-и муҳаббат била бўлдум беҳуш,  
Мани маст айлаган ул бода-йи хаммор қани?!

Хор-и ҳижрон била озурда эрур бу дил-и реш,  
Булбул-и зорға васл-и гулу гулзор қани?!

Жигарим нофа сифат ҳажр ўтидин хун бўлди,  
Чашмалар казгучи ул оҳу-йи тотор қани?!

Кечирур издаю дийдорини бедор кўзум,  
Вале бедор кўза давлат-и дийдор қани?!

Зорий-зор ила бозор-и муҳаббатга келиб,  
Жон тилар дўстни, ул ҳосил-и бозор қани?!

Дам урур кўп кишилар меҳру вафодин, Ҳофиз  
Вале сан издаган ул ёр-и вафодор қани?!

Юзунгга мункир экан гулу ҳам ёсуман қани?!  
Нахл-и қаддинг бикини тақи сарв-и чамаи қани?!

Гар лойиқ издасанг танингда пираҳан бу дам,  
Гулдин ўнгин чамаида санга пираҳан қани?!

Жоним тамарна тиласанг неш урғали,  
Кирпуқларинг бикини тақи бир нешзан қани?!

Маҳшарда лола янгли қизил юзлу қўпгаман,  
Қилсанг шаҳиду бўлса элимда кафан қани?!

Ширин сўз эрур ушбуки терсан сўз айтсам,  
Сўз сўзламакка боре айтдил даҳан қани?!

Раиғ-и ақиқ гарчи лабингтақ кўрунмади,  
Гавҳар тишинг бикини тақи дурр-и Адан қани?!

Ҳофиз бикини сенкиг лаб-и лаълингни васф этар  
Ширин ҳадис тўти-йи шакаршикан қани?!

Қоштак ошиқина қиблаю меҳроб қани?  
Кўзлари фитнасинин кўзларима хоб қани?!

Зулфи бирла юзитақ боғу гулистон ичра,  
Сунбул-и тозаю бир лола-йи сероб қани?!

Зулфининг зулмат-и савдосида бўлдум гумроҳ,  
Ушбу гумроҳ учун тобиш-и маҳтоб қани?!

Чакди қуллоб-и муҳаббат била кўнглумни ҳабиб,  
Қалбга лойиқ ўшанинг бики қуллоб қани?!

Келтура билгай эдим дўстни ҳужрага, вале  
Шоҳ-и оламга кўра бандага асбоб қани?!

Жумла-йи асҳоб сафо кечди муҳаббат барлан  
Энди онларни кўра қолган асҳоб қани?!

Жонни Ҳофиз тилаюр ниқ йўлинда қурбон,  
Ушбу қурбон учун айтунг манга қассоб қани?!

Саптакин боғда бир сарв-и сумансоқ қани?  
Мантаки ҳуснингга ҳам ошиқу муштоқ қани?!

Тоқу меҳроб баса бор жаҳон ичра, вале  
Жуфт қошинг бики меҳроб тақи тоқ қани?!

Кўрунур нуқтаву хатт зийнат-и авроқ, илло  
Холу хатинг бики бир зийнат-и авроқ қани?!

Аҳд қилдинг эдиким лутфу вафо қилгайман  
Тею, жавр ила жафо қилдинг, мисоқ қани?!

Заҳр-и ҳижронни ичиб жон қакадурман, эй дўст,  
Дафъи учун тудоқингдин манга тарёқ қани?!

Қадр-и ҳолимга кўра лаъл-и лабинг рўзий берур,  
Қолдин билган ўшул лаб бики раззоқ қани?!

Май-и лаълнингдин ичиб маст эмасман теган,  
Турк Ҳофиз бики бир сўфий-и зарроқ қани.



Сантакин оламда хуш жонон қани?  
 Барча жононлар аро бир жон қани?!  
 Мулк-и жон ичра санингтак нозанин,  
 Салтанатга лойиқ эй султон қани?!  
 Васлинг эрди донмо дармон манга,  
 Ҳажрдин ўлдум, ўшул дармон қани?!  
 Долатак юзунг кўзумдин ранг олур,  
 Шукрим, зоеъ эмас афгон қонн.  
 Гунчатак ул тор оғизга мангзаган,  
 Гулистон ичра гул-и хандон қани?!  
 Кўзларинг даврида юз минг фитна бор,  
 Кўзларингтак фитна-йи даврои қани?!  
 Ишқинг ўти бирла ёнганлар аро.  
 Сўхта-йи Ҳофиз бикин бирён қани?!

Сантакин дилситон жаҳонда қани?!  
 Мантакин жонфишон жаҳонда қани?!  
 Сан бөр эркан висол хонинда,  
 Ўзга бир меҳмон жаҳонда қани?!  
 Жигари дарди ишқинг илгиндин  
 Қаро қон бўлмаган жаҳонда қани?!  
 Гарчи яхшилиқ ичра сантак йўқ,  
 Мантакин ҳам ёмон жаҳонда қани?!  
 Негаким боқсам, асли сандурсан,  
 Бу яқинда гумон жаҳонда қани?!  
 Сан эурсан жаҳон танинда жон,  
 Таи кўриндию жон жаҳонда қани?!  
 Жумла ошиқлар аро жондурсан,  
 Сансизин ошиқон жаҳонда қани?!  
 Дўстлар сўзи дoston бўлди,  
 Дўстсиз дoston жаҳонда қани?!  
 Остенинг бикин бу Ҳофизга,  
 Боғу ҳам бўстон жаҳонда қани?!

Воқиф-и ҳол тилим билгучи ҳамдарад қани,  
Еши гулгуну юзи обийсифат зард қани?

Гарму сард ушбу жаҳон ичра баса бор, вале  
Ишқ ўтиндин жигари гарму дами сард қани?

Фош бўлғали бу дард-и дилим офоқ ичра,  
Бўлмаган чун жигари гулшан аро вард қани?

Дардига тоқат эта билмади кўху дарё,  
Дардга тоқат этарман дегучи мард қани?

Фардман дегучилар бор жаҳонда, илло  
Бахш этар нуру сафо меҳр бикин фард қани?.

Жавлон қилгучилар бор эди майдон ичра,  
Эмди анлардин майдон ичинда гард қани?

Не тилинг борки Ҳофиз тилагайсан дармон,  
Лойиқ ул ҳол учун дард қани, дард қани?

Гулситон-и юзида бағлади эрса норни,  
Боғладим зулфи ҳавоси бирла ман зуннорни.

Ул гулрухсордин ўзгага тушмасун тею,  
Кўзларимга бағладим кирпукларимдин хорни.

Кўзларимга иззат айларман ўшани кўргали,  
Чун қилур иззат кишилар кўрса ҳар дам дорни.

Тунла кўзга уйқу келмас кўрсам ани теб, вале  
Уйқусизлиқ бирла топман давлат-и бедорни.

Кўнглумиз издаганитак ёрни чун топмадуқ,  
Эмдидин сўнг издагалим бир мурод-и ёрни.

Жон етибдур оғзима ширин лабини сўргали,  
Не сабабдин сўрмас ул жонон бу жонафгорни.

Бир тажаллий қилса эрди ногоҳон султон-и ишқ,  
Маҳв бўлуб Ҳофиз унутгай эди гуфторни.

Илгима тушурсам ул зулф-и гамандандозни,  
Чаккай эрдим ўз каноримга бу сарвюзни.

Роз-и пинҳон кўнгулум халқ аро пайдо бўлур,  
Кўргузур бўлса кўзи ул ғамза-йи ғаммозни.

Ҳолу рөзимни хаёлинига ҳикоят айладим,  
Чун айтмоқ хуш эрур маҳрамга ҳолу розни.

Топсам эрди бир саранжоме лабиниғт жомидин,  
Тегай эрдим бехато анжом ила оғозни.

Шамъ-и юзин кўргали парвона келди жон била,  
Лекин ўтга ўртади ул ошиқ-и жонбозни.

Ҳимматимга кўр агар ман болу пар топсам эди,  
Кўргузур эрдим ўшаниғт кўйида парвонни.

Жон бериб жононага Ҳофизки васлин издаюр,  
Сайд қилмоқлиқ тилар чипчуқ била шаҳбозни.

## 899

Кўра билсам эди ғаҳ-ғаҳ ўшул ҳур-и парийшонни,  
Тегай эдим қаро зулфи бикин ҳол-и паришонни.

Кўрунмаса ўшул дилбар манга оламда тонг эрмас,  
Чун ул жон эруру оламда кўрмади киши жонни.

Мани кўрганда ул дилбар қачонким ханда айласа,  
Қилур тоза намак бирла жароҳатҳо-йи пинҳонни.

Тудоқин орзу қилса кўнглумни не ажаб бўлгай,  
Чу тўти орзу айлар ҳамиша шакарисшонни.

Агар гул юзина ошиқ эмасдур гулистон ичра,  
Недин айлаб жигархун кўргузур чок-и гирибонни.

Эшиғи тупроқиниғт орзусинда казар кўнглум,  
Ҳамиша булбул-и шўридатак саҳн-и гулистонни.

Мурод-и жонни, эй Ҳофиз, қила билгай эдим ҳосил,  
Топа билсам жаҳонниғт ичра охир дамда жононни,

Ваҳким, кўрабилмасман ўшул кўнглум олонни,  
Жоним тилаки, кўз ёруқи, қавли ёлонни.

Хок-и қадами бўлғай эдим бир кўра билсам,  
Гаҳ-гоҳ назар ошиқ-и мискинга солонни.

Кирпукларим ўш кўзима чун хор кўрунур,  
Ед айласам ул гул бики тоза очилонни.

Ҳижрон қошида доғ-и жафо мушкил эмасдур,  
Жавр айласуну қилмасин ул доғ-и калонни.

Субтоним ила бирга сувора бўла билсам,  
Кўргузгай эдим саҳн-и жаҳонда бу жавлонни.

Жон бер тею гар қилса ясоқ ул бут-и чолок,  
Жон бирла равон чакмаман ул дамда қолонни.

Ул сарв-и равон қолди эса қолди кўнглум,  
Ким келтурабилгай ерина кўнгли қолонни.

Чалмасун олиб элга равон чалди ўшул шўх,  
Кўрмади кishi ҳеч нари чалма чалонни.

Ҳофиз тилидин еткуракўр хизмату ихлос,  
Эй боди сабо, кўрсанг ўшул ибн фалонни.

## 901

Кўз кўрди, кўнгул савди ўшул шўх-и замонни,  
Оҳ, эмди ёқар ишқ ўти кўз кўра жонни.

Ул сарв-и равон бўлғали чимганда равона,  
Кўргузди манга суврат-и умр-и гузаронни.

Озод экан банда бўлайим анга манким,  
Пайдо қиладур ишқи анинг сирр-и ниҳонни.

Гар топсам эди ёр эшигинда ўшанинг  
Боре, қора олмас эдим боғ-и жинони.

Келмади анингтак бу жаҳон ичра жамоле,  
То қодир ҳайким, яратибдур бу жаҳонни.

Кўз тикмагидин ой юзида тоб бўлубтур,  
Кўрмасун ўшул кўзким анга берса зиёни.

Чун пир эрур ишқу муҳаббатда бу Ҳофиз  
Ҳақдин тилаю топди ўшул умр-и жавонни.

Тор оғзи бирла кўзиким торож этар исломни,  
Нисбат анга қилмоқ нединдур пиставу бодомни.

Зулфунга кўнглум тушгали бўлди паришон рўзгор,  
Ори, ғарибнинг ҳақина тийра кўрарман шомни.

Ул нуқта-йи холин кўруб хатинга боғланди кўнгул,  
Одам ҳақинга қилди ҳақ чун донаву ҳам домни.

Бошимни еткургай эдим ман отининг туйноқина,  
Гар ром қилсам бир нафас ул тавсан-и аёмни.

Охир нафасда эшингн ўпуб равон жон берсаман,  
Умрумнинг ичра топқаман ҳосил ўшул дам комни.

Шаксиз шароб-и ишқни руҳ-и равонтан кўргасан,  
Гар дард-и жонон бирла сан қилсанг мусаффо жомни.

Озодаю фориг бўлуб хуш вақт оламда юрур,  
Ҳофиз бикин тарк айлаган ишқ ичра нангу номни.

Бир замон кўрсам ўшул ғоратгар-и исломни,  
Қилгай эрдим тарк ман йўлинда нангу номни.

Жон равон қилгай эдим шаксиз ўшул жононадин,  
Кеятурур бўлса сабо найки манга найғомни.

Тўлун ой сори киши кўзин ёзиб ҳам бақмагай,  
Гар жамолидин мунаввар қилса пушт-и бомни.

Даври мажнун кечдию давр эмди давр-и жомдур,  
Оқил эрсанг берма илгингдин бу давр-и жомни.

Зулфитак таррору оғзитақ наботе кўрмадим,  
Нечаким каздим анинг ишқинда Мисру Шомни.

Шакарин оғзи билла кўзга кўнгул алдурғали,  
Хаста ошиқ кўзга илмас пиставу бодомни.

Хусни давронинда Ҳофизга бирар қилсун назар,  
Ким кўрар ул кўрклу бақса бевафо айёмни.

Ул моҳ элинга алғали жом-и шаробни,  
Зоҳид муоф тутди бу маст-и харобни.

Дарҳам қилан мави қаро зулфинда шонадур,  
Ким солди мулк-и Чинга ҳазор инқилобни.

Қилмоқидин жафосини беҳадду беқиёс,  
Кўргузди кўз кўра манга рўз-и ҳисобни.

Гар васлнинг даминда манга бўлса жон ҳижоб,  
Кетаргаман бир оҳ ила ул дам ҳижобни.

Бўлдум гадо-йи ишқу кўнгул ҳолидур хароб,  
Чун ганж учун тилади ўшул шаҳ харобни.

Юзин кўрарда оҳ элиндин сийна бўлди чок,  
Андоғ катонки бўлса кўруб моҳ-и тобни.

Ошиқни ўлтурури магар хуш савоб эрур,  
Ким бермас элдин ушбу санам ул савобни.

Ортар кўнгулда ишқу зиёда бўлур ниёз,  
Ҳар нечаким қилур эса нозу итобни.

Қалтак белини савғали Ҳофиз кўнгул била  
Тарк этди қилу қолу саволу жавобни.

## 905

Кундуз юзиндин олса ўшул жон ниқобни,  
Шарманда қилғай ой юзи юз офтобни.

Зулфи юзинда турфа эмас қилса печу тоб,  
Кўргузди сунбул ўт уза чун печу тобни.

Ўртангали юрагим анинг ишқи ўтина,  
Қон йиғлатур хижолат ўгинда каобни.

Сирр-и замири лавҳ-и юзиндадур ошкор,  
Ким чакти сурхий бирла кўзум юзда бобни.

Хўшбўй зулфи бирла онинг оразини тилаб,  
Бўй айламади ошиқи мушқу гулобни.

Дурр-и хушоб ҳар нечаким осди ўзини,  
Шарманда қилди орази дурр-и хушобни.

Бир бўса қилди Ҳофиз ўшандин савол, лек  
Бермади лутф этиб анга ширин жавобни.

Келиб келтургил, эй соқий, бу мажлисга сафоларни,  
Муроданга етургил сан равон эмди гадоларни.

Шароб-и ноб ичканда манга бир сор қутинг бериб,  
Ушандин сўнгра кўргил сан жаҳон ичра сахоларни.

Хуси шатранжини ўйнай не мансуба била билман,  
Казиб шахмот қилдинг сан жаҳонда маҳлиқоларни.

Вафо билмасмусан билман аё жон пораси ҳар дам,  
Ким ўш асри қиладур манга турлу жафоларни.

Санинг хурмо-йи васлингдин тикандин ўзга тегмади,  
Жафога ўгранибдурман, қил ўзгага вафоларни.

Санга исломдин сўзламакка бўлмасдур, андинким  
Қароқчи кўзларинг ғорат қиладур порсоларни.

Бу дам ул турк-и кофиркеш учун қурбон бўлур  
Ишорат бирлаким чакти боқиб манглайда ёларни. Ҳофиз,

Болоси қилди жонда зиёда ниёзни,  
Ҳақ сақласун балодин ўшул сарвинозни.

Ширин лабин сўруб қадду болосини савар,  
Ҳар ким тиласа жон била умр-и дарозни.

Зоҳид намоз наг буюрур дам-бадам манга,  
Меҳроб қоши бўлмаса қилман намозни.

Васли тузукини неча бузса рақиблар,  
Ед айларам ниёз қилиб чорасозни.

Ҳар дам фироқи ўтида жоним ёнар, вале  
Илмас кўзинга зарра бу сўзу гудозни.

Маҳмудтак гадоёй булур ишқ йўлида  
Ким кўрса жон кўзи била ҳусн-и Аёзни.

Ҳофиз бикин ниёз ила жон ўйнағай эдим,  
Ҳар кўрсам эрди бир назар ул чашмбозни.

Ногаҳон кўрдум эшигинда ўшул жононани,  
Ул қароқлари қароқчи, ғамзаси мастонани.

Жон чакарман ҳажр илгиндин тесам, айтур манга  
Ишқ йўлиндин кетаргил бу тариқ афсонани.

Ул парий юзлу санамдин юз авурмак лек маҳол,  
Ўлтурур бўлса манингтак ошиқ-и девонани.

Шамъ-и мажлис бўлуб ул жону жаҳон ўзга била,  
Ендурур бўлса не ёнсун халқ аро парвонани.

Соя қилмоқлиқ учун хуршид-и тобонга кўрунг,  
Зулфи бирла бир замон ҳамсоя қилди шонани.

Жон баданга келганитак келиб, эй султон-и ҳусн,  
Бир мунаввар қил жамолинг бирла бу кошонани.

Ҳофиз-и мискинким, эрур ошнову қул санга,  
Ўлтуруб, эй шоҳ, ўшани, сақлама бегонани.

Солсам эди адоқинга бир нафасе бу бошни,  
Лаъл-и лабинг қилур эди хуш бағримда бошни.

Тош эшигингни ёстаниб турдум эса бошим учун,  
Кўн кишилар олиб турур илгина эмди тошни.

Қош бўлур кўнгулу жон ғамзанг ўқиға дожарм,  
Кўргаликим ҳавас қилур ул қаро кўзу қошни.

Ут била ёшни киши кўргани йўқтурур, вале  
Кўрдум ўшул лабингда ман нор-и Халилу ёшни.

Ер юзини кўзум ёши ёш қачон қилур эди,  
Ёғдурадур муҳаббатинг тинмайин эмди ёшни.

Қаддинга сарв агар бўлур бўлса ғулом, не ажаб,  
Банда қилибтурур юзунг ой била қуёшни.

Мулк-и маоний шоҳидур шоҳ Ҳусайн, Ҳофизо,  
Жавҳарига равона қил жавҳари санг қумошни.



Кўргали кўзум лаб-и лаълинда хатт-и ёшни,  
Сабз бўлсун доимо теб оқтурадур ёшни.

Қошлари нақшини ёзмоқлиқ тилаб наққош-и Чин,  
Юзгина боқдию кўрди нақш ила наққошни.

Эй халойиқ, сиз тилангиз неки бордур дунёда,  
Ман тиларман жоним ила ул қаро кўз, қошни.

Тош чиқмағай бошим фармони хаттиндин даме,  
Ёғдурур бўлса рақиблар бошим учун тошни.

Эшигинда кирпуким бирла кўзумнинг мардуми,  
Айлади шарманда бас саққову ҳам фаррошни.

Ман анга йўлдош бўлғайман тею келдим равон,  
Жавр айлаб солмасун чўл йўлда ул йўлдошни.

Гарчи Ҳофиз бўлди йўлингда бу дам қаллошу ринд,  
Не бўла шоҳим кўза ил ринду ҳам қаллошни.

Саварман жону тап бирла ўшул дилдор-и зебони,  
Ким анинг дардини топса тиламас жон мудовони.

Не кўп сўзларсан, эй зоҳид, манга жаннатдин эмдиким,  
Эшиги бирла танг кўрмас кўнгул фирдавс-и аълони.

Кўзумнинг мардуми бирла қилур кирпуки шарманда,  
Ушул дилдор эшигинда баса фаррошу саққони.

Яшинтак оҳ ўти ёшнаб кўзумнинг абри ёғғанда,  
Балодин ёғдурур ул дам маним жонимга яғмони.

Неча жонимга жавр айлаб мани қийнар ҳажр ила,  
Не бўлғай лутф айласа манга ул сунъ-и раббони.

Қачон занжир-и зулфини кўнгул бирла тилар бўлсанг,  
Кетар бир йўли бошингдин ҳаво-йи суду савдони!

Агар ўзунгни фард истасанг, кўрасан жон кўзи бирла  
Бу кундин сўнгра, эй Ҳофиз, тамом аҳвол-и фардони.

Кўруб бу оҳим ўти билан сўз-и сийнани,  
Қилма ҳамоийл ўзунга ул анбаринани.

Кўнглумни дам-бадам не йиқарсан жафо била,  
Чун тутмади хароб шаҳаншаҳ хазинани.

Кўнглумни синмасун тер эсанг сақла лутф ила,  
Санг-и жафо била синама обгинани.

Меҳру вафо била санга жонни берур экан,  
Тутма кўнгулда жавру жафо бирла кийнани.

Эй шоҳ-и ҳусн, ҳуснунга қайда қусур эгар,  
Бир ёд айласанг бу ғулум-и каминани.

Бўлмади дард хаста кўнгулдин даме жудо,  
То сақладинг ўшанда бу ганж-и дафинани.

Ҳофиз, санга сафина агар берса, не ажаб,  
Чун баҳрга равона қилурлар сафинани.

Ул дамки кўрдум ул нозанинни,  
Қилдим нисорин дунёю динни.

Кўрмадим анинг юзи бикин юз,  
Нечаки каздим рўй-и заминни.

Келтурса ширин лаълини сўзга,  
Шарманда айлар дурр-и саминни.

Кўздин сурайё бўлур равона,  
Кўрмасаман ул Зухражабинни.

Топсам нишонае ёр эшигиндин,  
Топгай эди жон хулд-и баринни.

Бўлмас зиёни ул нозанинга  
Шод айласа бу жон-и ҳазинни.

Ҳофиз равони жон ўйнар эрди,  
Гар топса эрди ул нозанинни.

Ким билди эрса давлат ила некбахтни,  
Танг кўрмас остони била тожу тахтни.

Тикдим хаёл-и қадини кўз жуйборинда,  
Андоқки чу канорида кўрдум дарахтни.

Қушлар бошимда айладилар ошённини,  
Мажнун сифатли кўргали ушбу карахтни.

Гар дарди ишқдин сўрар эрса ўшул нигор,  
Кўргузгаман равон жигар-и лахт-лахтни.

Юз пора бўлса хаста юрагим ғариб эрмас,  
Чун чакди оҳ элиндин ўшул дард-и сахтни.

Манман темакка йўқдур анинг қошинда ривож,  
Бозор-и ишқда киши олмас бу рахтни.

Бўлса муқиму қилса анинг эшигин мақом,  
Ҳофиз тоғарди иззат ила тахту бахтни.

Кўрарман юзунг узра нур-и худони,  
Тудоқингда ҳам Хизру об-и бақони.

Бу мискинга раҳм айлагил кўз учиндин,  
Чу раҳм этди кўрдиса султон гадони.

Юзунгни манга кўргузуб ҳар замонда,  
Маним жонима айлагил юз балони.

Бало илгина солдингу кўз тутарман  
Ким, унутмасанг ҳажр ила мубталони.

Санинг ҳажринг ила юрак тўлу қондур,  
Қачон ушбу дардинга топғай давони.

Ифоларни ҳар дам ман-и хастажонга  
Қилибсан, кима кўргузурсан вафони.

Сани ушбу Ҳофиз тилар жони бирла,  
Вале қайда топғай гадо подшони.

Кўрдум чаманда ул санам-и хушхиромни  
Ким, айлади хижил нури моҳ-и тамомни.

Ул зулфу юзни бир кеча кўрсам эди, тамом  
Хушлиқ била кечургай эдим субҳу шомни.

Гар нангу ном йўлида бўлса манга ҳижоб,  
Жоним била фидо қилайим нангу номни.

Савдо-йи сиймтак тани хок айлади мани,  
Бошдан кетармадим чу бу савдо-йи хомни.

Ҳасрат била бу хаста юрак тўлу қон бўлур,  
Ширин лабинга гар келтурур бўлса жомни.

Айш-и мудом даст манга берса не ажаб,  
Қилдим чу ёд лаълина шурб-и мудомни.

Тўғийни шакарни била қилгай эди хижил,  
Лутф ила сўрса Ҳофиз-и ширинкаломни.

Кўргузса меҳр кўзгина моҳ-и тамомни,  
Ихлосу ҳам сафо била кўргаёй гуломни.

Ушшоқ-и жонфишоннинг аро номи чиқмагай,  
Ҳар ким бу йўлда айламаса нангу номини.

Ичиб қароқчи кўзлари қоним шаробтак  
Қонмади, кимга айтайим ушбу ҳаромини.

Махмур кўзлари бики бўлмас эдим мудом,  
Гаҳ-гоҳ сўрса лаъли бу маст-и мудомкини.

Кўнглумни авламоқ учун ул зулфини ёзар,  
Сайёд сайд қилгали чун ёзди домини.

Ул ошиқкини, зулфу юзин ёд қилмади,  
Не важҳ уза кечурди эса субҳу шомини.

Шамшоду сарв қилгай эди ер ўпуб суғуд,  
Кўргузса бўстонда қадд-и хушхиромини.

Мажнун сифатлу кечдим ўзумдин тамом ман,  
Қушлар бошимда айласун эмди мақомини.

Ширин калом бошласа Ҳофиз лабин сўруб,  
Тўтий шакардин анда унутгай каломини.

918

Гар топар бўлса кўнгул дилдордин мақсудни,  
Бош қўйюб жон бирла ёд эткай равон маъбудни,

Сажда айлаб ишқ бирла маҳв бўлса ошиқи,  
Фарқким қилгай ўшул дам сожиду масжудни.

Суду сармояни чун ишқи йўлида ўйнадим,  
Кўзга қайда илгаман эмди зиёну судни.

Кулл-и мавжудот чун андин кўрунур зоҳиро,  
Не ажаб, гар кўзга илмасам бу дам мавжудни.

Нағма-йи Довуди бирла уд-и жон ёнгай тамом,  
Сўзу саз ила навозин айлар эрса удни.

Ҳасратинда қуллиқиндин ўзга сўзум йўқтурур,  
Чун тоғубман қуллиқиндин толеъи маъсудни.

Чун аёз-и хос бўлдум эшигинда, Ҳофизо,  
Ушбу дам мандин талаб қил навбат-и маҳмудни.

919

Бандаликдин топа билсам эди мақсудимни,  
Бехато топгай эдим бир йўли маъбудимни.

Теди ул дўстким, эшиқда санга йўл берайим,  
Берсун ўш эмди манга жаннат-и мавъудимни.

Оҳ, бу оташ-и ишқининг элиндин куйдум  
Ким, кўк узра чиқарур ҳар нафасе дудимни.

Тушгали бошимга савдо-йи сар-и зулфи аннинг,  
Бермади кимса нишон-и сар-и беҳбудимни.

Суду сармояни ман ишқ била ўйнадим,  
Чун кўрубман бу зиён ичра баса судимни.

Тўлун ойтак юзини очсаю кўргузса манга,  
Хуш кўра билгай эдим толь-и масъудимни.

Хос аёзи ўшанинг бўлгали бу Ҳофизтак,  
Олам эшитди маним навбат-и маҳмудумни.

920

Ҳарким кетурса бандага султон саломини,  
Жонсиз тана кетургай ўшул жон паёмини.

Шакар сўзини тўтгий унутгай эди равон,  
Кўрса лабинда жон бики ширян каломини.

Жом-и шароб-и ишқи кўнгул шишаси эрур,  
Наг синдуурса санг-и бало бирла жомини.

Жавр-и ҳаводис илгидин озод бўлгаман,  
Гар ёд қилса бир нафас ул шаҳ ғуломини.

Шамшоду сарв бас мутаҳаййир қолибтурур,  
Бўстон ичинда кўргали хуррам хиромини.

Парвоз издамай ўзун боғлади мудом,  
Семурғ-и жон чу тоғди ўшул турра домини.

Бўлса муқим Ҳофиз анинг остонида,  
Жон булбулинга кўргузур эрди мақомини.

921

Гар тилар бўлса ўшул дилдор-и айёр ўзгани,  
Ман тиламан ул бор эркан ўзима ёр ўзгани.

Тор-тор зулфина ман ошиқ-и жонбоз экан,  
Не жиҳатдин ўзина дилдор тортар ўзгани.

Ман анинг асрорини жон ичра йиллар сақладим,  
Ул парипайкар санам не ёндин асрар ўзгани.

Лутфи йўлидин қачон озор бўлса ул санам,  
Ман бор эркан жавр бирла айлар озор ўзгани.

Орзу-йи лаълидин жон бирлаким беморман,  
Жон берурман рашкдин гар қилса бемор ўзгани.

Жон чакадурман вафонинг йўлида бефойда,  
Чун қилибдур маҳрам ўз ўзинга дилдор ўзгани.

Банда-йи дирина эшигинда Ҳофиздур, вале  
Турфа ҳоледур буким, шоҳим суюрғар ўзгани.

Ман ҳеч била билмадим, эй ёр, ўзумни,  
Гаҳ ганж кўрарман тақд гаҳ мор ўзумни.

Бўлсам эди бир маст-и май-и ишқ хуш эрди,  
Неча кўрайим оқилу ҳушёр ўзумни.

Бир нуқтасифат сокину собит бўла билсам,  
Кўрмагай эдим чун хат-и паргор ўзумни.

Айёрсифат чунки бу йўлда кўрунубман,  
Боғлағайим ул турраға таррор ўзумни.

Чун чора топулмади манга ишқ элиндин,  
Бечора қилайим ман ночор ўзумни.

Юзумда кўрунгай эди анвор-и илоҳий,  
Кўрсам эди бир қобил-и дийдор ўзумни.

Ҳофиз бики сир сўзларини айтгай эрдим,  
Гар билсам эди воқиф-и асрор ўзумин.

Ҳажр ўтинға ўртади ул лоларухсорим мани,  
Булбул-и ошуфта янглиғ қилди гулзорим мани.

Завқ этиб жавру жафосин жон била чаккай эдим,  
Ёд қилса гоҳи гаҳ ёр-и жафокорим мани.

Кечмагим жондин бас осондур, вале ондин кўчай,  
Мубтало асри қилибтур ушбу душворим мани.

Эл тўрасиндин чу бошқа нола-йи зор айларам,  
Бошға етиб ўлтураси нолаву зорим мани.

Нор-и хандонтак кўрунгали ўшанинг гул юзи,  
Ўтға ўртар ҳар нафас бу жон-и афгорим мани.

Ел бикин елибки югурурман ўшул мандин дагул,  
Тозилартак елдурур оҳу-йи тоторим мани.

Ҳофизо ичгай эдим бу жом-и жондин бодалар,  
Бир нафас сўрса эди ул лаъл-и хумморим мани.

Оҳним, бермади дилдор манним додимни,  
Эшитиб ҳар нафасе оҳ ила фарёдими.

Тийг-и ғамза билаким кўзлари жаллод эрур,  
Жон берурман кўруб ул тийг ила жаллодими.

Сайд айлади манию юзини ёшурди,  
Қайда кўргайман ўшул жон бики сайёдими.

Қадду болосина жон бирла бўлубман багда,  
Кўра билсам тею ул сарвтак озодами.

Солди кўнглумда ўшанинг ғами андоқ бунёд  
Ким, хароб айладию йиқди бу бунёдами.

Дард йўлинда чу устод эрур ниқу йўлин,  
Башғара билман агар топсам устодими.

Вирд-и жон бўлғали, Ҳофиз, рух-и зулфи ёди,  
Езмадим жон била шому саҳар авродими.

Кўра билсам гулистонда ўшул сарв-и равоними,  
Равон қилғай эдим ул дам анга жону равоними.

Қачонким ушбу олам ичра беному нишон бўлсам,  
Ўшанинг эшигинда издангиз ному нишоними.

Муҳаббатда занф ўлуб қавийман устухон бўлдум,  
Вале қилмас эшигининг ити бўе устухоними.

Чакиб жонни эшигинда фиғону оҳ чаксаман,  
Ўшул оламдин эшитгайсиз оҳ ила фиғоними.

Манним қоними кўз кўра тўкар бўлса жафо бирла,  
Биҳил айлагаман жон бирла ул жононға қоними.

Манга дийдор кўргузуб равон жоним олур бўлса,  
Тапа билғай эдим ул дамда умри жовидоними.

Ўшанинг оғзини Ҳофиз бикин савғали жон бирла,  
Кўра билмади ҳар киши манним айши наҳоними.



Қачонки кўрсам ўшул ёр-и дилситонимни,  
Равон қадияга чакар эрдим анда жонимни.

Қачонким ушбу жаҳон ичра бенишон бўлсам,  
Эшиги тупроқда издагиз нишонимни.

Этагин ўнкали борғай ўшул замонда равон,  
Равон қилур эса ер юзи узра қонимни.

Қароқчи кўзлариким, хонумонсиёҳ эрур,  
Хароб айлади қасд ила хонумонимни.

Ўшул парий юзидин бўлғали кўзум гулзор,  
Бир очмадим киши юзинга гулистонимни.

Димоғи бўй-и вафо тоғай ўлганимдин сўнг,  
Кишиким айласа бўйе анда устихонимни.

Фироқи ўти била, Ҳофизо, ўшул дилдор,  
Нечага тегру ёқар жон-и нотавонимни.

Низ айлаб айтғай эрдим ушбу ҳол-и зоримни,  
Эшитса эрди ул жонон маним афғону зоримни.

Бошимни гўйитак ғалтон адоқинда солур эрдим,  
Кўра билсам бу майдон зебо шаҳсуворимни.

Канор-и дўстни тоғанда қилғайман нисори теб,  
Кўзум гавҳар била доим тутар тўлу каноримни.

Анинг савдо-йи зулфинга кўнглум то тушубтурур,  
Паришонҳол айлабдур маним бу рўзгоримни.

Кўнглумдин сиз ихтиёр издамангиз эмди,  
Чун дилдорнинг илгинга бердим ихтиёримни.

Ушанинг доман-и васлинга ул дам ичра етқайман,  
Қачонким элтса бод-и сабо гарду гўборимни.

Мани куйдурди ҳижрон ўти бирла, Ҳофизо, дилбар,  
Магар билмас паришонҳол бирла интизоримни.

Гар чатар эрса ногаҳон қаҳр қоши ёсини,  
Ошиқ-и дилшикастаннинг кўргай ўшаңда ёсини.

Ҳасрат ўтига куйсаман кўрма ғарибким, баса,  
Жон чакадур вафосини ўзга кўрар вафосини.

Нетиб анинг балосидин бўлғай эса халос жон,  
Турлу ниёз бирла чун издар анинг балосини.

Дард-и дилу бало-йи жон бўлғали бандага насиб,  
Топмади бир нафас тақи хаста кўнгул давосини.

Ошиқ-и хаста кўнглидин ойна ёр айласун,  
Гар тиласа зиёда ул ой юзи сафосини.

Издаб анинг ризосини, хоксифат йўлинда ман  
Бўлдиму топмадим анинг бир нафас ризосини.

Гул бики юзини агар очса нигор Ҳофизо,  
Топғай эди ҳамон нафаси булбул-и жон навосини.

Бўлса бог нчра хиромон ўшанинг болоси,  
Сарву шамшод бўлур жон била хок-и поси.

Лола бўстонда анинг оразиниким кўрди,  
Дог босди юзини токи бўла лолоси.

Суду сармоя агар борди элимдин, ғам эмас,  
Шукрим, кетмади бошимдин анинг савдоси.

Маъно-йи жонни анинг суратидин издарман,  
Нур-и ҳақ кўргузадур кўз кўра чун сиймоси.

Чака билман кўзи қошинда жафо қошларидин,  
Чун қатиг эрур ўшул туркнинг икки ёси.

Сўзга келса лаб-и ширини ўшул жононнинг,  
Қувват-и жон топғай эди тўти-йи шакархоси.

Табъ-и Ҳофиз не ажаб бўлса ҳамиша равшан,  
Чун ўшул ой юзидур меҳр-и жаҳонороси.

Ёд айласа бирорда бу султон гадосни,  
Гамдин халос қилгай эди мубталосни.

Ҳаргиз кўринмас одамийлик ул парийдаким,  
Бегонатак кечар кўруб ўз ошносини.

Сайр айласа чаманда ўшул сарв-и хушхиром,  
Болосидин тилар кўнгулу жон балосини.

Ҳасрат ўтиға жонни хатосиз ёқасидур,  
Келтурса оразинға яқин ос яқосини.

Гаҳ-гаҳ боқаси ошиқ-и бечора ҳолина,  
Чун даври- хусннинг киши топмас бақосини.

Хуснунга жилва бермаса кўз ойинасида,  
Кўрмагай ой бики юзининг сафосини.

Кўргузмас ол гул бики юзин бирор, вале  
Зулф-и сиеҳ бергай ўшанинг сазосини.

Қонимни ол лаъл-и лаби тўкти ол ила,  
Жоним лабиндин энди тилар хунбаҳосини.

Ҳофиз ниёз бирла равон жон берур эди,  
Топмоғи бўлса жон била жонон ризосини.

## 931

Тўтғийлар аро бир андоқ қани шаккар даҳане  
Ким, сўзи бўлса гуҳар, тишлари дурр-и Адане.

Нозик андом баса бор гулистонда вале,  
Йўқ турур бори ўшанинг бики нозук бадане.

Пираҳан издасалар нозук ўшул танга кўра,  
Гул-и раънодин анга бўлғамуса пираҳане.

Йўқтур қаду юзу ул тану андоми бикни,  
Бўстонларнинг аро сарву гулу ҳам сумане.

Издамагил чаману боғда қадинға мисол,  
Рост қади бики чун чиқмади сарв-и чамане.

Имтиҳон қилдим кўп каздиму кўрдум филҳол,  
Йўқ манингтак бу ғаму дард элида мумтаҳане.

Ерсиз шеърки ҳужрада ман айтадурман,  
Ҳофизо, ҳужра бўлубтур манга байту-л-ҳазане.

Санингтак қайдадур бир нозанине  
Ки, бўлса юзи меҳру маҳжабине.

Кўнгулдин чиқма, эй дилдор, донм,  
Тиласанг они фирдавс-и барине.

Бўлур жонимга теккан нешлар хуш,  
Лабингдин тегса нўш-и ангабине.

Лабинг шаклини жонда нақш қилдим,  
Қани оламда мантак нақшбине.

Қамар давринда ҳар нечаки кездим,  
Қошингтак кўрмадим болонишине.

Тушар турлу гириҳ ишимга шаксиз,  
Қачон қошингда кўрсам шакл-и чине.

Маонийофарин бўлғай бу Ҳофиз,  
Бериб таҳсину қилсанг офарине.

## 933

Бор жонон била жонга назар-и руҳоний,  
Бўлғали ҳаққ-и намак лаъл-и лабинда жоний.

Ҳуснидин ҳар кишига тегди насибе, илло  
Тегди бу ошиқ-и бечорасина ҳайроний.

Офтоб юзина боқдиму бўлдим боқий,  
Вале бир заррача оғзиндин эрурман фоний.

Мушк бўйи била офоқ муаттар бўлғай,  
Шона қилганда сочи айласа мушкафшоний.

Зоҳиран бедилу дин бўлдум эса, кўрма ажаб,  
Чун қилур ғорат-и дин ғамзалари пинҳоний.

Қоним оқтурса кўзум йўлидину борса равон,  
Боргаман эшигина, тегаман ул жон қани?

Булбул-и боғ-и маоний бу замон Ҳофиздур,  
Чун анинг бор бу дам ичра гул-и хандони.

Манга қилгали лалълинг жон-и жоний,  
Сучи оғзинг эрур умр-и ниҳоний.

Берур бўлсанг манга бўсу каноере,  
Саодат тошраман шкки жаҳоний.

Тирикликни ўлумга еткурубдур,  
Ғарибию ғам-и ишқу жавоний.

Аё сарв-и равон кўзум қошинга,  
Кел ўш эмдики бор об-и равоний.

Эшикидаги ўлган оч итлар  
Манингтак бўлмасун бадзандагоний.

Ясоқини чака билман кўзунгнинг,  
Қатиг эрур ўшанинг чун макони.

Муҳаббатдин дам урғай жон Ҳофиз,  
Иўлингда хок бўлса устихони.

Ҳарким равон қилур эса жононга жонини,  
Кўргай жаҳонда ҳосил умр-и равонини.

Юз сори қилди ошиқ-и бечора дарддин,  
Чун ишқ ўртади юрагиндаги қонини.

Кўзи қоши қошинда кўнгуллар шикор этар,  
Ул туркининг киши чака олмас камонини.

Дарду балоси ўқина жон бўлғали нишон,  
Олинимда жонлар ўқиди давлат нишонини.

Кўнглум ҳамиша ёр эшигин орзу қилур,  
Булбул ғариб эмас тиласа бўстонини.

Арш-и муҳитни кўза илмас эдим, агар  
Естаниб ўлсам эрди анинг остонини.

Ҳофиз танида жон бор экан кўрса хуш эди,  
Сўз мисриянинг ичиндаги шоҳ-и маонийни.

Ким чакса ёр йўлига жону равонини,  
Хуш кўргай ўз канорида сарв-и равонни.

Кўргай мурод-и чимгани ёш дам-бадам  
Кўздинким оқтурур эса ёш янгли қонини.

Ул халқа-халқа зулфи камандинга мубтало  
Бўлган асирнинг киши билмади сонини.

Ушшоқ-и бенавонинг ўшул кўзи пурхумор,  
Қилди хароб ғамза била хонумонани.

Жонбахш шакария лаб-и лаълини кўргали  
Ёд айламади ошиқи ширин замонини.

Беқилу қол ришта-йи жонни тапар эрди,  
Ҳар ким тушурса илкина мўй-и миёнини.

Дилдор қуллиқинда дам урса раво эрур,  
Ҳофиз бикин ким ўйнаса жону жаҳонини.

Кўз орзу била кўра олмас жамолини,  
Жоним недин тилар била билман ысолини.

Бўстон-и жон ичинда кўзумдин суварғали,  
Тикдим хаёл бирла бўйининг ниҳолини,

Жоним абртак яна турсун тею кўрунг,  
Юзинда ҳақ яратди ўшул зулфу холини.

Давлатга дол бўлғай эди бир кўрар эсам,  
Қадимни долтак қилиб ул зулф-и долини.

Юз оли бирла кўрган аро юз оли била  
Олди кўнгулни жон била олмади олинни.

Юз офтоб кўз бўлубон боқса юзина,  
Ожиз бўлур кўруб, била билмай камолини.

Қонлар тўкар қиё боқибон жонга қийғали,  
Билман не қилғай икки жаҳоннинг вуболини.

Жонга бало эрур сучи сўзи тудоқидин,  
Илло сўруб таполман ўшул хуш биллолини.

Ҳофиз тамом қилди равон бу ғазалниким,  
Дард-и фироқ келдиса кетарди ҳолини.

Кўргузди эрса ул санам бурқа олиб юз олини,  
Кўз кўра кўрди ошиқ бечораси юз олини.

Ҳиндустоннинг ичра гар филфилга сон йўқ не ажаб,  
Андоқки кўргузди манга хат ичра нуқта-йн холини.

Фол-и саодат бирла ҳам давлатга зулфи дол эрур,  
Ким тушда кўргузди манга айн узра зулф-и долини.

Бол лаби ширинлигин маълумким қилди магас,  
Кечти равон жондин тақи бол узра солди болини.

Шамшод бирла сарвга кўзум ёзиб ҳам боқмадим,  
То жўйбор-и дийдада тикдим қаднинг толини.

Дуртак кўзумнинг ёшини исор-и жонон айладим,  
Жонин аямаган киши қайда аясун молини.

Пўшида қайда қолгуси Ҳофизнинг аҳволи анга,  
Чу шеър бирла дамбадам айлади шарҳ холини.

Олса ниқоб ул нозанин кўргузгали дийдорини,  
Қилгай шароб-и шавқидин сармаст ошиқларини.

Қилса шароб-и шавқ асар қолмас ўшул дам хайру шар,  
Кўзсиз тақи бақса кўрар юзум уза осорини.

Сероб бўлсам теб шароб ичсам куйрман дам-бадам,  
Турфа шаробеким анинг ичра солибдур норини.

Жон бирла кўнглум шод этар сабр йўлина иршод этар,  
Юз турлу ҳақни ёд этар, бир ёд қилса ёрини.

Пайдо бўлур сирр-и ниҳон, ҳам очилур ганжи равон,  
Тушинда ким кўрса аён ўз давлат-и бедорини.

Чакмак керак жавру жафо ҳар нечаким жон тандадур,  
Ким гулни савса, ложарм савмак керакдур хорини.

Ақлу хирад йўлдин чиқиб Ҳофизга таън айлар, вале  
Ҳофиз ўшул ошиқ эрурким йўлга чакди борини.

Билсам эрди ман гадо ул шоҳнинг асrorини,  
Ошкор этгай эдим оламда ишқ асrorини.

Турлу-турлу зорийлиқ бирла қилур розин баён,  
Булбул-и ошифта тоиса бир замон гулзорини.

Зорий қилсам ишқ бозоринда бозовард этиб,  
Зорий-и зор ўлтурур ул дамда ман бозорийни.

Зар менгиз бўлди юзум ишқинг ҳавосинда тесам,  
Айтур ул сори кетаринг ушбу юзи сорини.

Жавр бирла ошиқи кўнглини озор эткали,  
Сезар эрдим оқибат ул шўхнинг озорини.

Жон аянинг тор оғзин издаб бўлди андоғ бенишон  
Ким, бу олам ичра топман зарра-йи осорини.

Тутгай ул султон қулоқинда дурр-и ғалтон бикин,  
Ғар эшитса Ҳофиз-и бечоранинг гуфторини.

Кўрган аро ўшул қаро кўзнинг қарорини,  
Ол қонни хок-и раҳ била билдим қарорини.

Кўнглум қарорин олди қаро зулфи макр этиб,  
Издаб тополман эмди кўнгулнинг қарорини.

Ман зор зорий қилсам эшитгинда жон чакиб,  
Раҳм этмас ул нигор кўруб ушбу зорини.

Қилдим канор жумла-йи жаҳон орзусидин,  
То ул нигорнинг топа билсам канорини.

Шаҳбоз-и ишқ жон қушини қилгали шикор,  
Ҳар бек қулинға солмади ул жон шикорини.

Ошиқ висол издаю дам урса ишқдин,  
Ул дўст дорға чакар ул дўстдорини.

Жон берса ёр дарди била ёрлиқ қилиб,  
Қилгайсиз ул диёрда Ҳофиз мазорини.



Доим қилур шикаста кунгул ёр ёдини,  
Булбул унутмади гулу гулзор ёдини.

Ёд-и лабиндин ўзга чу топмас кўнгул қарор,  
Не турфа қилса доим ўшул ёр ёдини.

Сори юзумни лола менгиз кўз ёши қилур,  
Тилга кетурсам ул гулрухсор ёдини.

Қилсам мудом ёд лабин айб қилмаким,  
Майхора қилди жон билла хумор ёдини.

Тўтий-и руҳ кому лаби пуршакар бўлур,  
Қандаки қилсам ул лабу гуфтор ёдини.

Ман мубтало ҳамиша анниг ёди бирламан,  
Билман, қилурму ул бу гуфтор ёдини.

Эрмас ғариб ёд маши қилса ёрким,  
Султон қилур ғулом-и вафодор ёдини.

Дилдор ёдини анга қилмоқ ҳалол эрур,  
Ким жон ичинда жон бики сақлар ёдини.

Ҳофиз мудом воқиф-и асрор бўлғали,  
Кунж-и кўнгулда гавжтак асрар ёдини.

## 943

Ёд айламади ёр асир-и камандини  
Ки, гоҳ сўрса хуш эди бу дардмандини.

Ишқинда хок-и роҳ бикин даст бўлайим,  
Кўргали даст бермаса сарв-и баландини.

Ман хок-и роҳ бўлдуму андин зиёда ҳам,  
Жавлон қилурға сўрсун ўш эмди самандини.

Хизматда кечди умруму не дурки, бир замон  
Кўнгулум тилагани бики топмай писандини.

Тўти-йи жон тонар эди ўз қутини равш,  
Кўргызса шукрин лабинди нўшхандини.

Тушмағай эрди ўт маннм хонумонима,  
Кўргызмаса бу хастаға нор-и Хўжандини.

Ҳофиз муҳаббатиндин анниг тушмағай жудо,  
Ғар қилсалар жудо бу замон банди бандини.

Кўргузса кечада манга юз офтобини,  
Ут узра кўргай эрди қаро зулфи тобини.

Пурнур бўлғай эрди жамоли била бу тун,  
Ерим кетарса кўз кўра юздин ниқобини.

Маст-и хароб бўлмоқим андин эрурки, дўст  
Издар инояти била маст-и харобини.

Ичсам мудом завқ шаробини не ажаб,  
Чун тўлу кўргузур манга жом-и шаробини.

Кўзи хаёли бирла жигар айладим кабоб,  
Издагай ушбу асрук учун теб кабобини.

Сонсиз вужуд йўқ қилибон бор ҳам қилур,  
Андоқки меҳр кўргузур эрса хубобини.

Ҳофиз йироқ тушди анинг сўзидин бу дам,  
Ким тегай эмди бандага султон хитобини.

Илкима олсам бу дилбар зулфининг закирини,  
Не паришон тушки бўлса, қилғаман таъбирини.

Мусҳаф-и ҳуснининг авсофин тиласам қилғали,  
Сура-йи Юсуфнинг эткайман равон тафсирини.

Жон била йиллар эрур кўнглум савар жононани,  
Шукрим, топмадим ушбу таврда тағйирини.

Одам-и хокий қачон қочсун муҳаббат боридин,  
Чун муҳаббат бирла қилдилар анинг тахмирини.

Мухр-айи жон шашдар-и ғамға тушуб топмас нажот,  
Орий, тадбир ўзга қилмас тагирининг тақдирини.

Қилмиш ул жонон муқаррар мани ўлтурсам тею,  
Хушдур айтунг сиз манга ул нозанин тақририни.

Кечаву кундуз бўлур кофуру анбар мунфанл,  
Кўргузур бўлса тану зулф ила қору қийрини.

Жон бериб бир бўса олмоқлиқ тиларман суд учун,  
Ори, бозорий тилар савдода ўз тавфирини.

Эй жавонлар, ушбу Ҳофизтак кишини билмангиз,  
Чун билурсиз аҳл-и ишқ оро ўшанинг пирини.

Эй жон, бу дам ул сарв-и равонни қара, қани  
Ким кўз йўлидин борди юракнинг қора қони.

Ранги ярақон тутди юзум ол энгиндин,  
Сари, ўшанинг меҳри қилур юз ярақони.

Ул ғамза ўқининг юрагимда яраси бор,  
Бечора табиб, кел, бу яраға яра, қони.

Ҳолимни билиб раҳм агар қилса не бўлғай,  
Ул миср-и малоҳатда жаҳоннинг ҳамадони.

Оғзи кўнглум олдию зулфинга ёпадур,  
Шукр эмди анга йўқ кишининг ҳеч гумони.

Ул сарв-и сарафроз кўзум қошина келсун,  
Ким бор турур донм онинг об-и равони.

Ҳофиз анга худ ёр эрур жоню лекин  
Куйдурди онинг жонину айтур анга жоний.

## 947

Қаданди сийна-йи ошиқға андоғ ўқи пайкони  
Ким, ул пайкони чаксалар чиқар шаксиз равон жони.

Томар кўз кўра кўзиндин юзига дам-бадам ол қон,  
Чун онинг сўз-и ишқиндин томарда қайнади қони.

Танг этмас кўзининг ёшини дарё бирла ошиқким,  
Қилур шарманда ҳар лаҳза равон оққанда дарёни.

Гулистон-и жамолин ёр очиб гулзор қазганда,  
Анга ҳайрон бўлурманким, кўруб бўлмади ҳайрони.

Топадур ҳар нафас жон қувватини ёқут лаълидин,  
Кўрунғали ўшул ёқут узра хатт-и райҳоний.

Чин ул турк хитойи кўзи кофирнинг замонинда,  
Қиладур кўп кишиларни хато тарк-и мусулмоний.

Хароб эрур кўнгул ҳоли вале хушҳол эрур улким,  
Ҳамиша тўлудур ганж-и ғаминдин кунж-и вайрони.

Билиг эрур билигсизлик муҳаббат йўлида билсанг,  
Зиҳи доно ўшул ошиқким эрур ишқ нодони.

Қачон кўзинга, эй Ҳофиз, илинсун дину ҳам дунё,  
Гилем-и фақрда ҳар кимга текса ҳукм-и султоний.

Санинг била манга бордур муҳаббат-и жоний,  
Юзуида равшану зоҳир сафо-йи руҳоний.

Жамолу ҳуснуи эрур зоҳир офтобсифат,  
Хаёл-и оғзинг эрур жонда сирр-и пинҳоний.

Мукавванот эрур сунъ-и сонъи ила тўлу,  
Вале санинг бики бир йўқ сунъ-и раббоний.

Нечаки кўзларинг оқтурди қон кўзум йўлидин,  
Тақи кўзум ўшани издаюрким, ул қани?

Кишики ийд-и жамолинга бўлмағай қурбон,  
Анинг бики киши буйинига бўлсун ўз қони.

Балаид қилғали ушшоқ оҳу нолаларин,  
Эшигинг итларининг паст бўлмас афғони.

Бу нозу шева биланким, хиром айларсан,  
Санга бу Ҳофиз жон бермаса, эрур жони.

Жоним била савғали ман ул дилбар-и чолокни,  
Шод айламади бир нафас бу сийна-йи ғамнокни.

Кўз мардуми фаррош эрур ул дўстнинг йўлинда то  
Кетарса мужғони била эшигидаги хошокни.

Рўз-и қиёматда қизил юзлу қўпа билгай эдим,  
Омухта қоним била ишқинда кўрсам хокни.

Бўлсам мудом асрук манга айб айламанг, эй дўстлар,  
Лаъл-и лаби ёди била чун ичдим об-и тоқни.

Заҳр-и фироқиндин баса ўлганни ул Исонафас,  
Тиргузди қар дам, дам била қилди хижил тарёкни.

Бўлди муқайяд зулфининг қайдинга кўнглумнинг қуши,  
Чун сайд учун юз қайд ила ёзди ўшул фитроқни.

Гар бор эса бир нафас Ҳофиз эшигинда зини,  
Кўзга қачон илгай эди бу гунбад-и афлоқни.

Ассалому алайка, эй султон киши,  
Соя-йи яздон эурсан жон киши.

Соя-йи лутфу иноят сол манга,  
Нур-и маҳзу раҳмат-и раҳмон киши.

Донмо хандон эурсан гул бикин,  
Қайда бўлғай сан тикин хандон киши.

Нор янгоқинг жонни ўтга ёндуруб,  
Ҳар нафас ўртар мани жонон киши.

Турк-и кофиркеш сантак кўрмадим,  
Қилса ғамза ўқидин қурбон киши.

Сандин ўзга диним учун қилмади  
Ғамза бирла ғорат-и имон киши.

Давр-и ҳуснунгда бу Ҳофиз бўлди зор,  
Қани сантак фитна-йи даврон киши?!

## 951

Эй маним кўнглумни олган жон бикин жонон киши,  
Бўлмағай оламда сантак нозанин бир жон киши.

Жонни кўрмак ора имкон тесалар жонсан яқин,  
Моҳ-и тобонсан, агар бўлса маҳ-и тобон киши.

Ҳажрнинг хорин маним жонимга ҳар лаҳза тикиб,  
Қилмағил гирён мани, эй гул бикин хандон киши.

Кеча қон ёш игладим кўчанг бошинда анча ким,  
Кўргали сани кеча билмади ҳеч қандон киши.

Эй жафочи, сан жафо тарк этсанг эрди лутф этиб,  
Қилмағай эрди санинг кўчангда бас афғон киши.

Сан маним жоним бўлиб тушдунг эса мандин йироқ,  
Ким кўрар бўлса мани, айтур эрур бежон киши.

Мусҳаф-и рухсорангизни кўргали равшан тамом,  
Ишқинг даврида Ҳофиз бўлди абжадхон киши.

## 952

Жаҳонда барчадин дилдор яхши,  
Туман ағёрдин бир ёр яхши.

Рақиб анинг қошинда яхши бўлмас,  
Чу гул қошинда бўлмас хор яхши.

Ҳамиша хастадур дарди билан жон,  
Бўла билмади бу бемор яхши.

Тиларман доимо бедор аниким,  
Саодат доимо бедор яхши.

Каракмасдур манга қунж-и савомий,  
Чу андин хона-йи хаммор яхши.

Қора зулфи била кўзи хуш эрур,  
Чу таррор иладур айёр яхши.

Кўзи Ҳофиз кўзига хуш кўрунур,  
Чун эрур барча мардумдор яхши.

### 953

Сар-и кўйи ўшанинг боғ-и жинноддин яхши,  
Эшиги тупроқи ҳам чу ҳар кондин яхши.

Сўзласа оғзи базе ошиқина хуш кўрунур,  
Чун яқин борғадур ваҳму гумондин яхши.

Жонга оғзи қошинда заррача миқдоре йўқ,  
Шаккарчи оғзи эрур чу ҳар жондин яхши.

Миср-и маънидаги ул шоҳ манга ҳукм этсун,  
Чун келур ҳукм бу шоҳ-и Ҳамадондин яхши.

Ғамза бирла қоши кўнглум қушини овласун,  
Сайд қилғали чу йўқ тиру камондин яхши.

Ноз қилмасуну бир ноз манга қилсун дўст,  
Пирга ноз келур умр жавондин яхши.

Сонсизи бўлғил ўшул шоҳнинг, эй Ҳофиз ким,  
Сонсизи бўлмоқ эрур ишқда сондин яхши.

### 954

Ақл-и кул занжир-и зулфунгнинг эрур девонаси,  
Жумла жонлар қуши ҳам шамъ-и юзунг парвонаси.

Лаъл-и серобинг тилаб ер юзина борди равон,  
Юзум олтуни кўра турғат кўзум дурдонаси.

Сучи лаълингги кўруб сўзласа ман айб этмаким,  
Хуш келур Ширин била Фарҳоднинг афсонаси.

Хайл-и мужгонинг аро ул ғамза ўқи жон олур,  
Ори, иш биткурди сафда лашкари мардонаси.

Ишқ-и нориндин кишининг кўнглидаким бўлса нур,  
Ёнмайин маҳшарға тегру жони онинг ёнаси.

Ганж-и кўнглумда хаёлинг бору ўзга йўқ турур,  
Ганждин доим тўлуғдир бу кўнгул вайронаси.

Тушкали холинг хаёли ушбу Ҳофиз кўнглина,  
Ўзгалардин холийдур доим анинг бутхонаси.

955

Сарв-и равонтанк чиқса ул шаҳр ичра ғавғо бўлғуси,  
Бир ғамзасиндин ҳар замон юз фитна пайдо бўлғуси.

Ул нозанинқад жон бикин қайда бўлур бўлса равон,  
Кўлагасиндин шамшод ё сарв дилоро бўлғуси.

Юзининг узра зулфини машшотаким, шона қилур,  
Бозор-и ҳуснинда анинг юз турли ғавғо бўлғуси.

Жоду кўзи давринда худ кофир баче бўлди, вале  
Лаъл-и лабин аҳдин кўруб борчаси тарсо бўлғуси.

Барноға текса ҳол-и ишқ ул пири қомил кўрунур,  
Ҳам пирга ул ҳолдин етишса, барно бўлғуси.

Топмади висоли гуҳарин мавж-и балода мубтало,  
Бўлуб кўзумнинг ёшидин ҳар қатра дарё бўлғуси.

Ҳофиз бўлубдур фард ўшул дилдорнинг йўлиндаким,  
Жонларға ҳазратдин нидо бир йўли фардо бўлғуси.

956

Солди ёнар ўтга яна жонимни жонон қайғуси,  
Мандин бўлиб бир ён қилур бағримни бирён қайғуси.

Раҳм этмайин жоним олур кофур кўзи ғамза била,  
Ҳеч кофира тўш бўлмасун мискин мусулмон қайғуси.

Бермасман ул жононанинг қайғусини дунёга ман,  
Ганж-и ниҳонимдур маним жонимда ул жон қайғуси.

Айтунг жафо қилсун манга ул жон тилаги ким туруп,  
Ранжимга роҳат меҳнати, дардимга дармон қайғуси.

Бахшойишин кўргил аянг мантак гадога раҳм этиб,  
Мулк-и фароғате берур ҳар дамда султон қайғуси.

Кучай эрур жону жаҳон бирла емак қайғусини,  
Жону жаҳондин кечсаман бўлгайму осон қайғуси.

Ҳофизсан эмди жон чакиб васлин тилаюрсан, вале  
Кўпларни бежон айлади ул об-и ҳайвон қайғуси.

### 957

Исосифат ул турк эрур тангри балоси  
Ки, ойна-йи жонга тушар юзи сафоси.

Ҳеч турлу бақоси йўқ эрур ушбу жаҳоннинг,  
Налло, бор аянг ой юзинда ҳусн бақоси.

Ул ёқаси осий ёқадур жоннию, лекин  
Ёқмоқи маним жонима ҳар лаҳза ёқаси.

Жонтак тани юз таъна қилур осга ҳар дам,  
Чиқса тўнидин гул бики ул дилбар оси.

Казлабдур ўшул гамза ўқин қоши ёсиға,  
Ошиқлари ёсинга қурулмиш қоши ёси.

Ҳар неча қдёс этсаман ул оҳу кўзини,  
Жонимга аянг гамзаси кўз кўра қдёси.

Ман бор экан ўзгани оқариндин ўшул шўҳ,  
Жайхунсифат ол қон ики кўз ёши оқоси.

Минг арз-и ниёз этдям ўшул ноз қилурда  
Ким, ёр эрур шоҳу бу бечора гадоси.

Ҳофиз сўзи чун дурр-и шакарбор бўлубдур,  
Чун ёр тилида ўшанинг шукру саноси.

### 958

Санинг болонг эрур жонлар балоси,  
Қаму шаҳзодалар ҳуснунг гадоси.

Баҳона бирла ўлтурмагинг, эй жон,  
Манинтак минг гадонинг хунхоси.



Адоқнинг тупроқни кўзга чакарман,  
Чун ушбу кўзнинг улдур тўтиёси.

Кўзум нурын қилур ҳар дам зиёда,  
Янгоқнинг узра холингининг қароси.

Бақосиз олам-и фоний ичинда,  
Неча боқсам юзунгдур хуш бақоси.

Неча қилсам қиёс оҳу кўзунгни,  
Кўрарман жонима доим қиёси.

Юз олтун қилди Ҳофиз дард бирла,  
Магар улдур муҳаббат кимийёси.

959

Ой бирла қуёш юзингга то банда бўласи,  
Оламнинг уза равшану тобанда бўласи.

Ул ой юзунг меҳридин эй ойна-йи жон,  
Не сўзласа ман борча хушоянда бўласи.

Қадингни чаман ичра хиромон кўрар эрса,  
Озод экан сарв-и равон банда бўласи.

Гул лоф-и жамол этти юзунг қошинда лекин,  
Хижолат била бўстонда сарафканда бўласи.

Гунча оғзинга, тақи гул юзунга ўхшар  
Теган киши бу сўз била шарманда бўласи.

Ўхшар май-и ноб лаб-и лаълингга тесам,  
Бу сўзга лаб-и лаълинг иши ханда бўласи.

Ком издаю қон бўлди юрак лаъл-и лабингдин,  
Лекин анга рўзий бу шакар қанда бўласи.

Сўрган кишилар об-и ҳаёт лабингиздин,  
Олам ичида Хизрсифат зинда бўласи.

Гар пойи шарифингни ўпа билса бу Ҳофиз,  
Давлат била иззат анга поянда бўласи.

960

Эрурман жон била жонон гадоса,  
Зиҳи қулқам, эрур султон гадоси.

Гадосиман ўшул жону жаҳоннинг,  
Агарчи дун эрур дунон гадоси.

Қилалим тарк бу нон дўстларни,  
Кўнгул бирла чу бўлдуқ жон гадоси.

Жамолу ҳуснииа ҳайрон бўлубман,  
Манингтак қани бир ҳайрон гадоси?!

Ушул рашк-и парий васфин темактин,  
Бўлубман дафтару девон гадоси.

Нечаким зулфи бирла юзи бўлғай,  
Бўламан куфр ила имон гадоси.

Шаҳаншоҳ-и замона бўлғай эрди,  
Даме бўлса анга меҳмон гадоси.

Забур-и ишқ Ҳофизтак ўқиған,  
Қани бу даврда хушхон гадоси?!

#### 961

Меҳрсизин жавр этар жонға бу маҳпораси,  
Ошиқининг ушбудур толий-и истораси.

Оҳу фиғоним анинг кўнглина қилмас асар,  
Сиймтани ичра чун муҳкам эрур хораси.

Ғамзасининг ўқиқим, қилди юракда яра,  
Тиг жафоси тақи ул ярасин ёраси.

Ёр висоли кимунг дардинаким, чорадур,  
Зор ўлар ложарм ошиқ-и бечораси.

Ёр эрур жоне, жон билгил ани бегумон,  
Қайда тилар хонумон ишқининг овораси.

Дарду балоси насиб бўлғали ушшоқина,  
Тутди кўзум ёшидин дам-бадам ош ораси.

Кўрклу юзуна анинг қилди яна Ҳофиз назар,  
Кўзларининг йўлидин келди жигар пораси.

#### 962

Қаю чимгондаким, ул шоҳим манзил қиласи,  
Чашма-йн чашмини ошиқлари сойил қиласи.

Ким анинг эғнина илгини била билса даме,  
Орзу бўйнина илгини ҳамойил қиласи.

Теди шоҳим мангаким, ман сани хушдил қилайим,  
Билмасам қайда ман бандани хушдил қиласи.

Гул бикни ушбу замон завқ ила хандон бўлайим,  
Оқибат даст-и ажал чунки таним гил қиласи.

Қилса осон жон чакмаким ул ғамза ўқи,  
Ушбу ҳол ичра манга ҳолни мушкил қиласи.

Нечага тегру ўшул ошиқ-и жонбозларини,  
Ўлтуруб қасд била ўзини ғофил қиласи.

Ҳар киши бир иш илан мажнун бўлди, Ҳофиз,  
Мани мажнун бори ул шаклу шамоийил қиласи.

### 963

Қароқчи қаро кўз шабихун қиласи,  
Кўзум ёшини ранг-и гулгун қиласи.

Ушул сарв-и боло жафо қилмоқиндин,  
Бу оҳим ўти қасд-и гардун қиласи.

Табиатни ул сарвқаднинг ҳавоси,  
Бу сўзлар бикни рост мавзун қиласи.

Лаб-и лаълининг ҳасрати оҳ ўтиндин,  
Кўзум чашмасин қайнатиб хун қиласи.

Лабиндин шифо бермайин хаста жонга,  
Не ҳикмат билан ўзга қонун қиласи.

Бу Лайло қаро зулфини шонае айлаб,  
Манингдак нечаларни Мажнун қиласи.

Анинг он-и ҳусни бу Ҳофизнинг эмди  
Алифтақ қади шаклини нун қиласи.

### 964

Ҳол билгучи қани ҳоли Масиҳонафасе  
Ким, анинг сўзларидин топса кўнгул бўй-и касе.

Бир нафас этайим ани эшит, эй умр-и азиз,  
Бода ичгилким, эрур ҳосил умрунг нафасе.

Борди майхонаға ҳар ринд муроде тилаю,  
Бода-йи лаълидин ўзга манга йўқ мултамасе.

Ёр азоқинға бошимни била билгай эрдим,  
Бу таманноға кўра бўлса манга дастрасе.

Каъба-йи васлина чунким етиша олмадуқ,  
Бори эшитсак эди йўлида бонг-и жарасе.

Сайд айлагай эдим шаксиз ўшул жонони,  
Бўла билса эди шаҳбоз шикор мағасе.

Ёрсиз боғу гулистонға бу Ҳофиз бормас,  
Онсизин боғ эрур боғу гулистон қағасе.

965

Ишқ тўлғали чу булбул тақи кўнглум қағаси,  
Йўқ турур дарддин ўзга манга бир ҳамнағасе.

Оҳ ила қилмас эдим жома-йи жонимни чок,  
Доман-и васлиға гар бўлса эди дастрасе.

Ёрнинг юзидин ўзгани тиламас кўнглум,  
Ойна юзида чун яхши эмас хору хасе.

Ёткай эрди кўнглум Каъба-йи мақсудинға,  
Лутфидин тегса бу жон самъина бонг-и жарасе.

Ётмади жоним ўшанинг сучи лаълинга даме,  
Гарче жон чакди муҳаббат йўльда дард басе.

Хол лаъл-и лаби устинда ғариб эрмасдур,  
Шакару шаҳдининг устинда қўнар чун мағасе.

Об-и ҳайвон тилаю жон берадур бу Ҳофиз,  
Лаб-и лаълингни манга бер сўрайим умр-и касе.

966

Чикди эшикдин эмди бир сарв-и худнамое  
Ким, айн-и фитна эрур кўзи қоши балое.

Бир боқса ул қаро кўз юз жонни сайд айлар,  
Ким мундайини кўрубдур жоду-йи дилрабое.

Асрор-и жумла-йн олам юзинда равшан эрур,  
Қани анинг юзитақ жом-и жаҳоннамое.

Кўргузмаса вафое, андин ғариб эрмас,  
Чун умр нозаниндур, йўқ умрга вафое.

Дард-и фироқи жонон кетмади бир замоне,  
Бу дард-и жонга қани оламда бир давое.

Гарчи маҳол эрур васли, вале хаёли  
Пайваста лутф айлар бу қулға марҳабое.

Шаҳзодаларга сон йўқ ул шоҳ эшигинда,  
Қайда топар висолин Ҳофиз бикин гадое.

967

Чунким айлади қаро зулфи мани савдойий,  
Эмдидин сўнгра ишим бўлғусидур шайдойий.

Мушку анбарга не қиймат бўла билгай эмди,  
Чун сабо бошлади зулфи била анбарсойий.

Мўъжиз-и Исавий ким кўз кўра бошлади лаби,  
Не ажаб бўлса халойиқнинг иши тарсойий.

Тан хоки манга кўз кўра равон-и жон бўлгай,  
Сўз бяла бошласа ширин лаби руҳафзойий.

Алиф қадни ёд этдиму жондин кечдим,  
Ишқнинг йўлида чун хуш кўрунур яктойий.

Бирни савдук тақи бир йўлида жон ўйнадуқ,  
Қайда ошиқ атанур улким, эрур ҳаржойий.

Қайда ким боқсам ўшул кўзума зоҳир кўрунур,  
Чун жамолидин анинг топди кўзум бийнойий.

Турлу тўфонда кўзум мардуми гарқ ўлмади ҳеч,  
Кўзларим мардуми гўё ким эрур дарёйий.

Ишқнинг йўлида Ҳофиз қил ўзунгни нодон,  
Дард-и сардур чу муҳаббат йўлида доноий.

968

Кўзум юзунга қилмоқлик тилар бир дам тамошое,  
Бу сўздин ўзга йўқ турур кўнглумда таманное.

Хаёлиндин гулистон чунки бўлди кулба-йи аҳзон,  
Маъозоллоҳки, бўлғай жонда майли боғу саҳрое.

Ушул эшикдаким, султонлар осон йўқдур, эй толиб,  
Не бўлғай анда бир мажнун паришонҳол шайдое.

Қаро зулфи ҳавосиндин бошим чун ҳок-и раҳ бўлди,  
Била билман не ҳол эрур тушубдур бошга савдое.

Чинору сарвлар аро маним жонимни издангиз,  
Чу жонимни олиб турур чакиб бир сарвболое.

Шикоят қилмағай эрдим жафоси хоридин ҳаргиз,  
Манга ул нахл-и болосиндин анинг тегса хурмое.

Анинг ройинча бўлмасам бўлур бу ҳолим баче мушкил,  
Тушубдур, Ҳофизо, ман бандага маҳбуб-и худрое.

969

Ранжиндин анинг топмади бу хаста шифое,  
Оламда магар дардина йўқ ҳеч давое.

Не турфа агар тушдум эса турлу балоға,  
Чун йўқдур анинг кўзларитак айни балое.

Занжир-и сар-и зулфида бас бесарупо бор,  
Лекин манга ўхшаш қани бир бесарупое.

Бу занг-и кудурат мани қилмас эди тийра,  
Ойна-йи кўнглум юзидин топса сафое.

Билғай эди бу хаста кўнгул ҳолини жонон.  
Гар оҳ чакиб айласа бир чок қабое.

Нечага текин жавру жафо жонима қилғай,  
Кўргузса не бўлғай манга бир меҳру вафое.

Ҳофизга қачон бўлсун анинг васли муяссар,  
Чун шоҳ эрур ул тақи бу хаста гадое.

970

Лаб-и лаълинг бики йўқдур шакарин ҳалвое,  
Сучи оғзинг бики ҳам тўти-йи шакархое.

Дурр-и васлингни кўнгул издагали жон бирла,  
Бўлди кўз чашмаси ҳажрингда ажаб дарёе.

Ул балоли қадинга бўлмади танг тўш ҳаргиз,  
Гарчи кўргузди баче сарв-и чаман болое.

Жон ҳамиша санинг ул жавр-и рақибингни чакар,  
Хорсиз чун тола билмади киши хурмоне.

Бир замон бўлмадинг, эй жону жаҳон, ройимча,  
Қани оламда санингтак яна бир худрое.

Даъво-йи ҳусн қила билмагай ой юзунг ила,  
Меҳр-и юзунг қошида чуя кўрунур каррое.

Не ажаб бўлмаса Ҳофизга газалда ҳамто,  
Чун санинг ҳусни жаҳонгиринга йўқ ҳамтое.

971

Бўлғали юзунг ҳусн ила хуршид-и худойий,  
Ошиқлара қошинг қиладур қибланимавий.

Бу ҳусн-и худододки, зотингда кўрунур,  
Шукрини билиб айлама даъво-йи худойий.

Жоинмдин ўшул дамда тақи чиқмади дардинг,  
Чун тушди тану жоннинг ора расм-и жудойий.

Гар кўй-и харобатга гаҳ-гаҳ бора билса,  
Зоҳид қила билмагай эди зуҳд-и рийий.

Офоқ муаттар қилур ул турра-йи пурчин,  
Гар шона била айлар эсанг нофакушойий.

Дин йўлида гар қилса хато кўзларинг, эй дўст,  
Эрмас ажабе, чунким эрур турк-и хитойий.

Ҳофиз бики султон-и маъоний бўлур эрдим,  
Гар даст манга берса эшигингда гадойий.

972

Ширин лаб-и лаълинг бики йўқ рухфизое,  
Ул сунбул-и зулфунг бики ҳам ғолиясое.

То бод-и сабо чин сар-и зулфунга тегди,  
Келмади анингтак яна бир нофакушое.

Қадингни кўруб сарв тилар қилғали сажда,  
Тушғали ўшанинг бошина бод-и ҳавое.

Көфир қаро кўзунгдур ўшул турк-и хитойий,  
Ким ғамза ўқин қилмади жонимға хатое.

Ухшағали қўш қошинға кўк узра маҳ-и нав,  
Оламнинг ичинда эрур ангушнамсое.

Бўлмағай эди ҳар нафасе тийра кўнглум,  
Юзунгдин агар топса бу ойна сафое.

Бўлмаса муяссар манга васлинг ажаб эрмас,  
Сан шоҳ-и жаҳонсан тақи Ҳофиз чу гадое.

#### 973

Соқий, манга келтургил ул жомдин шаробе  
Ким, тобидин кўрунса мажлисда офтобе.

Бергил шароб-и софийким, ташналаб бўлубман,  
Жон ҳалқға етубдур, қолмай жигарда обе,

Гар сан харобларнинг ҳолинға раҳм қилсанг,  
Оламнинг ичра йўқтур ман зортак харобе.

Асрук чу майл айлар доим кабобға теб,  
Көфир кўзунгни кўриб, қилдим жигар кабобе.

Уёгда сани кўрмак чун бўлмади муяссар,  
Уйқуда кўргай эдим бўлса кўзумда хобе.

Қилдим савол бўса ул жон бикин лабингдин,  
Не бўлғай, эй суманбар, берсанг манга жавобе.

Умр-и азиз-и Ҳофиз, гар бўлмасанг, не ёдин  
Кетмак учун қилурсан ҳар соате шитобе.

#### 974

Лабинг об-и ҳаёти чу бўлди руҳафзой,  
Хизр мисол хати ҳам кўрунди мушкосой.

Фалакда меҳр ила маҳ бўлсалар жаҳоноро,  
Жамолу ҳусн-и юзи бўлди мулк-и жонорой.

Жамолу ҳуснини кўрмак муяссар ўлғай теб,  
Мудом мажлис аро ёнди шамъ побаржой.

Балою дарду ғам-и ишқ бирла ошиқда  
Не ақл қолди, не сабру, не дил, не дин, не роӣ.

Ҳаво-йи ишқ шикаста кўнгулға тушкали,  
Икки жаҳондин эрурман мудом бепарвой.



Кўнгул муроди дилором васлидур доим,  
Манга мурод-и кўнгул бергил эмди бор худой.

Қачон бу Ҳофиз бечора топгай андин ком,  
Чу шоҳ-и олам ўшулдур тақн бу хор гадой.

975

Тикди жонимга хадангини камон абрўе,  
Ким анинг қоши ёсин чакмага йўқ бозуе.

Хор-хор-и ғам-и ишқини юрагимга тикар,  
Дам-бадам жавру жафо бирла гулистон рўе.

Қаро қоши қошида кўзлариким, маст эрур,  
Тоқу меҳроб аросида кўрунур жодуе.

Турк-и чин ул қаро кофир кўзикимдур сайёд,  
Мулк-и Чин ичра анингтақ қани бир охуе.

Ушбу ошуфта кўнгул ҳолини инкор қилур,  
Кишиким, бўлмаса вобаста-йи анбармўе,

Эшиги итларина ёр бўла билсам эди,  
Бўлгай эди бу жаҳонда манга доим тўе.

Хол-и мушкинини анинг гул бики юзюнда кўруб,  
Ҳофиз айтур не балолар қиладур ҳиндуе.

976

Олди кўнгулумни муҳаббат била бир маҳрўе,  
Ким онанг кўзларитак йўқ турур жодуе.

Маи занфу қаро қошлари жафо жонга қилур,  
Икки ёни чака билмага қани бозуе.

Жом-и лаъл-и лабидин бода тамаъ тутмасман,  
Чун ўшандин манга бу ҳолда басдур бўе.

Тоқатим тоқ қачон бўлгай эди гаҳ-гаҳе,  
Кўргузур бўлса вафо бирла ҳам абрўе.

Издарам сарв-и равонимни баса жўй ба жўй,  
Кўзларим ёши била қилғали жусту жўе.

Хўй нозик белидин дўст магар ўгранди,  
Ким кўрунмади ўшанинг бики нозикхўе.

Ғулғул-и ишқи анинг тушғали бу оламға,  
Ушбу Ҳофиз била бор орада гуфту гӯе.

977

Бормудур ушбу қаро кўз бики бир маҳбубе,  
Қилса ғамза била юз фитнаю ҳам ошубе.

Сарвини қадина ўхшатмаға не имқондур,  
Қадд-и зебосина чун танг бўла билмас гўбий.

Бўлса бўстонда хиромон, қади қошинда сарв  
Нотарошида кўрунур кўзума бир чўбе.

Ғайрға айламадим кўз учи бирла назаре,  
Чун ким ул ёрдин ўзга манга йўқ матлубе.

Ғар жафо қилса маним жонима жонон не ажаб,  
Қилмаган жонға жафо қани жаҳонда хўбе?!

Кўратурғач ўшани ўзгага рағбат қилман,  
Чун ўшанинг бики йўқдур санама марғубе.

Ҳофизо, эшигида йўл манга берса жонон,  
Қирпуқимдин қилайим завқ била жорубе.

978

Бўлғали ишқ элинда бесаруной,  
Қолмади манда сабру ақл ила рой.

Тушғали хаста жонға оташ-и ишқ,  
Боқиб ўртади мани сар то пой.

Дам-и ишқ эмди шамъ урса ярар,  
Чун бу ўт ичра ёнди по бар жой.

Биру ҳам борсан жаҳон ичра,  
Бер муродимни боре бор худой.

Раҳи равон раҳи ҳақиқатдин  
Еткур эмди қулоққа бонг-и...<sup>1</sup>

Топғали заррае асар сандин,  
Моҳ ила меҳрдур жаҳонорой.

Ҳофиз издар кушод эшигиндин,  
Чунки йўқ сандин ўзга бандкушой.

<sup>1</sup> Охирги сўз фотонусхага тушмаган.

Хайр узра ҳар кишиким этибдур далолате,  
Топмағай ул далолатидин бир хижолате.

Айём-и умри маю шоҳидға сарф қил,  
Ким хайр қилмаса, тошар охир маломате.

Зухд-и риейий ботилу завқ-и шароб ҳақ,  
Кўргил ким ихтиёр қилибдур баҳолате.

Кавсар шаробин ичмасу нон-и жавинни ер,  
Ул хушк зоҳид ўшда кўрунг сиз жаҳолате.

Нур-и ҳидоят издар эсанг соф майни ич,  
Ким ичмаса бу майдин ўшулдур залолате.

Равшан мудом ичгилу кўргил сафо-йи жом,  
Ойна-йи кўнгулда тиласанг сақолате.

Хуш ҳол эрурки жонда баса рамз бор экан,  
Майдин кўруиса тилнинг учинда калолате.

Маъбудға сужуд қилиб шукр қилғамиз,  
Ногоҳ етишса пир-и муғондин рисолате.

Ҳофиз бу давр ичинда карак ҳолиё шароб,  
Чун оқибат бу бошға келур турфа ҳолате.

## 980

Ул турк шўхким кўзидур жонлар офати,  
Кўрклу юзунга ўхшамади гул латофати.

Ҳуру парини ўхшата билмас киши анга,  
Чун кечди борисиндин ўшанинг назофати.

Гар офтоб-и ҳусни анинг қилмаса тулуъ,  
Машҳур бўлмағай эрди одам хилофати.

Эрур мурод муҳраси анинг элиндаким,  
Жон ўйнағанда бўлмаса зарра маҳофати.

Ошиқ била тенг айлама зоҳидни дамбадам,  
Чун шер била бўлмади рубаҳ ҳирофати.

Бўлсам халос тею сафар қилсам ихтиёр,  
Айлар зиёда ишқни буъд-и масофати.

Ҳофиз қулум эрур теб айтмиш ушбу санам,  
Султон қилур қулини шаҳаншоҳ изофати.

Бўстону боғда қани ул сарвқомате  
 Гим, гул бикин жамол ила қилса қиёмате.

Ҳарғиз ҳаво-йн Каъба кўнгулумга тушмади,  
 Қилғали ёр кўйида азм-и иқомате.

Гар ёр адоқина етиша билмади бошим,  
 Боре етишди бошимма санг-и маломате.

Ул шўх фитнагар кўзининг фитнаси била,  
 Қолмади ҳеч гўшанишинда саломате.

Зоҳид айтди юзина қилманг назар тею,  
 Зоҳидга бордур бу сўз ичра фаромате.

Тасбиҳ борини кетара билса бўйиндин,  
 Чакмагай эрди умрида бор-и надомате.

Ҳофиз сафо-йн меҳр-и жаҳонтоб топғасан,  
 Гар бўлса ишқдин юзунг узра аломате.

Гар ёр қилса ғамза била бир ишорате,  
 Тушгай ҳамон замонда жаҳон ичра ғорате.

Нонни бериб йўлинда қачон хок бўлсаман,  
 Тирилганман, агар қилур эрса зиёрате.

Бўлғали ишқ ғорати бирла кўнгул хароб,  
 Ушбу хароба топмади ҳарғиз иморате.

Дилдор садр-и суффа-йн кўнглумда ўлтуруб,  
 Ҳукм этса борчага қилур эрдим садорате.

Не тил била сифати жамолини этайим,  
 Чун ҳеч топмасам анга лойиқ иборате.

Юзи сафоси тушса кўнгул ойинасина,  
 Топгай эди бу тийра кўнгул истикорате.

Ҳофиз сўзи кўнгулга асар қилса не ажаб,  
 Чун бор ишқ ўтидин ўшанда ҳарорате.

Жон тилаганда ўшул ширин лабингдин шарбате,  
Ул саволинга жавоби берса, топгай лаззате.

Қон қилибтурур юрагимни хаёл-и лаблари,  
Мундин ўзга яхшироқ қани манга ҳамсухбате.

Завқ бирла шодмонлиқ кўнглум ичра йўқ, вале  
Шукрим бордур ғаму андуҳу дарду ҳасрате.

Тоқат этмайдур бошим бор фироқин чаккали,  
Бошга шамшири элиндин бўлмагайму миннате.

Ўз шаҳримда эркан ёр эшигиндин ман йироқ,  
Кимга тушмиш бор мундоғ олам ичра ғурбате.

Хок-и роҳтак хор бўлуб топсаман ёр эшигини,  
Топсаман ики жаҳонда давлату ҳам иззате.

Оқибат тушгайман, эй Ҳофиз, ўшул жонон била,  
Умр агар берса манга оламнинг ичра фурсате.

## 984

Ҳусну жамолининг чу кўрунмас ниҳояти,  
Амр-и муҳол эрурки билинса бидояти.

Ҳусну жамолидин манга айтунгки, хуш келур  
Яъқуб-и хастасийнага Юсуф ҳикояти.

Мулк-и жаҳонни тутса бу султон, ғариб эмас,  
Равшан эрур чу юзида нур-и вилояти.

Ўз вақтим ила шоҳ-и вилоят бўлур эдим,  
Етишса эрди бандага айн-и инояти.

Кўз учи бирла ҳолима қилсун бирор назар,  
Вожиб эрур чу шаҳга раъният риояти.

Торғж қилди ғамзаси жон мулкини тамом,  
Чун турклар эрур бу қароқчи ҳимояти.

Юзумни қилди зар тақи кўз ёшимни чу лаъл,  
Ишқининг ушбу ваяҳ уза тегди кифояти.

Ман бор экан наг ўзгага жонон жафо қилур,  
Бордур бу чоқли банданинг андин шикояти.

Неким айтса жон хату холидин айтадур,  
Чун йўқдур андин ўзга ҳадису ривояти.

Ҳофиз сўзига ҳеч ниҳоят кўрунмагай,  
Ҳусну жамолининг чу кўрунмас ниҳояти.

Чун йўқ турур камолина ҳаргиз ниҳоятте,  
Бас ҳуснининг ниҳоятгина йўқ бидоятте.

Беҳад камолина етнива билмади киши,  
Гарчи айтди барча ҳадису ривоятте.

Ул мусҳаф-и жамолки юзинда кўрунур,  
Неким этсалар эрур ондин бир ояте.

Тилсиз бўлуб ҳикоят ишқини сўзлагил,  
Чун этмас бу тил анга лойиқ ҳикоятте.

Еткурмади бу йўлни киши ғоятинга ҳеч,  
Чун ғояти камолина йўқ ҳеч ғоятте.

Лутфу инояти била чакмаса ўзина,  
Йўқдур бу ҳадду жаҳд ила бизга кифоятте.

Топғай эди эшигина йўл жону дил била,  
Ҳамраҳ бўлса Ҳофиза нур-и ҳидоятте.

Неча айлагалим биз бутпарастий,  
Қилолим эмдидин сўнг тарк-и ҳастий.

Бу оқилликда йўқдур ҳеч завқе,  
Хушо вақт-и жунуну ишқу мастий.

Даме ишқ ила гар сан ёр бўлсанг,  
Бўласан ҳамдам-и завқ-и аластий.

Муҳаббат йўлида чун хок-и раҳ бўл.  
Тилар бўлсанг мақом-и бутшикастий.

Тиласанг об-и ҳайвон-и маъоний,  
Бу йўл ичра тила жон бирла пастий.

Сарафроз-и жаҳон бўлғай ўшулким,  
Бўла билса меҳнат пойбасти.

Халосе издама зулфиндия анинг,  
Ҳавой-и Ҳофиз асир-и дому шасти.

Йўқ эрди ушбу жаҳоннинг адамда ҳеч асари  
Ким, анда бөр эди жонга ишқнинг назари.

Наво-йи ишқни ушшоқ аро тилар бўлсанг,  
Мисол-и чанг бўлуб бўлгасан сўнгуку тери.

Гилим-и фақру фанода шикаста бўлгилким,  
Кўнгулни олди қаро зулфининг шикасталари.

Мукавванот вужудинга сан сабабдурсан,  
Жаҳон садаф, тақи сансан ўшул садаф гавҳари.

Мурод юзини жон кўзи бирла кўргай эдим,  
Фироқ ахшомининг бўлса эрди бир саҳари.

Агар висол ҳавоси йўқ эрса жонинда,  
Насим-и субҳ не ёвдин юрур орию бари.

Субҳ агар тиласанг, Ҳофизо, жигархун қил,  
Сафони ким тиласа хун бўлур аянинг жигари.

Кўргузур бўлса ўшул ёр бу ёнға гузаре,  
Жигар-и сўхтани чаккай эдим мо ҳазаре.

Дард-и дил ҳосил этарман тею жонон қилмас  
Кўз учи бирла маням ҳолима гаҳ-гаҳ назаре.

Раҳм қилгай эди ул тошбағир ҳолимга,  
Тошга қилса бу дилхаста дуоси асаре.

Талхий-и гардиши даврон манга қилмағай асар,  
Ком-и жонимга тегар бўлса лабиндин шакаре.

Хабар издарам ўшандин тақи ҳол улдурким,  
Бехабар бўлмай ўшандин тапобилман хабаре.

Қилгай эрдим чаман-и васлда ман парвозе,  
Мурғ-и жон қилса танимининг қафасиндин сафаре.

Зулфин илгимга олиб юзини кўргай эрдим,  
Шаб-и ҳижронияда бўлса манга рўзий саҳаре.

Ҳофизо, ишқ йўлинда манга ҳосил ҳоле,  
Оҳ-и сўзон биладур дард-и дилу чашм-и таре.

Қилса дилдор бу мискин тарафига назаре,  
Товгай эрдим бу жаҳон сирридин ул дам хабаре.

Бе нишон бўлмай ўшандин чу топулмади нишон,  
Асаре қолмаса топгайман ўшандин асаре.

Фақр йўлингга кириб ҳиммат-и олий тилагил,  
Чун бу йўлда кўрунур икки жаҳон мухтасаре.

Арш-и иззат уза парвоз қиласан чун боз,  
Гар маоний била қилсанг ўзунга болу паре.

Хок-и роҳ фуқарони танг этар сурма била,  
Улким арбоб-и назар қошидадур бебасаре.

Тўтий-и Миср-и маоний бўла билмак тиласанг,  
Тилагил сучи лаби лаълидин анинг шакаре.

Баҳр-и маънода бу Ҳофиз бики бўлғил ғаввос,  
Ногаҳ тушгай элинга оқибат, эй жон, гуҳаре.

## 990

Келгали ёр-и вафодор манга бир саҳаре,  
Ишқ ғаввоси кўнгул баҳрида топди гуҳаре.

Ишқдин ҳар кишиким топди асар оламда,  
Қолмади буду вужудиндин ўшанинг асаре.

Кечдим ўш эмди равон жону жаҳондин, илло  
Нечаким боқдим ўшандин манга йўқдур гузаре.

Беҳабар бўл бу жаҳондин тақи кўргил юзини,  
Чун они кўрмади оламдаги ҳар беҳабаре.

Васл учун заҳр-и фироқин кишиким доим нчар,  
Заҳар берсалар анга шаҳд бўлур ё шакаре.

Жон бериб бўлсам ўшанинг адоқинда тупроқ,  
Арш қилгай адоқим тупроқидин тож-и саре.

Сидқ-и жон бирла равон ҳар нафасе бандасифат  
Умсунур Ҳофиз ўшул шоҳ-и замондин назаре.



Кечдию қилмади жонен кўз учиндин назаре  
Вале жон эруру йўқдур манга жондин гузаре.

Нахл-и болосидин анинг манга бас хор-и жафо  
Тегдию тегмади бир меҳру вафо бирла баре.

Жигар-и сўхтани баски ёқар ҳажр ўтина,  
Дуд-и оҳимдин ўшул ой юзи топгай асаре.

Новак-и рамзаси тўқтамайин ўтди жондин,  
Йўқдур ул новга қаршу тура билган сипаре.

Хок-и пойини анинг сурма била танг кўргай,  
Улким арбоб-и назар қошдадур бебасаре.

Келса меҳмон бўла бир кеча ўшул ёр манга,  
Жигар-и сўхтани чаккай эдим мо ҳазаре.

Лутф айлаб манга дилдор етишса Ҳофиз,  
Азоқи тупроқидин қилгай эдим тож-и саре.

## 992

Мисрға етса ўшул шахд-и лабининг хабари,  
Хижолатдин эригай қанду наботу шакари.

Ошиқ пок назар қилгали лаълингга назар,  
Дам-бадам айлади кўз ёшини қондин жигарий.

Йўқдур тесам анянг йингичка белини филҳол,  
Йўқни бор қилур кўз кўра банд-и камари.

Гар кўрунмаса ўшул жону жаҳоним, не ажаб,  
Одамининг кўзина чунки кўрунмади парий.

Эшигинда кечалар оҳ ила афғон чакман,  
Бўлмасун тею зиёда ўшанинг дард-и сари.

Кўнгулу жону жигар бир йўли ўтга ёнди,  
Чакдим эрса юзини ёд этиб оҳ-и саҳарий.

Мулки маънода ҳукумат қилур эрдим доим,  
Банда Ҳофизга бўлур бўлса бу султон назари.

Мани девона қилан одаммудур ёҳуд парий  
Ким, анинг хуснига моҳу меҳр эрур муштарий.

Не ажаб уйқумни бағласа қаро жоду кўзи,  
Чун қилур кўз учидин боғғанда сеҳр соҳире.

Ғорат-и дин қилмоқ ичра ул бут-и бадкеш-и шўх,  
Кўргузур ғамза била ҳар лаҳза айн-и кофирий.

Чиқиб эшигдин хиромон бўстонда юруса,  
Бўлғай ул юругагиндин мунифалл кабк-и дарий.

Қиймат-и лаъл-и лабини ошиқиндин сўрунгиз,  
Қадр-и жавҳарни билур бозорда чун жавҳарий.

Ман текки темас киши ширин лабининг васфини,  
Чун мусаллам бўлди оламда манга жонларваре.

Тенг бўла билмас эди Ҳофиз била Хоразмда,  
Туркий айта тирилур бўлса бу дамда Санжарий.

Ер агар қилса бандага назаре,  
Қилғай эрди бу ёнга бир гузаре.

Меҳмон бўла бир кеча келса,  
Чаккай эрдим бу жонни мо ҳазаре.

То мақом айладим муқим эшигини,  
Қилмадим ҳеч ёнга бир сафаре.

Гарчи бўлдум муқим эшигинда,  
Йўқ маннингтак жаҳонда дарбадаре.

Умрдин ком-и жон топар эрдим,  
Берса ширин лаби манга шакаре.

Дуд-и оҳимдин, оҳким, тегадур  
Равшан ул ой юзина асаре.

Ҳофизо, кимийё-йи нишқиндин  
Ёшу юздур манга чу сийму заре.

Анинг бозор-и ишқинда эрурман зору бозорий,  
Вале раҳм айламас ҳолимға ул дилдор бо зорий.

Кимунгким жовини ғамза ўқиндин айласа озор,  
Маним жонимда бўлур беҳато ул ўқнинг озори.

Гирифтор-и каманд-и зулфи ёр турур баса, илло  
Неча издасангиз йўқдур манингтак бир гирифторе.

Ҳаво-йи меҳридин дам урсаман, эрмас ғариб ул сўз,  
Чун эрур зарра хуршид-и мунавварнинг ҳаводори.

Муҳаббат норини чун солди жоним ичра ул дилбар,  
Недин бас солди бу қулни ўзиндин бир йўли нори.

Саодат берса гар ёрий, манга ёрий қилур жонон,  
Манга ёри қилур жонон, саодат берса гар ёрий.

Рақиб таънадин қилди баса душном Ҳофизга,  
Бале, иззат тилаганлар чакарлар ишқда хоре.

## 996

Неча юз сори айлаб ман борур бўлсам анинг сори,  
Манга юзини кўргузмай борур ул ёр бир боре.

Янгоқи норини ҳар дам манга кўргузмайин дилбар,  
Кўнгулда ишқнинг норин ёқиб недин кетар нори.

Жаҳон боғланур ул зулф-и паришонини банд этса,  
Тақи юзин очар бўлса очилур ҳусн-и бозори.

Кўнгулни олдади эрса паришон зулфининг чини,  
Чин-ўқ билдимким, ул турра эрур Бағдод таррори.

Қаро кўзи била мушкин ўшанинг жаъдини кўрган,  
Айтгай: бу паризода эрур оҳу-йи тоторий.

Латофатлиғ танидур қору қор узра сачидур қийр,  
Ва лекин ул қаро холи сифатин қилди хушқоре.

Лаб-и лаълнинг афсофин ўшул тўттий қила билгай,  
Сўзи жонтак латифу хуш, шакардин бўлса минқори.

Тилаб роҳат қаму жонлар қачарлар дарддин, илло  
Шифо янглиғ анинг дардин тилар жон бирла бемори.

Юзининг аксидин Ҳофиз кўнгули бўлғали равшан,  
Мунаввар қилди оламини ўшанинг нур-и дийдори.

Жудо тушди назардин кўргуза ул нозавин ёре,  
Ким андоқ йўқ эди мажмуъ-и олам ичра дилдоре.

Фироқи ҳасратинда кўзума уйқу кела билса,  
Тушумда кўргай эрдим ҳар замоне васлу дийдоре.

Бу дам зорию афғон чаксаман озор-и жонимдин,  
Ғариб эрмас чу жонда бор ҳижрониндин озоре.

Агар мажруҳ бўлса хаста кўнглум турфа эрмасдур,  
Гулистон-и жамолиндин чу бор ул хастада хоре.

Висоли лаззатин, эй кош, ҳаргиз билмагай эрдук  
Ки, мундоғ зор бўлмагай эдук ҳижрониде боре.

Анингтак кўрмадук айёр-и ширинкор оламда,  
Кўнгул олғучи ғамза бирла ғаммоз-и сияҳоре.

Ушул айёр-и ширинкорнинг доми балосинга,  
Муҳаббат бирла бўлган йўқ бу Ҳофизтак гирифторе.

## 998

То бўлди шикаста кўнглум ишқ шикори,  
Қолмади жаҳон ичра даме сабру қарори.

Жон хаста қилур ёр фироқи не қилайим,  
Келмади гулеким, ўшанинг бўлмаса хори.

Парвона сифат кўрмак учун шамъ-и жамолин  
Юз сори қилиб ошнқи ёнди юзи сори.

Қон ёш равон қилди кўзум дўст йўлинда,  
Ҳосил бу эрур кўзнинг оқарию томари.

Жонимни равон қилдим ўшул сарв-и равонга,  
Чин ёр ўшулдурким, аннинг йўқдур айёри.

Ёрим нафасе қолдию жон ҳам чиқойим тер,  
Эй ёр хаёли, нафасе қил манга ёрий.

Ҳофиз сўз айтганда ўшул мўймиёндин,  
Маълум эди сўз ичинда қилни ёрари.

Гар қилса бизим ёнга ўшул шўх гузоре,  
Толғай эди ошуфта кўнгул зарра қароре.

Кўз ранжи губор ила гирифтор бўлубдур,  
Чакмагали йўлидин анинг куҳл-и губори.

Ул ёр фироқинда бу дам жон чакадурман,  
Боре бу замон бергучи қани манга ёрий.

Тиг-и мижжа чаккали ўшул кўзларн кофир,  
Қар гўшада бозгашта манинг бяки ҳазоре.

Махмурману май ғамидин хаставу ранжур,  
Сўрсам лабини бўлрай эди дафъ-и хуморе.

Манким ўшанинг ёди била жон берадурман,  
Бас мушқил эрур тегса манга бўсу каноре.

Бекору паришон юрумас эрди бу Ҳофиз,  
Гар бўлса анга дўст била бир сару коре.

## 1000

Санингтак жаҳонда қани гульузоре  
Ки, бўлса ўшанинг юзи лолазоре.

Санинг нортак ол янгоқингни савдим,  
Маним жону кўнглумга тушгали норе.

Санингтак бу майдон-и оламда йўқдур  
Кўнил олғучи нозанин шаҳсуворе.

Қароре манга қайда бўлсун жаҳонда,  
Қаро зулфунга чунки йўқдур қароре.

Хатту оразингни саварман ҳамиша,  
Анингтак манга йўқ чу лайлу наҳоре.

Юзунг узра ул зулф-и мушқинму эрур  
Ваё сафҳайи гулда хат-и губорий.

Гулистон-и юзунгга ошиқ туман бор,  
Вале йўқ бу Ҳофиз бикан бир ҳазоре.

Санингтак ҳусн бўстонида йўқтур доларухсоре,  
Манингтак ишқинг ичра ҳам кўрунмас бир гирифторе.

Юзунг узра кўзунг янглиг кўрунмади манга ҳаргиз,  
Гулистоннинг аро хоб айлаган оҳу-йи тоторе.

Ушул ғамза ўқи қилғали кўнглумда баса озор,  
Нечаким боқдим андоқ кўрмадим ҳаргиз дилозоре.

Кўзунг давринда лаълингга қачон етсун кўнглумжим,  
Етишмади муродинга ўшандин ҳеч беморе.

Қаро жоду кўзунг уйқумни сеҳри бирла боғлабтур,  
Манингтак бўлмасун оламнинг ичра ҳеч бедоре.

Ҳаво-йи ишқинг ила зарра сон учмоқ тилар кўнглум,  
Жамолинг меҳри бирла қил они, эй жон, сабукборе.

Висолинг давлатин рўзи қил, эй султони динпарвар,  
Бу Ҳофизтак чу йўқтурур висолингга талабгоре.

Қачонким эсса гулистон аро насим-и баҳорий,  
Чакар кўнгул била булбул ўшанда нолаву зорий.

Бу мунча оҳу фиғонларни чакмагай эди булбул,  
Чаманинг ичра агар гул ёнида бўлмаса хорй.

Бақое меҳру вафо гулда йўқини билур эркан,  
Қилур бу булбул-и ошуфта меҳрибоню ёрий.

Навое жонни топуб ҳар нафас наво қила бошлар,  
Кўрунган орада булбул кўзинга лолаузоре.

Димоғ-и жону кўнгул бўлди ушбу дамда муаттар  
Ки, бўйи сунбулу гул бирла тўлди боғу саҳорий.

Дўкон атрфурушиким очди боғу гулистон.  
Касод Чинда чин-ўқ бўлди эмди мушк-и таторий.

Ези юзи тўлу нақшу нигор бўлдию, лекин  
Кўрунмади боре Ҳофизга ҳеч нақш-и нигоре.

Юзи янглиғ қани оламда гулу гулзоре  
Ким, анинг қошинда кўрунса гулистон хоре.

Ман текни хаста-йи ҳижронга тараҳҳум айланг,  
Ғам била жон чакадурман тақи йўқ ғамхоре.

Гарчи асрари бу қулни йўқ ўшул шоҳимнинг  
Вале бу қул била ул шоҳ аро бор асроре.

Ғамза ўқи била ўзгани қилурса озор,  
Тегар ул ҳолда жонимға маним озоре.

Аҳл-и ишқ орасинда бўлғай эдим сарҳалқа,  
Бағласам зулфидин анинг белима зунноре.

Гарчи жоду кўзи айёри ҳабашдур ўшанинг,  
Турраситак қани Бағдодда бир тарроре.

Ҳофизо, тийра қачон бўлғай эдим зулфи бикин,  
Ер кўргузса манга лутф қилиб дийдоре.

## 1004

Қани оламда санингтак санаме манзуре  
Ким, назарбоз кўзум топса юзиндин нуре.

Жумла-йи майхонада асруклар аро кўп каздим,  
Вале кўзунг бики кўрунмади бир махмуре.

Топмаган ҳеч шифони лаб-и ширинингдин  
Ушбу оламда манингтак қани бир ранжуре.

Бу латофатки, санинг зоту сифатингда эрур,  
Қайда бўлғай санга ўхшаш малаку ҳам ҳуре.

Бор мағрур баче олам ичинда, лекин  
Сан бикин йўқтурур ҳусни била мағруре.

Мулк-и Ҳинд ила Хитода нечаким казди кўнгул,  
Зулфу юзунг бики йўқ анбару ҳам кофуре.

Лутф ила Ҳофиз-и бечораға қилсанг назаре,  
Ушбу вайрона кўнгул бўлғай эди маъмуре.

Жон самъина етишса дилдордин каломе,  
Бу хаста дилга бўлмай оламда нек номе.

Доруссалом бўлуб дўзах бикин бу кўнглум,  
Ул сарв-и хушхиромоним қилса манга саломе.

Гар хок-и остони ишқ ичра бўла билсам,  
Оламда топмағай эрдим хуш манзилу мақоме.

Ул меҳр-и оламафрўз, ман зарра-йи ҳақире,  
Ул шоҳу шоҳзода, ман камтарин гуломе.

Қилмай тафарруҳ учун шаҳбоз-и қуде парвоз,  
Гар айласа бу ёнга чун кабк-и хушхироме.

Хуршид олам ичра равшан қачон бўлур даме,  
Ҳусну жамолидин гар қилмаса нур воме.

Шерозий туркларга элтунг бу шеърниким,  
Сурдум бу тавр узра Ҳофиз бикин каломе.

## 1006

Етургил, эй сабо, мандин паёме,  
Тақдир жонинга айгил хуш каломе.

Ким ул ошинқ фироқ ўтига куюб,  
Алифтак рост қадри бўлди ломе.

Каманди зулфу юзунг ҳасратинда  
Кечурур зорий бирла субҳу шомин.

Етибтурур ўларга фурқатингдин,  
Висолингдин ийзо бергил паёме.

Висолинг бирла кўнгулни шод қилсанг,  
Қолур савдин жаҳонда эзгу номе.

Аё шоҳи замон ҳуснунг ҳаққинда,  
Не бўлмай шод бўлса бир гуломе.

Бирарда Ҳофиз-и мискинни хуш кўр,  
Ким ушбу умрга йўқдур давоме.



Субҳ-и юзунг уза хатинг шоме,  
Олди кўнглумни дилбар-и Шомий.

Бода-йи лаълингиздин ўграндим,  
Дард йўлида дурдошомий.

Неквом ўлмоқ ушбу йўл ичра,  
Эрур, эй дўст, асри бадномий.

Сўз-и ишқингни жон била тиламас  
Кимдаким бор заррае хомий.

Топмас ором бир даме кўнглум,  
Бўлгали сан санам дилороми.

Қайди зулфунгдин ўзга жонимнинг  
Қайда бўлсун даме саранжоми.

Бир жом илгиндин шароб ичгил,  
Ҳофизо, бўлмоқ издасанг жомий.

Қаро зулфи шабу юзи чу моҳе,  
Мушингтак қайда бордур, солу моҳе.

Юзинда ҳол-и мушкин бас ажабдур  
Ки, мулк-и Румни тутди сипоҳи.

Юзинга нисбат этман барг-и гулни,  
Чу гул бирла тенг эрмас ҳар гиёҳе.

Гуноҳим ушбуким, жон бирла савдум,  
Наг ўлтурур мани ул бегуноҳе.

Жафову жаврини оз айласун дўст,  
Тиламаса ҳамиша додҳоҳе.

Рақиб учраса они издаганда,  
Келур ул дам манга ҳол-и табоҳе.

Мани билмасангиз сиз яхши билемг.  
Бу Ҳофиз қул эрур, ул подшоҳе.

Кўнгул бўлгали жонон такагоҳи,  
Ёқар жонимни ул хол-и сиёҳи.

Не қадғу бор анга жавр айламакдин,  
Эрур равшан юзи чун узрхоҳи.

Хаёл-и нури гашт айлар кўзумда,  
Анингтакким, казар чашмада моҳий.

Юзини жон биланким ёд этарман,  
Чиқар кўк узра оҳ-и субҳгоҳий.

Икки оламда иззат топгай эрдим,  
Қила билсам бошимни хок-и роҳи.

Ушул ғамза жаҳонни ёқмас эрди,  
Кўзи гар бўлмаса пушти паноҳи.

Ўшанинг даъвий-и ишқинда Ҳофиз,  
Берур ёшу юзум ранги гувоҳий.

## 1010

Юзунгда кўрар жон кўзи анвор-и илоҳий,  
Қадинга баса лойиқ эрур хилъат-и шоҳий.

Кўзунг қароқи бирла кўнгул мулкани ақдинг,  
Ул туркка менгзар қани оламда сипоҳий.

Ҳар гўшада ғамзанг қиладур фитнаву офат,  
Чун турклар эрур ўшанинг пушту паноҳи.

Юзунг билла зулфунг бики кўрклу кўра билман  
Бўлгали жаҳон ичра сапидио сиёҳий.

Гулзор-и жамолинг ғамидин хок бўлурсам,  
Ёшаргай ўшул хоким уза меҳргиёҳи.

Ошиқға жафо қилма ёмонлар сўзи бирла,  
Чун ишқдин ўзга йўқ анинг ҳеч гуноҳи.

Даъви-йи муҳаббат юзунга қаршу қилурман,  
Чун маҳрам-и жонсан тақи бу ҳол гувоҳи.

Ул моҳ юзунг фикридин ўзга қила билман,  
Баҳр-и ғам-и ишқингда кўнгул бўлгали моҳий.

Куйдурмагил, эй хирман-и гул, Ҳофиз жонин  
Ким кўк уза ҳар дам чиқадур ўт бикин оҳи.

Юзин кўргузди эрса эшигиндин моҳ-и хиргоҳий,  
Мунаввар қилди тийра кўзларамни ул замон моҳи.

Юрагим рашк бирла қон бўлур ул ҳол ичра ҳам,  
Қачонким сояси бирла хиромон қилса ҳамроҳи.

Азизим гар анинг йўлинда бўлсам хор ғам эрмас,  
Гадоси чун бўлуб, бўлдум маоний мулкининг шоҳи.

Оғзин жону дил бирла не ёндин савмагайманким,  
Берур ҳар дамда сўзи бирла жон сирридин огоҳе.

Кўзумда зулфи бирла сонди шакли курунадур  
Анингтакким, кўрунса баҳр ичинда оғ илон моҳий.

Кўнгулни синдуруб қон қилса кўзлари айб эрмас,  
Қани анинг бикии қон ичкучи бир турк испоҳий.

Анинг йўлинда Ҳофиз ишқ бирла жонин ўйнади,  
Мунунгтак қайда бўлғай ҳар кишининг расм ила роҳи.

Улким бўйидур сарву юзи сарв уза моҳе,  
Мажму-и жаҳон бандадур, ул орада шоҳе.

Бўй чакдию бош ҳам чакадур жавр қилурга,  
Айб айламангиз кўк сори гар чаксаман оҳе.

Бас оҳ юзи ҳасрати бирла чакаримдин,  
Ой юзида пайдо бўласи хатт-и сиёҳе.

Гул даврида андоғки бўлур сабза дамида,  
Ул лола юзи узра карак меҳрғиёҳе.

Ҳол-и кўнглум зулфи бикии бўлғуси дарҳам,  
Гар айи-и иноят била қилмаса нигоҳе.

Сайлоб-и кўзум элтадур ўзумни анингтак,  
Ким элтса Жайхун чакиб ўзи била коҳе.

Бошим бўла билса эди хок-и раҳ-и дилдор,  
Топғай эди анинг йўлида иззату жоҳе.

Гар топсам эшигинда анинг бир нафасе роҳ,  
Бўлғайди малойик ора ман бандага роҳе.

Ҳофиз эшигиндин юзини қайтара билмас,  
Чун йўқдур анингтак ўшанга пушту паноҳе.

Бу қулға йўқ чу сантак подшоҳе,  
Иноят айни бирла қил нигоҳе.

Қадинга бўлғали жон бирла банда,  
Чакарман кўк сори бехост оҳе.

Жамолинг бирла бўлғайсан жаҳонгир,  
Чун аҳл-и ишқдин чакдинг сипоҳе.

Тариқ-и ишқинг ичра жонни берган  
Эрур икки жаҳонда рўбароҳе.

Таним бирла кўзум ёшинга нисбат  
Бўла Жайхуннинг ичра барг-и коҳе.

Қаро жодулар эди кўп, валекин  
Кўзингтак қани хонумонсиёҳе.

Ҳилоле бўлди Ҳофиз ғам элиндин,  
Юзунгни кўргали бўлди чу моҳе.

Ширин лаби узра ўшанинг қоп қора холи,  
Қилмади кўнгул мулкани ғамдин боре холйй.

Сўрганам учун танг-шакартак оғзиндин,  
Ҳеч кетмади жондин ўшанинг зарра хаёли.

Сучи сўз ила жон қушини алдаю олиб,  
Еткурди эса тудоқи боре сўроли.

Нуқсонлу назар тушмасин ул жон тилагига  
Ким, ҳусн ичида бор анинг асри камоли.

Ўзгани саварсан тею жонимға қиёдур,  
Кофир кўзи фаттон, ўзи ёлгончи йалоли.

Эй жону кўнгул, кел эшиги итлари бирла,  
Шакар бики тупроқ ўшул эшикда йилоли.

Ол бирла кўнгул алдағучи лола янгоқдин,  
Олтуи юз уза сочди кўзум лаълу лолли.

Тош ёғдурадур бошқа чиқиб барча бошинга,  
Ҳаддин тош эрур бошға анинг шеваву оли.

Ҳофизни кўрунг доласифат лол қилибдур,  
Юз олини кўргузган орада юзи оли.

Бўлгали ой юзинда пайдо бу зулфу ол,  
Бўлмади дарду ғамдин кўнглумнинг эви холий.

Ошуфта зулфина жон тушкали завқ бирла,  
Мажнун бикин кечадур пайваста вақту ҳоли.

Гарчи хайёл бўлдум нозук белини издай,  
Кетмади жондин анинг нозук дами хаёли.

Кўнглумни оғзи олиб еткурди эрса эмди,  
Ул жон-и жон лабиндин боре бирор сўз сўрали.

Ман содадил ўшанинг юзинга боқдим эрса,  
Олди кўнгулу жонни юз оли бирла оли.

Нетиб қуёшу ойга юзини ўхшатайим,  
Чун бор иккисининг нуқсони ҳам заволи.

Туркий ғазалда топди Ҳофиз Камол таврини,  
Чун бор ҳусн ичинда дилдорининг камоли.

## 1016

Бўлмаса муяссар манга дилдор висоли,  
Хушдурки, даме холий эмас васли хаёли.

Ман соя сифат ёр азоқини ўшар эрдим,  
Гар даст манга берса эди ёр висоли.

Ул бор экан ўзга қачон кўзга кўрунсун,  
Юлдузни чу маҳв айлади хуршид жамоли.

Хуршидни равшан юзини танг кўра билман,  
Чун зоҳир эрур барчага хуршид заволи.

Майхорада майдин кўрунур жавҳар-и инсон,  
Бас жавҳар эрур майкаданинг сангу сафоли.

Хатт-и лаб-и лаъли кўрунур сабз ҳамиша,  
Чун бор каноринда анинг об-и зилели.

Бир донача йўқ жонда жаҳон фикриё лекин  
Холи ҳавасиндин нафасе бўлмади хели.

Айб айламангиз илқ ила девона бўланга,  
Ким ҳоли бори бор анинг завқию ҳоли.

Ҳофиз кўнглини овласун ул турк-и парийсод,  
Чун ошиқ ила зоҳир ўлур ҳусн камоли.

Ул қошмудур ё тақи меҳр узра хаёле,  
Ё бадр-и тамом узра эрур шакл-и ҳилоле.

Нозик белининг фикри тушар хаста кўнгулга,  
Қил бики қачонким чулашур жонга хаёли.

Холий бўла билмади кўнгул лавҳ-и гаминдин,  
То сафҳа-йи гул устида бўлди хатту коле.

Ой ила қуёш иккиси йўқ бўлғай эдилар,  
Кўргузса эшигдин чиқиб ул ҳусну жамоле.

Хуршид қачон ҳуснина танг тўш бўла билгай,  
Чун йўқдур анинг ҳуснина нуқсону заволе.

Йўлинда анинг хок бўлурдин ғам эмас, лек  
Ғам улки етишмаса анга гард-и малоле.

Бош қўйғай ўшул шоҳ-и замоннинг эшигинда,  
Ҳофизга қачон даст берур бўлса камоле.

## 1018

Жон олғали гар қилса қаро кўзлари даъво,  
Ғамза била этибон этар ул даъвога маъно.

Кўзини қаро қилғали ул шўҳ-и яғона,  
Кўз кўра берур кўзлари ол қонима фатво.

Еқут олур қувват равон ҳар нафасиндин  
Ким, бор анинг лаъл-и лабинда дам-и Исо.

Ойтак юзидин топди кўнгул нуру сафое,  
Чун Води-йи эйманга тушар нур-и тажалло.

Жон қоматини кўргали тўбини унутди,  
Тўбо ангаким, бўлди нигоре қади тўбо.

Кўнгулум бу жаҳон ичра қарор этмади ҳаргиз,  
Чун асл-и дилором эрур асл таманно.

Жон шамъини ёқмоқ ёқадур теса тонг эрмас,  
Мажнун тоғуб ул жон тилаги Лайлини лайло.

Бе дардсан, эй зоҳид-и афсурда, талашма,  
Дилдор эшиги бизга, санга дунёю ақсо.

Ҳофиз сўзини муддаий кўруб, кўра билмас,  
Тонг эрмас агар кўрмаса хуршидни аъмо.

Мантак қани теб қилса жамоли била даъво,  
Юз хуси ила нур кўргузур ул даъвога маъно.

Ул сарв-и равон қадини издаю борадур  
Ҳар лаҳза кўзум чашмасидин кўз кўра сайло.

Недин манга майл этмас ўшул ёр-и жафогар,  
Чун қилмади ҳар лаҳза кўнгул ўзгага майло.

Салмоға назар солмагани ҳеч тонг эрмас,  
Мажнун-и вафопеша топуб Лайлони лайло.

Бермасман анинг доман-и ишқини элимдин,  
Гар халқ-и жаҳон берса маним қонима фатво.

Гулзорга бормасман ўшанинг эшигиндин,  
Чун ошиқ-и бечорагадур жаннат-и аъло.

Ҳофиз не ажаб топса сафое юзидинким,  
Ойина-йи кўнглинга тушар нур-и тажалло.

## 1020

Кўргузса манга юзидин анвор-и тажалло,  
Бўлғай эди вайрона кўнгул жаннат-и аъло.

Даво-йи жамол этса ярашур ўшангаким,  
Оламда эрур подшаҳ-и суврату маъно.

Давосина иқрор қилибман ўшанингким,  
Кўргуздию ҳам айлади маъно била даъво.

Ул пок назар шоҳ-и замонга қул эрурман  
Ким, заррача йўқ қошида бу дунёву уқбо.

Ёд айласа ул шоҳ бу қул, ажаб эрмас  
Мажнунни чу ёд этди бирар ҳолда Лайло.

Ошиқ ўшанинг эшигида қадини кўруб,  
Ҳаргиз тиламас кўнгли била жаннату тўбо.

Кўргали равон қади била қошини Ҳофиз,  
Ул тифлга ўхшарким, ўқур доим алифбо.

Чун қилмади ул сарв-и равоним манга майле,  
Кўз чашмасидин бўлди равон дард ила сайле.

Дурж-и кўзум ўш бурж-и сурайё бўлур эмди,  
Чун толнима бўлмади толиъ чу суҳайле.

Гаҳ-гоҳ бу хастанн сўра келса бўлурким,  
Мажнун била хуш борди бирор ҳолда Лайли.

Зулфу юзидни ўзга неча кўргучи ким бор,  
Хуршид-и жаҳонтоб била кўрмади лайле.

Дийдор рақибдин эрур оху фиғоним,  
Кўрган чу тамуғ юзин этар вой ила вайле.

Ул дўст манга бўлсау олам қаму душман  
Не қадғу, чун ул асл эрур барча туфайли.

Эй шоҳн замон, айлама Ҳофизга жафолар,  
Ким ўргана оҳининг ўтиндин яна хайли.

Қилур равшан юзи ҳусн ила даъво,  
Тақи кўргузур ул даъвога маъно.

Лабиндин топсаман жонни ажабким,  
Берур ўлганга жон анфос-и Исо.

Манга икки жаҳоннинг давлатидур  
Анинг йўлинда борса дину дунё.

Қачон ошиқлари кўзинга кўрунур,  
Муҳаббат йўлида дунёву уқбо.

Манга дилдордин ўзга каракмас,  
Чу васлидур манга асл гаманно.

Туғар Мажнунга кеча офтоби,  
Агар кўргузса юз лайл ичра Лайло.

Кўзи йўқлар бу Ҳофизни кўролмас,  
Бали хуршидни кўрмади аъмо.



Неча бу қадғуни ерсан, ичакўр эмди май,  
Чу умр қадғу билла кечди дам-бадам ҳай-ҳай.

Фироқ сўзлари бас сўзнок кўрунадур,  
Тануқдур ушбу сўзумга ҳамиша нола-йи най.

Элнингда бор экан об-и ҳаёт унагил,  
Чу ҳақ теди ва мин ал-мон кулли шайъин ҳай.

Илож бўлмаса чун охириин давоки эрур,  
Бу доғ бирла йўқолди жаҳонда қайсару кай.

Жаҳоннинг ишина вобаста бўлмагил, эй дўст,  
Чун ушбу олам ишидур ҳақиқатан лошай.

Бахил бўлмаю оламда, бас жавонмард ўл,  
Ким ўлдию тақи зиндадур исми Хотам-и Тай.

Бу давр-и жомии Ҳофиз баса ганимат кўр,  
Чу оқибат йўқалур офтобу қутбу жадй.

## 1024

Бўлубтурур кўнгул Мажнун-и Лайли,  
Ки юзидур сабоҳу зулфи лайле.

Ушул сарв-и равоннинг ҳасратинда,  
Кўзум ёши равон бўлди чу сайле.

Фироқи ўтина ўртангали жон,  
Ҳамиша ишим эрур вою вайле.

Ғариб эрмас манга майл этмаса дўст,  
Пари чун қилмади одамга майле.

Манга мақсуд жонондур жаҳондин,  
Чун улдур меҳмон олам туфайли.

Нишон-я давлат ўлғай ушбу қулға,  
Қачонким бўлса толуъ чун Суҳайли.

Вафо қилса не бўлғай гоҳ-гоҳе,  
Жафо айлади чун Ҳофизга хайли.

Күз чашмасынинг Фироту Нили  
 Айлади тўнумни ранг-и нилий.  
 Ишқинг йўлида қадамни босдим,  
 Чун қоним эрур бу йўл сабили.  
 Бодом-и сиёҳ сочиғ эткил,  
 Бўлсам қаро кўзларининг қатили.  
 Ул ҳусну жамолдин хижиладур,  
 Хавро орасидағи жамили.  
 Кўргуз манга юзу дўстлиқ ҳам  
 Кўрсун кўзум оташ-и Халилий.  
 Мехроб қошинг қошида кўзунг,  
 Қибла йўлининг эрур далили.  
 Бир бўса закот-и ҳусн бергил,  
 Қилма бу гадо учун бахилий.  
 Зулфунг сўзина етишди кўнглум,  
 Занжир тилар магар бу тели.  
 Чун Ҳофиз айтди сўз лабингдин,  
 Андин бери бўлди сучи тили.

Солди набот жонина шўр анинг шакар лаби,  
 Об-и ҳаётни хижил айлади себ-и габгаби.  
 Юзи била арақларинга анинг ўхшагай тамом,  
 Гар бўла билса меҳр ила моҳ юзинда кавкаби.  
 Зулфики, ҳам бўлуб турур ой бикин юзи узра,  
 Ганжнинг узра гўё мор эруру ақрабе.  
 То юзи узра зулфини кўрди, шикаста ошиқи  
 Кечатурур анинг дуоси била рўзу ҳам шаби.  
 Неча ниёз айласам ноз ила жавр этар манга,  
 Оқибат айлагай асар ушбу шикаста «ё раб»и.  
 Асли вужуд ишқ эрур, ишқни ҳосил айлагил,  
 Топғали гар тилар эсанг сирр-и валию ҳам набий.  
 Қайтара билмагай юзини ишқ йўлидин эмдиким,  
 Ҳофиз-и дил шикастанинг бўлди бу тавру мазҳаби.

Жон боғи манга бўлғали ул зулф каманди,  
Бўлмади анинг ишқида бандаси дарбанди.

Ман хок сифат паст анинг йўлида бўлдум,  
То соясини солса манга сарв-и баланди.

Кўз тегмасун ул ой бикин юзина тею,  
Ўт устида хол сипаҳи бўлди сипанди.

Тож-и сар-и афлок бўла билгай эдим ман,  
Гар қилса мушарраф мани ул наъл-и саманди.

Жон нақдини ман, пешкаш-и ёр қилайим,  
Жон нақди бўла билса бу дилдор писанди.

Гар топсам анинг лаъл-и лабиндин маза-йи умр,  
Не ишга қарак Мисрнинг ул шакару қанди.

Ҳофизга кўрунди бу замон ҳолу камоле,  
Чун ҳол билан қилди мадад шайх-и Хўжандий.

То кўрунубдур манга ул сарв қадд-и моҳрўй,  
Сарв бирла гулдин издамади кўнглум рангу бўй.

Чу каноринда ўшул сарв-и равонни кўргали,  
Кўзларимнинг ёши издарлар ўшани жў-бажўй.

Ишқ майдонинда элтибмиз саодат гўйини,  
То қилибмиз зулфининг чавғони учун бошии гўй.

Бўлса ишқининг шароби жонда бу тан бўлмасун,  
Жом-и софий бор эркан не қарак тийра сабўй.

Нисбат этман мушк-и Чинни чин ўшанинг зулфана,  
Чин зулфинин эрур чун жумла-йи олам мушкбўй.

Юзина қаршу тура билмагай эрди ойина,  
Гар бўла билмаса эрди ойина пўлодрўй.

Бўлгай эрдим, Ҳофизо, бир йўли маҳв-и ишқу ҳусн  
Йўлда ул дилдор бирла тушсам эрди рўбарўй.

Дарддин ўзга манга йўқтур жаҳонда ҳамдаме,  
Чун бу реш-и дилга топман олам ичра марҳаме.

Дард-и ҳолини темага жон бикин маҳрам керак,  
Қайдадур айтунг манга жонтак бу дам бир маҳраме.

Одамийлар дам била нокасни одам қилдилар,  
Айтунгиз қайдадур ушбу дамда ул одам даме.

Олам ичра ман анинг ҳуснинга ҳайрон бўлғали,  
Юрсаман ҳайрон эрур ҳайронлиқимга оламе.

Деву дад барчаси фармонимни тутғай эрдилар,  
Илгима текса Сулаймон-и замондин хотаме.

Ҳок-и раҳман дурд-и дард ичкучи ул уеруккаким,  
Қатрадин дарё қилиб дарёни айлади наме.

Офтоб-и юзини дилдор очса ногаҳон,  
Қолмағай бир зарра Ҳофиз кўнглинда ғаме.

## 1030

Топмадим ушбу жаҳонда боре соҳибқадаме  
Ким, анинг илгида бўлса дирамию карами.

Олам-и дун-и даний жавру жафоси элидин  
Ҳар нафас сийнадин оҳим ўти чакди аламе.

Оҳим ўти била ман ўртанур эрдим шаксиз,  
Бермаса якки кўзум ёши ўшул ўтга наме.

Ақл ташвишга тушди эса зулфидин анинг,  
Дафтар-и ақлга ман ишқ ила чакдим рақаме.

Белвнинг нақшани сувратга кетурганда хаёл  
Муъйдин нозуку борик керакдур қаламе.

Жумла бутхонани каздим тақи бир кўрмадим  
Ким, анинг ҳуснина танг тўш бўла билса санаме.

Фотиҳа ўқуди ихлос ила ушбу Ҳофиз  
Юзи учун тақи юз турлу дуо субҳдаме.

Кўнглум шод қилур ҳар нафас ёр гами,  
Кўргузур турлу фараҳ жонима дарду алами.

Ишқдин ошиқеким, дам урур эрди доим,  
Охиру-л-амр эшигинда равон бўлди дами.

Бўлсун ул ёр саодат била кўп йиллар бор,  
Ўзгаларнинг манга танг бўлди вужуду адами.

Қилдим ағёрдин ўш ҳужра-йн жонни холи,  
Лутф бўлур эди гар ҳужрага тегса қадами.

Дарбадар ҳалқа сифат қилди мани саргардон,  
Жавр била ўшанинг туррасининг печу хами.

Бут-и Чин нақшини наққош савод этганда,  
Кўр деса холу хатин тушди элиндин қалами.

Ортуқ-ўксук манга кўп сўзлама, эй вонзким,  
Ҳофиз-и сўхтанинг ўчкулудур бешу ками.

Бўстон ичра очилди эса гулнинг варақи.  
Эмди зорийлиқ эрур шифта булбул сабақи.

Ернинг юзини кўрди эса гул бўстонда,  
Бўлди хижолатзадаю оқди юзиндин арақи.

Айб қилма назаре қилсам анинг юзинга,  
Мая назарбозу анинг юзида бор кўз ҳақи.

Жонни кўрмага бор имкон тесалар жондур бор,  
Ушбу сўз бўлди бори аҳл-и назар муттафақи.

Кўзи қошинга бора билмага имкон йўқким,  
Ҳорат-и жон қиладур кўз кўра ул кўз қароқи.

Зоҳид-и шаҳр ҳамиша юрур эрди бир тавр,  
Бўлди зулфини кўруб дарҳам ўшанинг насақи.

Жон била ёр висолни тилагай Ҳофиз,  
Лутф-и ҳақ бўлуб агар бўлса танинда рамақи.

Юзини кўрса уялур беҳиштнинг боғи,  
Узун сачи кўнглум шаҳбозининг боғи.

Узумни оҳ ўтина ўртасам ажаб эрмас,  
Чун ой юзинда қаро холи бўлди жон доғи.

Қарору амни оламда ким тапа билгай,  
Қаро қароқчи кўзи чун бўлбтурур ёғи.

Кўнгулни овласа эрди бирарда ул дилбар,  
Жаҳонни сайд этар эрди муҳаббати оғи.

Рақиб ишқ ҳаводори бирла танг бўлмас,  
Ҳумой бирла танг эрмас маҳалланинг зоғи.

Хаёлини издар эрсанг, кел, кўзумда издаким,  
Булоқтак икки кўздур хаёли яйлоғи.

Инонмағил кула сўзлаганинга, Ҳофизким,  
Жаҳонни кўз кўра ўртар анинг бирор лоғи.

## 1034

Равон қил мажлис аро жом-и майким, жонсан, эй соқий,  
Гадоийингдур қаму. ушшоқу сан султонсан, эй соқий.

Шароб завқи ҳар маҳбубнинг лаълиндадур пайдо,  
Ичарга ҳукм қилким соҳиб-и фармонсан, эй соқий.

Тўлудур шиша-йи суврат шароб-и маънодин зоҳир,  
Вале лутф ичра ул майдин тақи пинҳонсан, эй соқий.

Мақому фазлини билмай юрак издаю қон бўлди,  
Айтғил бир нафас бори манга қандонсан, эй соқий.

Висолингни талаб қилганда манинг жоним бўлур бўлса,  
Фидо бўлсун йўлунгдаким, анга арзонсан, эй соқий.

Наво булбул биқин ушшоқ этар юзунгни кўрубким,  
Латофат бўстонида гул-и хавдонсан, эй соқий.

Тушар куфру залолатга қаро зулфунг кўруб Ҳофиз,  
Ниқоб олғил юзунгдинким, анга имонсан, эй соқий.

Бўлса мажлис аросинда манга дилбар соқий,  
Топгаман умрум ила жону жаҳонни боқий.

Маст бўл бода-йи лаълини кўруб жононнинг,  
Неча қилгайсан аё гўшанишин зарроқий.

Тўлун ой узра қаро қошиким, эрур чу ҳиллол,  
Кўрунур жуфт вале ҳусининг эрур тоқи.

Сўз ҳажринда анинг соз-и висолин издаб  
Топмас ҳеч наво жон берадур ушшоқи.

Васлдин ҳажр манга яхши кўрунур ҳар дам,  
Чун зиёда бўладур ҳажр била муштоқи.

Фош бўлмағай эди халқаро роз-и ниҳон,  
Қилмаса эрди ўшул ғамза-йи шўх айғоқи.

Орази сафҳасининг васфида Ҳофиз сўзи  
Гулистон ичраги гулларнинг эрур авроқи.

Ол бирла кўнгул олди ўшул ол янгоқи,  
Бағримни ҳам ол қон қиладур жоду қароқи.

Меҳробга ўхшатман анинг қошлариниким,  
Бас тоқ эрур ҳусида жуфт ул қоши тоқи.

Соқийни кўруб соқина жонимни берурман,  
Чун ушбу эрур ошиқина соқи ясоқи.

Ман хокий юрагиндин агар ичмади қонини,  
Недан юрагим шаклинадур ўқи башоқи.

Фармонина бўйнулни сунуб жон берадурман,  
Жон бўйнига чун тушти қаро зулфи тузоқи.

Тушмаса анинг чин-и сар-и зулфи элимга,  
Не ишга керакдур манга бу умр узоқи.

Ҳофиз ёза бошласа ўшул зулфи саводин,  
Коғаз юзида қайда қолур заррача оқи.

Жигархун қилди жонона фироқи,  
Еқар жонимни ҳар дам иштиёқи.

Висоли кундузин охшом қилибдур,  
Қаро зулфи бикин ҳижрон узоқи.

Жафоу жабр эрур дилдор иши,  
Вале меҳру вафодур яхшироқи.

Келиб ўлтургай эрди бир замоне,  
Қачонким ёрий берса умр-и боқий.

Жаҳоне маст бўлгай журъамизднн.  
Агар дилдор бўлса бизга соқий.

Қаму шаҳзодаларининг орасида,  
Эрур ул подшоҳ ўзга ясоқий.

Бало юз келтурур Ҳофиз эвнинга,  
Анинг ёнинга тушса иттифоқе.

Кўнгулни олди ол бирла ўшул дилдор-и Шерозий,  
Бу хаста жонга солди ширинкор-и Шерозий.

Наботу қанд-и Мисрни хижонатда тутар доим,  
Шакарханда била ул лаъл-и шакарбор-и Шерозий

Гул-и лола юзинда бордур бас доғу ҳасратлар,  
Жамолни жилва қилғали гулрухсор-и Шерозий.

Туну кун зору афғон чакар бўлсам ғариб эрмас,  
Чу булбул зор айлабтур мани гулзор-и Шерозий.

Чакарман оҳ-и оташбор хуршид жамолининдин,  
Чун эрур гарм ушшоқ оҳидин бозор-и Шерозий.

Тариқи ишқ ичра хоб-и гафлатдин уёнгайман,  
Қачон бўлса муяссар давлати дийдор-и Шерозий.

Ҳамиша соя-йи деворина жон бирла сизгинурман,  
Беҳишт-и Адандур чун соя-йи девор-и Шерозий.

Кўкусда сиррини асарарман жоним бикин доим,  
Бўла билгайму ман теб маҳрам-и асрор-и Шерозий.

Нечаким ишқда Бағдод таррори эрур Ҳофиз,  
Вале алдар ўшул таррорин айёр-и Шерозий.



Дом-и оламда санингтак санаме шаҳбозе,  
Фитна қилғучи қани ғамзалари ғаммозе.

Кўзда бўлгали ниҳон қадинг, эй сарв-и равон,  
Йўқ анинг бики лаб-и жўйда сарвинозе.

Қумрилартакки сар-и саредо парвоз айлар,  
Қилғуси жоним ўшул қаддинг уза парвозе.

Нозанинсан тақи нозингни тилаб турлу ниёз  
Айласам, нозни тарк эткилу қилгил нозе.

Муддаийлар неки терлар теман онларга жавоб,  
Хок бўлган кишидин қайда чиқар овозе.

Зулф-и кажбозинг ила қайда тушар ишим рост,  
Чун бисот ичра чу фарзин кўрунур кажбозе.

Соз-и васлингни топа олмади бир дам Ҳофиз,  
Гарчи бор эрди анинг жонида сўзу сөзи.

## 1040

Нечаким ўлтурур маъшуқ нози,  
Тақи ортар ошиқнинг ниёзи.

Агар сан ошиқ эрсанг билҳақиқа,  
Ҳақиқат ишқ бўлмасдур мажозий.

Қоши меҳробина гар сажда қилса,  
Тушар мақбул ошиқнинг намози.

Керак мақсуд учун кўп сабр қилмоқ,  
Ярашмас ушбу йўлда сабр ози.

Ани сайд эткаман теб ўзгаларга,  
Назар қилмас кўнгулининг шаҳбози.

Узин ўлтурди ошиқ ишқ бирла,  
Шаҳид-и ишқ эрур ишқ ичра гозий.

Бу Ҳофиздин қачон бўлғайса пайдо,  
Ўшул дилдорнинг пўшида рези.

Саннингтак нозанину дилнавозе,  
Бу бечорага йўқдур чорасозе.

Агарчи йўқ сантак покдоман,  
Манингтак ҳам кўрунмас покбозе.

Назар қилғил, тақи ҳолимни билғил,  
Санга ўхшаш чу йўқдур чашмбозе.

Кўзумни боз этиб нечаки каздим,  
Кўрунмади саннингтак шоҳбозе.

Ёнарман удтак ишқинг ўтиндин,  
Маним ишим эрур чун сўзу созий.

Қошиг меҳробина қаршу тиларман,  
Сужуд этсам тақи қилсам намозе.

Бу дам давлатда сансан шоҳ-и маҳмуд,  
Эшигинг сақлаган Ҳофиз аёзе.

## 1042

Адам жаҳонидаким йўқ эди жаҳон тилаги,  
Шакарсифат оғзи эрди хаста жон тилаги.

Жамолу ҳуснина ошиқ эсанг мужаррад бўл,  
Чу ошиқ йўлида сиғмади хонумон тилаги.

Камоли бор жамол ичра ул санамнингким,  
Юзини кўрмак эрур пиру ҳам жавон тилаги.

Ҳабиб эшигида бўлмаса кўз ёши сойил,  
Қабул бўлмагай эрди анинг равон тилаги.

Рақиб монель-и дийдор бўлди ошиқға,  
Не яхши кўргай ўшул ким эрур амон тилаги.

Кишини яхшиким ул ёр-и меҳрибон билгай,  
Анинг бикин кишининг қолмагай ниҳон тилаги.

Юзини кўрмак учун жон равон қилур Ҳофиз,  
Чун ул санамдин эрур умр-и жовидон тилаги.

Жонима юз турлу роҳат берди жонон келмаги,  
Қилди бечора кўнгул дардинга дармон келмаги.

Жон фидо қилмоқ ўшул жононға лойиқ турур  
Ким, берур ман жонсиза ҳар дамда юз жон келмаги.

Ушбу девона кўнгул эрди паршон зулфитақ,  
Лек жамъ айлади ул ҳур-и парисон келмаги.

Раҳм этиб жононанинг келмаги андоғдур манга,  
Булбул-и бечора ёнинга гулистон келмаги.

Гулистон-и жон фироқиндин хароб эрди, вале  
Қилди ободон ўшул сарв-и хиромон келмаги.

Юзини кўрмай бу мажлис аро равнақ йўқ эди,  
Берди юз минг равнақ ул шамъ-и шабистон келмаги.

Ман фироқинда ўлубдур эрдим ўш бошдин яна.  
Тиргузиб жон берди кўргил об-и ҳайвон келмаги.

Туну кун иғлар эдим келгайму ул жонона теп,  
Оқибат иш қилди кўз ёши фаровон келмаги.

Кўкси ичра кўнгли Ҳофизнинг хароб эрди, вале  
Байт маъмур этти бир дамда бу султон келмаги.

Юзунг ойниндин ойна қиладур даъво-йи покий,  
Жамолинг аксидин бир заррадур хуршид-и афлокий.

Юзунг эрур гул-и раъно, бўюнғ ҳам сарвдур зебо,  
Санинг ҳуснунг учун пайдо бўлубдур Одам-и хокий.

Жамолингдин бўлуб оғаҳ, қилурсан жонин жавлонгаҳ,  
Бу кўзгуда биҳамдуллиллаҳки йўқдур ғайр хошоки.

Лабингга бода бўлуб қул, суроҳийда қилур қулқул,  
Юзунга ошиқ эрур гул, гирибонинда бор чоки.

Балову фитнадур кўзунг, тўлун ойтак эрур юзунг,  
Қилур лаълинг билла сўзунг бу хаста жонға гарёкий.

Жаҳоннинг фитна айёри, биза кўргузмайини ёрий,  
Кўнгулни олғали бори қилурсан асри чолокий.

Қачон Ҳофизғаким боқдинг, карашма бирла жон ёқдинг,  
Кўнгул мулкини ҳам оқдинг, зиҳи шўхшо бебокий.

Қачон дилдордин тегса қулоқға васл пайғоми,  
Дилороминдин ул дамда топар жоним дил ороми.

Олиб бир ойина боқсун, юзининг ойина боқсун,  
Бу хок-и пойина боқсун, ким эрур лутф айёми.

Юзи чун меҳр-и анвардур, сўзи чун шаҳду шакардур  
Кўзи чун турк-и кофирдур, ки йўқдур дину исломи.

Ушанинг ўқу ёсиндин, ўқирман жумла ёсиндин,  
Ҳамиша зулф-и ёсиндин кўрунур тийралик шоми.

Юзи чун меҳр раҳшанда, лаби ҳам руҳбахшанда  
Қилур шакарни шармаида тилининг аччи душноми.

Кўнгулким, сода кўрунгай, мудом озода кўрунгай,  
Мусаффо бода кўрунгай, агар қилсанг тонг жоми.

Нечаким танда жон бўлгай, сўзи вирд-и забон бўлгай,  
Бу қул Ҳофизга сон бўлгай, етишса шоҳ инёми.

## 1046

Бўлди манга пайдо бу дам ҳасрат била дард-и диле,  
Ким кўрмадим ўзум бикни саргашта-йи беҳосиле.

Кўз ёшини сойил қилиб, недин топа олман мурод  
Маҳрум бўлмади эди ман хаста дилдин сойиле.

Ишкаста кўнгулмни недин жонон ёқар жаври била,  
Чун ёқмади ўз мулкани жавр ила шоҳ-и одиле.

Тўтғий-и гўёдур тили, шакаристондур лаблари,  
Равшан юзию холи ҳам кофуру хабб-и филфиле.

Занжир-и зулфин умсунуб мажнун бўлан шайдолара,  
Оқал эрур девонау девонасидур оқиле.

Бўлгай саодат бандага мақбуллар орасида,  
Қобил кўруб қилса назар оламнинг ичра муқбиле.

Саргаштаман паргортақ наздим жаҳон ичра, вале  
Ҳофиз бикни учрамади бечарага ссҳибдиле.

## 1047

Ошиқ кўнгули бўлғали оламда ишқинг манзили,  
Ҳусниг бикни афзун бўлур ҳар дам анинг дард-и дили.

Недин маним оҳимга сан майл айламадинг бир нафас,  
Чунким эрур сарв-и сиҳий пайваста елнинг мөйили.

Ҳар нечаким жон тандадур баҳр-и гам-и ишқинг эрур,  
Пайдо эмас бу баҳрнинг оламда ҳаргиз соҳили.

Мардона кўнглум Каъба-йи васлнинг тилаб босса қадам,  
Гам боридин бўлғай халос ул дамда жоннинг махмили.

Сигмас санинг ҳуснунг била ишқим аро жоннинг сўзи,  
Чун шамъ ила парвонанинг бас гарм эрур махфили.

Жон манглайинга чаккали қуллиғингизнинг доғини,  
Мақбуллар орасида топдим нишон-и муқбиле.

Ҳофиз муҳаббат йўлида пайдо қилибдур дард-и дил,  
Бу сўздан ўзга йўқтурур оламда онинг ҳосили.

#### 1048

Гулзор ичинда очди эса юзини гуле,  
Ошуфта бўлди ҳусну жамолинга булбуле.

Булбул чаманда гул юзини кўрган орада,  
Қилди ҳазор турлу наво бирла гулгуле.

Хат-и узори юзининг узра чиқиб турур,  
Гул теграсинда чиқса анингтакки сунбуле.

Қилдим назар юзи била зулфинга доимо,  
Равшан кўрунур анда чу давру тасалсуле.

Тегди балоси ўқи кўкуснинг нишонина,  
Ишқи йўлинда рост чу қилдим таваккуле.

Мастона келса сўзларим эмди гариб эмас,  
Ичдим чу жом-и лаъл-и лаб-и дўстдин муле.

Қулнинг қули бу Ҳофиз ўш эмди бўлур рабон,  
Чув айлади суроҳий бу мажлисда қулқуле.

#### 1049

Жон ошиқ бўлғали гул юзлу жонон булбули,  
Гунбад-и афлокга тушди садоу гулгули.

Бу латофатким, ўшанинг оразида кўрунур,  
Нозикун зебо анингтак бўлмағай жаннат гули.

Лола-йи сероёб жонон юзина ўхшар эди,  
Лола юзи теграсинда бўлса эрди сунбули.  
Не ажаб вобаста бўлсам кокул-и мушкинни,  
Чунки оламини қилибдур банд-банд кокули.  
Бож аҳл-и ҳусндин ул турк-и кофиркеш олур,  
Гўйиёким ҳусн аҳлининг эрур тутгаули.  
Барча ушшоқи ўшанинг йўлида жон ўйнади,  
Гарчи ушшоқи фаровондур анингдур бир йўли.  
Еткай эрдим оқибат жонон рикобин ўпкали,  
Бўлса эрди зер-и ронимда саодат дулдули.  
Ишқда мункир бўлди эрса султонлиқ қилиб,  
Айлади шоҳ-и замонни завқ ила қулнинг қули.  
Қул бўлубдурман суроҳи қулқулинга Ҳофизо,  
Давр-и мажлис ичра чун хушдур суроҳий қулқули.

#### 1050

Азал мусаввири лавҳ-и жаҳонда хат язалий,  
Нигор нақшинда кўргузди сунъ-и лам язалий.  
Бели била бўйининг нақшини қачон чизсақ,  
Қаламини қил бики нозук қилиб равон чизали.  
Савод этарда ўшул хату холнинг сўзини,  
Абиру мушк ила гул сафҳасинда хат ёзали.  
Касод бўлди баса мушк Чину Мочинда,  
Элинга шона олиб зулф-и чинини чўзали.  
Тамаъ даме уза билман шакар бикин лабидин,  
Азиз жон сучидур биз нетиб тамаъ узали.  
Қуруди оҳ ўтиндин тудоқу ҳам тилимиз,  
Лабини ёд этиб об-и ҳаёт ила азали.  
Шароб ёнина бир лаҳза боқмади хумор,  
Хумор кўзларин ул маст-и ноз ила сузали.  
Тузулса соқию май чангимизга тушса нигор,  
Наво-йи най била чангу удни тузали.  
Ҳазалки Ҳофиз ўшул хату лаълидин айтур,  
Сиеҳи ичра чу об-и ҳаёт эрур ғазали.

Бутеки юзида кўрунур жамол-и лам изалий,  
Манга анинг била бордур муҳаббат-и азалий.

Юзининг орзуси бирла ёд этиб эшигин,  
Саҳар насими бикин боғу гулистон казали.

Ғубор доман-и покинга тегмасун тею,  
Мудом хок-и раҳин кўз ёши била азали.

Қачар чу оҳу-йи ваҳший мани кўрарда равон,  
Муҳаббатимни ўшул оҳу кўз гўзал сезали.

Каманд-и зулфу кўзин кўргали уёлғандин,  
Қачар ёзи юзинда тинмай оҳулар гўзали.

Қачон кўнгулга тушар бўлса зулфининг банди,  
Ушанда нофа-йи чин банд-бандини чўзали.

Ғизоле ниқинда Ҳофиз ғазалким айтадур,  
Янар ўт ичра чу об-и равон эрур ғазали.

## 1052

Фараҳ берур манга ул сарв-и гульзор сўзи,  
Нетакки булбула хуш келса марғзор сўзи.

Келур ҳамиша хуш ол энгларин кўрарда сўзум,  
Чу андалибга хуш келди лолазор сўзи.

Муҳаббат илғида чун лола пора бўлди кўнгул,  
Вале туганмади ҳаргиз дилафгор сўзи.

Рақиб ёдини ман ёр қошида қилман,  
Маҳалсиз эрур чун гул қошинда хор сўзи.

Қарор-и васли сўзин доимо қарар кўнгул,  
Чу хуш келур кишига умр-и беқарор сўзи.

Диёру ёрдин асри йироқ тушдум, лек  
Ҳазор шукрки, бордур тилимда ёр сўзи.


Анинг бикин мани беихтиёр айлади ишқ  
Ким, эмди тилга даме келмас ихтиёр сўзи.

Ғариқ-и дарду бало бўлмағай эди кўнглум,  
Бу баҳр-и ғамда кўрунса эди канор сўзи.

Муҳаббат ичра қачон бўлса ҳок-и рах Ҳофиз,  
Қолур халойиқ аро анда ёдгор сўзи.









Эйким, кўрунур лаъл-и лабинг шахд ила шаккар,  
Сўз бирла лаб-и лаълинг эрур қанд-и мукаррар,  
Сантак санамо йўқтурур руҳ-и мусаввар,  
Кўнгул олғучи қади чу сихий сарву санавбар  
Ким, бўлса сачи сунбулу юзи гул-и аҳмар.

Эй сарв-и сумансоққи, ширин даҳанинг бор,  
Гулнинг танитак нозуку зебо баданинг бор,  
Гашт этгали жонимнинг ичинда чаманинг бор,  
Гул юзунга булбул бики зоре чу манниг бор,  
Айлама гул авроқи бикин хотирим абтар.

Очгил бу қулинг ёнина бир айн-и иноят,  
Чун банда-йи ожизману сан шоҳ-и вилоят,  
Илгимда маним йўқтурур ақду кифоят,  
Ҳол-и кўнгулумни қиладур чеҳра кифоят,  
Чун ишқ ўтидин сийна эрур хушқу кўзум тар.

Лутф айлаю ғамгин кўнгулумни қилакўр шод,  
Банд-и ғам элиндин мани қил бир йўли озод,  
Мулк-и кўнгулум ичра ғаминг солғали бунёд,  
Сан бор экан ўзгадин издамади ул дод,  
Бедоду жафо бирла мани айлама музтар.


Оламда санингтак қани бир моҳлиқое  
Ким бўлса ўшул ҳусн била меҳрфизое,  
Дард-и дилима раҳм қилиб, айла давое,  
Не бўлғай агар топса наво хаста гадое  
Сандинким, эурсан бу жамол ила тавонгар.

Эй соқий-и ушшоқ, кетургил манга жоме,  
То кўй-и харобатда бўлсун манга номе,  
Сандин не бўла шод агар бўлса ғулومه,  
Қилсанг назаре ҳосил ўлур бандага коме,  
Чун шоҳ-и замонсан тақи давлат санга чоқар.

Зулфунг гириҳиндаким эрур мушк-и таторий,  
Бўе тилар андин бу замон бод-и баҳорий,  
Ман нечага тегру қилайим нолаю зорий,  
Эй ёр, бу дам кўргуза кўргил манга ёрий.  
Чун бўлдунг эди ушбу йўл ичра манга раҳбар.

Жоним кўзи дийдоринг ила бўлгали равшан,  
Мулк-и кўнгулм бўлди муҳаббат била гулшан,  
Ман дўстману қилма ҳавола манга душман,  
Мискиятлик ила қилдим эшигингда чу маскан,  
Мискиятлара бўлгил бу замон носиру ёвар.

Қани санга ўхшаш санама ғамзаси ғаммос,  
Сансан бу замон жумла халойиқ аро мумтоз,  
Савди сани жон ўйнағали ошиқ-и жонбоз,  
Лутф айла бу Ҳофизга, аё сарв-и сарафроз,  
Чун додгар айлади сани лутф ила довар.





## I

Эй кўзлари бодому сочи дому юзи ол,  
 Кел тарк-и жафо қил.  
 Солма бу ҳаводорни кўздин, сўзини ол,  
 Ошиққа вафо қил!

Кўзум ҳаққи бор ол юзунг узра, ўзунгни  
 Билмаста қўшарсан.  
 Нодон кўрунуб қилма ўжуш ҳийла тақи ол,  
 Ул ҳақни адо қил!

Ҳожот-и халойиқ кўрунур ой юзунг, эй жон,  
 Ҳам қибла-йи мақсуд.  
 Сарв-и сихий янглиғ чиқиб эшикдин филҳол,  
 Ҳожот раво қил!

Дармонда бўлуб дардима дармон тудоқингдин  
 Жон бирла тиларман.  
 Бу оч учун оч оғиз, эй лаъл-и лаби бор,  
 Дардима даво қил!

Қон йиғлади қат-қат юрагим маним оғзингдин  
 Ким, гунчага ўшар.  
 Кўнгул олмоқ учун айнингга ҳам зулфунг эрур дол,  
 Юз турли бало қил!

Қаддингни кўруб сарв тилар ҳиммат-и воло,  
 Эй сарвар-и хўбон.  
 Ранг издаюр ул лола юзунгдинким, эрур лол,  
 Оламни гадо қил!

Ҳофиз тилаюр умрни боқий қадамингда  
 То бўлса вафодор.  
 Бир ноз била боқиб аё, гамзаси қаттол,  
 Ҳофизни фано қил!

## II

Жононаким, анинг сўзи жонимга ёқадур,  
 Ширин даҳани бор.  
 Дин йўлида кофир кўзи ҳам айн-и балодур,  
 Кўп макру фани бор.

Наргис бики кўрдум кўзину қадин ўшанинг,  
 Бир сарв-и равоне.  
 Гулзор-и латофат юзи, ҳам моҳлиқодур,  
 Себ-и зақани бор.

Ушшоқ юзин кўргали булбул бики нола  
Жондин чакадурлар.  
Ким, зог-и сияҳ ҳам нафас-и сирр-и худодур,  
Гулдин ватани бор.

Тушгали ниҳол-и қаддини кўзум ўшанинг,  
Гулзорга мангзаб.  
Аксиндин анинг сув бики бобаргу наводур  
Ким, норвақи бор.

Кўнглум не ажаб шод бўлур бўлса юзиндин  
Чун гунча-йи хандон.  
Чун ҳуққа-йи ёқути анинг баҳр-и атодур,  
Дурр-и Адани бор.

Гар вирд-и забон қилсам анинг зулфу рухнинг  
Един ажаб эрмас,  
Чун ошиқ иши шому саҳар ҳамду санодур  
То жону тани бор.

Юз турлу сафо юзини кўрган аро, Ҳофиз,  
Жон бирла тилагил.  
Арбоб-и ҳусн барчаси чун асл-и сафодур,  
Хулқ-и ҳасани бор.







Тоқим кўрунди барчага шакл-и ҳилол-и нйд<sup>1</sup>,  
Хатт-и фаррухни чакди бу туғромисол-и нйд.

Хандон бўлуб висоли била шодмон эрур  
Халқеким эрдилар нигорон-и жамол-и нйд.

Охир муродға етишиб, завқ топдилар,  
Жонлардаким бор эрди ҳамиша хаёл-и нйд.

Кўп халқни қилибдур эди рўза поймол,  
Шукр эмдиким бу рўза эрур поймол-и, нйд.

Хушқол қилди эрса қамуғ рўзадорни,  
Бўлсун ҳамиша хурраму осуда ҳол-и нйд.

Мажмуъ-и рўзадорни сероб айлади.  
Дарё-йн фазли бирла равоне зилол-и нйд.

Бўлсун муборак ушбу шаҳ-и бемисолға,  
Ҳақнинг инояти била фархундафол-и нйд.

Султон<sup>1</sup> улким эрур шоҳ-и шаҳнишон,  
Давлат қушиға эшигидур донм ошён.

\* \* \*

Адлинда тўлун ойға менгиз ар ҳилол-и мулк,<sup>2</sup>  
Чун адл ила ҳамиша эрур эътидол-и мулк.

Чун офтоб-и мулк анинг зотидур яқин,  
Кўрнур йироқ барча қошинда завол-и мулк.

Ул подшоҳ мулк-и жаҳон узра бўлғали,  
Нуқсону айб топмади ҳаргиз камол-и мулк.

Тоқим жамол мулк-и вужуд шарифидур,  
Ҳар дам зиёда кўзлара кўрунур жамол-и мулк.

Серобдур ҳамиша адув ҳалқи обдин,  
Шамшари бўлғали анинг об-и зилол-и мулк.

Боғ-и жаҳонда зулм элидин ким заъиф эди,  
Адлинда эмди тўбнйға мангзар ниҳол-и мулк.

---

<sup>1</sup> Ҳофиз Хоразмий «Девони» қўлёмаси Алишер Навоий девонлари наби қатъий<sup>1</sup> рационалистик қонуниятга асосланиб тартиб етилмаган. Қўлёзма қасидалардан бошланиб, улар орасида бошқа жанрлар ҳам берилган. Ушбу нашрда «Девон»ни газалиёт билан бошлаб, мухаммас, мустазод, таркиббанд, таржеъбанд ва бошқа жанр намуналарини газаллардан кейин беришни лозим топилди.

<sup>2</sup> Таркиббанддаги уч нуқта қўйилган ўринлар қўлёзмада бўш қолдирилган.


**Ҳолӣ** давом-и адли билан хуш кўринадур,  
**Мажмуъ-и** халқ кўзина ҳар лаҳза ҳол-и мулк.  
**Нўширавон** эшитса эди адли сўзини,  
**Толғай** эди сўзи била нўшин равон равон.

\* \* \*

**Зотинда** бор зоҳир ўшанинг камол-и ақл,  
**Ул офтобу** йўқдур анда завол-и ақл.  
**Мифтоҳ-и** мушкулот анинг ақли бўлғали,  
**Қолди** тамом ҳал бўлубон қилу қол-и ақл.  
**Тегмас** камол-и ҳурматиға ҳеч турлу фикр,  
**Егмас** жамол-и иззатиға ҳам мажол-и ақл.  
**Таиғ** тўш анга жаҳонда бўла билмаги бу дам,  
**Дона** кишиға кўрунур асри муҳол-и ақл.  
**Ҳадд-и** камол шоҳлиқиға етишмағай,  
**Маҳшарға** тегру сайр этар эрса хаёл-и ақл.  
**Гарчи** фароғи бор жаҳондин, вале бу дам,  
**Единдин** ўзга йўқтурур иштиғол-и ақл.  
**Олийжаноб** эшигини кўрмаги эрур  
**Шому сабоҳ** жону кўнгул бирла фол-и ақл.  
**Гар даст** берса тири бўлуб хизмат айламаи,  
**Бўлғай** рикобида ўшанинг Ардавон давон.

\* \* \*

**Ул жон** тилаги бўлғали ҳусну жамол-и жуд,  
**Зоҳир** вужуд-и покида кўрниур камол-и жуд.  
**Нақш-и** вужуд-и жуд анинг зоти бўлғали,  
**Кетмади** бир нафас кўнгулдин хаёл-и жуд.  
**Гавҳарнисор** илги замонинда бехато  
**Хотам** тирилса бўлғай эди поймол-и жуд.  
**Чун** иол эрди нола элиндин қаму гадоӣ,  
**Оиларни** босди аҳд ила молу манол-и жуд.  
**Шаҳбоз** янгли сайр этар эрса ҳаво тутуб,  
**Меҳр** узра соясини солур парру бол-и жуд.  
**Қаҳат-и** карамда кўз кўра сероб айлади,  
**Лабташваларни** ҳар нафас об-и зулол-и жуд.  
**Айём** бахшишинда бу шоҳ-и ягонанинг,  
**Қайда** кишиға даст берур қийлу қол-и жуд.  
**Қул** бўлди кўнгли бирла доим мутнъ эрур,  
**Нечаним** ўзгалардин эрур бу жиҳон жаҳон.





Бўлди бағрим кабоб-и ишқ, эй дўст,  
Келтур эмди шароб-и ишқ, эй дўст.

Қила билмади ҳеч боб билан  
Муҳтасиб иҳтисоб-и ишқ, эй дўст.

Хаста ғамгин кўнгулни овласанг,  
Бўлғасан камёб-и ишқ, эй дўст.

Чакадурман азоб-и ишқниким,  
Роҳат эрур азоб-и ишқ, эй дўст.

Жон хатарда эрур муҳаббат ила,  
Бу хатодур, савоб-и ишқ, эй дўст.

Сони йўқ зарраларга сон бўлғай,  
Тугса ул офтоб-и ишқ, эй дўст.

Зарратак беҳисоб бўлдумман,  
Ушбу эрур ҳисоб-и ишқ, эй дўст.

Ҳофиз айлади сизд қ бирла дуо,  
Бўлса ул мустаб-и ишқ, эй дўст.

Олам-и ғайбдин келур беайб,  
Жонга ушбу хитоб-и ишқ, эй дўст

Ким, эрур ишқ толибу мағлуб.  
Олам ичра муҳиббу ҳам маҳуб.

Неча ул нозанинки ноз айлар,  
Ошиқ-и хастадил ниёз айлар.

Юзи қошинда қоши меҳробин,  
Бандаси қибла-ий намоз айлар.

Юзина қаршу жонни ўйнар,  
То назар ёр-и покбоз айлар.

Пашшаеким ҳаво-ий ишқ тутар.  
Ишқ ани турфа шоҳбоз айлар.

Ул жафочининг илгидин куйдум  
Ким, жафо кўп, вафосин оз айлар.

Қилибон қулларини бечора,  
Дўст ишқини чорасоз айлар.

Ишқиниң асли бир, вале ўзин  
Гаҳ ҳақиқат, гаҳе мажоз айлар.

Неча Ҳофиз ниёз айтар бўлса,  
Ноз ўшул шўх-и дилнавоз айлар.

Розу ҳол асри кўп эрур, илло  
Ушбу сўз ҳоли шарҳ-и роз айлар

Ким, эрур ишқ толибу матлуб,  
Олам ичра муҳиббу ҳам маҳбуб.

Қади бўстондаким равон кўрунур,  
Ул замонда равону жон кўрунур.

Юзиниң акси бирла жон мулки,  
Сар-басар боғу гулистон кўрунур.

Борма эшигина, кўнгул, ҳар дам  
Ким, санга эшигинда қон кўрунур.

Дуд-и оҳимдин ойтак юзюда  
Анбарин хат била нишон кўрунур.

Кўрмак ани тиласанг ўздин кеч,  
Кечмай ўзунгдин ул қачон кўрунур?

Ошқоро эрур жаҳонда, вале  
Ғайратиндин баса ниҳон кўрунур.

Қилмағил ани сан маконда талаб  
Ким, анинг жони ломакон кўрунур.

Айн-и ошиқда издағил аниким,  
Чун бу айн ичра ул аён кўрунур.

Жалва-йн ҳусни эмди Ҳофизга  
Ушбу сўзда замон-замон кўрунур

Ким, эрур ишқ толибу матлуб,  
Олам ичра муҳиббу ҳам маҳбуб.

Эмди қаллошу майпараст ўлалим,  
Дурд-и дард ила маст-маст ўлалим.

Тавба қилган аро ўшул майдин,  
Тавбатак лойяқ-и шикаст ўлалим.

Соқий келтур шароб-и софий, го  
Ҳамдам-и бода-и аласт ўлалим.



Юзи моҳинда зулфини кўруб,  
Моҳийлартак асир-и шабст ўлалим.

Ёр зулфин тилаб дуо бирлан,  
Шона янглиғ кушода даст ўлалим.

Тошғамиз шоҳ сондин тею,  
Бозтак жумла побаст ўлалим.

Келгай ул савр-и хушхиром тею,  
Хок-и раҳтак ҳамиша паст ўлалим.

Бутпарастликни тарк этиб, Ҳофиз,  
Ишқ бирла худопараст ўлалим.

Оғзининг фикри бирла бўлуб насиб,  
Ушбу сўз завқи бирла маст ўлалим.

Ким, эрур ишқ толибу мағлуб,  
Олам ичра муҳиббу ҳам маҳбуб.

Ул санамким манга жафо қиладур,  
Ўзгалар ҳақина вафо қиладур.

Ўзидин ошнони бегона  
Қилиб, ўзгани ошно қиладур.

Ол қонимни ерга тўкмак учун,  
Ол бирла кўзия қаро қиладур.

Пардадин чиқса не бало бўлгай,  
Улки пардада юз бало қиладур.

Ошиқ-и хаста оҳ илгиндин,  
Жубба-йи жонини қабо қиладур.

Боз янглиғ кўнгул тилаб парвоз,  
Ёрнинг ёнина ҳаво қиладур.

Лутфу қаҳр ўзгадин қачон кўрунур,  
Не қилур бўлса чун худо қиладур.

Хаста ошиқларига, эй Ҳофиз,  
Ишқ дарди бида даво қиладур.

Дам-бадам чорсу-йи ҳайратга,  
Руҳ қудси келиб нидо қиладур

Ким, эрур ишқ толибу мағлуб,  
Олам ичра муҳиббу ҳам маҳбуб.

Фоний агёру боқий эрур ёр,  
Лайса фи-д-дори ғайруху дайёр.

Нечаким издадим жаҳон ичра,  
Андин ўзга жаҳонда йўқдур бор.

Бир эрур асл жумла-йи олам, лек  
Қилдинг аъдод бирла сан такрор.

Зот-и хуршид бир эрур, илло  
Тушар андин жаҳонга бас анвор.

Ўз жамолинга ўзидур ошиқ,  
Қайда тупроқу давлат-и дийдор.

Асрар эрсанг кўнгулда сиррини,  
Бўлгасан анда воқиф-и асрор.

Дор-и дунёда бўлсанган Мансур,  
Кўргасан дўст ани бар сар-и дор.

Ману ул темаким, ажаб эрмас,  
Чун бўлур гул қошинда доим хор.

Ҳофизо, ушбу сўзни айтадур,  
Кўрсаман ҳар нафас дару девор

Ким, эрур ишқ толибу матлуб,  
Олам ичра муҳиббу ҳам маҳбуб.

Не вафоким ўшул нигор айлар,  
Бир вафога жафо ҳазор айлар.

Мани овора ўз днёримдин,  
Кўз кўра эмди дард-и ёр айлар.

Заҳра йўқдур шикоят айламага,  
Чун манга жавр шаҳрёр айлар.

Ман қарарман қарору васлин, лек  
Умр эрур ул қачон қарор айлар.

Синар эрса шикаста ошиқини,  
Сийнасин захм ила фиғор айлар.

Кимшиким роздор-и ишқ қилур,  
Жонини зор, ўзин низор айлар.

Қилса жонон вужуд қасрия хок,  
Ишқ бунёдия устувор айлар.

Юзининг меҳри қошида Ҳофиз,  
Ким санга заррача шумор айлар.

Сўз жаҳон ичра кўп, вале ошиқ  
Ушбу сўз бирлан ифтихор айлар

Ким, эрур ишқ толибу матлуб,  
Олам ичра муҳиббу ҳам маҳбуб.

Ишқ агар қилса бандага назаре,  
Қолмағай зарра бандадин асаре.

Қолдим учмай жаҳон-и дун ичра  
Ким, керак қуш учарға болу паре.

Ушбу нахл-и муроддин манга ҳеч  
Бог-и оламда тегмади самаре.

Сарв-и болосидин баре бермай,  
Куйдурубдур кўнгулни сиймбаре.

Офтоб-и саодатим толеъ,  
Бўлғай ул ёр келса бир саҳаре.

Меҳмон бўлса ул санам бўлғай,  
Жигаримнинг кабоби мо ҳазаре.

Новак-и ғамзасини казласа ёр,  
Кўрунур хаста жонима хатаре.

Бежигар бўлма ишқда, Ҳофиз,  
Кўргуз ул ёр захмина жигаре.

Беҳабар бўлдум эрса оламдин,  
Тегди жоннинг қулоқина хабаре

Ким, эрур ишқ толибу матлуб,  
Олам ичра муҳиббу ҳам маҳбуб.

Ёр эшиги эрур чу хулд-и наим  
Ким, эрур ошиқи ўшанда муқим.

Эшигиндин сабо кетурди паём,  
Жонни қилдим равон анга таслим.

Дарду ғамдин жудо бўла билман,  
Дарду ғамдур манга чу ёр-и қадим.

Ёр кўзум ёшин кўза илса,  
Бўлмағай зоеъ ушбу дурр-и ятим.

Мани қудум эрур теб айтур эмиш,  
Мунча ҳожат эмас манга таъзим.

Сарвтақ қадими савар қўнглум,  
Рост билур бу сўзни таъ-и муслим.

Лаби жовбахши дам урар бўлса,  
Бўлгай ул дамда зинда азм-и рамим.

Ўлтурур ноз бирла Ҳофизни,  
Бу ўлумдур анга чу нозу наим.

Олам-и ғайбдин июнат-и ишқ,  
Ушбу сўзни манга берур таълим

Ким, эрур ишқ толибу матлуб,  
Олам ичра муҳиббу ҳам маҳбуб.

## II

Шаҳеким ҳуснининг йўқдур қиёси,  
Қиё бақмоқ била жонга қияси.

Қурулмишдур ҳамиша ясим учун,  
Кўрар бўлсам ўшанинг қоши ёси.

Яқоси чулки соҳиб толиғ эрур,  
Тўлуи ойга мусоҳибдур яқоси.

Нечаким ёқса жонни ишқ ўтинга,  
Ўшул ёқмоқи жонга хуш яқоси.

Бақойи умр-и фоний ким тиласа,  
Анинг ой юзина доим боқаси.

Хиромон бўлса ул сарв-и равонтак,  
Эрур жоним учун тангри балоси.

Маним бирла эрур ягона ул дўст,  
Парий бўлмас кишининг ошноси.

Тилар Ҳофиз ҳамиша доғу дардин,  
Бу жон дардининг улдур чун давоси.

Гулистон-и ҳаёт ичра ҳамиша  
Бу сўздур булбул-и жоннинг навоси

Ким, ул маҳбубу матлуб-и жаҳондур,  
Қаму олам танинда жон-и жондур,

Саварман они жоним бирла, валлоҳ  
Ким улдур нозанину ёри дилхоҳ.

Ушул жононки доим жонда эрур,  
Не бўлгай ҳолимиздин бўлса огоҳ.

Бисот-и ишқу ҳусн ичра ҳамиша  
Эрурман ман ниёда, ёр чун шоҳ.

Саро-йи жону дил пурнур бўлур,  
Юзини ёд қилганда саҳаргоҳ.

Учуб етмади товус-и малойик,  
Қачонким бўлди жонга ишқ ҳамроҳ.

Ушул дилдорнинг юзи хаёли  
Турур кўз бирла кўнглум ичра чун моҳ.

Хаёлиндин эрур хушнуд Ҳофиз,  
Чун ондин бошга эрмас гоҳу бегоҳ.

Қаро зулфин қачонким ёд қилсам,  
Кўкус ўртаю кўк узра чиқар оҳ.

Дароз эрур анинг зулфи сўзи, лев  
Бу сўз бирла қилурман сўзни кўтоҳ

Ким, ул маҳбубу матлуб-и жаҳондур,  
Қаму олам танинда жон-и жондур.

Юзи жон мулкнинг моҳ-и тамоми,  
Эрур ҳусн ичра Юсуф бир ғуломи.

Юзи бирла анинг зулфи сўзидур,  
Тилимнинг эмди вирди субҳу шони.

Ҳалол этдим анга қонимни манким,  
Анингтак йўқтурур яхши ҳароми.

Солур бошин адоқияга равон гул,  
Чаманга тушса ногаҳ хуш хироми.

Тилар жону васлин ул шоҳ-и замоннинг  
Нечаким йўқ бу қулниг аҳтиромн.

Хуш эрур давлат-и васли, валекин  
Кўрунмас умрнинг ҳаргиз давоми.

Муқим-и остонн бўлди ошиқ,  
Чун анинг бордур олий мақоми.

Саломат йўлидин озғурди мани,  
Ушул дилдор ширин лаби саломн.

Чу зулфу оразинга сайд бўлди,  
Шабу рўз ушбудур Ҳофиз каломн

Ким, ул маҳбубу матлуб-и жаҳондур,  
Қаму олам танинда жон-и жондур.

Ҳаёт-и тозадур, васл-и дилором,  
Висолиндин топар жону дил ором.

Азал сайёди қилмиш сайд жонга,  
Қаро холини дона, зулфини дом.

Кўнгул зулфиянга тушуб тийра бўлди,  
Ғариб ҳақина орий тийрадур шом.

Тудоқи орзуси бирла доим,  
Кечурур талхлиқда умрини жом.

Бўлур хижлат ўтинда жумла гулоб,  
Тўниндин чиқса ул нозук гуландом.

Анинг қошинда бўлган кўрклуларни,  
Кўрарман борисидур нақш-и ҳаммом.

Эшиги тупроқин доим яларман,  
Бўла билгай манга ҳосил тею ком.

Қулумдур тегали Ҳофизни ул шоҳ,  
Бўлубдур олам ичра оти хуш ном.

Эшитдим жон қулоқи бирла, эй дўст,  
Ҳарям-и ишқдин ҳар лаҳза пайғом

Ким, ул маҳбубу матлуб-и жаҳондур,  
Қаму олам танинда жон-и жондур.

Ушул лоламенгизлик сарвқомат,  
Юзин очса очидур юз қиёмат.

Юзини кўрса эрди зоҳид-и хушк,  
Қачон қилгайди ошиққа маломат.

Ушул сари-и равоннинг ишқи бирла  
Толубдур табъ-и поким истиқомат.

Кўрар бўлса муаззин қоматини,  
Унутгай беҳато тақбири қомат.

Сафар қилмоқ манга бас мушқил эрур,  
Чу қилди жон эшигинда иқомат.

Анинг ҳуснинга кўнглум олдурубман,  
Уш эмди фойда бермас надомат.

Маним ҳолимни билмас эрди жоня,  
Вале сўзумда бор юз минг аломат.

Қароқчи ул қаро кўз ғамзасиндин,  
Жаҳонда қолмади аҳл-и саломат.

Ўлуб тирилди Ҳофиз ишқ бирла,  
Эрур соҳибназар, соҳибкаромат.

Нигорим парда чун юзиндин олди,  
Жаҳонни тутди ушбу сўз тамомат

Ким, ул маҳбубу матлуб-и жаҳондур,  
Қаму олам танинда жон-и жондур.

Хати хушбўй эрур мушк-и Чиндин,  
Хато эрмас саварман ани чиндин.

Агар ўқ тегмасун жонга тесангиз,  
Ироқ юрунг ўшул ётак қошиндин.

Эшитгай эрдим онинг оғзидин сўз,  
Кеча билсам гумону ҳам яқиндин.

Бало-йн ҳажр бирла жонни қийнар,  
Мани чопса эрур яхши бу қиндин.

Ҳамиша ястанибман остонян,  
Гуҳар теккай тею ул остиндин.

Манга қуллицн яхшироқ кўрунур,  
Ҳамиша шоҳий-и рўй-и заминдин.

Нечаким бўлса жоним таниннг ичра,  
Чакарман нозиня ул возаниндин.

Юзи бирла ўшаниннг зулфи сўзи,  
Эрур Ҳофизга ҳосил куфру диндин.

Днёр-и ғайбдин жонимга беайб,  
Етишди бу нидо руҳу-л-аминдин

**Ким, ул маҳбубу матлуб-и жаҳондур,  
Қаму олам танинда жон-и жондур.**

**Қачонким тугса юзи офтоби,  
Тушар ойина-йн жонимға тоби.**

**Хуш эрур мулк-и Чинтак зулфи, нлло  
Сабо елиндин эрур икқилоби.**

**Келиб келмай кетарга азм қялди,  
Ёқар жонимни умрумнинг шитоби.**

**Ушул лоламенгиз, гул юзлу дилбар,  
Юзум рангин қилибдур ранг-и обий.**

**Юзи лоласина бир қатра тушгай,  
Тею тинмай ёғар кўзум саҳоби.**

**Кўнгулга тушгали гуҳарсифат ишқ,  
Кўнгул дарёву кўзумдур ҳубоби.**

**Бу Ҳофизнинг кўнгул бирла кўзиндин,  
Муҳайёдур кабобю шароби.**

**Туман турлу вафодин яхши кўрнур,  
Ушул дилдорнинг нозу итоби.**

**Қулоқ тутуб неча қилсам тафаҳҳус,  
Ҳаминдур ишқнинг жонға хитоби**

**Ким, ул маҳбубу матлуб-и жаҳондур,  
Қаму олам танинда жон-и жондур.**

**Маиға ол бирлаким ул ёр бўлди,  
Кўнгулни алдади, дилдор бўлди.**

**Кўрар эрдим бўйинтак ман анн рост,  
Мунингтак қайда ул таррор бўлди.**

**Кўнгул асрорина чув маҳрам эрди,  
Не ёядин ўзгани асрар бўлди.**

**Айёр қалбини ишқ ўти бирлан  
Эритган эмди ул айёр бўлди.**

**Мани озор қилди жавр бирлан,  
Тақн ман хастадин безор бўлди.**



Маним жонимға тигди ҳаяр хорин,  
Валекин ўзгага гулзор бўлди.

Гулистон-и жамоли ҳасративдин,  
Басе жон булбули сайрар бўлди.

Олиб қочди равон Ҳофиз кўнгулин,  
Магар ул оҳу-йи тотор бўлди.

Қачонким келди ул бозор ичра,  
Бу сўз сармоя-йи бозор бўлди

Ким, ул маҳбубу матлуб-и жаҳондур,  
Қаму олам танидин жон-и жондур.

Юзинда бор сунъ-и ло язоли,  
Қошинга ўхшашур байрам ҳилоли.

Ҳавода зарра янглиғ жонлар учғай,  
Тўлуъ айласа хуршид-и жамоли.

Қуёш ўхшамади юзига ҳаргиз  
Ким, анинг ҳуснинг бордур заволи.

Асир этди жамоли жону кўнглум,  
Эрур жону кўнглум ўлжа моли.

Нечаким васф этарлар сарв қадин,  
Бўйитак йўқтур анинг эътидоли.

Гулистон ичра қолғай мунфаил сарв,  
Хиромон бўлса анинг қадди толи.

Маним ҳолимни бас тийра қилибдур,  
Юзининг узра дилбар зулфу холи.

Қаро холи хаёлиндин бу Ҳофиз  
Кўнгули бўлмади бир лаҳза холи.

Киши ким кўрса ул дилбар жамолини  
Бу сўздин бўлмағай холини хаёли

Ким, ул маҳбубу матлуб-и жаҳондур,  
Қаму олам танинда жон-и жондур.

### III

Ед қилмай бу шаҳ гадосиндин,  
Бўлди бегона ошносиндин.

Ман вафосин талаб қилур эркан,  
Жонға етдим анинг жафосиндин,

Қаду болосидин бало ёғадур,  
Ким қутулғай анинг балосиндин?

Сарвдин қилғасиз манга тобут,  
Улсаман қадининг ҳавосиндин.

Уқингиз «ёсин» эмди сиз мангаким,  
Жонға ўқ тегди қоши «ё»синдин.

Матла-йи ҳуси анинг яқоси эрур  
Ким, тўлуи ой туғар яқосиндин.

Неча душном қилса ул дилбар,  
Тинмағайман анинг дуосиндин.

Ҳофиз ул нозанини қилди қабул,  
Мунча мақбуллар аросиндин.

Булбуле гулистонда сайрар эди,  
Бўлди пайдо бу сўз навосиндин

Ким, эрур ишқ мақсаду мақсуд,  
Тошди андин вужуд ҳар мавжуд.

Зулфини ёд этиб гаҳ чакдим оҳ,  
Дуд-и оҳимдин ўлди нома сиёҳ.

Алиф қоматимни қилғали дол,  
Зулфини кўргузур манга дутоҳ,

Езуқум ушбуким саварман ани,  
Ушбудур бандага азим гуноҳ,

Ўзгага не вужуд анинг қошида,  
Гул қошинда кўрунмади чу гиёҳ.

Кўнглум кўз йўлини сақларким,  
Ёр қилди кўнгулга кўздин роҳ.

Ғамзаси ғорат-и жаҳон қиладур,  
То анга бўлди кўзи пушту паноҳ.

Жоним ўртанди ишқ ўтинда, вале  
Бўлмади ёр ҳолдин огоҳ.

Ҳофизо, бу бисот-и ишқ ичра  
Ўзгалардур пиёда, улдур шоҳ.

Зулфи сўзи дароз эрур, лекин  
Ушбу сўз бирла бўлди сўз кўтоҳ

Ким, эрур ишқ мақсаду мақсуд,  
Тоиди андин вужуд ҳар мавжуд.

Улки равшан юзи чу моҳ эрур,  
Гулдур ул, ўзгалар гнёҳ эрур.

Лола юзинга ўзин ўхшатди,  
Андин ўш эмди рўснёҳ эрур.

Гулни юзинга ўхшамас тесам,  
Ушбу сўзда не иштибоҳ эрур.

Жумла арбоб-и ҳусн аросинда  
Ер шоҳ, ўзгалар сипоҳ эрур.

Жоним ўртанди, оҳ, илгиндин,  
Ўтга ёқған мани бу оҳ эрур.

Бўлса дутоҳ қоматим, не ажаб  
Зулф-и дилдор чун дутоҳ эрур.

Кўнглум олгонни сўрсанг, эй Ҳофиз,  
Кўнглум олған ўшул нигоҳ эрур.

Даъво-йи ишқдин урурман дам,  
Чун бу даъвоға ҳақ гувоҳ эрур.

Эмди бу сўздин ўзга сўзласам,  
Ишқ шаъринда бас гуноҳ эрур

Ким, эрур ишқ мақсаду мақсуд,  
Тоити андин вужуд ҳар мавжуд.

Ул суманбарки, сарвинозимдур,  
Қомати сарв-и сарафрозимдур.

Кетмади бир нафас хаёли анинг,  
Чун маним ёру дилнавозимдур.

Ишқи кўнглум қушини сайд этди,  
Ким анинг ишқи шоҳбозимдур.

Бўлмадим ишқ элянда бечора,  
Чун инояти чорасозимдур.

Ишқ сўзини сўзламак доим,  
Сабаб-и сўзу ҳам гудозимдур.

Розим илгинда бўлдум асри зор,  
Зор тутқон мани бу розимдур.

Нозин қилған ани ноз билан,  
Яхши кўрсанг маним инёзимдур.

Ҳофизо, оқибат бўлур маҳмуд,  
Теса ул шоҳким аёзимдур.

Топғали юзидин сафо кўнглум,  
Ушбу сўз вирд-и қишу ёзимдур

Ким, эрур ишқ мақсаду мақсуд,  
Топди андин вужуд ҳар мавжуд.

То бало қут-и жон-и ошиқ эрур,  
Доғу дарди нишон-и ошиқ эрур.

Жигару дил қабоб айлағойим,  
Дарде чун меҳмон-и ошиқ эрур.

Ғам еса ошиқе ғариб эрмас,  
Чун ғам-и ишқ нон-и ошиқ эрур.

Эшигининг итини тиндурмас,  
Туила оҳу фиғон-и ошиқ эрур.

Боғ-и ҳусн ичраки бу сарвиравон,  
Кўрсаман рост-и жон-и ошиқ эрур.

Бўлган эшигида анинг сойил,  
Кўздин об-и равон-и ошиқ эрур.

Билгасиз ҳолни бу сўзлардин,  
Ишқ чун таржимон-и ошиқ эрур.

Жон-и жаҳонни издасаиқ Ҳофиз,  
Топғасанким жаҳон-и ошиқ эрур.

Ҳол аҳли қошинда ушбу сўз  
Ҳолий вирд-и забон-и ошиқ эрур

Ким, эрур ишқ мақсаду мақсуд,  
Топти андин вужуд ҳар мавжуд.

То юзи бўлди қибла-йи мақсуд,  
Юзи қошинда йўқдур ойға вужуд.

Хатмудур ёхуд оҳим ўтиндин,  
Ойинатак юзинда бағлади дуд.

Қадр кечаситак қошини кўруб,  
Барча меҳроб қилди эмди сужуд.

Зулфи савдоси олди кўнглумни,  
Ушбудур жонима зиён, манга суд.

Оҳ ўшул зулфи илгидин чақдим,  
Ким чакарман жафо-йи номаъдуд.

Ишқ ўтинга ёниб, фиғон айлар,  
Гуё хаста кўнглум эрур уд.

Сўзи бирла ўшанинг оғзи бикин,  
Иўқтурур ҳеч фарқ буду нобуд.

Ер юзини кўргасан, Ҳофиз,  
Ерий кўргузса толиғ-и масъуд.

Сўз жаҳон ичра бўлгали пайдо,  
Ушбу сўз бирладур кўнгул хушиуд

Ким, эрур ишқ мақсаду мақсуд,  
Тонти андин вужуд ҳар мавжуд.

Дилбареким анинг жамоли бор,  
Ноз қилмоқда бас камоли бор.

Алданибман юзининг олинга,  
Чун анинг турлу-турлу оли бор.

Юзитақ қайда туғсун ою қуёш,  
Чунки иуқсону ҳам заволи бор.

Оғзини бор тесамап, йўқ эрур,  
Лек борлиқнинг аҳтимоли бор.

Заррача оғзиким кўрунмади ҳеч,  
Жонда недин анинг хаёли бор.

Чакмадим эшигинда афғонким,  
Дард-и сардин баса малоли бор.

Суврат ичра фироқ тушти, вале  
Маънода жон била висоли бор.

Уз сўзин Ҳофиз айта билмас анга  
Кям, баса иззату жалоли бор.

Жумла-йи ҳол аҳлини кўрар эрсам,  
Ушбу сўз бирла ҳолий ҳоли бор

Ким, эрур ишқ мақсаду мақсуд,  
Тонди андин вужуд ҳар мавжуд.

Кўргузур бўлсанган жамол, эй дўст,  
Тошар ул дам қуёш завол, эй дўст.

Ҳол ўшул гул бикин юзунгда санинг  
Жаннат ичра эрур Билол, эй дўст.

Не сабабдин жавоб бермассан,  
Нечаким қилсаман савол, эй дўст.

Тўкмагил жавр бирла қонимни,  
Бўлмасун кўз кўра вубол, эй дўст.

Белингиз фикридин бўлубдурман,  
Турушум бирла ман хаёл, эй дўст.

Иўқ бўлибман муҳаббатингда, вале  
Бор санинг бирла жонда ҳол, эй дўст.

Ястаниб эшигингни жон берсам,  
Топғаман ул замон камол, эй дўст.

Ол юз кўргузуб бу Ҳофизга,  
Айлама дам-бадам юз ол, эй дўст.

Жон била ушбу сўзни айтадур  
Тўғий-и шакарий мақол, эй дўст

Ким, эрур ишқ мақсаду мақсуд,  
Топти андин вужуд ҳар мавжуд.

Матлаъ-и ҳусну ҳам жамол кўрунг,  
Юзида сунъ-и баркамол кўрунг.

Офтоб-и юзини қачон очса,  
Кўз очиб меҳр-и безавол кўрунг.

Кўргузур бўлса юзи бирла қошини,  
Тўлун ой қошида ҳилол кўрунг.

Юзида бор холининг ҳоли,  
Ҳолий андин кўнгулда ҳол кўрунг.

Мушк-и Чинни хато талаб қилманг,  
Чин ўшул юзда хату хол кўрунг.

Лола янглиғ юзи сифативда,  
Савсанда забонни лол кўрунг.


Кўра билмасангиз анинг қаддин,  
Бўстонларда сарву тол кўрунг,

Қил бикин белининг хаёли билан,  
Нозик ўш эмди қийлу қол кўрунг.

Ҳол-и Ҳофиз баса паришондур,  
Зулфияни ҳам бу сўзга дол кўрунг.

Сўз ичинда камол издасангиз,  
Ушбу сўз ичра сиз камол кўрунг

Ким, эрур ишқ мақсаду мақсуд,  
Топди андин вужуд ҳар мавжуд.







## 1

Ман андоғ шоҳдин сўз ўганибман  
 Ким, улдур илм ичинда баркамоле.  
 Хатое издар эрсанг сўзум ичра,  
 Қилиб ўз ўзунгга дафъ-и малоле,  
 Анингтак сўзки важҳи бўлмагай ҳеч,  
 Тополмоқнинг эрур айн-и муҳоле.  
 Қаламдин гар хатое тушмиш эрса,  
 Не бўлғай меҳр узра бир зарра холе.  
 Ва гар янглиш тақи кўрдум тер эрсанг,  
 Бўлур ойнинг юзинда ҳам хаёле.

## 2

Ришта-йн жонтак элимда бор маъно риштаси,  
 Ришта-йн нозуку лекин қоф янглиғ босабот.  
 Тесамким, Хизр-и вақт эрурман эмди айб эмас,  
 Чунки манда бордур сарчашма-йн об-и ҳаёт.  
 Турк жинсинда паямбар бўлмоқи бўлса раво,  
 Бўлғай эрдим ман паямбар, шеърларим мўъжизот.

## 3

Аё Ҳофиз, бу Туркистон бисотинда чу хок ўлғил,  
 Тиласанг туркийларни айласа шаҳмот сўзларинг.  
 Сўз отини миниб югуриб еланларнинг азоқинга,  
 Кўзунг ёшин равон қилғил қилурса от сўзларинг.  
 Сўзунгнинг жавҳаринга сан харидоре топар эрсанг,  
 Неча муфлис тақи бўлурса ўлтур, сот сўзларинг.  
 Нишон-и мусҳаф-и ҳусни агар издаю сўзласанг,  
 Бўлур ҳуснини кўрганларга чун оёт сўзларинг.  
 Бу туркийлар аросинда магар турк-и хитойндур  
 Ким, ул ёндин халойиқга кўрунур ёт сўзларинг.

## 4

Гарчи сўз кон-и маоний кўрунур оламда  
 Ким, анинг ичра эрур турлу жавҳар мактум,  
 Сўзламаслик санга яхши кўрунур сўзлардин,  
 Ҳар неча сўзлар эсанг сўзни чу дурр-и манзум.  
 Кўнглинг тошу ё оҳану пўлод эрур,  
 Сўзламасликнинг ўти бирла бўлур ул чув мўм.  
 Сўз манимдур тею сўзунгни халойиқга сотиб,  
 Зулм айлаб ўзунгга, қолмағил охир мазлум.  
 Ҳофизо, сўз эясиман тею ўгма ўзунгни,  
 Бўлмади оқибат-и кор сўз ила маълум.

Аҳл-и маъно ҳазратинда шоҳ эрмас ул киши  
 Ким, эрур банд-и тааллуқ бирла донм мубтало.  
 Орзу бандинда бўлган баидаедур номурод,  
 Ҳар ким озода юрур оламда, улдур подшо.  
 Кулба-йи озодалиқнинг остони тувроқин,  
 Гар кўзунг бор эрса қилғил жон кўзинга тўтнё.  
 Суврат-и фақру ғиноға йўқтур ҳеч эътибор,  
 Молсиз кўдур ғанию мол бирла ҳам гадо.  
 Икки най сувратда бири-бирини ўлшар, вале  
 Бириндин ҳосил бўлур шакар, бириндин бўрё.  
 Гар сафо издар эсанг ваҳдат йўлинда бос қадам,  
 То қадамнинг пешғаҳиндин санга келгай нидо.  
 Ким, керак бўлса сафо, бўлғил мужаррадким, бўлур  
 Об-и софий имтизож-и хок бирла бесафо.  
 Кўр тажарруд бирла Исо манзилин фавқа-л-фалак,  
 Бил тааллуқ бирла Қоруннинг ерин тахта-с-саро.  
 Боқмайин сувратға, Ҳофиз, маънога қилсанг назар,  
 Бенаволар подшодур, подшолар бенаво.

Издар эрсанг аҳл-и иззат, бўлсанг, эй ёр, азиз,  
 Сидқ бирла кўргузакўр барчаға меҳру вафо.  
 Дам-бадам бир хаста дилни зулм ила озор агар  
 Айласанг, топмағасан кўнглингда бир зарра сафо.  
 Ушбу сўзумга гувоҳ-и ҳақ тиласанг ҳолиё,  
 Оҳ ила ойнанинг ҳоли эрур равшан гуво.  
 Ким такаббур қилмасаву топса мискилик йўлин,  
 Аҳл-и маъно қонғида улдур ҳақиқат подшо.  
 Подшоҳ-и аср бўлсанг ҳам такаббур қилмағил,  
 Оқибат чун тупроқ ичра танг бўлур шоҳу гадо.

Фалак бозичасиға, эй хирадманд,  
 Бериб кўнглингни ҳайрон бўла қолма.  
 Эранларнинг йўлиға кирдинг эрса,  
 Ушанлар хизматиндин ҳеч қолма.  
 Қиёматға текин ўлтур тесалар,  
 Ижозатсиз муроднинг бирла қолма.  
 Тилар бўлсанг мурод-и дину дувё,  
 Бу кувнинг ишнини тонгдаға солма.

Ошиқ эрсанг ёрга, агёр жаврин торта кўр,  
 Чун топулмади бу олам ичра ёр агёрсиз.  
 Теша-йи сабру қаноат бирла бўлиб кунжков,  
 Ганжни топсанг тақи қайда бўлур ул морсиз.  
 Гулистоннинг ичра будбул юз туман зорий қилиб,  
 Издадю топмади умринда гулни хорсиз.

Издар эрсанг кору бор фақрмаскан бўлакўр,  
 Бор мискинларга чун ҳақ ҳазратинда корубор.  
 Айлагил доим тавозуъ яхши от издар эсанг,  
 Ким тавозуъ пеша қилганлар бўлубдур номдор.  
 Мард-и маъно ул эрур қилса тавозуъ борчага,  
 Чун сарафканда бўлур шохеки, бўлур мевадор.

Ямонлиқ айламаю яхшилиққа толиб бўл,  
 Ямонлиқ айлаган охирда шармсор бўлур.  
 Ёвуқ ёмон била бўлма қарор-и айш қилиб,  
 Соғинчи яхши кишилар йироқ қарор бўлур.  
 Кишиким ўзини йўқ соғиниб, бўлур яхши,  
 Худой ҳазратида ул кишига бор бўлур.  
 Садаф чу файз топар бўлса абр-и найсөндия,  
 Садафнинг ичра ўшул дурр-и шаҳвор бўлур.  
 Ўзунгни ошиқ-и орифга боғла, эй Ҳофиз,  
 Дарахт чунки топар васл, мевадор бўлур.

Таажжуб айламангиз издасам диёримни,  
 Ваган чу жон эрур, борча жонни издар.  
 Нечаки сувни олиб баҳрдин булут кўкка  
 Етурса, оқибат ул ўз маконини издар.  
 Баҳо гуҳар била жавҳар топар чиқиб кондин,  
 Вале ниёз била баҳру коняни издар.  
 Ғариб шоҳ-и замоннинг вазири ҳам бўлса,  
 Ҳамиша жон била ўз хонумонини издар.  
 Агарчи шоҳ-и замон илгидур нишиман-и боз,  
 Вале кўнгул била боз ошёнини издар.

<sup>1</sup> Баъзи қитъаларни тушириб қолдириш лозим топилди.

Не келур бўлса санга гардиш-и дуншарвардин,  
 Ҳақ ризосини тиласанг, анга бўлғил розий.  
 Шамъдин ўтранакўр завқу сафонинг сифатин  
 Қям, ёнар равшан агар кесса бошин микрози.  
 Жон амонат санга берган тиласа, хушлиқ ила  
 Бермасанг яхшимудур бўл бу сўз узра қозий,

Тарк қил орзу сўзин Ҳофиз,  
 Чун кўнгул ичра бу ҳавас хуш эмас.  
 Софий ойина кўргузур юзни,  
 Ойина узра хору хас хуш эмас.  
 Ер ила даст берса хилват-и хос,  
 Ул замонда ғам-и асас хуш эмас.  
 Нўш қилғил шароб-и ишқни соф,  
 Шаҳд-и соф узра чун мағас хуш эмас.  
 Ишқ бўлса кўнгулда тутма ҳавас,  
 Туттию зоғ ҳамқафас хуш эмас.

Гулистон-и жаҳоннинг ичра, эй дўст,  
 Неча бақсам гул-и бехор йўқдур.  
 Бақо издаб боқа кўрсам жаҳонда  
 Кишиким, бўлса доим бор, йўқдур.  
 Тамаъ тутма кишидин ёрий, Ҳофиз,  
 Чун ушбу олам ичра ёр йўқдур.

Дард-и жондин дам урма, эй Ҳофиз,  
 Чун жаҳон ичра йўқ турур ҳамдам.  
 Маҳраме издар эрсанг ўзунга,  
 Дард-и жонсўз эрур санга маҳрам.  
 Сўз-и жоннинг сўзиниким ёздим  
 Кўйдю ёнди коғаз ила қалам.  
 Ғам тақи неъмате эрур ҳақдин  
 Неъматин ею айла шукр-и ниам.  
 Ҳамдаме чунки йўқ бу оламда,  
 Издаю бўлмағил надим-и надам.

Дўстлиқ қилма ул киши билаким,  
 Бўлди душманга маҳрам-и асрор.  
 Дўстким, бўлди дўст душманга,  
 Меҳрибон бўлмоқи эрур душвор.  
 Қўзини қайда сақласун никим,  
 Бўлди ёзида бўри бирла ёр.

## 25

Ҳеч мадюн замонина кирма,  
 Кирсанг аввал ишинг надомат эрур.  
 Уртада халқдин надомат бор,  
 Охиру-л-амр худ фаромат эрур.  
 Халқнинг ишона қиём этмак,  
 Шиддату меҳнат-и қиёмат эрур.

## 26

Халқдин не жафо санга тегса,  
 Ориф эрсанг кўнгулни танг этма.  
 Оҳутақ бўлмоқ издасанг мушкин,  
 Кибр ила ўзунгни паланг этма.  
 Барча сулҳ этмагин тилар бўлсанг,  
 Халқдин хашм ею жанг этма.

## 27

Кечаси ушбу фоний дунё учун  
 Тутма ўзунгни бир замон ғамнок.  
 Пок тутғил кўнгулни дунёдин,  
 Ойина узра хуш эмас хошок.  
 Поклик ёнина бўлур мойил,  
 Асл-и жавҳарда ҳарки тушди пок.  
 Тутма афлокдин қарор-и умид,  
 Ҳеч тинмас чу гунбад-и афлок.  
 Қул бўлуб фақр йўлини кирсанг,  
 Чаккай ўзунга хожа-йи лав лок.  
 Суврат-и хокийдин кечиб бўлғил  
 Мулк-и маънода сарвару чолок.  
 Фарқ недур гадову шоҳ аро,  
 Асламиз хоку чун бўлурмиз хок.

Туғмаса туғганинг бикин кўргил,  
 Кўргузур бўлса ким санга ихлос.  
 Кўрма танг мухлису мунофиғни,  
 Қиймат-и зарни тошмади чун русос.  
 Ҳамнишинингда кўрдинг эрса нифоқ,  
 Тошакўр тарк-и суҳбат ила халос.

## 29


Тилар бўлсанг, эй ёр, покиза сийрат,  
 Ки бўлса санга мулк-и маънода равнақ,  
 Мақом-и фанода бўлуб, оқил ўлғил,  
 Бақо мунда издамаю бўлма аҳмақ.  
 Бу мим-и манийни кетарсанг ўзунгдин,  
 Кетар ботилу ул замонда қолур ҳақ.

## 30

Бағламангиз кўнгулни оламга,  
 Топмас анинг киши вафосини.  
 Тиламас ҳеч кимнинг озорин,  
 Ҳар ким издаса ҳақ ризосини.  
 Ким ямонлиқни айласа одат,  
 Тагри берур анинг жазосини.

## 31

Ком-и жонни тилама, эй оқил,  
 Чун бу оламнинг ичра йўқдур ком.  
 Ком агар бўлса эрди оламда,  
 Тошгай эрди тан ичра жон ором.  
 Бесаранжом кўрунур ишлар,  
 Чун кўрунмас жаҳон ишинда низом.  
 Оқибат чун жаҳонда қолмасмиз,  
 Яхши улдурки, яхши қолса ном.







## 1

Ул ким кўрунур кўзумга ширин пурвукот  
 Сўзидин... хижил бўлур қанду набот  
 Ширин лаб-и лаъликим тегар машрабага,  
 Ул машрабидин равон бўлур об-и ҳаёт.

## 2

Парвона бўлур юзунг кўруб шамъ-и фалак,  
 Ҳам банда-йн эҳсонинг эрур мулку малак.  
 Сўруб ўюнур эсам лаб-и лаълингни,  
 Тутсун мани, эй жон-и жаҳон, ҳаққ-и намак.

## 3

Раҳм айламас ул кўнгули пўлод бикин,  
 Жоду қаро ҳинду кўзи жаллод бикин,  
 Ширин лаб-и лаълини твлаган ошиқ,  
 Жонин, не ажаб, берурса Фарҳод бикин.

## 5

Ишқ ичра қачонки бенишон бўлғайман,  
 Қул ҳам бўлсам шоҳ-и замон бўлғайман.  
 Хок-и қадаминга бош қўйуб ер ўпсам,  
 Оламнинг ичинда комрон бўлғайман.

## 7

Дилсўхтаким, оҳ-и саҳаргоҳ қилур,  
 Ул оҳ била жонини ҳамроҳ қилур.  
 Оламда бу сўз била юрурман шодон  
 Ким, не қилур эрса, борин оллоҳ қилур.

## 8

Чун ишқи кўнгулнинг ичра бунёд айлар,  
 Ғам бирла хароб мулкин обод айлар.  
 Жон бирла анинг ғамига бўлсам банда,  
 Ул дамда мани ғаминдин озод айлар.

## 9

Нокас киши ҳеч маҳрам-и жон бўлмас,  
 Шўра ер уза боғу гулистон бўлмас,

1 Баъзи рубоийларни тушириб қолдириш лозим топилди.

Ким дard-и дилоромни савмаса жонтак,  
Ҳаргиз ўшанинг дардина дармон бўлмас.

10

Тоқим лаб-и лаъли шакарафшон бўлди,  
Олам сўзи бирла шакарстон бўлди.  
Гулзорға нечақим бўлур булбул зор.  
Ошиқ юзина ҳазор чандон бўлди.

11

Лутф ичра лабингга ўхшашур жон эрмас,  
Қадинг бики ҳам сарв хиромон эрмас.  
Ул сунбул-и сероб била юзунгтак,  
Гулзор аро ҳаргиз гулу райҳон эрмас.

رہو کہ شکا یقیناً تو شار قصہ بس واز

اغز شک حکایتند سوزم مختصر ابود

حانہ سننک قدرنگی کر خوارزم اصل سلامت

عزم عراقی الملائ روان آمنک شہزاد اہکاس

## МУНДАРИЖА

Ғазаллар . . . . .	5
Муҳаммас . . . . .	259
Мустазод . . . . .	263
Таркибанд . . . . .	267
Таржиъбанд . . . . .	271
Ҷигъа . . . . .	289
Рубоий . . . . .	297

На узбекском языке

**ХАФИЗ ХОРЕЗМИ**

**ДИВАН**

**в 2 книгах**

**КНИГА 2**

**ИЗДАТЕЛЬСТВО ЦК КП УЗБЕКИСТАНА  
ТАШКЕНТ — 1981**

Нашриёт муҳаррири Т. Абдуллаев  
Рассом В. Г. Ганюшнин  
Фронтисписдаги портретни рассом В. И. Рейхет ишлаган.  
Техредактор Г. Г. Ломиворотова  
Корректор А. Зокиров

Теришга берилди 22.12.80. Босишга рухсат этилди 28.09.81.  
Формати 84×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Қоғоз № 1. Гарнитура новая газетная. Юқори  
босма. Шартли босма листи 15,96 + 7 вкл. Нашриёт ҳисоб листи 13,17.  
Тиражи 60000. Заказ № 28. Баҳоси 1 с. 30 т.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ ордени босмаҳонаси, Тошкент, «Правда Востока»  
кўчаси, 26-уй.